

**УЗБЕКИСТОН ССР
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**

**А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ**

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Тўрт томлик



УЛУФ ОКТЯБРЬ
СОЦИАЛИСТИК
РЕВОЛЮЦИЯСИГАЧА



ЎзССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1960

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

«ЎЗБЕК» ТЎРТИНЧИ ТОМ «ЎЗБЕК»



ИККИНЧИ КИТОБ



ЎЗССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1960

Ўзбекистон ССР
Фанлар Академиясининг корреспондент аъзоси,
философия фанлари доктори
ВОҲИД ЗОҲИДОВ
таҳрири остида

Редакторлар:
ПОРСО ШАМСИЕВ, РАҲМАТ МАЖИДИЙ



ФУЗУЛИЙ





Улуғ озарбайжон шоири Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий 1498 йили Қарбало шаҳрида туғилган ва 1556 йилда вафот этган. Унинг ота-оналари асли озарбайжонлик бўлиб, феодал тўс-тўполонлар вақтида Бағдодга кўчиб кетган эдилар. Фузулий ўз даврининг энг маълумотли илғор кишиларидан бўлган ва фақат адабиёт билан эмас, балки астрономия, математика, медицина ва бошқа фанлар билан ҳам яхши таниш бўлган, грек, араб фалсафаларини чуқур билган. У ўз она тили озарбайжончадан ташқари форс ва араб тилларини мукамал эгаллаган, уч тилда ижод қилиб, учта девон яратган. Унинг поэтик ижоди Низомий Ганжавий, Хоқоний, Насимий, ҳамда Алишер Навоий қабиларнинг бой адабий мерослари асосида ривожланган.

Фузулий ўзининг озарбайжон тилидаги лирик шеърлари ҳамда «Лайли ва Мажнун» достони билан Урта Осиёда, хусусан ўзбек халқи орасида кўпдан берли кенг шуҳрат топган ва ўзбек адабиёти тараққиётига ўзининг баракали таъсирини кўрсатган. Хусусан XIX асрда Фузулийга эргашмаган, ундан ўрганмаган ўзбек шоири деярли йўқ. Фузулийнинг гуманизм ғоялари билан суғорилган ҳароратли шеърлари ўзбек халқ қўшиқлари орасида катта ўрин эгаллаган. Фузулий совет даврида ҳам ўзбек халқининг энг сеvimли шоирларидан бўлиб қолмоқда. Қардош озарбайжон халқининг улуғ фарзанди Фузулийнинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни

ниҳоят даражада катта бўлганлиги учун, Ўзбекистонда ҳатто ўзбек шоирига айланиб кетганлиги учун биз бу ўринда Фузулий асарларидан бир қанча намуналар берамиз.

Фузулий девони ва «Лайли ва Мажнун» достонининг Ўзбекистонда кўчирилган қўлёзма нусхалари кўпчилик шаҳар ва қишлоқларда кенг тарқалган.





ҒАЗАЛЛАР

Ж

ом ичра майки доира солмиш ҳубоб анга
Ойнадирки, акс солур офтоб анга.

Зоҳид савол эдарсаки: «Майдин надир мурод?»
«Бизда сафодир, анда кудурат» — жавоб анга.

Қон ёш дўкуб ёнинда гезар оташин кабоб,
Маъшуқа бенгзар оташу ошиқ кабоб анга.

Айлар кўнгилда ашк хатинг шовқини фузун,
Уддин чиқар бухор — сочилдиқча об анга.

Чашминг маризи ўлди кўнгил, лаълингга етур,
Ранжи хумора душди — даводир шароб анга.

Таклифи жаннат айлама кўйингда кўнглима,
Чун жаннат аҳлидир, на верарсан азоб анга.

Масдуддир Фузулия майхоналар йўли,
Ёраб, ҳидоят айла тариқи савоб анга.

* * *

Ишқ атворин мусаллам айлади гардун банга,
Бунчаки елди-югурди, етмади Мажнун банга.

Қилди бандан рафъ таклифи намози мастлик,
Солди алҳақ нашъаи жоми майи гулгун банга.

Боғбон, гар майл қилман сарвинга, маъзур дут,
Сарвдан йикрак келур ул қомати мавзун банга.

Дўстлар қон ёш дўкуб қилди бани расвойи халқ,
Ваҳки душман чихди охир дийдаи пур хун банга.

Ўлмазам ҳар қандаким ўлсам гирифдор ўлмадан,
Бир балодир кўз, бир офатдир дили маҳзун банга.

Эй Фузулий, новаки оҳимла олдим интиқом,
Дўна-дўна гарчи бедод этди чархи дун банга.

* * *

Ғамзасин севдинг, кўнгил, жонинг керакмазми санга,
Тиға урдинг жисми урёнинг керакмазми санга.

Оташин оҳимла айларсан банга таклифи боғ
Боғбоң, гулбарги хандонинг керакмазми санга.

Ела верма доғидуб ҳардам оёқлардан кетур,
Эй пари, зулфи паришонинг керакмазми санга.

Эй камон абру, рақибаверма ғамзангдан насиб,
Уқ одарсан доша пайконинг керакмазми санга.

Ёндуруб жоним жаҳонсўз этма барқи оҳими,
Осмон, хуршеди тобонинг керакмазми санга.

Куфри зўлфиндан бани манъ айламак лойиқ дагил,
Сўфи, инсоф айла, имонинг керакмазми санга.

Дуталимким ашк селобина йўқдир эътибор
Эй Фузулий, чашми гирёнинг керакмазми санга.

* * *

Гарчи, эй дил, ёр ичун юз верди юз меҳнат санга,
Заррача қатъи муҳаббат этмадинг, раҳмат санга,

Сақлама нақди ғами ишқини, эй жон, зоҳир эт,
Ким вера ҳабси бадандан чиқмоғи руҳсат санга.

Чораи беҳбудими сўрдим муълиждан, деди:
«Дард дарди ишқ эса, мумкин дугил сиҳҳат санга».

Дутарам донгла қиёматда, ҳабибим, доманинг,
Мастсан ғафлат шаробиндан бужун муҳлат санга.

Аҳли ишқи оташи ҳижрона айларсан қабоб,
Дўна-дўна имтиҳон этдим, будир одат санга.

Инжидар нолам сани нўла агар бир тиф ила,
Чашми жаллодинг эда эҳсон банга, миннат санга.

Санда дун кўрдим, Фузулий, майли меҳроби намоз,
Тарки ишқ этмакми истарсан, надир ният санга.

* * *

Субҳ чекмиш чарха чолмиш доша тиғин офтоб,
Зоҳир этмиш ул маҳи даллока айни интисоб.

Дам-бадам таҳрики тиғиндан бўлур бошлар сафо,
Уйлаким сув мавж уруб зоҳир қилур ҳар дам
ҳубоб.

Ҳар сари мўйимда бир бош ўлса мўйи сар каби,
Кесса ворин тиғи хунрезиндан этман ижтиноб.

Кашфи асрори малоҳат жавҳари тиғиндадир,
Қим олур бошлардаги савдо жамолиндан ниқоб.

Ғуссасиндан бошиминг қил кеми инжилмиш таним,
Қим танимла тиғи ўртасинда бошимдир ҳижоб.

Тиғи чобук сайрина оҳуйи чин дерсам нўла,
Сайр қилдиқча дўгар саҳройи чина мушкиноб.

Мўйи жўлидамла тиғиндан умидим кесмазам,
Эй Фузулий, холи ўлмаз барқи ломийдан саҳоб.

* * *

Қилса васлинг шомими субҳа баробар йўқ ажаб,
Расмдир фасли баҳор ўлмоқ барабар рўзу шаб.

Кунки соянг душдиги ердан турар бир важҳи вор,
Келса олий қадрлар фақр аҳли дурмоқдир адаб.

Ўлмадан майхонаи ишқингда масти жоми завқ,
Дузмади базми фалакда Зухра қонуну тараб.

Жаннати васлингдир ул мақсадки имон ўлмаса,
Қилса ҳақ рўзи жаҳаннам оташи ўлдур сабаб.

Ғолибо мақсад висолингдирки дун-кун дурмаюб,
Чарх саргардон гезар, билмаз надир ранжу тааб.

Бастаи занжири зулфингдир насими тар мизож,
Ташнаи жоми висолингдир муҳити хушк лаб.

Қилма файзи неъматидир васлинг Фузулийдан дариг,
Йўқдир ўзга матлаби сандан сани айлар талаб.

* * *

Улки ҳар соат куларди чашми гирёним кўруб
Оғлар ўлди ҳолима бераҳм жононим кўруб.

Айлаян таъйин ажзойи. мудово дардима,
Тарк эдуб жамъ этмади ҳоли паришоним кўруб.

Лола рухлар кўксиминг чокина қилмазлар назар,
Ҳеч бир раҳм айламазлар доғи ҳижроним кўруб.

Дут кўзин, эй дуди дил, чархингки даврин тарк
Қолмасун ҳайратда чашми гавҳар афшоним кўруб.^{эдуб,}

Партави хуршед сонманг ердаким даври фалак,
Ера урмиш офтобин моҳи тобоним кўруб.

Сувда акси сарв сонмангким, қўпоруб боғбон
Сма солмиш сарвни сарви хиромоним кўруб.

Эй Фузулий, балки ул гул орази кўрмиш дагил,
Улки айб айлар баним чоки гирибоним кўруб.

* * *

Эй асири доми ғам, бир гўшаи майхона дут,
Дутма зуҳҳодинг муҳолиф пандини, паймона дут.

Дишладимса лаълинг, эй қоним дўган, қаҳр айлама,
Дутки қон этдим адолат ила қони қона дут.

Чуркануркан бошинга шамъи рухингдан кўнглими
Манъ қилма они ҳам ул шамъа бир парвона дут.

Ғар санга афғоними беҳуда дерса муддаи,
Ул сўза дутма қулоқ, бан чекдигим афғона дут.

Дутмазам занжири зулфи таркин, эй носих бани,
Хоҳ бир оқил хаёл эт, хоҳ бир девона дут.

Эй Фузулий, даҳр золининг фирибиндан соқин,
Ўлма ғофил, эр каби дебран, ўзинг мардона дут.

* * *

Сабо, ағёрдан пинхон ғамим дилдора изҳор эт,
Хабарсиз ёрими ҳоли харобимдан хабардор эт.

Қетур ёдим анинг ёнинда гар кўрсангки қаҳр айлар,
Хамуш ўлма яна дашном тақриб ила такрор эт.

Кўнгил, ғам кунларин танҳо кечурма, иста бир
ҳамдам,
Ажал хобиндан афгонлар чекуб Мажнуни бедор эт.

Чу йўқ ишқ оташи бир шуъла чекса тоқатинг, эй най,
Бош оғритма, дами ишқ урма онжақ нолаи зор эт.

Бани парвонатак рашк ўдина, эй шамъ, ёндурма,
Етар хуршеди рухсоринг чароғи базми ағёр эт.

Гирифтори ғами ишқ ўлали овораи даҳрам,
Ғами ишқа бани бундан батар, ёраб, гирифтор эт.

Фузулий, боҳмақ ўлмаз ул гунаш ёдила хуршеда,
На важҳила ким ўлса кун кечар фикри шаби тор эт.

* * *

Мунҳарифдир, соқиё, андуҳи даврондан мизоҷ,
Бода дутким, иллоти андуҳа соғардир илож.

Фақр мулкин дут гар истиғнода истарсан камол,
Салтанатдан кечким ул водида чўхдир эҳтиёж.

Чекма тахту тож қайдин, бесаруполиқ кузат,
Қим аёға банддир тахту, балодир боша тож.

Бир пари зулфин дутуб холиндан олсанг коми дил,
Дутки Чин мулкани дутдунг, Ҳинддан олдинг
ҳирож.

Тарки тажрид ихтиёр этким диёри ишқда
Фақр бозорина асбоби фаноандир ривож.

Нақши зоилдир умури даҳра қилма эътибор,
Улса ҳосил фақрдан ҳусну ғинодан ибтиҳож.

Эй Фузулий, бан маломат мулканинг султониям,
Барқи оҳим тожи зар, сими сирешким тахти тож.

* * *

Кўнглим очилур зулфи паришониги кўргач,
Нутқум дутулур ғунчаи хандониги кўргач.

Бохдиқча санга қон сочилур дийдаларимдан,
Бағрим дилинур новаки мижгониги кўргач.

Раънолиқ ила қомати шамшоди қилан ёд,
Ўлмазми хижил сарви хиромониги кўргач.

Чўқ ишта ҳавас эдани кўрдимки ҳавосин
Тарк этди сани ошиқи нолониги кўргач.

Қофирки дугил муътарифи нори жаҳаннам,
Имона келур оташи ҳижрониги кўргач.

Нозуқлик ила ғунчаи хандони эдан ёд,
Этмазми ҳаё лаъли дурафшониги кўргач.

Саң ҳоли дилинг сўйламасанг нўла, Фузулий,
Эл фаҳм қилур чоки гирибониги кўргач.

* * *

Жон чиқар тандан кўнгил зикри лаби ёр айлагач,
Тан бўлур жон янгладан ул лафзи тақрор айлагач.

Қилма эй афғон кўзин бедор, масти хоб экан,
Ўлмая бир фитна пайдо, ўла бедор айлагач.

Суҳбатимдан ор эдуб, эй гул, бани тарк этмаким,
Гул ўлур афсурда, тарки суҳбати хор айлагач.

Ворими фикри даҳонингла йўх этдим ким, қазо
Бўйла амр этмиш банга, йўхдан бани вор айлагач.

Арзи рухсор эт букун, эй, маҳкум ўлсун кўкда кун
Ўйлакум анжум ўлур, кун арзи рухсор айлагач.

Ҳар забон бир тигдир гўё Зулайхо қатлина,
Юсуфи олмоқда аҳли ишқ бозор айлагач.

Нолаи зорим, Фузулий, хуш келур ул гулруха,
Очилур гул кўнгли, булбул нолаи зор айлагач.

* * *

Кимсада рухсоринга тоқати наззора йўх,
Ошиқи ўлдирди шавқ бир назара чора йўх.

Бағри бутунлар банга таъна эдарлар мудом,
Ҳолими шарҳ этмага бир жигари пора йўх.

Йиғди баним бошима даҳр ғамин найласун,
Бодияи ишқда бан каби овора йўх.

Даҳрда ҳамто санга вор парирух десам,
Вор гўзал чўх, вале сан каби хунхора йўх.

Қўзда гезуб чурканур қатраи ашким мудом,
Қатраи ашким каби чархда сайёра йўх.

Чок кўруб кўксими қилма иложин, табиб,
Зойиъ ўлур марҳаминг банда битар ёра йўх.

Зорлиғим ишқдан вор, Фузулий, вале
Ул маҳи бад меҳрдан раҳм бани зора йўх.

* * *

Ранги рўйингдан дам урмиш соғару саҳбоя бох,
Офтоб ила қилур даъви дутулмиш оя бох.

Эй саломат аҳли ул рухсора бохма зинҳор,
Эҳтироз айла маломатдан бани расвоя бох.

Билди ишқинда намадпўш ўлдиғим ойинаваш,
Раҳм эдуб ҳаргиз банга боқмаз бу истиғноя бох.

Шамъ бошиндан чихармиш дуди шавқи кокилинг,
Бўйла кўтаҳ умр ила бошиндағи савдоя бох.

Синами чок айла, кўр дил изтиробин ишқдан,
Равзан оч, ҳардам ҳаводағи мавж уран дарёя бох.

Эй кўзим, бу шом иқболинг на юздан тийрадир.
Соя солмиш оя кун гисўйи анбарсоя бох.

Эй Фузулий, ҳар неча манъ айласа носих сани,
Бохма онинг қавлина, бир чеҳраи зебоя бох.

* * *

Ноладиндир най каби овозаи ишқим баланд,
Нола таркин қилмазам найтак кесилсам банд-банд.

Қил мадад, эй бахт, йўхса коми дил мумкин дугил,
Бўйлаким ул дилрабо бедарддир, бан дардманд.

Доғлардир ўдлу кўксимдан қароси қўпмамиш,
Ё саботи ишқ учун уд узра бир неча сипанд.

Очилур кўнглим гаҳиким гиряи талхим кўруб,
Очар ул гулрух табассум бирла лаъли нўшханд.

Хокироҳингдан бани қолдира билмаз соятак,
Қилса гардун офтобинг ҳар шуоин бир каманд.

Жом дут дер соқийи гулчеҳра, зоҳид тарки май,
Эй кўнгил, фикр айла кўрким, хонси бирдир судманд.

Эй Фузулий, сурати фақринг қабули дўстдир,
Ҳеч дарвеше санингтеқ кўрмадим султон писанд.

* * *

Кўз хатингдан мардумин маҳв этмадан бўлмаз
мурод,
Зойиъ айлар ҳуснини хаттинг савод узра савод.

Ўла билмаз чини зулфингдан жудо кўз мардуми,
Жори ўлмишдир бу одат килксиз ўлмаз мидод.

Кўнглинг оҳимдан тараҳҳум суратин гўстарди, лек
Мавждан сув нақшина чўх этмак ўлмаз эътимод.

Ашку оҳим нафрати қатъ этди элдан улфатим,
Чўркана чеврамда ё гирдобдир ё гирдобод.

Кечди тандан ўхларинг, танҳо қолуб дил дам-бадам,
Нолалар айлар кечан ҳамдамларин этдикча ёд.

Чок синамдин кўнгил чихдихча шод ўлсам нўла,
Бўйла офатдан яқосин қуртаран ўлмазми шод.

Шеван шамшод қаддинг кўрса айлар боғбон,
Эътидоли сарвдан албатта салби эътиқод.

Кўйма ноқис аҳли дард ичра Фузулийни, табиб,
Айла бир дармонки дардин эда кун-кундан зиёд.

* * *

Шуълан шамъи рухинг ағёра базм афруз ўлур,
Оҳким, етгач банга бир барқи оламсўз ўлур.

Ғайра чашмингдан бўлур ҳардам нигоҳи марҳамат,
Бан на қилдимким насибим новаки дилдўз ўлур.

Ҳар кун очар кўнглими завқи висолинг янгладан,
Гарчи гуллар очмаға ҳар илда бир наврўз ўлур.

Ҳола так чихмаз эвиндан моҳталъатлар мудом,
Ҳар киминг даври қамарда толии фируз ўлур.

Соиндиг завқ ила тарк этмиш Фузулий олами,
Майли саҳро айламаз ҳар қушки даст омуз ўлур.

* * *

Паришон халқи олам оҳу афғон этдигимдандир,
Паришон ўлдиғим халқи паришон этдигимдандир.

Дили зоримда дарди ишқ кун-кундан фузун ўлмак,
Тани бедарда тадбир ила дармон этдигимдандир.

Кўзимким, бағриминг қонин дўкар паргола-паргола,
Дамодам орзўйи лаъли жонон этдигимдандир.

Дугил беҳуда гар ёғса фалакдан бошима дошлар,
Биносни тешаи оҳимла вайрон этдигимдандир.

Қачон расво ўлурдим қон юдуб сабр эда билсайдим,
Маломат чекдигим беҳуда афғон этдигимдандир.

Хатосиндан дугил жисмим ўхингдан бенасиб ўлмоқ
Хубоби ашки гулгун ичра пинҳон этдигимдандир.

Фузулий, ихтилоту мардуми оламдан икроҳим,
Паривашлар хаёлин муниси жон этдигимдандир.

* * *

Оҳ айладигим сарви хиромонинг ичундир,
Қон оғладигим гунчай хандонинг ичундир.

Саргашталигим қовили мушкининг алиндан,
Ошуфталигим зулфи паришонинг ичундир.

Бемор таним наргиси мастонинг олинда,
Хунин жигарим лаъли дур афшонинг ичундир.

Ёхдим таними васл куни шамътак, аммо
Билгилки тадорук шаби ҳижронинг ичундир.

Қуртормаға яғмойи ғамингдан дилу жони
Саъйи назарим наргиси фаттонинг ичундир.

Жон верди кўнгил ғамзаяким бунча замонлар,
Жон ичра сани басладигим онинг ичундир.

Воиз биза дун дўзахи васф этди, Фузулий,
Ул васф санинг кулбаи аҳзонинг ичундир.

* * *

Лаҳза-лаҳза лабинг онгуб эдажак афгонлар,
Қатра-қатра сочилур дидаларимдан қонлар.

Қатра-қатра дема қондирки чихар чашмимдан
Дам-бадам кўнглим ўдила эриян пайконлар.

Қошларинг ёйна майл айлаяли жону кўнгул,
Дуну кун бан биларамким на чекарлар онлар.

Очма кокил гириҳин, бошинг ичун кўрма раво,
Ки паришон ўлалар бир неча саргардонлар.

Ел дегар зулфинга ё қўймаюб ўз ҳоли ила
Гездирарлар ани элдин-эла ҳардам жонлар.

Айла ушшоқа жафоларки, вафолар кўрасан,
Сонмаким, зойиъ ўлур айладигинг эҳсонлар.

Сўрма зуҳҳода, Фузулий, раҳи расмин ишқинг,
На билурлар равиши аҳли хирад нодонлар.

* * *

Ошѐни мурғи дил зулфи паришонингдадир,
Хонда ўлсам, эй пари, кўнглим санинг ёнингдадир.

Ишқ дардила хушам, ал чек иложимдан табиб,
Қилма дармонким, ҳалоким заҳри дармонингдадир.

Кўзларим ёшин кўруб шўр этма нафратким, бу ҳам
Ул намакдандирки, лаъли шакар афшонингдадир.

Чекма доман ноз эдуб, афтодалардан ваҳм қил,
Кўклара очилмасун алларки, домонингдадир.

Масти хоби ноз ўлуб жамъ эт дили сад порами,
Ким анинг ҳар пораси бир нуғи мижгонингдадир.

Баски ҳижронингдадир хосияти қатъи ҳаёт,
Ул ҳаёт аҳлина ҳайронамки ҳижронингдадир.

Эй Фузулий, шамътак мутлақ очилмас ёнмадан,
Тобларким сунбулиндан риштаи жонингдадир.

* * *

Ул паривашким малоҳат мулкининг султонидир,
Хукм анинг ҳукмидурур, фармон анинг фармонидир.

Сурди Мажнун навбатин, шемди банам расвойи ишқ,
Дўғри дерлар ҳар замон бир ошиқинг давронидир.

Лаҳза-лаҳза кўнглим ўдиндан шарарлардир чихан,
Қатра-қатра кўз дўкан сонманг сиришким қонидир.

Чоклар кўксимда тиғи ишқдан айб этмангиз,
Ким жунун гулзорининг бунлар гули хандонидир.

Эй Фузулий, раҳм эда, шоядқи ёр афғонинга,
Оғлагил зор ончаким зор оғламак имконидир.

* * *

Ҳар китобаким лаби лаълинг ҳадисин ёзалар,
Риштаи жон бирла ишқ аҳли ани шерозалар.

Бу на сирдир сирри ишқинг демадан бир кимсая,
Шаҳра душмиш бан сани севдим, деяи овозалар.

Шайхлар майхонадан юз дўндиранлар масжида,
Бетариқатларни кўрким, дўғри йўлдан озалар.

Чоклар кўксимда сонмаким очибдир тиғи ишқ,
Кўнглиминг шаҳрина меҳринг кирмага дарвозалар.

Эй Фузулий, ёр агар жавр этса андан инжима,
Ёр таври ошиқа ҳардам муҳаббат тозалар.

* * *

Шифойи васл қадри ҳажрила бемор ўландан сўр,
Зилоли завқ шавқин ташнаи дидор ўландан сўр.

Лабинг сиррин келуб гуфтора бандан ўзгадан сўрма,
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Кўзи ёшлуларинг ҳоли на билсун мардуми ғофил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.

Хабарсиз ўлма фаттон кўзларинг жаврин чеканлардан,
Хабарсиз мастлар бедодини ҳушёр ўландан сўр.

Ғамингдан шамътак ёндим сабодан сўрма аҳволим,
Бу аҳволи шаби ҳижрон банимла ёр ўландан сўр.

Хароби жоми ишқам наргиси мастинг билур ҳолим,
Харобот аҳлининг аҳволини хуммор ўландан сўр.

Муҳаббат лаззатиндан беҳабардир зоҳиди ғофил,
Фузулий, ишқ завқин завқ ишқи вор ўландан сўр.

* * *

Азал котиблари ушшоқ бахтин қора ёзмишлар.
Бу мазмунила хат, ул сафҳаи рухсора ёзмишлар.

Хавоси хоки пойинг шарҳини таҳқиқ эдуб мардум,
Губор ила баёзи дидаи хунбора ёзмишлар.

Гулистони сари кўйинг сифотин боб-боб, эй гул,
Хати райҳонила жадвал чекуб гулзора ёзмишлар.

Қируб майхоная қилсанг такаллум, жон бўлур шаксиз
Мусаввирлар на суратким, дару девора ёзмишлар.

Ики сатр айлаюб ул икки майгун лаъллар васфин
Ўранлар ҳар бирин бир чашми гавҳар бора ёзмишлар.

Муҳаррирлар ёзонда ҳар кима оламда бир рўзи,
Банга ҳар кун дили садпорадан бир пора ёзмишлар.

Ёзонда Вомиқу, Фарҳоду, Мажнун васфин аҳли дард,
Фузулий одини кўрдим: сари тумора ёзмишлар.

* * *

Хам қад ила оғларам ул турраи таррорсиз,
Гарчи дерлар чангдан чихмаз тараннум торсиз.

Синаи чокимдан иксик этма тири ғамзанги,
Эй гули раъно, билурсанким, гул ўлмаз хорсиз.

Сохламаздим новакинг кўзда балосин чекмасам,
Басламаздим сув веруб ул нахли ўлса борсиз.

Йўл озарсан зулмати ҳайратда, эй дил, воқиф ўл,
Зинҳор ул кўя ворма, оҳи оташборсиз.

Гиряи зорила хуш ҳоламки баҳри ишқда,
Ашксиз кўз бир садафдир луълуи шаҳворсиз.

Жона озори хадангинг хуш келур, эй қоши ё,
Бир сипориш қилки, биздин ўтмасун озорсиз.

Зухддан кечмаз, Фузулий, айламаз тарки риё,
Панд чўх вердим эшитмаз орсиздир, орсиз.

* * *

Рози ишқинг сахларам элдан ниҳон, эй сарви ноз,
Кетса бошим шамътақ мумкин дугил ифшойи роз.

Хўблар меҳроби абрусина майл этмаз фақиҳ,
Ўлса кофирдир, мусулмонлар, анга қилманг намоз.

Кимса ул бадхўя изҳор эда билмаз дардими,
Эй суруди нола, тангричун сан ўлғил чорасоз.

Қолибим кўрмиш тиҳи дўкмак дилар бир тоза руҳ,
Барқи оҳимким келан пайконинга вермиш гудоз.

Бан худ ўлдим, эй туробимдан ўлан соғар мудом,
Риндлар базмин кезуб бир-бир етур бандан ниёз.

Хўб суратлардан, эй носих, бани манъ этмаким,
Партави анвори хуршеди ҳақиқатдир мажоз.

Эй Фузулий, қолмишам ҳайратда билмон найлайим,
Давр золим, бахт нофаржом, талаб чўх, умр оз.

* * *

Фигонким бағриминг ул лоларух қон ўлдиғин билмаз,
Жигар парголасиндан доғ пинҳон ўлдиғин билмаз.

Ҳабибим кўнглими жамъ айламаз рухсори давринда,
Магар зулфи каби ҳолим паришон ўлдиғин билмаз.

Қилур тақсир эдуб бир лутф ҳардам кўнглим олмоқда,
Вафо расмин сонур душвор — осон ўлдиғин билмаз.

Гўзаллар давлати васлин топиб мағрур ўлан ошиқ,
Нишоти васлда андуҳи ҳижрон ўлдиғин билмаз.

Дили сад порадан бедод кесмаз ғамзан мастин,
На ғофил подшаҳдир мулк вайрон ўлдиғин билмаз.

Сонур зоҳид ўзин ҳоли хаёлингдан, ғалатдур бу,
Бу ҳайрон ўлдиғиндандирки, ҳайрон ўлдиғин билмаз.

Фузулий хастая душман сўзила дўст таън айлар,
Сиҳи сода муориз қавли бўҳтон ўлдиғин билмаз.

* * *

Ташнаи жоми висолинг оби ҳайвон истамаз,
Мойили мӯри хатинг мулки Сулаймон истамаз.

Зулмати зулфинг гирифтори дам урмаз нурдан,
Толиби шамъи рухинг хуршеди рахшон истамаз.

Айламаз майли баҳишт афтодаи хоки даринг,
Сокини кунжи гаминг сайри гулистон истамаз.

Жаврдан оҳ этма, эй ошиқки, айна лутфдир,
Дӯст асбоби камоли ҳусна нуқсон истамаз.

Ошиқ эсанг ринду расволиқдин икроҳ этмаким,
Ишқ сиррин иқтизойи даҳр пинҳон истамаз.

Эй Фузулий, муттасил даврон муҳолифдир санга,
Ғолибо арбоби истеъдоди даврон истамаз.

* * *

Халқа оғзинг сиррини ҳардам қилур изҳор сўз,
Бу на сирдирким ўлур ҳар лаҳза йўхдан вор сўз.

Ортуран сўз қадрини сидқила қадрин ортурур,
Ким на миқдор ўлса аҳли айлар ул миқдор сўз.

Вер сўза эҳёки дутдиқча сани хоби ажал
Эда ҳар соат сани ул уйхудан бедор сўз.

Бир нигори анбарин хатдир кўнгиллар очмоғи,
Гўстарар ҳардам ниқоби ғайбдан рухсор сўз.

Хозини ганжинаи асрордир ҳардам чекар,
Риштаи изҳора бинг-бинг гавҳари асрор сўз.

Ўлмаён ғаввоси баҳри маърифат ориф дугил,
Ким садаф таркиби тандир гавҳари шаҳвор сўз.

Гар чўх истарсан, Фузулий, иззатинг — оз эт сўзи,
Ким чўх ўлмақдан қилибдир чўх азизи хор сўз.

* * *

Баним ашким мукаддар хотиримдан дафъи ғам
қилмаз,
Бу равшандирки, нам ойнадан зангор кам қилмаз.

Хами абруйи мушкинги кўрарса зоҳиди худбин,
Дахи қомат сужуди тўшай меҳроба ҳам қилмаз.

Санга, эй шўхи сангин дил, демам бут, нечаким бут
ҳам
Агарчи сангдилдир, бўйла бедоду ситам қилмаз.

Жафоу жавр ила қон ўлди бағрим, ёраб, ул бадхў,
Нечун тарк айламаз жавру жафосин, бир карам
қилмаз.

Муродим гирядан касби ғубори раҳгузорингдир,
Кўзум ёши дамодам чеҳрами беҳуда нам қилмаз.

Хатинг давринда ашки олила дарду ғамим шарҳин.
Дам ўтмазким, рухи зард узра мижгоним рақам
қилмаз.

Фузулий бенаво то равзаи кўйингда сокиндир,
Таманной биҳишту майли гулзори эрам қилмаз.

* * *

Эй кўнгил, ул ханжари мижгона айларсан ҳавас,
Қасди жон этдинг бақойи умрдан пайванд кас.

Чекма ғурбат азмина, эй сорбон, маҳмил соқин,
Қим бу йўлда бийми ғурбатдандир афғони жарас.

Ҳоли зоримдан сани фарёдим огоҳ айлади,
Шукр лиллаҳ, ўлди фарёдим банга фарёдрас.

Бир-бирига сончилуб ҳар ён танимда ўхларинг,
Мурғи руҳим қайдина ўлмиш мураттаб бир қафас.

Таънаи аҳли маломатдан на нуқсон ошиқа,
Барқи ломий дафъин айларми ҳужуми хору хас.

Сўзи ишқинг танда ногаҳ бўлмасун нуқсон дею,
Жон чиханча истарам чихмая тандан бир нафас.

Эй Фузулий, бан қаноат мулкининг султониям,
Салтанат асбоби эгнимда либоси фақру бас.

* * *

Эй хуш ул мастки, билмаз ғами олам на эмиш,
На чекар олам ичун ғам, на билур ғам на эмиш.

Бир пари силсилаи зулфина душдум ногаҳ,
Шемди билдим сабаби хилқати одам на эмиш.

Воиз авсофи жаҳаннам қилур, эй аҳли вараъ,
Вор анинг мажлисина, кўрки, жаҳаннам на эмиш.

Уқи синамдан ўтуб қолмиш эди пайкони,
Оҳ билдим сабаби оҳи дамодам на эмиш.

Эй Фузулий, мазаи соқию саҳбо билдинг,
Тавба қил то биласан зарқу риё ҳам на эмиш.

* * *

Хубоби ашки хунин жисмими элдан ниҳон этмиш,
Ғами ишқинг бани расвойи беному нишон этмиш.

Кўтурмиш хокдан тугёни ашким хору хошоки,
Бошим узра маломат қушларичун ошён этмиш.

Букуб меҳнат юкиндан қаддими, чихмиш танимдан
жон,
Тавофи кўйинг этмак қасдина таййи макон этмиш.

Санингла даъвийи ҳусн этдикичун мулки ҳусн ичра,
Фалак таъзир эдуб Лайлини расвойи жаҳон этмиш.

Магар таркиби Исо гарди хоки дарғаҳингдандир,
Ки дурмиш хокдан қадр ила азми осмон этмиш.

Гезан пайконларингдур танда ё жон боғина ишқинг,
Бало сарчашмасиндан ҳар тараф сувлар равон этмиш.

Фузулийдан мизожин мунҳариф кўрдум букун ёрин,
Магар фурсат бўлуб бир шамма ҳолиндан баён этмиш.

* * *

Токи тоқи зар нигорин чарх вайрон айламиш,
Хишти зарринин сабо фарши гулистон айламиш

Қотиби тақдир хатти сабз таҳрир этмага,
Барги гулзори хазон лавҳи зарафшон айламиш.

Қатъ эдуб фасли хазон оби равон шерозасин,
Нусхаи гулзоринг авроқин паришон айламиш.

Давр жаврин кўрки назҳатгоҳи аҳли завқ экан,
Жўйбори гулшани занжири зиндон айламиш.

Айламиш тадбир ташвиши хазон торожина,
Лола рангин рахтини доғ ичра пинҳон айламиш.

Рўзгорин тийра, бахтин қора, нутқин дол эдуб,
Мотамаи гул булбули зоғ ила яқсон айламиш.

Эй Фузулий, даҳр ҳолин шоҳи гулдан қил қиёс,
Ким веруб аввал тажаммул, сўнгра урён айламиш.

* * *

Қил, сабо, кўнглим паришон ўлдиғин жонона арз,
Сурати ҳолин бу вайрон мулкинг эт султона арз.

Дарҳам ўлмиш сунбулинг гўёки қилмишдир анга
Мў-бамў ҳоли дилим диллар узодуб шона арз.

Танда жоним бир паринингдир, амонат сахларам
Ул замонданким амонат қилдилар инсона арз.

Халқ куфр аҳлина имон арз эдар, бан дам-бадам
Куфри зулфинг айларам кўксимдаги имона арз.

Сурати бежонила жаннат дўлар бутхонатак,
Қилсалар жаннатда тасвириг чекуб ғилмона арз.

Мунъиминг арзи тажаммулдир иши фақр аҳлина,
Нўла гар дил қилса ҳардам дарди ишқинг жона арз.

Эй Фузулий, бўйла пинҳон дутма ашки олинги,
Айла ҳар рангилаким вор ул гули хандона арз.

* * *

Соқиё, май сунки доми ғам дурур хушёрлиғ,
Мастлиқдирким, қилур ғам аҳлина ғамхорлиғ.

Вор фикрин, йўх ғамин чекмак надир бир жом ила,
Беҳабар қилким банга бир ўла йўхлиғ, ворлиғ.

Бандан охир чун қилур безорлиғ асбоби даҳр,
Даҳр асбобиндан аввал бан қилам безорлиғ.

Таънаи ағёр чекмакдир ишим бир ёр ичун,
Ким ўлуб ағёра ёр, айлар банга ағёрлиғ.

Чекма захмат, чек алинг тадбири дардидан, табиб,
Ким дугил сан билдигинг, бан чекдигим, беморлиғ.

Эй Фузулий, айларам қатъи тааллуқ даҳрдан,
Бу тариқ ичра банга тавфиқ эдарса ёрлиғ.

* * *

Айш ичун бир турфа манзилдир баҳор айёми боғ,
Анда диксун гунчаваш ҳаркимки айш истар ўтоғ.

Гунчалар очилди сайри боғ эдинг, эй аҳли дил,
Ким кўруб гуллар кўнгиллар очилан чоғдур бу чоғ.

Сандан, эй булбул, фузундир банда меҳнат фасли
Сансану бинг тоза гул, ҳоло бану бинг тоза доғ.^{гул,}

Боға сарвим келдигин билмиш саҳардин шохи гул,
Равшан этмиш раҳгузори узра ҳарён бинг чароғ.

Чексалар занжирила гулзора кетманким, банга
Сунбули зулфинг фироқиндин мушаввашдир димоғ.

Мавсими гулдир вале кетман чаман сайринаким,
Равзаи кўйинг банга ул сайрдан вермиш фароғ.

Маҳрам ўлмаз риндлар базминда май нўш этмайин,
Эй Фузулий, чек аёғ ул базмдан, ё чек аёғ.

* * *

Меҳнати ишқ, эй дил, осондир дею чўх урма лоф,
Ишқ бир юкдирки, хам бўлмиш анинг остинда Қоф.

Улма ғофил дурдкашлар суҳбатиндан, эй кўнгил,
Гар диларсан эдасан ойинаи идроки соф.

Субҳидам зулфинг доғит, ё шом арзи ораз эт,
Қўйма субҳу шом таросинда тариқи ихтилоф.

Рашки рухсоринг дили хуршеда солмиш изтироб,
Гайрати қаддинг мизожи шамъа вермиш инҳироф.

Хоки кўйинг Қаъбая нисбат қилан билмазмиким,
Бунда ҳардам, анда бир навбат ўлур вожиб тавоф...

Эй Фузулий, зоҳид ар даъвойи ақл айлар на суд,
Нафйи завқи ишқдир жаҳлина айни эътироф.

* * *

Қилди зулфингтак паришон ҳолими холинг санинг,
Бир кун, эй бедард, сўрмазсан надир ҳолинг санинг,

Кетди бошингдин, кўнгил, ул сарви қаддинг сояси,
Оғлаким, идбора табдил ўлди иқболинг санинг.

Зийнат ичун жисм деворинда этмаздим еринг,
Чекмасайди ишқ жон лавҳинда тимсолинг санинг.

Тез чекмассан жафо тигин бани ўлдурмага,
Ўлдурир ҳар кун бани охирда эҳмолинг санинг.

Ғарқи хуноби жигар қилмиш кўзим мардумларин,
Орзуи холи мушкину рухи олинг санинг.

Домгоҳи ишқдан дут бар канор, эй мурғи дил,
Синмадан санги маломатдан пару болинг санинг.

Сояваш чўхдан, Фузулий, хоки пойинг ястанур,
Бу умид илаки бир кун ўла помолинг санинг.

* * *

Эй мусаввир, ёр тимсолина сурат вермадинг,
Зулфу рух чекдинг, вале тобу тароват вермадинг.

Ишқ савдосиндан, эй носих, бани манъ айладинг,
Йўқ эмиш ақлиниг банга яхши насиҳат вермадинг.

Дунки фурсат душди хоки даргаҳингдан ком олам,
Нўлди, эй кўз ёши, кўз очмаға фурсат вермадинг.

Кўз юмуб оламдан истардим очам рухсоринга,
Жоним олдинг, кўз юмуб очанча муҳлат вермадинг.

Бумидир раҳмингки холинг айлар экан қасди жон,
Чихди хаттинг ким ани манъ эда рухсат вермадинг.

Верма ҳусн аҳлина, ёраб, қудрати расми жафо
Чун жафо чекмакда ишқ аҳлина тоқат вермадинг.

Эй Фузулий, ўлдунг афғон этмадинг, раҳмат санга
Раҳм қилдинг халқа, афғонингла заҳмат вермадинг.

* * *

Мулки ҳуснинг буйла золим подшоҳи ўлмағил,
Ким санга золим деса одил гувоҳи ўлмағил.

Ғамза тигин чекма ҳар соат кўнгил яғмосина,
Ҳукма тобиъ мулка ғоратгар сипоҳи ўлмағил.

Оҳини, эй, моҳ, ушшоқинг етурма кўклара,
Дард аҳлининг нишони тири оҳи ўлмағил.

Гар тиларсан шамътақ ғайрат ўдина ёнмаям,
Шомлар ағёр шамъи базмгоҳи ўлмағил.

Одат этмак хуш дугил бедода раҳм эт тангричун,
Гоҳи ўлсанг мойили бедоду гоҳи ўлмағил.

Ошиқи расво кўруб манъ этма, эй носих, бани,
Мункири осори тақдири илоҳи ўлмағил.

Эй, Фузулий, айлама тоат риейи таркин эт,
Тавба қил, минбаъд машғули маноҳи ўлмағил.

* * *

Уйла мустасно тўзалсангим, санга йўхдир бадал,
Сандан, эй жон, мунқатиъ қилмас бани, илло ажал.

Неча сурат боғласун кўнглум халоси ишқдан,
Ишқдир бир ҳолким ул ҳола кўнглимдир маҳал.

Ишқима нуқсон етурмаз кўрмамак ул орази,
Жавҳара тағйири осори араз вермаз халал.

Айлади расво кўнтил чоки гирибони адаб,
Кўр на аҳли илмдир одоб ила айлар жадал.

Ҳолими кўрдикча манъи аҳли ишқ айлар фақиҳ,
Ҳужжати мақтуи йўх айлар қиёс ила амал.

Мадраса ичра мударрис вердиги бинг дарсдан,
Ейдурур майхонада бир жом вермак бир гўзал.

Эй Фузулий, бан дам урмишдим, сафойи ишқдан,
Матлаи хуршед ижод ўлмадан субҳи азал.

* * *

Ҳеч сунбул сунбули зулфинг каби мушкин дагил,
Нофай Чиний сочингтак дерлар, аммо чин дагил.

Вор гул баргинда ҳам анжақ тароват бирла ранг,
Лек жонпарвар лаби лаълинг каби ширин дагил.

Меҳрибон дерлар сани ағёра, лекин бан анга
Бовар этмонким сенга меҳр айламак ойин дагил.

Хўблар меҳроби абрўсина қилмазсан сужуд,
Дининги дўндиргил, эй зоҳидки, яхши дин дагил.

То Фузулий қомату рухсоринга вермиш кўнгил,
Мойили сарву ҳавохоҳи гулу насрин дагил.

* * *

Жона босдим гунчаваш пайконинги, эй тоза гул,
Дузмоқ ичун ҳажринга дуздим дамирдин бир кўнгул.

Ваҳ на соҳирсанки ўддан сув чихординг, сувдан ўд,
Терламиш рухсоринги гул-гул қиланда тоби мул.

Ёндуруб ажзои таркибим кулим версанг ела,
Йўх йўлингдан дўнмагум, ворим санингдир жузву
кул.

Мардуми чашмим йиғар новакларинг, мумкин дагил
Ул оғочлар бирла ёпмоқ ашк дарёсина пул.

Эй кўнгил, лавҳи амал нақши бақодан содадир,
Фони этма умринг ул савдодаким, боқи дагул.

Сурат оро ўлма, таҳсили камоли маъни эт,
Ким баҳойим навъин этмаз одамий зарбафт жул.

Нўла дерсам, қадрила афзун масиҳодан сени,
Еру кўк мезон ўлуб, фарқ ўлмиш оғирдан юнгул.

Оташи дил ўйла сўзондирки, босмаз ҳеч ким,
Раҳм эдуб новакларингдан ўзга захмим узра кул.

Ҳосилинг аввал ғами жоғондир, охир тарки жон,
Бу эмиш қисмат Фузулий хоҳ оғла, хоҳ кул.

* * *

Ишқдан жонимда пинҳон бир мараз вор, эй ҳақим,
Халқа пинҳон дардим изҳор этма зинҳор, эй ҳақим.

Вор бир дардимки чўх дармондан ортухдир банга.
Қўй бани дардимла, дармон айлама, вор, эй ҳақим.

Гар босуб эл набзима ташхис қилсанг дардими,
Ол амонат, қилма ҳар бедарда изҳор, эй ҳақим.

Кел баним тадбири беҳудамда сан бир саъй қил,
Ким ўлам бу дарда ортиқроқ гирифтор, эй ҳақим.

Кўр тани урёнила аҳволими ҳижрон куни,
Вор эмиш рўзи қиёмат, қилма инкор, эй ҳақим.

Чекмаянча чораи дардимда заҳмат билмадинг,
Ким ўлур дармони дарди ишқ душвор, эй ҳақим.

Ранж чекма сиҳҳат уммидин Фузулидан гўтур,
Ким қабули сиҳҳат этмаз бўйла бемор, эй ҳақим.

* * *

Жонлар веруб санинг каби жонона етмишам,
Раҳм айлаким етанча санга, жона етмишам.

Шукронаи висолинга жон вердигим буким,
Чўх дард чекмишамки, бу дармона етмишам.

Ҳолим деюб муродима етсам ажаб дагил,
Бир бандаямки, дарғаҳи султона етмишам.

Мўри муҳаққарамки, саросима чўх гезиб.
Ногоҳ боргоҳи Сулаймона етмишам.

Бир булбуламки, гулшан ўлубдур нишиманим,
Ё тўтиямки бир шакаристона етмишам.

Даври фалак муяссар эдубдир муродими,
Гўёки толиби гуҳарам, кона етмишам.

Мискин Фузулиямки, санга дутмишам умид,
Ё бир камина қатраки, Уммона етмишам.

* * *

Хуш ул замонки ҳарими висола маҳрам эдим,
На мубталойи бало, на муқайяди ғам эдим.

Гезардим итларинг ичра фазойи кўйингда,
Ерим биҳишти барин эди, бан бир одам эдим.

Ҳамиша саждагаҳим хоки остонанг эди,
Бу эътибор ила бир сарбаланди олам эдим.

Гадойи кўйинг эдим, бўйла зиллатим йўх эди,
Сарири салтанати қурбда муаззам эдим.

Замон-замон асари партави жамолингда,
Муолижи дили пурдарду чашми пурнам эдим.

Зиёда ғамзадаам ҳажрла, хуш ул кунлар,
Ки бан бу ғамзадалиқдан зиёда хуррам эдим.

Фузулий, ўлмаз эмиш меҳнати фироқа муфид,
Бу завқи зикрки, бир вақт ёра ҳамдам эдим.

* * *

Най каби ҳардамки базми васлинги ёд айларам,
То нафас вордир қуруғ жисмимда фарёд айларам.

Рӯзи ҳижрондир севин, эй мурғи руҳимким букун
Бу қафасдан бан сани албатта озод айларам.

Ваҳм эдуб то солмая сан моҳа меҳрин ҳеч ким,
Кима етсам жавру зулмингдан анга дод айларам.

Қон ёшим қилмаз вафо гирён кўзим исрофина,
Бунчаким ҳар дам жигар қониндан имдод айларам.

Инжиман ҳар нечаким ағёр бедод айласа,
Ёр жавричун кўнгил бедода муътод айларам.

Билмишам бўлман висолинг лек бу уммид ила,
Гоҳ-гоҳ ўз хотири ношодими шод айларам.

Лавҳи оламдан юдим ашк ила Мажнун одини,
Эй Фузулий, бан дахи оламда бир од айларам.

* * *

Шамъи шoми фурқатам, субҳи висoли найларам,
Бўлмишам ёнмоқда бирҳол, ўзга ҳoли найларам.

Ғайра арз эт ҳарна асбoбингки вор, эй даҳри дун,
Банки аҳли завқам асбoби малоли найларам.

Йўх ажаб гар мола раъбат, мулка қилмон илтифот,
Бан гадоий кўйи ишқам, мулку моли найларам.

Эҳтимоли ҳажр ташвишина дегмаз завқи васл,
Васлким вор анда ҳижрон эҳтимоли найларам.

Аҳли ҳoлам дема бут васфин, мана, эй бутпараст,
Ҳол билмаз дилбари соҳиб жамoли найларам.

Нахл қаддинг истарам қондан балодир ҳосилим,
Бохмазам шамшода бар вермаз ниҳoли найларам.

Эй Фузулий, қил камoли фазл касбин, йўхса бан
Комил ишқам, дахи ўзга камoли найларам.

* * *

Қилди ул сарв, саҳар ноз ила ҳаммома хиром,
Шамъи рухсори ила ўлди музайян ҳаммом.

Қўринурди бадани чоки гирибониндан,
Жомадан чихди янги ойини гўстарди тамом.

Нилгун фўтая солди бадани урёнин,
Сон бинафша ичина душди муқашшар бодом.

Ўлди побўси шарифила мушшараф лаби ҳавз,
Бўлди дидори латифила зиё дидаи жом.

Сондиларким сотилур донаи дурри арақи,
Урди эл кисая чўхлар қилиб андишаи хом.

Кокулин шона очуб қилди ҳавойи мушкин,
Тиғи мўйин доғидуб этди ери анбар фом.

Тос элин ўпди — ҳасад қилди қаро бағрими сув,
Етди сув жисмина—рашк олди танимдан ором.

Чихди ҳаммомдан ул пардаи чашмим соринуб,
Дутди осойишила гўшаи чашмимда мақом.

Мардуми чашмим аёғина равон сув дўкди,
Ки керак сув дўкила сарвинг аёғина мудом.

Музди ҳаммома, Фузулий, верарам жон нақдин,
Қилмасун сарф зар ул сарв қади сийм андом.

* * *

Эй камон абру шаҳиди ханжари миҷгонингам,
Бўлмишам файзи назар сандан, санинг қурбонингам.

Қоқулинг торина пайванд этмишам жон риштасин,
Бошинг ичун бир тараҳҳум қилки, саргардонингам.

Нўла қилсам тарки май миннат дутуб зоҳидлара,
Найларам май нашъасин банким санинг
хайронингам.

Шонаваш юз новаки гам сончилубдир жонима,
То асири ҳалқаи гисуйи мушк афшонингам.

Эл чекуб қатъи назар қилмиш иложимдан табиб,
Билди гўёким хароби наргиси фаттонингам.

Жона майлинг вор эса ҳукм айла таслим айлаям,
Подшоҳим, бан санинг бир бандаи фармонингам.

Гунча қилмаз шод, гул очмаз дутилмиш кўнглими,
Орзуманди руҳи олу лаби хандонингам.

Қон эдуб бағрим, ишим оҳ этма, ҳардам, эй фалак,
Ҳурматим дут бир-ики дамким, сенинг меҳмонингам.

Эй Фузулий, оташи оҳила ёндурдинг бани,
Ғолибо сондингки, шамъи кулбаи аҳзонингам.

* * *

Дўст бепарво, фалак бераҳм, даврон бесукун,
Дард чўх, ҳамдард йўх, душман қавий, толе забун.

Соян уммид зоил офтоби шавқ гарм,
Рутбаи идбор олий, пояи тадбир дун.

Ақл дун ҳиммат, садойи таъна бир-бирдан баланд,
Бахт кам шафқат, балойи ишқ кун-кундан фузун.

Бан ғариби мулк, роҳи васл пурташвишу макр,
Бан ҳарифи сода лавҳу, даҳр пурнақшу фусун.

Ҳар сиҳи қад жилваси бир сайли тўфони бало,
Ҳар ҳилол абрў қоши бир сархати машқи жунун.

Елда барги лолатак тамкину дониш бесабот,
Сувда акси сарвтак таъсири давлат вожгун.

Сарҳади матлуб пур меҳнат тариқи имтиҳон,
Манзили мақсуд пур осиб, раҳ ноозмун.

Шоҳиди мақсад навоӣи чангтак парданишин,
Соғари ишрат ҳубоби софи саҳботак нигун.

Тафриқа ҳосил тариқи мулку жамъият махуф,
Оҳ билман найлайим йўх бир мувофиқ раҳнамун.

Чеҳраи зардин Фузулийнинг дутубдир ашки ол,
Кўр анга не ранглар чекмиш сипеҳри нилгун.

* * *

Қарам қил, кесма соқи, илтифотинг бенаволардан,
Алингдин келдиги хайри дариг этма гадолардан.

Асири ғурбатиз, бир сандан ўзга ошномиз йўх,
Аёгинг кесма, бошгингчун, бизинг меҳнатсаролардан.

Сабо кўйингда дилдоринг надир афтодалар ҳоли,
Бизим ердан келурсан бир хабар вер ошнолардан.

Дема, зоҳидки, тарк эт симбар бутлар тамошосин,
Бани ким қўртарур тангри соташтурмиш балолардан.

Кириб масжидлара гар муқтадолар пайрави ўлман,
Будир важҳики ҳаргиз кўрмадим юз муқтадолардан.

Табибо, хоки кўйи ёрдандир ашк таскини,
Биза ортурма заҳмат кўз ёшорур тўтиёлардан.

Фалақдир меҳри зойил, ёр ғофил, умр мустаъжил,
Надир тадбири билман, жона етдим бевафолардан...

Фузулий нозанинлар кўргач изҳори ниёз айла,
Тараҳҳум сўрса айб ўлмаз гадолар подшолардан.

* * *

Рамазон ўлди чекуб шоҳиди май пардая рў,
Май ичун чанг дутуб таъзия очди гису.

Билди мутрибки надир ҳол кетурди қубузин,
Базмдан чекди аёғини суроҳию сабу.

Базм қонуни бузилди, на ичун чанг ила даф,
Йиғлаюб этмаялар ҳоким эшигинда гулу.

Рамазон ойи керак очила жаннат қопуси,
На равоким ўла майхона қопуси боғлу.

Фатҳи майхона ичун ўқуялим фотиҳалар,
Ўлаким юзимиза очила бу боғлу қопу.

Офтоби қадаҳ этмаз рамазон ойи тулуъ,
На балодир биза, ёраб, на қаро кундир бу.

Интизори майи гулгун ила байрам ойина,
Боха-боха инажакдир кўзимиздан қара сув.

Рамазон ўлди будир ваҳми Фузулийнинг ким,
Неча кун ичмая май зуҳд ила ногаҳ дута хў.

* * *

Кўнгул, сажжодая босма аёқ, тасбиҳа ал урма,
Намоз аҳлина уйма, онлар ила дурма, ўлтурма.

Эгилиб саждая, солма фароғат тожини бошдин,
Вузудан сув сепиб, роҳат уйхусин кўздан ўчурма.

Соқин, помол ўлурсан бўрё так, масжида кирма,
Вагар ночор кирсанг анда минбар киби чўх дурма.

Муаззин ноласин олма қулоға, душма ташвиша,
Жаҳаннам қопусин очдурма, воиздан хабар сўрма.

Жамоат издиҳоми масжида солмиш кудуратлар,
Кудурат узра, раҳм эт, бир кудурат сан ҳам
орттурма.

Хатиби сонма содиқ, муфтининг қавлила феъл этма,
Имоми билма оқил, ихтиёринг анга топшурма.

Фузулий, баҳра вермаз тоати ноқис, надур жаҳдинг,
Қарам қил, зарқи тоат суратинда ҳаддан ошурма.

* * *

Ҳазар қил оҳ ўдиндан, жавринги ушшоқа оз айла,
Хасу хошоки ёхма, шуъласиндан эҳтироз айла.

Санамлар саждасидир бизда тоат, тангричун, зоҳид,
Кими кўрсанг сан ўз динингда таклифи намоз айла.

Ҳақиқат ҳарфини ёзмақ диларсанг лавҳи зотингда,
Хатин гулрухларинг манзур дут, машқи мажоз айла.

Санамлар санг диллардир, эшитмазлар сўз эй, зоҳид,
Етар беҳуда пандинг, онлара арзи ниёз айла.

Санинг нозинг кўранда ақл қолмаз, ҳасбатан лиллоҳ,
Амон вер толиби дидора, бир дам тарки ноз айла.

Йўлингда интизори мақдамингла хок ўлан чўхдир,
Хиром эт бир қадам минг хоксори сарфароз айла.

Фузулий, жона допшурдинг хаёлинг шемди расвосан,
Санга ким дерки, ҳар номаҳрама ифшойи роз айла.

* * *

Эй хуш ул кунларки рухсоринг банга манзур эди,
Чашми уммидим чароғи васлдин пур нур эди.

Қурб шавқи офиятбахши тани ранжур ўлуб,
Васл завқи роҳат афзойи дили маҳжур эди.

Иززатим шамъи мунаввар, толиим азми қавий,
Давлатим ҳукми равон, айшим уйи маъмур эди.

Домани иқболима гарди таарруз етмаюб,
Чашми ҳосид чеҳраи жамъиятимдан дур эди..

Бахт матлубим муяссар қилмоға маҳкум ўлуб,
Даҳр асбобим муҳайё қилмоға маъмур эди...

Ҳажр ваҳминдан етирмаздим кудурат кўнглима,
Гарчи давронинг муҳолиф жунбуши машҳур эди.

Нўла гар солса Фузулийни ғами ҳижрона чарх,
Васл айёминда ул ғофил экан, мағрур эди.

* * *

Бани жондан ўсондирди, жафодан ёр ўсонмазми,
Фалаклар ёнди оҳимдан, муродим шамъи ёнмазми.

Қаму беморина жонон давойи дард эдар эҳсон,
Нечун қилмаз банга дармон, бани бемор сонмазми.

Шаби ҳижрон ёнар жоним, дўкар қон чашми гирёним,
Уёдир халқи афғоним, қаро бахтим уёнмазми.

Гули рухсоринга қаршу кўзумдан қонлу охар сув,
Ҳабибим, фасли гулдир бу, охар сувлар булонмазми.

Ғамим пинҳон дутардим бан, дедилар: ёра қил равшан,
Десам ул бевафо, билман: инонурми, инонмазми.

Дагилдим бан санга мойил, сан этдинг ақлими зойил,
Банга таън айлаян ғофил сани кўргач ўтонмазми.

Фузулий ринди шайдодир, ҳамиша халқа расводир,
Сўрунгким, бу на савдодир, бу савдодан ўсонмазми.

* * *

Фориг этди меҳринг ўзга маҳлиқолардан бани,
Ҳирз эмиш ишқинг санинг, сахлар балолардан бани.

Кўнглум олдинг гўстаруб юз лутф миннат жонима,
Айладинг мустағний ўзга дилраболардан бани.

Вомиқу Фарҳодтаж расвоя қилманг нисбатим,
Бир фақирам, сонмангиз ул худнамолардан бани,

Ишвау ноз ила рафъ этдинг ғаму андуҳими,
Сеҳр ила бегона қилдинг ошнолардан бани.

Қил такаллум, зулфинг андуҳини кўнглимдан кедир,
Бир фусун ила халос эт аждаҳолардан бани.

Гояти зуҳду вараъ, зоҳид, висоли ҳур эса,
Важҳи йўқ манъ айламак ҳури лиқолардан бани.

Ҳар жафо қилсанг Фузулийтак шикоят қилмазам,
Ишқ атворинда сонманг бевафолардан бани.

* * *

Кўрдим ул хуршеди ҳуснин ихтиёрим қолмади,
Соятак бир ерда дурмоға қарорим қолмади.

Бир кун ўлмаз талъатин кўрмак муяссар, оҳким,
Заррача ул кун ёнинда эътиборим қолмади.

Пок қилди хотиримдан даҳр ғам ойинасин,
Уйла маҳв ўлдимки бир зарра ғуборим қолмади.

Ғам куни ҳамдамларим ғарқ ўлдилар кўз ёшина,
Силмага кўз ёшими бир ғамгусорим қолмади.

Рўзгорим хуш кечарди, оҳким даврон дўнуб,
Ўлди аҳволим хароб ул рўзгорим қолмади.

Роҳи ишқ ичра банга онжоқ фано мақсуд эди,
Шукрим мақсуда етдим интизорим қолмади.

Эй Фузулий, эл қаму ағерим ўлди ёр учун,
Сўзи дилдан ғайри бир дилсўз ёрим қолмади.

* * *

Хуш келди дун ул оя сиришким назораси,
Бўйла ўлурки ошиқинг ишлар ситораси.

Эй ҳар мараз иложина ҳукм айлаян табиб,
Бемори дарди ишқ ўланинг йўхми чораси.

Чихмақ дилар сафинаи тан жунбушила жон,
Дарёйи ишқданки адамдир канораси.

Дерларки, вор Вомиқу Мажнун, ажаб дагил,
Доғилмиш ўла оташи ишқим шарораси.

Нўлди кўтурмадинг эла сад пора кўнглими,
Ваҳм айладингми эл кеса бу шиша пораси.

Сандин ҳамиша тири балодир желан банга,
Бўйла бўлурми ошиқу маъшуқинг ораси.

Эй сўйлаян Фузулия: ишқ ичра сабр қил,
Сўйла, бу марҳам ила киминг битди ёраси.

* * *

Маҳшар кунн кўрам дерам ул сарв қомати,
Гар анда ҳам кўринмаса, кел кўр қиёмати.

Тарки май этдинг, эй кўнгил, айёми гул келур,
Албатта бу ишинг чекилур бир надомати.

Мажнунки, подшоҳи сипоҳи вуҳуш эди,
Бантак мусаххар этмади мулки маломати.

Сахро навард экан банга тасвири Кўҳкан,
Ўгратди шаҳри ишқда расми иқомати.

Санги маломат ила чекинг чеврима ҳисор
Ашким фаноя вермасун аҳли саломати.

Зоҳид, чўх этма таъна май афтодасинаким,
Чўхлари йихди пири муғонинг каромати.

Ғам зулматинда бўлмаға дарду бало бани,
Басдир, Фузулий, оташи оҳим аломати.



К

ТАРЖИЪБАНД

Кетур, соқи қадақким навбаҳори олам ородир,
Замин сабзу ҳаво жонбахш, гулшан роҳат афзодир.
Паришон ўлмаким, гулбаргтак ҳоло бу гулшанда,
Нишоту айш учун асбоби жамъият муҳайёдир.
Очилди лола, кулди ғунча, келди ишрат айёми,
Забони ҳоли сабза ишрат имосина гўёдир.
Қўр ўз ҳолинги ҳам чекма ғами мозию мустақбал,
Ки ҳоло мавсими гулгашту даври жоми саҳбодир.
Саҳар гулзора кир, биллоҳ, бу мавсимлардаким ҳар
дам.
Тамошо қилки девонинда гулнинг хуш тамошодир.
Очилди ғунча туморию маълум ўлди мазмуни,
Будурким, фавт қилманг мавсими гул, жоми гулгуни.

Кетур, соқи, қадақким, боғу саҳро лозазор ўлди,
Ажаб фасли хужаста, мавсими хуш рўзгор ўлди.
Шукуфа барги дуфроғ узра симин хиштлардирким,
Асоси айши халқ ул хиштлардан устивор ўлди.
Жигар қони каби кетмишди кўздан тоза гул шакли,
Яна доғи дили аҳли вафонинг ошкор ўлди.
Чихарди сабзау гул хокдан чўх лаълу фируза,
Вале юз шукрким жон хоки пойина нисор ўлди.
Фузулий, гар хазон вақтида эрдинг мутгақий ҳоло
Май ичким, мавсими гул келди, айёми баҳор ўлди.
Очилди ғунча туморию маълум ўлди мазмуни,
Будурким, фавт қилманг мавсими гул, жоми гулгуни.



Б

ТАРКИББАНД МУСАДДАС

анамки қофиласолори корвони ғамам,
Мусофири раҳи саҳройи меҳнату аламам.
Ҳақир боҳма банга кимсадан соғинма камам,
Ҳақирӣ подшаҳ осо гадоӣ муҳташамам.
Сиришк тахти равондир бангау оҳ алам,
Ҳафоу жавр мулозим, балоу дард ҳашам.

На мулку мол банга чарх верса мамнунам,
На мулку молдан овора қилса маҳзунам.
Агарчи муфлису пасту муҳаққару дунам,
Дамодам ўйла хаёл айларамки Қорунам.
Кўнгилда нақди вафо ганжи, лек пинҳони,
Кўзим хизонаи лаълу гуҳар, вале фони.

Ҳасуд сурати аҳволима назар қилмаз,
Ҳафо қилур мани бечорая ҳазар қилмаз,
Сонурки нолаи зорим анга асар қилмаз,
Ани мурур ила оламда дарбадар қилмаз,
Замона ичра мужаррабдир интиқоми замон,
Ҳамниша яхшия яхши верар, ёмона ёмон.

Ҳушамки хоман тақдири эзиди мутаол,
Вужуд лавҳина тасвир эдаида сурати ҳол,
Рақам қилуб агар идбордир вагар иқбол,
Улури тағайюр анга ғайрдан бир амри маҳол,
Саодати азалий қобили завол ўлмаз,
Гунаш ер устина ҳам душса поймол ўлмаз...



МУРАББАЪ

Паришон ҳолинг ўлдим сўрмадинг ҳоли паришоним,
Ғамингдан дарда душдим қилмадинг тадбири дармоним,
Надерсан, рўзгорим бўйла кечсунми, гўзал жоним,
Кўзум жоним, афандим, севдигим, давлатлу султоним.

Асири доми ишқинг ўлали сандан вафо кўрмон,
Сани ҳар қанда кўрсам аҳли дарда ошно кўрмон,
Вафоу ошнолиқ расмини сандан раво кўрмон,
Кўзум жоним, афандим, севдигим, давлату султоним,

Дегар ҳардам вафосиз чарх ёйиндан банга юз ўх,
Кима шарҳ айлайимким, меҳнату андуҳи дардим чўх,
Санга қолди мурувват, сандан ўзга ҳеч кимсам йўх,
Кўзум жоним, афандим, севдигим, давлатлу султоним.

Фузулий шеваи эҳсонинг истар бир гадойингдир,
Дирилдикча санинг кўйинг ўланда хоки пойингдир,
Керак ўлдир, керак қўй, ҳукм—ҳукминг, рой-ройингдир,
Кўзум жоним, афандим, севдигим, давлатлу султоним.

Ҳосилим барқи ҳаводисдан маломат доғидир,
 Маснадим кўйи маломатда фано дуфроғидир,
 Зор кўнглум танда зиндони бало дутсоғидир,
 Раҳм қил, давлатлу султоним, мурувват чоғидир.

Давр жавриндан тану жонимда роҳат қолмади,
 Сурати ҳолимда осори фароғат қолмади,
 Меҳнату ғам чекмага минбаъд тоқат қолмади,
 Раҳм қил, давлатлу султоним, мурувват чоғидир.

Кўнглиминг мулкин жафо селоби вайрон айлади,
 Бахтиминг ҳолин ҳужуми ғам паришон айлади,
 Бағрими андишаи даври фалак қон айлади,
 Раҳм қил, давлатлу султоним, мурувват чоғидир.

Интиҳосиз жаврлар ўдлара ёндирди бани,
 Оччи сўзлар тотлу жонимдан ўсондирди бани,
 Халқдан беҳуда афғоним ўтондирди бани,
 Раҳм қил, давлатлу султоним, мурувват чоғидир.

Истадим бир чора чўх елдим-югурдим ҳар ёнга
 Халқдан беҳуда афғоним ўтондири бани,
 Чорасиз қолдим, мурувват истаюб келдим санга,
 Раҳм қил, давлатлу султоним, мурувват чоғидир.

Дода келдим адл девонина фарёдим эшит,
 Санки одилсан, кўр, афғоним надандир ғавра ет,
 Шарҳи ҳолим сўр, муродим вер, алим дут, фикрим эт,
 Раҳм қил, давлатлу султоним, мурувват чоғидир.

Кўр Фузулийнинг рухи зардинда ашки олини,
 Пардаи идбор дутмиш сурати иқболини,
 Дардмандингдир — иноятлар эдуб сўр ҳолини,
 Раҳм қил, давлатлу султоним, мурувват чоғидир.



Ч

ҚИТЪАЛАР

Ўх тафохур қилма жамъи мол ила, эй хожаким,
Симу зар жамъияти аҳли ғурур айлар сани,
Боргоҳи қурбдан жамъияти асбобу мол,
Ҳарна миқдор ўлса ул миқдор дур айлар сани,
Гарчи неъмат чўх, кифоятдан тажовуз қилма ким,
Имтило бори бадандир — беҳузур айлар сани.

* * *

Аҳли камола жоҳил агар қадр қилмаса,
Маъзурдир — маломатин этмак раво дагил,
Жоҳил табиатинда мазоқи камол йўқ,
Ҳар нафса иқтидойи табиат хато дагил,
Ўлфат ҳамиша фаръи ўлур ошнолиғинг,
Жоҳил фазилат аҳли ила ошно дагил.

* * *

Эй сафойи суратинг қайдин чекан, билким ҳануз,
Зангдан ойинаи гидрокингни пок этмадинг,
Зангдир ойинаи идрока ҳар суратки вор,
Сан ҳануз, эй сода, бу мазмуни идрок этмадинг.

* * *

Эй муаллим, олати тазвирдир ашрора илм,
Қилма аҳли зулма таълими маориф зинҳор,
Ҳийла ичун илм таълимин қилан муфсидлара,
Қатли ом ичун верар жаллода тиғи обдор,
Ҳарна тазвир айласа аҳли жаҳон айлар қабул,
Макри аҳли илмидир асли фасоди рўзгор.

* * *

Эйки андишан мол ила саросима ўлуб,
Дуну кун даҳрда ошуфта кечар аҳволинг.
Жамъи мол айладигинг роҳат ичундир, аммо
Роҳтинг иксик ўлур ҳар неча ортар молинг,
Мол чўх йиғма, ҳазар айла азобинданким,
Ранжи ортар оғир ўлдухча юки ҳаммолинг.

* * *

Улдир ғазалки файзи анинг ом ўлуб мудом,
Оройиши мажолиси аҳли қабул ўла,
Вирди забони аҳли сафоу сурур ўлуб,
Мазмуни завқ бахши сариул-ҳусул ўла,
Андан на судким ўла мубҳам иборати,
Ҳар ерда истимоин эданлар малул ўла.

* * *

Сарф нақди жон эдубан касби ирфон этмишам,
Аҳли дунё ҳам камоли жаҳлла таҳсили мол.
Даҳр бир бозордир ҳаркас матоин арз эдар,
Аҳли дунё симу зар, аҳли ҳунар фазлу камол.
Кимки бандан нафъ бўлмаз, истаман нафъин
анинг,
Улки йўх нафъим анга, нафъи банга бўлмаз
ҳалол.
Истамам нодон банга гар верса ганжи симу зар,
Ким эвазсиз мола нодондан тасарруфдир вубол.

* * *

Айлаюб нодона арзи фазлу изҳори ҳунар,
Шармсор этмак ато олмоқ надир зулми сариҳ.
Сан билурсан мужмалан андан на олурсан, вале
Билмаз улким олдиғи сандан ҳасандир ё қабиҳ.
Зоҳиран сотмоқ ҳунар олмоқ ато бир байъдир,
Тифл нодондир, буюрмаз шаръ анинг байъин
саҳиҳ!

* * *

Хирадмандеки доим олами илм ичра сайр айлар,
Асолиби фунуни шеърдан албатта ғофилдир.
Мазоқи шеър ҳам бир ўзга оламдир ҳақиқатда,
Ики олам муяссар айламак ғоятда мушкилдир.

Садойи най ҳаром ўлсун дединг, эй сўфийи жоҳил,
Ела вердинг хилофи шаръла номуси исломинг.
Бу андом ила важдиётдан дам урмоқ истарсан,
Илоҳий, най каби суроҳ-суроҳ ўлсун андоминг.

* * *

Муддаий айлар банга тақлид назму насрда,
Лек номарбут алфозу муқаддар зоти вор,
Паҳлавонлар бодполар секраданда ҳар ёна,
Тифл ҳам жавлон эдар, аммо оғочдан оти вор.

* * *

Ул сабабдан форси лафзила чўхдир назмким,
Назми нозик турк лафз ила экан душвор ўлур.
Лаҳжаи туркий қабули назм таркиб айласа,
Аксари алфози номарбуту ноҳамвор ўлур.
Банда тавфиқ ўлса бу душвори осон айларам.
Навбаҳор ўлғач дикандан барги гул изҳор ўлур.





РУБОНИАЛАР

* * *

Гул даври хуш улким дута гулфом қадаҳ,
Базминда даме дутмая ором қадаҳ,
Ҳар субҳки хуршедсифат қолдира бош,
Базмин безаюб гездира то шом қадаҳ.

* * *

Май шавқи ўлубдир банга одат, эй шайх,
Келдиқча бу шавқ ўлури зиёдат, эй шайх,
Хушдир банга май, санга ибодат, эй шайх
Ройила дагил ишқу иродат, эй шайх.

* * *

Биз олами ишқ олам ороларийиз,
Майхонаи дард дурд паймоларийиз,
Гулбарги надомат чаманидир олам,
Биз бу чаманинг булбули шайдоларийиз.

* * *

Адвори замон доираи ҳайрат эмиш,
Асбоби жаҳон маҳолику меҳнат эмиш,
Дунёя тамаъ этмамак этмакдан ек,
Чун аввали ҳирс, охири ҳасрат эмиш.

* * *

Эй касби камола эътиқодинг ноқис,
Таҳсили камола ижтиҳодинг ноқис,
Ор этма талабда, эт ҳазар андинким,
Комиллар ичинда ўла одинг ноқис.

* * *

Зоҳид, майи нобдандир икроҳ ғалат,
Сан хоҳ сўзум саҳиҳ дут, хоҳ ғалат,
Масжидлара кирдигим дигил рағбатдан,
Сармастлигимдан айларам роҳ ғалат.

* * *

Май манъини айлаюб шиор, эй воиз,
Дутдунг раҳи таъни ишқ ёр, эй воиз,
Тарки маю маҳбуб эдариз жаннат ичун,
Шарҳ айлаки, жаннатда на вор, эй воиз.

* * *

Таҳдид ила кечди рўзгор, эй воиз,
Фавт ўлди шаробу, васли ёр, эй воиз,
Гар кавсару ҳур эса гараз, верма азоб,
На тарк буюр, на интизор, эй воиз.

* * *

Йўх даҳрда бир мувофиқи табъи ҳариф,
Ким суҳбати дилкушо ўла, табъи зариф,
Фарёдки, ножинс мусоҳиблар ила,
Бефоида зойиъ ўлди авқоти шариф.

* * *

Сар манзили ҳар мурода раҳбардир ишқ,
Кайфияти ҳар камола мазҳардир ишқ,
Ганжинаи коинота гавҳардир ишқ,
Ҳар содир ўлан нашъая масдардир ишқ.

* * *

Мижгоними, эй шамъ, гуҳар бор этма,
Пинҳон ғамими олама изҳор этма,
Ишқ аҳлина зулмдир вафо айламамак,
Зинхор бу зулми этма, зинхор этма.



МАСНАВИЙ

С
оқи, мадад этки дардмандам,
Ғам силсиласина пой бандам.

Ғам дардина жоми май даводир,
Тадбири ғам айламак раводир.

Сандан на иноят ўлса воқиъ,
Фикр этмаки, банда ўла зойиъ.

Бан бир садафам, сан абри найсон,
Вер қатрау от дурри ғалтон.

Сансан хуршеду бан сияҳ хок,
Вер оташу ол жавоҳири пок.

Раҳм этки ғарибу дардмандам,
Бемунису ёру мустамандам.

Ул бир неча ҳамдами мувофиқ,
Яъни шуаройи рўзи собиқ,

Тадриж ила келдилар жаҳона,
Таъзим ила ўлдилар равона.

Даврон улари муаззам этди,
Ҳар давр бирин мукаррам этди,

Ҳар бирина ҳоми ўлди бир шоҳ,
Завқи суханиндан ўлди огоҳ,

Турку арабу ажамда айём.
Ҳар шоира вермишиди бир ком,

Шод этмиш эди Абу Навоси
Ҳорун халифанинг атоси,

Бўлмишди сафойи дил Низомий,
Шервоншаҳа душуб кироми,

Ўлмишди Навоийи суҳандон
Манзури шаҳаншоҳи Хуросон.

Сўз гавҳарина назар солонлар,
Ганжина веруб гуҳар олонлар,

Чун қолмади—қолмади фасоҳат,
Арбоби фасоҳат ичра роҳат.

Ул тоифа чекди ҳирқая бош,
Ҳолатларин этмаз ўлдилар фош.

То ўлмая расми шеър мафқуд,
Абвоби фунуни назм масдуд.

Лозим банга ўлди ҳифзи қонун,
Забти насақи каломи мавзун.

Ночор дутуб тариқи номус,
Роҳатдан ўлуб мудом маъюс,

Аҳди сўза устувор қилдим,
Ашъор демак шиор қилдим.

Чун халқа хилофи муддаоям,
Онлар зўминча суст роям.

Ҳар сўзки келур зуҳура бандан,
Бинг таъна бўлур ҳар анжумандан,

Айлар ҳасад аҳли йиғлаюб кин,
Таҳсин эвазина нафъю нафрин.

Уммидки рафъ ўлуб кудурат,
Тағйир пазира ўла бу сурат,

Ул қавм бу гулшана киранда,
Бу гулшан ичинда гул деранда,

Гул тоза эдию сабза навхез,
Депрандикча насими гулрез,

Онлар гули дердилар, мани зор
Ҳоло диларам дерам хасу хор.

Бу базма улар веранда тазйин,
Май соф эди, базм ҳам нав ойин,

Май софи улара ўлди рўзи,
Қолди банга доғи дурд сўзи,

Бу дурда бан ўлмишам ҳавохоҳ,
Бир нашъа верарми билмазам оҳ...





«ЛАЙЛИ ва МАЖНУН» ДОСТОНИДАН

Бу Лайлия Мажнун гузарда муқобил ўлдигидир ва кун муқобаласинда ҳилоли меҳри бадри комил ўлдигидир.

Б

ир кунки баҳори олам афрўз
Вермишди жаҳона файзи наврўз,

Солмишди ниқоби чеҳрадан гул,
Чекмишди суруди нола булбул.

Шабнам майи ноби бирла лола
Дўлдирмиш эди қизил пиёла,

Ўлмишди гул ила сабзаи тар,
Фируза фуруз, лаъл парвар.

Бир неча мусоҳиби вафодор,
Мажнуни шикастани кўруб зор.

Ҳар ён дедиларки: «Эй балокаш,
Гул чоғидир, ўлмағил мушавваш.

Бу фаслда одами керак шод,
Андуҳу балоу ғамдин озод.

Чун абр дагилсан ўлма гирён,
Чун сел дагилсан этма афғон.

Гул каби буроқма синанга чок,
Сабза каби этма бистаринг хок.

Саҳро дуталим, май ичалим шод,
Андуҳ ила ўлма бўйла муътод.

Лутф айла, хирома кел, карам қил,
Онжақ ўзинги асири ғам қил.

Эй ғунча даҳони сарв қомат,
Кел эва, замоне эт фароғат.

Покиза вужуда ҳайфдир ғам,
Бўйла дахи қолмая бу олам.

Шояд очила гули муродинг,
Маҳкам қил асоси эътиқодинг.

Сайр узра бу навбаҳор фасли,
Шояд бўлуна нигор васли.»

Мажнуни ҳазин, аёға дурди,
Саҳроларга сайр учун юз урди.

Гирён-гирён қилурди сайрон,
Ҳайрон-ҳайрон гезарди ҳар ён.

Гаҳ сабзая арзи роз эдарди,
Гаҳ лолая бинг ниёз эдарди,

Сўйларди бинафшая ғами дил,
Ким сўйлая ёра ўлса восил.

Чашмина сурарди лола доғин,
Ошиқ сонибон ўпуб аёғин.

Нарғис кўзина нигоҳ эдарди,
Ёри кўзин онгуб оҳ эдарди.

Булбуллара шарҳ эдарди ҳолин,
Қумрилара меҳнату малолин.

Ҳар турфа чечак кўруб чекиб оҳ,
Манзил-манзил гезарди ногоҳ

Бир манзила душди раҳгузори,
Ким сайр эдарди анда ёри.

Бир неча пари рух ила ҳамдам,
Мажнуни шикастадан муқаддам.

Лайли гузар этмиш ул фазоя,
Солмиш гулу лола узра соя.

Бир сабзая сабз хиргаҳ урмиш
Маҳ саҳни чаманда ҳола қурмиш.

Гунча каби ул латиф хиргоҳ,
Гул барги каби ичинда ул моҳ.

Мажнуна муқобил ўлди Лайли,
Баҳри ғама етди дард сайли.

Лайли дема — шамъи мажлис афрӯз,
Мажнун дема — оташи жигар сӯз.

Лайли дема — жаннат ичра бир ҳур,
Мажнун дема — зулмат ичра бир нур.

Лайли дема — авжи ҳусна бир моҳ,
Мажнун дема — мулки ишқа бир шоҳ.

Лайли дема — бир ягонаи даҳр,
Мажнун дема — бир фасонаи шаҳр.

Лайли чамани бало ниҳоли,
Мажнун фалаки вафо ҳилоли.

Лайли маҳи осмони ҳашмат,
Мажнун шаҳи кишвари маломат.

Лайли сафи аҳли ҳусн амири,
Мажнун сари кўйи ғам фақири.

Лайли иши ишвау карашма,
Мажнун кўзи ёши чашма-чашма.

Лайлию нишоти ҳусн коми,
Мажнуну балойи ишқ доми.

Лайлию латофати дилорой,
Мажнуну маломати ғам афзой.

Лайли садафи ҳаёя бир дур,
Мажнуна анингла бинг тафохур.

Лайлида камоли ҳусн ила завқ,
Мажнуна жамоли Лайлия шавқ.

Лайлида висоли дўст майли,
Мажнунда ҳам орзуйи Лайли.

Ул ики сиҳи қади суманбар
Бир-бирини ўлдилар баробар.

Фулода сотошди санги хора,
Ўд душди қарору ихтиёра.

Бир соза дузулди ул ики тор,
Гарм ўлди ривожи нолау зор.

Ул боҳди бунга нишот бўлди
Бу кўрди ани муқайяд ўлди.

Мажнуна қарор дутмайиб ҳуш
Дарёи таҳайюр айлади жўш.

Бир дам боҳа билмади ул оя,
Ер узра душанди мисли соя.

Лайли ҳам итирди ихтиёрин,
Бир дам кўра билмади нигорин.

Ҳайронлиғи ул мақома етди,
Қим душди оёға руҳи кетди.

Гул суйи сепуб равон юзина,
Лайлини кетурдилар ўзина.

Ҳарён дедилар ангаки: «Эй моҳ,
Ногоҳ ўлур ота-онанг огоҳ,

Қим ғайр ила ошно ўлубсан,
Бир дилбара мубтало ўлубсан.

Бермаз бу равиш натижаи хўб,
Шойиста дагил санга бу услуб,

Яхши назар айласанг ёмондир,
Ҳам биза ва ҳам сана зиёндир».

Андин кетуруб бисоту хиргоҳ
Ул моҳлиқони хоҳу ноҳоҳ,

Ўз буржина қилдилар равона,
То ўлмаё воқиф ота-она.

Сўз демадилар бу можародан.
На ганждану на аждаҳодан.

Мажнуни ҳам этдилар хабардор,
Сувлар сочибон юзина бедор.

Кўрдик нигордан нишон йўҳ,
Бир жисми фусурда вор, жон йўҳ.

Девона қолиб, пари кедибдир.
Солиб ани дилбари кедибдир.

Чок айлади жома, чекди нола,
Ҳоли бадал ўлди ўзга ҳола.

Тарк этди либоси лолагуни,
Рахт ўлди танина ашк хуни.

Гар мотам учун мисоли қома
Сормиш бошина сияҳ амома.

Чўрканди бошина дуди оҳи,
Ёндирди амомаи сиёҳи.

Икроҳ ила чихди пираҳандан,
Ор этди шаҳиди ғам кафандан.

Наълайни бурохди ул баложў,
Қим ошиқа пойбанддир бу.

Ҳамдамлара узр қилди оғоз;
«Кей бир неча ҳамнишину ҳамроз,

Селоби ҳужуми ишқ етди,
Бан шефта ҳоли фарқ этди.

Улманг бани хаста ила ҳамдам,
То ёнмаясиз бу сўза сиз ҳам.

Бан ранги маломата бўёндим
Савдозадалиқ ўдина ёндим.

Албатта бу ўдқи душди жона,
Охир дутошуб чекар забона.

Душвор баломи саҳл сонманг,
Сиз дахи баним ўдима ёнманг.

Бандан сиза душмасун бир ахгар,
Чун дегмади хайр, дегмасун шар.

Савдо сияҳ этди рўзгорим,
Ишқ олди инону ихтиёрим.

Бан бир қушам учдим ошёндан,
Бан қандану майли хона қандан,

Қилманг банга уй ҳикоятин чўх,
Дахи баним анда кетмагим йўх.

Сиздан сўрар ўлса ота ҳолим,
Қайфияти меҳнату малолим.

Сўйлангки: «Фаноя верди рахтин,
Айём сиёҳ қилди бахтин.

Эй пири шикаста ҳоли ношод,
Тангри учун андан айлама дод.

Демаки надир бу можаролар,
Сандан банга етди бу балолар.

Бан билмаз эдим ғами жаҳони,
Ташвиши замину осмони.

Осуда сарочаи адамда,
На ғуссада эдимү на ғамда.

Билмазлик ила хуш эди ҳолим,
На ҳусну, на ишқ эди хаёлим.

Сан воситаи вужудим ўлдинг,
Сан монии файзи жудим ўлдинг.

Умдингки, банимла ўласан шод,
Дардоки, умидинг ўлди барбод.

Бан йўх ўлайим, сан эмди вор ўл,
Ўзга халафа умидвор ўл.

Маъзур тут, эй азиз, маъзур,
Бан қасд ила сандан ўлмадим дур.

Чўх сидқла айладим анга азм,
Ким давлати васлини етам жазм.

Сув солди йўлима ашки ҳасрат,
Домоними дўтди хори меҳнат».

Таҳрир қилиб муносиби ҳол,
Бу шеъри ҳам этди анга ирсол.

Ғ А З А Л

Фазойи ишқи то кўрдим салоҳи ақлдан дурам,
Бани расво кўруб айб этма, эй носихки, маъзурам.

Агар чоки гирибон айласам манъ айламанг, чун ман,
Матои нангдан ори, либоси ордан урам.

Бану саҳройи ваҳшат манзил этман офият кунжин,
Асири доми зулмат ўлмазам чун толиби нурам.

Тамарруд ақл фармонидан этсам, дўстлар биллоҳ,
Бани ройимла сонманг, ишқ султонина маъмурам.

Балойи ишқу дарди дўст таркин қилмазам, зоҳид,
На муштоқи биҳиштам, сан каби, на толиби ҳурам.

Хаёли чини зулфи тоқи абрусила шодам ким,
Сонирсан ҳащматила Қисриям, қадрила Фағфурам.

Ғараз бир од эмиш оламда бан ҳам айларам бир од,
Биҳамдиллаҳ, Фузулий ринду расволиғда машҳурам.

**ЛАЙЛИНИНГ АЙЕМИ БАҲОРДА САЙРИ ГҶЛЗОР ЭТДИГИДИР
ВА АНДА МУРОДИНА ЭТДИГИДИР**

Бир кун баҳори олам арой,
Завқ аҳлина ўлди роҳат афзой.

Ойнаи даврдан кедуб занг,
Давр этди замини осмон ранг.

Файзи шаби кимё асардан,
Таъсири шамомаи саҳардан.

Очилди хама бинофшадан тоб,
Шабнам гула сочи луълуи ноб.

Гулзора ҳаво абир дўкди,
Саҳроя губори мушк чўкди.

Ёндирди саҳоб жола дошин,
Ул дошила ёрди гунча бошин.

Захмина ўлуб шукуфа марҳам,
Пунбасин эдар янги дамодам.

Сабза гула верди моли божин,
Бир сабзая мулкнинг хирожин.

Хуш рангла йиғдилар тажаммул,
Фирузау лаълу сабзау гул.

Дарк айлади гунча рамёу имо,
Гул одина очди юз муаммо.

Мазмуни рубоийи аносир
Файз олдиғи халқа ўлди зоҳир.

Савсан варақи учуб ҳавоя,
Ҳар сабзаяким соларди соя.

Ул сабзая ўғраюб охан жў
Фўлода агар верарди бир сув,

Фўлод даминда жон бўлурди,
Шамшир сифат забон бўлурди.

Оройиши сабзадан замона,
Бенгзатди замини осмона.

Хуршеди чароғи чашми олам,
Кўкдан ера душдугунда ҳардам.

Таҳқиқ эдубон чихуб гумондан
Билмазди замини осмондан.

Гулзорлар ўлди ишрат обод,
Ҳар ерда ўлунди базма бунёд.

Ҳар гўшада ҳар ким олди бир ком,
Ҳар буқъада ҳар ким ичди бир жом.

Лайлининг оноси кўрди мутлақ
Иўх Лайлийи нотавонда равнақ.

Майли гулу сарву сабза қилмаз,
Бинг ғунча очилди ул очилмаз.

Сарф этди шукуфа так дирамлар,
Жамъ айлади нозанин санамлар,

Саҳроя чихорди ул нигори,
Қилди гула арз навбаҳори.

То ғуссау ғамдан ўла озод,
Бир дам кула, ўйная шод.

Ул бир неча бикри пок домон,
Ҳамроҳ ўлуб ўлдилар хиромон.

Юздан кўтуруб адаб ниқобин,
Рафъ айладилар ҳаё ҳижобин.

Ҳар ким на билурса лаъб ё лаҳв
Изҳора кетурди этмаюб саҳв.

Гаҳ айлаюбон сурудлар соз,
Булбуллара ўлдилар ҳам овоз.

Гаҳ гўстаруб ўйнамоқда ҳолат,
Шамшода етурдилар хижолат.

Лекин ҳавас айламазди Лайли,
Ўлмазди бу лаҳву лаъба майли.

Ортирмиш эди баҳор дардин,
Гул завқи рухи нигор дардин.

Истарди фароғат ила бир дам,
Танҳо тута бир бу чоғда мотам.

Айрилмаюб ул пари лиқолар,
Ортурди балосина балолар.

Чун айлади касрат они дил танг,
Найранг ила верди онлара ранг.

«Кей сарвлар айламанг иқомат,
То эвда чекилмая надомат.

Дурунг қилалим тараф-тараф гашт
Сайр айлаялим ҳаволийи дашт.

Сончиб бела нозанин этаклар
Жамъ айлаялим гўзал чечаклар.

Чўх дермага ҳар ким ўлса қодир,
Ўлдир бу санамлар ичра нодир».

Ҳар бир ёна кетди бир париваш.
Доғилди шарар дутошди оташ.

Танҳо қолиб этди нолаи зор
Қилди кўзин абрваш гуҳарбор.

ПАЙЛИНИНГ БАҲОРИ УМРИ ХАЗОНА ЭРИДИГИДИР

Соқи, кўза келди нашъи май,
Бир неча қадаҳ юрут паёлай,

Азми тараб этдинг эҳтимом эт,
Завқин тараб аҳлининг тамом эт.

Базм аҳлина жоми лолагун тут,
Аммо банга жумладан фузун тут.

Зероки ҳануз ним мастам,
Ғам силсиласина пойбастам.

Хушдур тараб аҳлининг бу базми,
Доғилмаға ўлмасайди азми.

Хушдур фараҳ аҳлининг бисоти,
Улайди саботу инбисоти.

Тарихнависи ҳоли айём
Бу қиссая бўйла верди итмом:

Ким васлдан ўлмаюб тасалли,
Мажнундан ўланда дур Лайли.

Кесмишди тааллуқи жаҳондан,
Қатъи назар айламишди жондан.

Бир фаслки дасти ғорати дай
Гулзор бисотин айлади тай.

Мотамкада ўлди арсаи боғ,
Мотамда суруди нолаи зоғ.

Лайли каби ўлди лола мастур,
Мажнун каби шохи арғувон ур.

Ранжи яра қонда ўлди ашжор
Ларзону заифу зард рухсор.

Сўнди гулу лоланинг чароғи,
Сарсар ели зулмат этди боғи.

Гул бийми тааррузи ҳаводан,
Лола ситами дами сабодан,

Рахтини ёширди боғларда,
Лаълини итурди доғларда.

Бир мор мисоли ўлди ҳар наҳр
Ҳар наҳрда сув масобаи заҳр.

Кўкдан ера индигинда борон,
Ҳар қатра ўлуб мисоли пайкон.

Гўёки етарда боға бедод,
Ким шўъбадаи таҳҳруки бод

Бир сеҳр ила они оҳан этди
Андан тани боға жавшан этди.

Бир кун бу ҳавода Лайлийи зор
Ғам дафъина этди майли гулзор.

Кўрди гулу лоладан асар йўх,
Анвои шажарда баргу бар йўх.

Саҳни чаманинг сафоси кетмиш,
Нуқсони сафо камола етмиш.

На сабза танинда тоб қолмиш,
На барг юзинда об қолмиш.

Мотамкада кўрди бўстони,
Риққат ўдина туташди жони.

Сўзи жигар ила ёна-ёна
Шарҳ этди ғамини бўстона:

«Кей боғ, надир бу оҳи сардинг,
Бан хастая зоҳир айла дардинг.

Бан дахи санинг каби низорам,
Бир гулдан ироғу зарду зорам.

На давлати қурбина қабулам,
На равзаи кўйина вусулам.

Сан гарчи хазонасан гирифтор,
Албатта баҳора етмагинг вор,

Уммида висол банда йўхдир,
Сандан ғаму ғусса банда чўхдир.

Ортурди ғам оғладиқча дардин,
Гирён кўка тутди рўйи зардин.

Маъбудина арз қилди розин,
Билдирди кўнгилдаги ниёзин:

«Кей ҳокими арсаи қиёмат,
Султони сарири истиқомат.

Навмидлик оташина ёндим,
Биллоҳ бу вужуддан ўсондим.

Чун дўст ёнингда ноқабулам,
Биллоҳ бу ҳаётдан малулам.

Бан шамъи шаби фироқа ёрам,
Сўзону сиёҳ рўзгорам.

Ёндирди бани жафойи олам,
Дингланмазам ўлмаянча бир дам.

Дердимки вужудим ўла боқи,
Шояд душа васл иттифоқи.

Партав буржинда офтобим,
Билдимки вужуд эмиш ҳижобим.

Ераб, бани эт фаноя мулҳақ,
Ким роҳи фано эмиш раҳи ҳақ»

Пок эди, дуоси этди таъсир,
Филҳол мизожи ўлди тағйир.

Таъсири ҳавойи номуносиб,
Таркибина заъф келди голиб.

Келдикча зиёда ўлди дарди,
Таб-ларза фароғатин кедирди.

Маҳв ўлди таб ичра ул париваш,
Бир шамъ кабики кўра оташ.

Иксилди арақда ҳусни тоби,
Бир гул кабиким кеда гулоби.

Заъфи тани ул мақома етди,
Ким бистар ичинда жисми итди.

Бистарда талаб қилан нишонин,
Кўрмазди вужуди нотавонин.

Рафъ ўлди аломати саломат,
Фавтина кўрунди чўх аломат.

Рафъ этди ҳижоб эҳтирозин,
Фош этди оноя гезлу розин:

«Кей дарди дилим давоси она,
Шамъи амалим зиёси она.

Ғам гезламак ила жона етдим,
То мумкин эди таҳаммул этдим.

Ҳолоки муқаррар ўлди кетмак,
Фарз ўлди бу сирри зоҳир этмак,

Ўлсун санга, эй заифа, равшан,
Ким тиғи ҳаво ҳалокиям бан.

Жисмимда йўх ўзга дард тоби,
Аммо ғами ишқ изтироби.

Бан ошиқи зору нотавонам,
Бир моҳлиқоя мубталоям.

Савдоси ила йўх ўлди ворим,
Кечди ҳавас ила рўзгорим,

Чўх орзу айладим жамолин,
Бир кун кўра билмадим висолин,

Ҳоло кедарам кўнгулда сўзи,
Алдан на келур бу эди рўзи.

Онжоқ дагилам бани паришон
Ул ёр ғаминда зору гирён.

Ул ҳам бани зора мубталодир,
Саргаштаи водийи балодир.

Бандандир анинг жунуни афзун,
Қайс экан ўлубдир оди — Мажнун.

Доим кечирар ғамимда айём,
Бир кун анга ҳосил ўлмади ком.

Расвойи замона ўлди бандан,
Офоқа фасона ўлди бандан.

Беҳуда дагил фиғону оҳи,
Еҳмазми бани анинг гуноҳи.

Банким кедарам бу хокдондан,
Дардим буки, шармисорам ондан.

Эй муниси рўзгорим она,
Ғамхориму ғамгусорим, она.

Бан дори бақоя азм эданда,
Дунёя видоъ эдуб кеданда,

Бансиз чекиб оҳлар, фиғонлар,
Саҳролара душдигинг замонлар,

Дўшса йўлинг ул ўлан диёра,
Арзи ғамим айла ул нигора.

Зинҳор анга ўланда восил,
Хуш кимсадир, андан ўлма ғофил.

Домонини тут, ризосин иста,
Бан мужрим учун дуосин иста.

Арз айлаки: «Эй вафолу дилдор,
Жон верди йўлингда Лайлийи зор.

Ишқингда ерина етди лофи,
Даъвосининг ўлмади хилофи».

Сўйла бани зору мубталодан:
«Кей ишқда лоф эдан вафодан,

Хилваткада унса маҳрам ўлдим
Озодау, шоду, хуррам ўлдим.

Сан ҳам келақўр, тааллул этма,
Бан мунтазирам, тағофул этма.

Гар содиқ эсанг бу йўлда сан ҳам
Сабр айлама, айла тарки олам.

Кел коми дил ила ўлалим ёр,
Бир ердаки йўхдир анда ағёр.

Хуш манзили амна бўлмишам роҳ,
Бетаънаи дўсту жаври бадхоҳ.

Бандан сани айламак хабардор
Бисмиллоҳ, агар иродатинг вор».

Чун қилди васиятини охир,
Аэми сафар этди ул мусофир.

Ед айлади ёри меҳрибонин,
Васл орзусила верди жонин.

Қимдирки жаҳонда фони ўлмаз,
Даври фалакинг амони ўлмаз.

Дунё еди бошлу аждаҳодир,
Андишани улфати хатодир.

Ҳар лутфинадир дафина бинг қаҳр,
Ҳар шаҳдинадир қарина бинг захр.

Даврон узаринадир замона,
Албатта келан кедар жаҳона.

Арбоби замоная вериб панд.
Бу шеъри на хуш демиш хирадманд:

Ғ А З А Л

Бу оламким, кўнгил қайдин чекарсан меҳнату
Ғамдир,
Фано сарманзилин сайр айлаким. Бу хушча оламдир.

Ангиб танҳолиғи қабр ичра нафрат айлама зинҳор,
Тариқи унс тутким, ҳар овуч туфроқ бир одамдир.

Дагил маҳкам жаҳон мулкинда ҳар бунёдким,
қилсанг,
Бақо мулкинда тут манзилким, ул бунёд маҳкамдир.

Ажал олойиши хавфу хатардан қуртарар нафси,
Бу жавҳар кимёи нафса бир иксирӣ аъзамдир.

Камоли ишқи инсон мавт иландир роҳи ҳикматда,
Бале ижро қилан ҳукминг мисоли нақши хотамдир.

Баҳор айёми кирсанг лолазора, хок ажзосин
Муҳаққар кўрмаким, ҳар зарра бир жом ила бир
Жамдир.

Асири нафсдир аҳли жаҳон билмаз фано қадрин,
Фузулий, тарки тажриди санга онжақ мусалламдир.

ТАМОМИЙИ СУХАН

Лайли гули гулшани латофат,
Чун кўрди хазон елила офат,

Помоли хазон ўлуб баҳори,
Анжома етишди рўзгори.

Бечора оноси очди бошин,
Бошиндан ошурди қонлу ёшин.

Қофурини дўкди заъфарона,
Сўзи дил ила келуб фиғона.

Чўх оғлаюб этди оҳу нола,
Оғлар ким ўлурса бўйла ҳола.

Алқисса дутуб тариқи мотам,
Ул воқияя йиғилди олам.

Таъзим ила дутдилар азосин.
Қабрин дузуб урдилар биносин.

Тан ўлди муқими арсаи хок,
Руҳ ўлди қарини авжи афлок.

Шавқ аҳлина қурб ҳосил ўлди,
Дарёсина қатра восил ўлди.

**МАЖНУН ЛАЙЛИ ВАФОТИНДАН ХАБАРДОР ЎЛУВ
ҲАСРАТЛА ДУНЕДАН КЕТДИГИДИР**

Меҳнат чаманида гул деранлар,
Оламда ёмон хабар веранлар,

Ғам нусхасин айлаянда таҳрир,
Вермишлар анга бу навъ ташҳир:

Қим Зайди ситамрасидаи зор,
Ул воқиядан ўлуб хабардор.

Филҳол қилиб азимати роҳ
Мажнуни ҳазини этди огоҳ:

«Кей шефтаи шикаста толиъ,
Афсуски саъйинг ўлди зойиъ.

Адвори тилисминг ўлди ботил,
Бу машғаладан дахи на ҳосил?

Бозор бузулди, йиғ бисотинг,
Бу силсиладан кес иртиботинг.

Лайли санга верди зиндағони,
Сан боқи ўлу, ул ўлди фони.

Сан садқаси ўлдиғинг париваш
Садқа санга ўлди, эй балокаш.

Азми раҳи жаннат этди ул ҳур,
Фирдавс мақомин этди маъмур».

Мажнунки, хабардан ўлди огоҳ,
Сўзи жигар ила чекди бир оҳ.

Қим гулғуласин ҳамул замонда
Жонони эшитди ул жаҳонда.

Оз қолдики, ноласила дилдор
Ул хоби ажалдан ўла бедор.

Бир лаҳза баланд ўлуб хуруши,
Душди ера, кетди ақлу ҳуши.

Чун келди ўзина қилди нола,
Еғдирди хазони узра жола.

Таъна сўзин этди Зайда бунёд:
«Кей соқийи базми зулму бедод,

Нетдим санга қасди жоним этдинг,
Қасди дили нотавоним этдинг.

Қаслинг бани зори нотавона,
Урдинг ситам оташини жона.

Заҳр эди магар бу вердигинг жом,
Ким марг паёмин этди эълوم.

Бир мўрчая надир бу кина,
Фўлода дузарми обгина?

Таъсири ситамдан ижтиноб эт,
Бори бу гуноҳа бир савоб эт.

Еткур бани ёр ўлан диёра,
Шамъ айла бани мазори ёра»

Душди йўла, ўлди Зайда ҳамроҳ,
Бир ҳол илаким, наузу биллоҳ!

Чун кўрди мазори гул узорин,
Душдию қучоқлади мазорин.

Кўксини қилиб лаҳад каби чок,
Марқад каби сочди бошина хок.

Қабр узра охитди қонлу ёшин,
Лаъя айлади ёши қабр дошин.

Ер юзин эдиб сиришки мамлу,
Кечди ера ул сиришқдан сув.

Ўлди дури ашки беқарори
Қабр ичра нигорининг нисори.

Кўз ёшини айлади мухтаб:
«Кей тийра шаби фироқа кавкаб,

Чихмақ санга ўлди энди вожиб,
Ким ўлди ул офтоб ғоиб.

Бир буржи мақом дутмиш ул моҳ,
Ким ўлмаз анга насим ҳамроҳ.

Сан дурма агар мурувватинг вор,
Дуфроғда иста они зинҳор.

Кўр қондадир ул дури ягона,
Нетмиш анга офати замона.

Побўсин эдуб етур ниёзим,
Билдир бу тазарруъ ила розим:

«Кей шамъ, надир бу ижтинобинг.
Бан бахти сиёҳдан ҳижобинг.

Жоми майи ғам дутанда олам,
Ҳам сан ичдинг бу жоми, бан ҳам.

Маст этди магар сани бу бода,
Ким базмда турмадинг зиёда.

Бир нодира шамъ эдинг шаб афрўз,
Душди санга завқи ишқдан сўз.

Бир неча замон агарчи ёндинг,
Сўзи дила дурмадинг ўсондинг.

Бедорлиға кетирмадинг тоб,
Шаҳло кўзунг ўлди мойили хоб.

Ҳамроҳим эдинг бу йўлда, эй моҳ,
Ҳамроҳи қўюб кедарми ҳамроҳ.

Афлока тафоҳур айла, эй хок,
Ким ўлди рафиқинг ул дури пок.

Зулфина муориз ўлма, эй мор,
Ким анда муқимдир дили зор,

Ҳолина таарруз этма, эй мўр,
Қим боғлудир анда жони маҳжур.

Эй умр, кел эмди боша сан ҳам,
Қим чашмима тийра ўлди олам.

Олам хуш эдики, вор эди ёр,
Чун ёр йўх, ўлмасун наким вор.

Эй жон, бани хастая видоъ эт,
Бу хаста ила етар низоъ эт.

Муштоқингам, эй ажал, карам қил,
Дафъи алам ила рафъи ғам қил.

Қуртар бани изтироби ғамдан,
Вер мужда вужудима адамдан.

Ойинами айла зангдан пок,
Қил пардаи эътиборими чок.

Рафъ эт на эса арода ҳоил,
Айла бани ул нигора восил.

Таклифи висол эдар банга ёр,
Бир хилватдаки, йўхдир ағёр.

Бан кетмамак айласам хатодир,
Сандан банга бир мадад раводир.

Биллоҳ, мададимда қилма эҳмол,
Қим бахтима юз верубдур иқбол.

Ераб, банга жисму жон керакмаз,
Жононимсиз жаҳон керакмаз,

Минбаъд залилу хор қилма,
Саргаштаи рўзгор қилма».

Афғонда экан кедуб қарори,
Ўлди бу ғазал дилинда жори.

Ҳ А З А Л

Енди жоним ҳажр ила, васли рухи ёр истарам.
Дардманди фурқатам, дармони дийдор истарам.

Булбули зорам, дагил беҳуда афғон этдигим,
Қолмишам нолон қафас қайдинда гулзор истарам.

Даҳр бозоринда косиддир матои ҳимматим,
Бу матои сотмоға бир ўзга бозор истарам.

Фони ўлмоқ истарам яъни балойи даҳрдан,
Роҳати jisми заифу жони афғор истарам.

Нўла гар қилсам шаби ҳижрон таманнойи ажал,
Найлайин чўхдир ғамим, дафъина ғамхор истарам.

Чун бақо базминдадир дилдор, бан ҳам дурмазам,
Бу фано дайринда базми васли дилдор истарам.

Эй Фузулий, истамаз кимса ризосила фано,
Манки бундан ўзга билман чору ночор истарам.

СУХАН

Чун рози дилини этди тақдир
Ройина мувофиқ ўлди тақдир.

Имдод қилиб инояти ҳақ,
Қилди ани мақсадина мулҳақ.

Гул дерди ҳадиқаи амалдан,
Май ичди суроҳийи ажалдан.

Қабрини қучоқлади нигоринг.
Жон садқаси этди ул мазоринг.

«Лайли» — деди верди жони ширин,
Ул ошиқи беқарору мискин.

Инсоф, ҳамин ўла муҳаббат,
Бу доирадир мақоми ҳайрат.

Гўёки алинда эди жони,
Доим кўзадирди ул замони.

Чун давр ила етди ул замона,
Андин бир ижозат ўлди жона.

Ҳар нечаки вор эди нигори,
Оламда эди анинг қарори.

Чун қилди нигори тарки олам,
Бу олами тарк қилди ул ҳам.

Чун кўрди бу ҳоли Зайди ғамнок,
Афғон қилуб этди ёқасин чок.

Фарёд ила қилди навҳа бунёд,
Авжи фалака етурди фарёд.

Зор оғлади ўйлаким, ҳам ул дам
Оҳи дудина йиғилди олам.

Эл жамъ ўлуб этдилар назора
Мажнуни сиёҳ рўзгора.

Қабр устина кўрдилар йихилмиш.
Жононина жон нисор қилмиш.

Аҳволина оғлаюб саросар,
Дафн этмагин этдилар муқаррар.

Ғусл айлаюб ул тани низорин,
Дилдорининг очдилар мазорин.

Қўйдилар они ҳам ул мазора,
Ғамнок етишди ғамгусора.

Рух ўлди фалакда руҳа ҳамроз,
Тан ўлди танила ерда дамсоз.

Рафъ ўлди тааллуқоти ҳоил,
Матлубина толиб ўлди восил,

Бир базм ики шоҳа маҳфил ўлди,
Бир бурж ики моҳо манзил ўлди.

Қабр устина қўйдилар нишона,
Ғош ўлди бу можаро жаҳона....





МАХТУМҚУЛИ





Кардош туркман халқининг отоқли адиби Махтумқули (Фароғий) улуг озарбайжон шоири Фузулий каби ўзбек халқи орасида кенг шуҳрат қозонган шоирлардан биридир.

Махтумқули тахминан 1733 йилда Атрек дарёси ёқасидаги Хожиговшанда туғилиб, 1790 йилларнинг бошларида вафот этган. Унинг отаси Давлатмамат ўз даврининг ўқимишли кишиси бўлиб, Озодий тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзар эди. Бўлажак шоир туғилган ерида бошланғич маълумотни олгач, ўз илмини ошириш учун у даврда маданий ва иқтисодий марказлардан бири бўлган Хевага келади ва Шерғозий мадрасасида ўқийди.

Махтумқули Хевада араб, форс-тожик, ўзбек тилларини қунт билан ўрганadi, Низомий, Фирдавсий, Саъдий, Навоий, Фузулийлар ижоди билан яқиндан танишади.

Шарқ классиклари ва туркман халқ оғзаки ижодидан баракали таъсирланган Махтумқули ўзининг етук асарларида меҳнаткаш халқ орзу истакларини куйлади, ҳукмрон гуруҳларнинг зулми ва ўзбошимчалиklarини фoш этди, хасис, пасткаш, ярамас хулқли кишиларни кучли танқид остига олди. Шоир ижодида илғор ахлоқни тарғиб этувчи панд-насиҳатомиз асарлар ҳам анча ўрин эгаллайди.

Махтумқулининг етук асарлари халқчил ва бадий жиҳатдан юксак бўлганлиги учун, тилининг равонлиги ва тематик ранг-баранглиги учун ҳам Ўрта Осиё халқлари орасида кенг шуҳрат қозонган. (Ўзбек халқи ҳам ўзининг йирик адиблари билан бир қаторда туркман халқининг

асл фарзанди Махтумқули асарларини севиб ўқиган, қўшиқларга сўлган.

Революцияга қадар шоир қўлёмаларини халқимиз орасида, айниқса Хоразмда кенг тарқалганлиги фикримизнинг далилидир. Махтумқули асарлари тошбосмада ҳам Хева ва Тошкент шаҳарларида бир неча бор нашр қилинган, бир неча ўнлаб асарлари Тошкентда чиқадиган «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилинган.

Биз қуйида халқимиз севиб ўқиган Махтумқули асарларидан намуналар келтирамиз. /





А

ШЕЪРЛАР

ё дўстлар, фалак жабри
Бошимни мубтало қилди,
Айирди севар боламдан
Юрагимни яро қилди.

Ўтти хушвақт, хуррам вақтим,
Бузулди тилладан тахтим,
Янги битан бир дарахтим,
Хазон боди фано қилдим.

Шум ажала бўлмас чора,
Жабрингдан қолдим бу зора,
Юрагима солди яра,
Ғариб жисмим адо қилди.

Энди бир дам қарорим йўқ,
Бу манзилда дурорим йўқ,
Бу сўздан ҳеч хабарим йўқ,
Хабарсиз бенаво қилди.

Ениб парвонадек ҳар дам,
Юрагим дўлдуруб юз ғам
Қаддим хам, гўзларим пурнам,
Бу жонима жафо қилди.

Ғамингдан ўртаниб сўзон
Чекарман нолаю афғон
Фироқингда кўзим гирён,
Нетай, найлай гадо қилди.

Махтумқули чекар фарёд
Менинг аҳволима ҳайҳот!
Фалакнинг илгидан минг дод,
Менинг бахтим қаро қилди.

* * *

Бу не бало, бу не ҳасрат, не ғавғо!
Раҳм эдан бўлмади, бахтим қародир.
Нолиш этсам, арзим етмаз ул худо,
Раҳм эдан бўлмади, бахтим қародир.

Фалак дўст бўлубдир ола кўз била,
Дардими дингламаз, десам сўз била,
Элимни угратдим доғу дуз била,
Раҳм эдан бўлмади, бахтим қародир.

Гўрўғлидек ғайратимдан айрилдим,
Қўжалибмен, қувватимдан айрилдим,
Икки дийдам — зурётимдан айрилдим,
Раҳм эдан бўлмади, бахтим қародир.

Шому саҳар ёта билмам фароғат.
Юрагим телмурар, кўнгул бетоқат.
Қаъбам, қиблам, қардош бўлдилар вафот.
Раҳм эдан бўлмади, бахтим қародир. . .

Денгим-душим ҳар бир кора булашди,
Дўстлар ироқ душди, ҳижрон далашди,
Ихлосим, муродим ғама улашди,
Раҳм эдан бўлмади, бахтим қародир. . .

Сарвоним озошди, дарқади молим,
Иқболим каж турди, кетди хаёлим,
Олтмиша азм урди қартошон солим,
Раҳм эдан бўлмади, бахтим қародир.

Ғама эрким бердим, ҳушум тарқатдим,
Сарой вайрон, карвонимни угратдим,
Менгли хоним ишқ савдосин унутдим,
Раҳм эдан бўлмади, бахтим қародир. . .

Оҳ, найлай ўтурдим йигитлик чоғим,
Дарахти қуриди, бўш қолди боғим.
Думани совулди, эриди доғим,
Раҳм эдан бўлмади, бахтим қародир.

Махтумқули, етмас йиғлаб қарорим,
Бўш қолди дўконим, дарқади борим,
Пой остина тушди номусим, орим,
Раҳм эдан бўлмади, бахтим қародир.

* * *

Ёронлар, гардиши чархнинг алиндан
Бу менинг юрагимъ пора-порадир,
Сизиллашар таним Айюб танидек,
Киши билмаз бир оғирсиз ярадир.

Ғариб агар ғариб ерда юражак,
Гўзларинда қонли ёшлар эражак,
Ошиқ магар маъшуқини гўражак,
Гули-гули очилар, кўнгли порадир.

Тўхум сол, ўрарсен келдинг бу жоя,
Умрингни кечирма беҳуда, зоя,
Назар айласангиз ушбу дунёя
Келен кечар, дурмаз кўҳна сародир,

Махтумқули қилмиш жигарин бирён,
Юрагина қон дўлмиш, бу чашми гирён,
Шуйла ожиз қолмиш, ёлбориб ҳар ён,
Раҳм эдан бўлмади, бахтим қародир.

* * *

Ватанимда хон идим,
Хонлара фармон идим,
Дардлара дармон идим,
Мискина дўкон идим,
Жонсизлара жоним идим,
Найлай инди бечораям.

Гўзсизларинг гўзи идим,
Лолларинг мен сўзи идим,
Илим — гунумнинг юзи идим,
Севар маъшуқлар нози идим,
Ҳотами Той ўзи идим,
Найлай инди фуқароям.

Эрам ичра райҳон идим,
Ватанга зарафшон идим,
Мард йигида чаман идим,
Доғ бошинда думан идим,
Фароғий дер, омон идим,
Инди вайрон бир сароям.

* * *

Жон кўтариб бориб етдим бир бордан,
Хирқа кийиб эл ичинда сон бўлсам.
Тун ичинда бориб байтулло топдан,
Зор йиғлаян соҳибларда хун бўлсам.

Абу Саид, Умар Хайём, Ҳамадоний,
Фирдавсий, Низомий, Ҳофиз парвоний,
Жалолиддин киби, Жомий элноний,
Уларнинг жойинда менам сон бўлсам.

Домангирда¹ юрган устод Навоий,
«Чордевон»и, «Фарҳод Ширин», Зубойи,
Заҳририддин Бобир мезонал-ойи,
Гошларина бориб мен Мажнун бўлсам.

Уқуб эдим Саъдийнинг «Бўстони»,
Кўр не ажаб Хоқонийнинг «Мадioni»,
Истарман «Шоҳнома», «Соқийнома»ни
Малик Умар бирлан Сулаймон бўлсам...

Орболат қўлинда, эй Махтумқули,
Рустама Искандар ҳеч тутмаз йўли,
Не бўлса билгайсан элат хаёли,
Дардлилар олинда мен Луқмон бўлсам.

¹ Домангир — ҳақиқатни кўзловчи.

* * *

Ой киби рўйингни гўрдум,
Нур сочилар ёр юзингдан,
Бир Мажнунам дали эрдим,
Навоий жиндали созингдан.

Кел сен мана даврон айла,
Рақиб гўнглун вайрон айла,
Менинг билан сайрон айла,
Навбаҳор танглиқ ёзингдан.

Бу ишрати чоғ ичинда,
Бўз гўч киби доғ ичинда,
Андалибсан боғ ичинда,
Сўз очмайин овозингдан.

Сен, Фароғи, бил қул бўлдинг,
Қуллуғингни янги билдинг,
Охирида пойинг олдинг,
Насиба қошдан кўзингдан.

* * *

Номард кимдур билур бўлсанг,
Не десанг, дер: бош устина.
Озмойишин қилар бўлсанг,
Ҳеч топилмас иш устинда.

Муртун товлоб ҳарён тортар,
Ҳайбати фалангдан ортар,
Гўкдак гурлаб дамақ йиртар,
Тайёр бўлан ош устинда.

Ош устунда итдек арлар,
Ерсиз ера хардек ҳарлар,
Ҳар тулки бир шердек гурлар,
Мурдор ўлан лош устинда.

Чўл ерда гувра қолдирма,
Улдур хушдур сир билдирма,
Лоф этиб даҳан дўлдурма,
Женг нон дегил диш устинда.

Десалар отлон, ҳа отлон,
Мард йигит — от чайнар сиртлон,
Ёв куни ғайрата қотлон,
Лаънат қўйма риш устинда.

Инсофин алдин бироқмаз,
Оқил одамликдан чиқмаз,
Бу сўзим ҳайвона ёқмаз,
Одам сақлар гуш устинда.

Махтумқули саваш бўлур,
Йиғидин сири фош бўлур,
Е бошин бер, ё бош олур,
Гўч йигит йўлдош устинда.

* * *

Шукур алхамдулиллоҳ,
Жонона гўзум душди.
Майхонада май ичдим,
Мастана гўзум душди.

Эй зулфи сочи анбар,
Меҳробки, юзунг минбар,
Эй лаъли-лаби гавҳар,
Уммона гўзум душди.

Эй гўзлари ахроми,
Гел кўргали яроми,
Эй гўнглумнинг ороми,
Имона гўзум душди.

Эй жоду жаранг гўзли,
Эй шаҳду-шакар сўзли,
Эй шамсу қамар юзли
Тобона гўзум душди.

Орзуда гезар эллар,
Хизматга келар қуллар,
Тоза очилган гуллар,
Бўстона гўзум душди.

Ҳар сочлари бир сунбул,
Гўёки мен ҳам булбул,
Эй жаннат аро бир гул,
Ризвона гўзум душди.

Бу дардима сен дармон,
Кўйингда бўлам нолон,
Махтумқули дер, эй жон,
Жонона гўзум душди.

* * *

Ҳар йигитинг аслин билай десангиз,
Маъракада ўтур-турушин кўринг.
Биров билан ошно бўлай десангиз,
Азал иқроринда дурушин кўринг.

Узоқ-яқин йўла борар бўлсангиз,
Мардонлик қиличин чалар бўлсангиз,
Бир бедовни сайлаб олар бўлсангиз,
Сийнасин, сағрисин, геришин кўринг.

Гўч йигитинг от-яроғи шай бўлса,
Етишар, ҳар ерда ҳайда-ҳай бўлса,
Ўзи Ҳотам бўлуб, яна бой бўлса,
Чор тарафдан меҳмон келишин кўринг.

Бир нечани қилдинг моли бисёри,
Бир нечани қилдинг бир пулунг зори,
Яхши-ёмон ҳамма одаминг бори,
Навбат билан ўтуб боришин кўринг. . .

Золимлар унудар зикри — оллони,
Арзон олиб қиммат сотар ғаллони,
Судхўр ноинсофлар ҳалол тиллони
Ҳаром фойдасина беришин кўринг. . .

Қадрдон қардошдан узоқ дош бўлуб,
Қадрсиз ёт билан қариндош бўлуб,
Махтумқули носозларда душ бўлуб
Хўжанинг, сайидинг юришин кўринг.

* * *

Ғам думани босиб ғариб кўнглимни,
Гўз ёшим сақламай дўкуб борадир.
Қимдир раҳм айлаб суран ҳолимни,
Бузуқ кўнглум аркин йиқиб борадир.

Гарчи ўт ёқсалар ошиқ ёғиндан,
Ўлум осон эрур дўст фироқиндан,
Ҳижрон мени қўйди сабр доғиндан,
Фироқ бўғум-бўғум сўкуб борадир.

Ул даври давроним чарх булаштиради,
Ғам мени қуратди, ўт туташтиради,
Ишқ мени ёндирди, ҳаддан оштиради,
Юрагим ичимдан чиқиб борадир. . .

Махтумқули, мажолим йўқ сўйлайин,
Дўстларга дардимни баён айлайин,
Эй ёронлар, йиғламайин найлайин,
Ишқ мени ёндириб ёқиб борадир.

* * *

Эшит парим, ошиқ бўлдум,
Мен илки бошдан дўғриси,
Бирча кўрмон мойил бўлдум,
Гўз билан қошдан дўғриси.

Кўнглумнинг хушгоҳи сен-сен,
Кулли олам шоҳи сен-сен,
Етти фалак шоҳи сен-сен,
Сел равон ёшдан дўғриси.

Юзинг Зулайхонинг кўрки,
Айланар фалакнинг чархи,
Билдирмаз одамнинг фарқи,
Сен билан дошдон дўғриси. . .

Гар Фароғий ҳамроҳ бўлсанг,
Ночор қолан гўвун олсанг,
Яхши билан ўйнаб гулсанг,
Айирмаз ҳушдан дўғриси.

* * *

Дедим: «Юзи тобона!» Деди: «Менгзар Менгли хон!»
Дедим: «Қўйдинг армона!» Деди: «Қўнгулдир
вайрон!»

Дедим: «Уларам эмди!» Деди: «Қоларсан омон!»
Дедим: «Уқ киприкларинг!» Деди: «Қошларим
камон!»

Дедимки: «Пўшиш киймиш». Деди: «Дўни —
Зарафшон!»

Дедим: «Юзда холлар бор». Деди: «Рўйда гуллар,
ҳей».

Дедим: «Қумри забондир». Деди: «Шаҳди диллар,
ҳей».

Дедим: «Гел сен, хабарлаш». Деди: «Билар эллар
ҳей».

Дедим: «Ул не сарвдир». Деди: «Инжа беллар, ҳей».

Дедим: «Товус не кўйдан». Деди: «Жойи —
Ҳиндистон!»

Дедим: «Кечанг қаранғи». Деди: «Уйқуда ойим».

Дедим: «Қимлар ясовул?» Деди: «Кипригим-ёйим».

Дедим: «Қайда масканинг?» Деди: «Ломакон жойим».

Дедим: «Зарафшон эрур». Деди: «Кавсардур лойим».

Дедим: «Ундан бер манга!» Деди: «Истармиш бежон».

Дедим: «Бу не тутундир?». Дедимки: «Қора морлар».

Дедим: «Қўрқарам андан». Деди: «Илу-гун зорлар».

Дедим: «Сўзинг аслини». Деди: «Сурор, дўярлар».

Дедим: «Сирри фош этдинг». Деди: «Айтмиш
айёрлар».

Дедим: «Улим бор санга». Деди: «Санга ҳам фармон».

Дедим: «Эй Махтумқули!» Деди: «Гўзлар ёш бўлар!».

Дедим: «Ул не ўлғондир?» Деди: «Сизга бош бўлар».

Дедим: «Яқиндир Каъба». Деди: «Кўҳна дош бўлар».

Дедим: «Яхши замондир». Деди: «Бу ҳам душ бўлар».

Дедим: «Энди кетарман». Деди: «Кетсанг бор омон».

* * *

Эй ёронлар, ишқа душдим, юрагим қон айлади,
Кунда юз вақт жон олиб, ҳар кунда юз жон айлади,
Тажу тахту бахtimi, мулкими вайрон айлади,
Мардлари пинҳон қилиб, номард даврон айлади.
Айриб қардош, отадан, кўнглумда армон айлади.

Тилларим лол бўлди менинг қўл билан сўз оларам,
Қар бўлдилар гушларим, душмагин зор қоларам,
Келди фурқат от солиб, очилмай гул — сўларам,
Гунда юз минг ёлбориб, ғамда итоат қиларам,
Икки дийдам зори гирён, сели равон айлади.

Ҳар кас кўруб ҳолиҳ менинг, зори гирён йиғлаюр,
Ҳар кечалар хув чекарман моҳи тобон йиғлаюр,
Дардимга бир чора топмон, келиб Луқмон йиғлаюр,
Молу мулким бўлди ғайрон, кўр, Сулаймон йиғлаюр,
Қайта бошдан қаҳба фалак дунёни зиндон айлади.

Кўрса бу забун ҳолимни боди сабо ул донг саҳар,
Эсмаюр ул фони жаҳон ишине қилиб қаҳар,
Фаслимиз қиш ичра қолди, ёт бўлубдир ул баҳор,
Қийганимдир кафан менинг еганим ўлди заҳар,
Шод бўлубдир ул фалак, ҳар гунда сайрон айлади.

Дўзоҳ кўруб бу норими беҳишт бўлубдур шул замон,
Яхшилар ўрнига эя бўлуб қолганидир бир ёмон,
Ҳамро бўлуб юрган эллар борисидир эргашон,
Бу не палид жойидир, бас не кулфат ўлди замон,
Ғойиб ўлган ул эранлар ўзин қурбон айлади. . .



САЙЁДИЙ





У

збек шоирларидан Сайёдийни «Тоҳир ва Зухра» асари билангина биламиз. Унинг ким ва қачон, қаерда яшагани, ижодий йўли ҳозирча маълум эмас. Сайёдий ёзган «Тоҳир ва Зухра» дostonининг бир неча қўлёзма нусхалари бор, шулардан бири 1807/8 йилларда кўчирилган бўлиб, Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтининг адабиёт музейида сақланади, инв № 96. (Буни Ҳоди Зариф Хоразмдан топган).

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида тўртта қўлёзма нусхаси мавжуддир. Асар қўлёзмасининг яна бир нусхаси СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланади.

Бу тўлиқ нусхаларнинг бирортасида ҳам асарнинг Сайёдий томонидан қачон ижод этилгани ҳақида бирор маълумот берилмаган. Шунингдек ҳозирча бизга маълум тазкираларда Сайёдий деган шоир ҳақида қисқа хабар ҳам йўқ. Мазкур дostonнинг Ҳоди Зариф томонидан 1930 йилда Хевадан топилган эски бир қўлёзмасининг кичик бир парчаси асарнинг XVI асрда ёзилганини тахмин қилишга асос беради. Бунга ҳалиги парчанинг қоғози, сиёҳи, хатининг услуби — исботловчи далил бўлиб хизмат қилади.

«Тоҳир ва Зухра» дostonидан олинган намуналар, асосан, № 95 қўлёзмадан ва XVI асрда кўчирилгани тахмин қилинган ва Ҳоди Зарифнинг хусусий кутубхонасида сақланмоқда бўлган парчадан олинди.





«ТОҲИР ВА ЗУҲРА»

дostonидан

Достон, худо ва пайғамбарга ҳамду сано билан бошланади.
Бундан кейинги боб

Б

ПОДШОҲНИНГ ВАЗИРИ ТУШ КЎРГАНИ

ор эрди Бобохон отлиғ шаҳаншоҳ,
Вазири Боҳир отлиғ эрди ногоҳ.

Икови ҳам бефарзанд эрди.
Паришон хотири дилбанд эрди.

Бор эрди остонаси қошинда,
Яқин эрди — шаҳарнинг йўл бошинда.

Бориб бош қўйдилар остонага ҳам,
Мурод берувчи давлатхонага ҳам.

Бошини қўйди Боҳир, кўрди бир туш,
Азалда бор эди аларга улуш.

Кўрар, султон бирла ўлтурубдур,
Тавофи остона биткарибдур.

Улуғ остона эрди берди додин,
Бериб остона ҳам жумла муродин.

Бу туш бирла ажаб дилшод бўлди,
Тамоми қайғудин озод бўлди. . .

Бу тушни кўрдию уйғонди Боҳир,
Бориб султониға чун қилди зоҳир.

Дедиким: — Туш кўрубман подшоҳим,
Шукур, аллоға мақбул бўлди оҳим. . .

Сўзини эшитиб султони олам,
Худоға (шукр) этибон бўлди хуррам.

Ўтурғон еридин озод қўлди,
Бу Боҳирнинг юзидин тутти ўпти.

Деди Султон: — Худо фарзанд берса,
Анинг бирла кўнгул хурсанд бўлса,

Ўғул бўлса, икови дўст бўлсун,
Икови бир тану, бир пўст бўлсун.

Агар қиз бўлсалар бўлсун дутона,
Бир-бирисига хуш миҳрибона.

Ўғул, қиз бўлса ҳам, дўст бўлсун,
Бу сўздин-ким тонар — номард бўлсун.

Бу сўзларни деди шаҳ, жаҳд қилди,
Икови ўртада бир аҳд қилди.

Деди Боҳир: — Аё э шоҳи олам,
Бу аҳди шарт шаҳларға мусаллам.

Менинг ҳаддим чу етмиш ушбу сўзга,
Ки бўлғай, бўлмағай бу сўзлар ўзга.

Бу сўз устида шаҳ қилди қасам ёд,
Анинг учун бу қисса бўлди бунёд.

ХУДОЯИ ТАОЛО БОБОХОНҒА ФАРЗАНД БЕРГАНИ

Кел э султон бу дам хушвақт ўлтур,
Ки чангу най, дафу наққора қоқтур.

Деди Сайёд: — Иноят қилди тангри,
Бу шаҳни ёрлақаб, қиз берди тангри.

Чу ўтди ойу йил, ғунча очилди,
Бу шаҳнинг устига дурлар сочилди.

Бериб тангрим бу шоҳға нозанин қиз,
Бу қизнинг таърифини айтали биз.

Юзи гулдек эди, чун оғзи ғунча,
Қўранлар жон берурди сўйлагунча.

Лаби лаълу тиши дурдона эрди,
Вале кўрган кишилар ёнар эрди.

Юзининг қизили жаннат гулидек,
Уни мисли Эрамнинг булбулидек,

Қаламтек қоши, юзи моҳи анвар.
Қўзининг равшани монанди гавҳар.

Қиё боқғач, киши жонин оладур,
Киши кўрса, ўзин ўтга соладур.

Бу шоҳ қизига берди тўй бисъёр,
Таоми бор эди юз онча тайёр.

Ки йиғдилар алар ҳайу ҳашамни,
Тутуб иззат бу шоҳи муҳташамни.

Бу шоҳ кенгошини элга буюрди,
Анинг отин халойиқ Зухра қўйди.

ХУДОИИ ТАОЛО БОҲИРГА УҒИЛ БЕРГАНИ

Деди Сайёд: Боҳир ўғли бўлди,
Анинг таърифи ҳам оламга тўлди.

Мунинг отини қўйди Мирза Тоҳир,
Юзида мустафонинг нури зоҳир.

Аносининг отидур Шоҳихубон,
Бу ҳам ҳусн ичида бир моҳи тобон.

Анга хон дояни бошқа қилибдур,
Бу сирни шаҳр эли барча билибдур.

Неча йиллар энагалар чекиб жон,
Ки ҳарбири бўлубон ҳури ғилмон.

Кўрунг Тоҳирни, беш ёшга етибдур,
Бу Боҳир тангри амрин битқарибдур.

Ки Боҳирнинг вафотин билди ул шоҳ,
Деди: «Ўлмак эрур тақдири оллоҳ».

Ўз-ўзидин деди: «Султон эрурман,
Бу тотор элига ҳам хон эрурман.

Вазирим Боҳир ул Қароча ўғли,
Ки бу Тоҳир турур ҳам, онинг ўғли,

Раво эрмас вазири бирла хони,
Қуда бўлса, маломат тортса жони.

Келур бошимга юз турлук маломат,
Ки хоқон элидин торткум ихонат.

Ки маң Боҳир билан шарт айлаганда,
Бу сирни ким билибтур биз деганда.

Бу сирни ким билибтур мандин ўзга,
Дедиким, илмади Тоҳирни кўзга.

ТОҲИР БИЛАН ЗУҲРА БИР-БИРИГА ИНТИЗОР БУЛГЕНИ

Кел э Сайёд, бунёд эт бу қисса,
Начук тушти бу Тоҳир бекка ғусса.

Деди Сайёд, ўшул кун Боҳир ўлди,
Эшитинг банда Тоҳирға на бўлди.

Аларни банди мактаб қилди Султон,
Булар жон бирла ўқур эрди Қуръон.

Ўқуб тилларида илми мажозий,
Вале кўнгилларинда ишқибози.

Бу мактабхона эрди бир баҳона,
Келурлар эрди ул икки дугона.

Ки қўлларин солиб бўюнлариға,
Ани кўрган боқар ўюнлариға.

Гаҳи қош-кўз икиси соз қилди,
Тақи кўнгил қуши парвоз қилди.

Кўнгилда ишқни бунъёд қилди,
Ки Тоҳир бу ғазални ёд қилди:

Эй шамси анвар юзлугум, кўрмагай эрдим кошки,
Кўнглумни, гавҳар кўзлугум, бермагай эрдим кошки.

Эй гулшани Боғи Эрам. эй миҳрибон, тоза санам,
Лаълинг шаробин дам-бадам сўрмагай эрдим кошки.

Ишқингда ман, эй беҳабар, йиғлаб юруб шому саҳар,
Ҳижрон чекиб, хуни жигар юрмагай эрдим кошки.

Излаб висолинг, эй гуҳар, бўлдум гадойи дар-бадар,
Ҳиммат этогин белга бар урмагай эрдим кошки.

Мискин Сайёдий бокарам, бўлдум су илло лоҷарам,
Мардонавор ишқа қадам қўймагай эрдим кошки.

Эшитти Зухра бу Тоҳир сўзини,
Ки ишқ ўтиға солди ҳам ўзини.

Бу сўзни эшитиб девона бўлди,
Анингчун халқ аро афсона бўлди.

Чу ишқа ҳамдаму ҳамроҳ бўлди,
Қизил гулдек юзи чун қоҳ сўлди.

Ҳамиша мактаба ҳамроҳ борурди,
Бу сирни шаҳр эли барча билурди.

Иложи йўқ эди чун ғайри мактаб,
Бу мактабхона ҳам кафиша бар каф.

Икиси чирмашур ҳали печакдак,
Бириси қарчигай, бириси ўрдак.

Вале иккисига айтмас эдилар,
Аён бўлди икисига бу сирлар.

Ки бир кун иккиси ўйнаб келурди,
Ки бир хотун келиб, олдинда турди.

Деди: — Шаҳзодалар, ман бўз қўюбман,
Анинг учун келиб, мунда турубман.

Манам бечораи бир бева занман,
Ғарибу бевазан ҳам беватанман.

Ғарибларнинг дуосини олинглар,
Бўзимдин ул тарафга йўл солинглар.

Бу сўзларга қулоқ солмади Тоҳир,
У ерда беадаблик бўлди зоҳир.

Ки ҳазлон шавқ этди ул қариға,
Ки бу ошиқ бориб тегди қариға.

Тегиб ошиқ қариға, бўлди хандон,
У ерда ўзга сўзлар бўлди чандон.

Деди хотун: — Манинглан қилма бози,
Қилакўр Зухра жоним бирла бози.

Агар санда ақл бўлса, эй ўғлон,
Қилакўр Зухра хоним бирла жавлон.

Деди Тоҳир: — Манга айтгил, на сир бор?
Қилакўр ушбу сирни манга изҳор.

Деди хотун: — Онангдин сўз эшиткил,
Сабр қил, сабр ила мақсуда еткил.

Бу сўзни эшитибон Мирза Тоҳир
Бориб онасиға сўз қилди зоҳир.

Деди онасиға:— Эй жоним она,
Манинг жонимға меҳрибоним она.

Ки билман қайси тоғдин қуш учубдур,
Бу қозу турна қай кўлга тушубдур.

Манинг кўнглум тилар ул кўлга борсам,
Буқун ман анда бориб, ов овласам.

Ки мактабдин келадурман, ўзум оч,
Бу кўнглум орзу қилди қовурмоқ.

Аноси чуст чобук қўпди анда,
Буюрғоч ҳам қовурмоч қилди анда.

Деди онасиға:— Барҳаққи розиқ,
Қўлунг бирла манга бергил мувофиқ.

Қўлунгдин ош емак кўнглум тилабтур,
Санга розим демакка сўз қолибтур.

Ки,— Хуш,— деб, қўлиға олди қовурмоч,
Ки маҳкам тутти қўлин ул узатғоч.

Деди Тоҳир: — Она, тангри ҳақидин,
Муҳаммад мустафонинг ҳурматидин,

Деди, — Она, на сўз бор эшитали,
Қўлумдин келса, мақсадға етали.

Қўли куйғач деди: — Эй нури дийда,
Эшитсанг қиссани, бўлғунг рамида.

Отанг бирла Бобохон қилди паймон,
Ажал етти — отанг топмади дармон.

Унуттуқ биз ани, сиз ҳам унутунг,
На савдодур, болам, кўнгил сувутунг.

Алар хоним эрур, хонларға лойиқ,
Кўнгул берма аларға, бўлма ошиқ.

Агар кўнгул берурсан, фитна ортар,
Танимга ўт тушар, оламни ўртар.

Эшитти ушбу сўзни Тоҳири маст,
Бу ишқ ўти билан ул бўлди пайваст.

Ики дона қовурмоч қўлға олди.
Китобини олиб, қўйниға солди...

Кел эй Сайёд, бошла эмди дoston,
Зимистонда начук очилди бўстон.

Гулистон кўрмагай боди хазони,
Рақиба тангри еткургай заволи...

Деди Сайёд, — Тоҳир қилди ангез
Ки хилват ерда қилғайлар сухан рез.

Бор эрди шоҳнинг бир сайргоҳи,
Чиқарлар эрди анда гоҳ-гоҳи.

Отин айтурлар эрди Боғи майдон,
Қилурлар эрди анда хўб жавлон. . .

Қириб боғ ичига икки дугона,
Бири булбул, бири гул бирла лола.

Икиси қўшулуб, хўб мунглашурлар,
Уфушуб, қучушуб, кўп йиғлашурлар.

Бири-бирига деб рози дилини,
Ки ҳарна кўнглидаги мушкилини.

Алар бу соза тузди икки тори,
Қириб боғ ичида бу ишқ ёри.

Чу ишқ аҳлида бўлмас нангу номус,
Қўзига ҳеч кўрунмас душману дўст.

Ҳақиқат ишқдур бу ишқ бози,
Вагар на бўлмасун ишқи мажозий.

Деди Тоҳирки: — Эй рухсорай ҳусн,
Қилиб ишқинг мани девонай ҳусн.

Отанг бирла отамнинг аҳди, эй жон,
Яратибдур бизи қудратли яздон.

Дер эрмишким, анга кўрмам раво ман,
Бу сирдин телба янглиғ мубталоман.

Начук бўлғай мунинг тадбири, эй жон,
Қолибман ишқ водисинда ҳайрон.

Ки сандин ўзга манга ёр бўлмас,
Бу кўнглум сўрғучи дилдор бўлмас.

Фироқингда ажаб ғусса ютубман,
Умид бирла этагингни тутубман.

Дуочингиз эрурман кеча-кундуз,
Фидо бўлсун бу жоним якка-ёлғуз.

Фироқинг ўтида бас ёнадурман,
Гаминг бирлан букун ҳамхонадурман.

Юзунгдин парда олғил эй нигорим,
Ки шамъинг ўтига парвонадурман.

Санингдек йўқ жаҳонда дилбари шўх,
Санинг васфинг билан афсонадурман.

Висолинг даштида лаб ташна қолдим,
Лабинг шарбатин ичсам, қонадурман.

Қилиб манзил букун байтул ҳазанни,
Ки азми сокини вайронадурман.

Сайёдий айлади бисёр зори,
Талабгар косаи паймонадурман.

Ки бу сўзни эшитти Зухра хоним,
Деди:— Эй меҳрибоним, куйди жоним.

Ки Тоҳир бу ғазални қилди охир,
Деди Зухра: — Отамдур турфа кофир.

Тирикликда кишининг аҳди бўлса,
Емондур аҳдни бас киши бузса.

Отам тонса тонур, ман тонарим йўқ,
Азалдиндур бу қисмат тонарим йўқ.

Манинг ҳам бошима тушти бу савдо,
Ки бўлди ишқ водисинда шайдо.

Санингдек учрамасдур манга бир ёр,
Қўнгул пурғам, кўзум уйқуда бедор.

Мудом йўқтур мени сабру, қарорим,
Еруқ дунёда сандурсан мадорим,

Ки сан Лайли эурсан ёри мажнун,
Ки ман Мажнун эурман чашми пурхун.

Ваё сан Мажнуну ман санга Лайли,
Вале, бор Лайлининг Мажнунга майли.

Икиси боғ ичида, зору ҳайрон,
Бўлуб бу шаҳри Тотор мисли гирён.

Ушул майдон ичида боғбоне
Бўлубон икиси бир корвоне.

Буларнинг барча ишларин кўрубдур,
Бобоҳонга ани ҳам еткурубдур. . .

Шаҳо кўрдум чаман ичра қўнубдур турфа шунқоре,
Назокатлар бўлуб пайдо такаллум қилса гуфторе.

Анинг ман васфи авсофин қилай олдингда эй шоҳим,
Агар оқил эсанг ўлтурма они, тингла миқдоре.

Ажойиб оқилу доно, билиб бу фони дунёни —
Қилибдур мосуво ўзни, англа бу сирри изҳори.

Бўлуб Сайфулмулук соний, Бадеъни истайиб толиб,
Қуруб суҳбат, ичиб бода, қуюб олдинда дилдори.

Гўзал шўрида булбулдек фиғон айлар, шоҳим, Тоҳир,
Азиз жонин фидо айлар кўруб бу Зухра дилдори.

Ики ошиқ учун ҳардам фиғону нолалар ҳардам,
Бу ишқнинг ўтига куйган Сайёдийдур дилафгоре.

Бу хабардан ғазабланган Бобоҳон Тоҳирни банди қилиб ўз қошига келтиртиради ва Зухрани Тоҳирга тенг ва эп кўрмай илгариги аҳддан қайтганлигини билдиради. Тоҳирни сандиққа солиб, дарёга ташлашни буюради.

— Бу Зухра подшоҳ, сан бир гадосан,
Салом ҳаққи билан сан ошносан.

Одам бирла одамнинг фарқи бисъёр,
Тафовут, халқларга, этти жаббор.

Отанг дўстум эди, билгувчи ғаффор,
Йўқ эрса, лозим эрди санга сангсор! . .

Деди: — Тоҳирни бу сандуқға солиб,
Ки ташланглар ани дарёға бориб!

Олиб бордилар ул дарё лабина,
Булар ўт солдилар Зухра жониға. . .

Яна ул ерда Тоҳирнинг аноси,
На қилсун, кўзининг оқу қароси.

Куюб ул нолалар бисъёр қилди,
Неча сўзлар ўқуб, абъёт қилди.

Дедиким: — Эй бўтам, мардона бўлғил,
Кечиб жондин яна жонона бўлғил.

Қиши мардоналардек йўлга кирса,
Ул ишдин тонмаён йўлинда ўлса. . .

Подшоҳнинг эшигинда барча халқ дод
Эттилар,
Оҳу вовайло дебон чун ҳақға фарёд эттилар.

Тоҳири бечоранинг кўнлини овлаб мунча
Халқ,
Жонларин айлаб фидо, Тоҳирни хўб шод
Эттилар.

Олиб келтурдилар Тоҳирни анда,
Бу сандуқ ичра солиб мисли банда.

Қўтариб солдилар Тоҳирни сувға,
Таважжуҳ бўлди Тоҳир зикри «ҳу»ға.

Улуғ дарё эди поёни бўлмас,
Ғариб ўлса, анинг товони бўлмас.

Ғариб ўлди, кўрунг, Тоҳир на бўлди,
Бу сандуқ ичра тушти, тирик ўлди.

На ерда кўрсангизким, бир ғарибдур,
Ки ранги заъфарондай сарғарибдур.

Ғарибдур қул бу Сайёд бенавонгиз,
Битибдур мунча сўз муфлис гадонгиз.

Солиб сувға бариси бўлди ҳайрон,
Улуғ-кичик бариси бўлди гиръён.

На қилсун Зухражон, бечора бўлди,
Қуюбон оҳ уруб, парвона бўлди.

Қизига кўшк ясатиб эрди султон,
Неча кўрсанг, баланд эрди, паровон.

Бу Зухра чиқди кўшк устига улдам,
Ки келди жумла оламини тутуб ғам.

Қилур кўшк устида Зухра фиғони,
Гўёки чиқди ул руҳи равони.

Бу кўшк олдинда гирдоб бор эрди,
Наким тушса, ани балиғ ер эрди.

Кўрунг сандуқ бу гирдоб ичра тушти,
Оқиб бордию ҳам кўшкка етушти.

Сазое қилди Зухра: — куйди жоним,
Фироқинг ўтиға ўртанди жоним.

Қани бир дарди дил бўлғай қариндош,
Ки бўлғай эрди ёлғузликда йўлдош.

Бу ёлғузликда эй, ҳолинг на кечкай,
Бу дарё ичра аҳволинг на кечкай.

* * *

Бу сўзнинг устида мавж урди дарё,
На қилди мавж уруб, сандуқни андо.

Бу гирдобдин чиқариб сув оқузди,
Бу Зухра юрагиндин қон томузди.

Бу сандуқ турмади, гирдобдин ўтди,
Ки ҳечким тутмади, ул оқти, кетди.

Қошинда олти ойлик озук эрди,
Вале сув жонибиндин нозук эрди.

Ки бу уч ой эди оқиб келурди,
Ки ҳардам баҳраи сувдин олурди...

Сув ичра борадур, сувдин насиб йўқ,
Бу дунёда анингдек бир ғариб йўқ.

Келур бўлса, келур Шому Ироқдин,
Кетар бўлса, кетар қошу қабоқдин.

Бу сўзлар эртадин қолғон масалдур,
Ҳар иш аввалида саъю жадалдур...

Қилиб банд ичра Тоҳир сабр ночор,
Ки бир санг пора келди, турди ночор.

Ани дарё ўкуруб урди тошға,
Ки сандуқ миҳи бўлди бошқа-бошқа.

Ки бу сандуқ уза сув бўлди пайдо,
Яна сандуқини оқузди дарё.

Яна бирнеча муддат кеча-кундуз,
Ки бу сандуқ ичинда якка-ёлғуз.

Ушул манзилнинг оти шаҳри Бағдод,
Анингдек йўқ эди ҳеч шаҳр обод.

Бағдод шохининг қизи Моҳим тушида Тоҳирни кўриб, унга ошиқ бўлади. Моҳим Боғи Эрамдек боғда сайр этарди. Боғ қаршисидан дарё оқарди. Дарё юзиде сандиқ кўринади

Деди Моҳим:— Анга ғаввос кирсун,
Очиб кўрмай, они мунда кетурсун.

Яна бир қиз эди оти Жаҳонгир,
Дедиким:— Ман қилурман анга тадбир.

Анинг сочи эди қирқ газ тамоми,
Кўруб ҳайрон қолдурди хос-оми:

Бориб сочи билан боғлаб белига,
Ки мурғи офарин кирди қўлига.

Кўрар тушинда кўрган моҳи пайкар,
Юзи боғнинг гули, лаблари шаккар.

Кўруб Моҳим ани, бир оҳ урди,
— Нега оҳ урдилар?— деб Шаҳри сўрди.

Деди: — Шаҳрики, синглим, беҳабарсан,
Манинг оҳимни сан нега сўрарсан.

Тушумда кўрганимни мунда кўрдум,
Ки шайдо бўлдимۇ девона бўлдум.

Моҳим ва қизлар Тоҳирни ҳушига келтириб, танишадилар. Шоҳ ўз қизи Моҳимни Тоҳирга никоҳлаб беради, лекин Тоҳир мажбурий равишда мурасасозлик қилса ҳам бу шоҳ қизига кўнгул қўймайди. Зухрани ёдидан чиқармайди. Зухра ҳам, айрилиқ ўтига кууб, ҳар вақт Тоҳирни эслайди. Бобохон эса қизининг ихтиёрига қарамай, уни ўз укасининг ўғли Қора Баҳодирга бермоқчи бўлади.

Бу шоҳнинг бир эмукдоши бор эрди,
Ушул қардошининг ўғли бор эрди.

Дер эрдилар отин Қора Баҳодур,
Уруш бобида эрди хўб баҳодур,

Ани чарладию деди сўзини,
Бу шоҳ анга берур бўлди қизини.

Қи шоҳнинг кўнглига келган масалли,
Қизим ҳам шод бўлғай деб, тасалли.

Хаёл этдики, Тоҳирни унутур,
Анга машғул бўлуб, кўнглин сувутур.

Ўқуди фотиҳа домод қилди,
Баҳодур кўнглини ҳам шод қилди.

Эшитти шум хабарни Зухра хони,
Бадар қилди йиғилган сийму зарни.

Ғарибларга берур сангпораларни,
Олур кўнгилларин бечораларни.

Ки яъни бир неча дастгир бўлғай,
Бу, Тоҳир жониға тадбир бўлғай.

Эшикдин қора чўммоқ ҳам келибон,
Кетар эрди узоқдин телмурубон.

Келур эрди, анга боқмас эдилар,
Агар сўз сўрса, сўз қотмас эдилар.

Тутар эрди кўнгилда гина бисъёр,
Бу, Тоҳирдин эшитса зарра ахбор.

Бориб, тутуб анинг бошини кесса,
Бу қизлар кўзича олдиға элтса.

Вале қизлар ани билмас эдилар,
Ки зарра кўзга ҳеч илмас эдилар.

Буларнинг фикрина ҳам кеча-кундуз —
Чиқарурлар бариси оҳи дилсўз.

Яна Зухра қилиб нолону гиръён,
Тилинда Тоҳири, кўнглинда ҳайрон.

Зухра Тоҳирдан дарак топиш учун ишончли бир кишини узоқ са-
фарга кетаётган карвонга қўшиб юборади ва қаерга бормасин ишқ
савдосида куйган ошиқ сифатида куйлаб юришни, шу йўл билан
Тоҳирни топиш мумкинлигини уқтиради.

Бу сўзларни эшитиб эрса қосид,
Равон бўлғай йўл узра якка Воҳид.

Юрубон ҳар шаҳарда соз этарди,
Ки зоди ишқ, деб оғоз этарди.

Ки ногоҳ, учради бу шаҳри Бағдод,
Бўлур ғамгин кишилар анда дилшод.

Сайлгоҳ эрди, шаҳлар сайр этарди,
Ки бу йўл сайлгоҳ ичра ўтарди.

Туруб шаҳзодалар бирла бу Тоҳир,
Нишони отар эрди, кўрди зоҳир.

Туруб қичқурди қосид — зоди ишқ — деб,
Ғариб афтода бўлган зоди ишқ — деб.

Тушубдур ишқга, сарву суманман,
Харобу,хаста дилу меҳрибонман.

Манингдек бормакан кошонаи ишқ,
Манингдек бўлса бир жононаи ишқ.

Манингдек бир мусофир ҳеч шаҳарда —
Ки бўлғайму асир ул баҳру барда.

Бу ишқ ёдини қосид қилди охир,
Бу сўзларнинг барин англади Тоҳир.

Деди Тоҳир: — Аё шаҳзодалар, сиз —
Турубсиз, бир бўлак ғоздалар сиз.

Беринг рухсат, бориб, ҳолин сўрайин,
На бўлубдурки, аҳволин билайин.

Қаю шаҳзоданинг фарзанди экан,
Қаю маҳпоранинг дилбанди экан.

Келиб сўрдики:— Эй марди дил ором.
Қаю майхона ишқидин ичиб жом.

Бўлубсан бе[наво], йўқтур қароринг,
Ақл бобинда зарра ихтиёринг?

Вужудинг тахтида ким тўр қурубдур?
Ушул тўр ичида ким ўлтурубдур? ..

Бўлубман бу шаҳарда ишқ асири,
Ки йўқтур мандин ўзга бир ғариби.

Ки ҳеч ғамхор бормукан ғариба,
Қаю ердин сани тортиб насиба?

Деди Тоҳирки:— Шаҳрим шаҳри Тотор,
Ки жумла корвонлар андин ўтар.

Ки шояд тушса йўлинг ул ерига,
Салом эт биздин ул Моҳим парига.

Мусофир бир йигит Бағдодда сизга,
Ки кўп қуллуқ-салом йиборди сизга.

Сабаб бирлан тушубдур ул мусофир,
Тилай деб сиздин улким макру тадбир.

Денгиз албатта бу сўзларни анга,
Тараҳҳум айлагай шоядки манга.

Деди қосидки:— Эй ишқ мубталоси,
Тушуб бошиға ғариблик ҳавоси.

Ман анинг қосидиман, яхши билгил,
Кетар бўлсанг, кетар фикрини қилгил.

Бу сўзларни эшитиб, эрса Тоҳир,
Чиқарди юрагиндин оҳ зоҳир.

Қучоқлашиб икови йиғладилар,
Бу турғанлар юрагин доғладилар...

Деди султонға Тоҳир арз бисъёр,
Бу ишнинг аввалидин қилди ахбор.

Эшитти эрса ул арзини султон,
Анинг жўнглини овлаб, бўлди хандон.

Деди: — На ерда сан бўлсанг, тирик бўл,
Бўюн тобламагил, кетсанг ана йўл.

Турарсан, дийдамиз устунда турғил,
Кетарсан, яна бир айлана келгил.

Ки бўлсун жумла мушқулинг кушоди,
Қилакўр бизни ҳам, албатта, ёде.

Бу сўзларни дедию берди бир хат,
Келибдур эмди Тоҳирға бу давлат.

Бағдодда Воҳид Шаҳри номли қизни севиб қолади. Тоҳир бошлиқ тўй-тамошо билан Шаҳрини Воҳидга берадилар. Воҳид Бағдодда қолади. Тоҳир хушлашиб, учқур от билан ўз юртига қайтади.

Кетуруб минди Тоҳир яхши жонбоз,
Учар эрди юруса мисли шаҳбоз...

Юруди жаҳд илан, ҳақ деди бисъёр,
Кўзинда ёшию кўнглида дийдор.

Бор эди йўлида бир неча раҳзан,
Одамхўр қирқ қароқчи эрди раҳзан.

Борур эрди йўл узра масту, мағрур,
Кўнгилда ишқ ўти, қўлинда танбур.

Нигори ёди бирлан соз этарди,
Ўзининг созиға овоз этарди.

Бу Тоҳирға алар учради ногоҳ,
Тутуб, банд этдилар Тоҳирни ногоҳ.

Деди Тоҳир аларға арзи ҳолин,
Ўзини ҳам, яна Зухра нигорин.

Булар ҳам билдилар ошиқ экандур,
Бу Тоҳир Зухрага лойиқ экандур.

Дедилар ошиқона бир ғазал ёд,
Эшитибон сани айлали озод.

Ошиқам, эй дўстлар, жонимға жонон истарам
Бу ҳаво гулларни найлай, ўзга бўстон
истарам.

Лаблари обиҳаётдир ташна лаб бечораға,
Давлатингда маң яна бир оби ҳайвон
истарам.

Ёрсиз жаннатға борсам, зулмати ҳижрон
ўлур,
Нолау афғон этиб, бир моҳи тобон истарам.

Дарди бедармонға қолдим, йўқ табиби
ҳозиқим,

Мақдаминга бош қўюб, дардимга дармон
истарам.
Қул Сайёдий ошиқ эрсанг, истама озодлиқ,

Ман ўзумни хок этиб, дардимга дармон
истарам.

Қароқчилар Тоҳирга зарар етказмай қўйиб юбордилар. Тоҳир йўлда борар экан қаршисидан бир тўда «ота безор, она безор» сипоҳи чиқиб, йўлини тўсади. Тоҳир буларга ҳам соф виждонли ғариб ошиқ эканини айтиб, зарарсиз қутулади. Тоҳир Зухранинг иштиёқида ошиқиб борар экан, қаршисидан буюк бир тоғ чиқиб, ўткали йўл бермайди.

Ки бу йўл тоғ орасидин ўтарди,
Наким, карвон келиб, ўтиб кетарди.

Бу тоҳир келди йўл бошига ўткай,
Ки бу тоғдин ўтуб, манзилга еткай.

Деди Тоҳир: «Дариғо, қисматим йўл,
Ки бу тоғ ичра найлай, ҳасратим йўл.

Кўрунг, тоғ беркилиб, бўлди гирифтор,
Юрур йўли йўқ эрди, қолди ночор.

Ки бу тоғ ичра ўлсам, бир ғарибман,
Қизил гул барги эрдим, сарғарибман.

Ғариб ўлса, киши бўлмас қошинда,
Ғариб ўлса, ғариб йиғлар бошинда.

Бу Тоҳир тоғнинг шаънига абъёт —
Уқуб, йиғлар бу ёлғузликда — Фарҳод.

Ки йиглаб дедиким: —Эй санги хоро,
На қилдим ман санга мискин гадоё?!

Ғарибларға раҳм қилмади доғлар,
Ғарибликда ғариб йўлини боғлар.

Бу дунёда на мушкулдур ғариблик,
Ажойиб турфа бедилдур ғариблик.

Агарчи ўз еринда шоҳ бўлса,
Мусофир бўлса, бир қулдур ғариблик.

Ғариб[ни] кўрсангиз ҳеч қилманг озор,
Эрам боғинда булбулдур ғариблик.

Ғариб кўнглини синдурмоқ ёмондур,
Шикаста нотавон қулдур ғариблик.

Сайёдий эл орасинда ғарибдур,
Ғариби хоксор қулдур ғариблик.

Тоҳир худога муножот айтади. Тоғ айрилиб, йўл беради.

Яна йўлга кириб андоғ юрарди,
Тевани йўл билан тез-тез суларди. . .

Кўрунди шаҳри Тоторнинг қароси,
Ҳаял этмакка йўқтур можароси.

Вале ҳам сақламайдур кўзда ёшин,
Етиб йўл устида тевани бошин. . .

Бориб кўшк остида теваси чўкти,
Тушуб, тева юзидин сийпаб ўпти. . .

ҒАЗАЛИ МИРЗО ТОҲИР

Сўзни билиб сўзлаганлар хўб билур сўз қадрини,
Фарқи йўқ кўп сўзлаганлар не билур ўз қадрини.

Боғу бўстон қадрини билсаки ҳар зоғу заған,
Булбули шайдо билур гулзору гулрез қадрини.

Ҳар киминг бошига тушмай билмас ул ғам лаззатин,
Ким ғарибдур, ул билур бир оҳи дилсўз қадрини.

Ер ила юрдинг Сайёдий, билмадинг эл қадрини,
Оқилу доно билур ҳам ёр, ҳам эл қадрини.

Зухра Тоҳирни ўз ҳарамида яширин сақлайди. Уни кундузи сандиққа яшириб, кечаларигина суҳбатлашади. Бир маккор кампир бундан воқиф бўлиб қолади. Энди сирни сақлаш мумкин бўлмай қолганини билган Зухра, фурсатни ғанимат билиб, Тоҳир билан очиқдан-очиқ суҳбат ва базм уюштиради.

Бу сўзнинг устида энага келди,
Бу сўзнинг маънисин англади, билди.

Деди:— Эй пийра зол, қавли бадкөр,
Кўруб Тоҳирни ул бўлубдур ағъёр.

Начук бўлур булар тадбири эмди,
Келур бу пийра зан тақсири эмди.

Деди Зухра энагагаки:— э ёр,
Бориб ҳам келтуринг Тоҳирни тайёр.

Қи бирдам ўлтурали яхши хилват,
Ўтуб ишрат, келур бўлғай маишат.

Энага чарладию келди Тоҳир,
Бу ўткан мушкул ишни қилди зоҳир,

Қи охир чорлади уй қизларини,
Бари хизматдаки қирқинларини.

Бариси кўрди Тоҳирнинг юзини,
Бари бир ерда қўйдилар сўзини.

Ўлум келгунча бир ишрат қилоли,
Манга қисмат бўлур, сўнгра кўроли.

Деди Зухраки:— Аввал ишратимдур,
Манинг олдимда ўлса, давлатимдур.

Агар ўлсак, ки мардона ўлоли,
Бир-икки кунга мастона юроли...

Қи чарлатиб бари созандаларни,
Ғазал қичқурғучи озодаларни.

Уруб кўшк устида минг шодиёна,
Баланд қоқтурдилар минг шодиёна.

Бари созанда туруб соз қилди,
Ғазалхонлар анга оғоз қилди.

Буларнинг завқини ул шоҳ эшитти,
Аларнинг ишратиға шукр этти.

Деди:— Тоҳирни савдосин унутти,
Қизим миҳрин бу Тоҳирдин сувутди,

Ўзи ҳам чарлатибон ўн кун тўй,
Ки сўйдурди юз оту юз гала қўй.

Халойиқни ажойиб қилди маъмур,
Нақора чалдуруб сурнойу танбур.

Хабари йўқ аларнинг ҳам буларнинг,
Буларнинг ҳам хабари йўқ, аларнинг.

Бу султон билмади қизини макрин,
Бу қизлар билмади султонни дардин.

Бу макру ҳийла бирлан тўй бўлди,
Никоҳ этмакка гуфтуғўй бўлди.

Бу хон этди никоҳ Қора отиға,
Шукур қилди: «Қўшулди ўз зотиға».

Бу қиз этди никоҳ Тоҳир отиға,
Қулоқ солинг худонинг санъатиға.

Неча кун ушбу даврон бирла ўтди,
Халойиқ билдию султон эшитти.

Ҳукм қилдики султон:— анлангизлар,
Агар бир тутсангизлар, боғлангизлар.

Жудо учраса, мунда келтурунглар,
Вагар бўлса, тутуб ҳам ўлтурунглар...

Кетуруб ошиқи бечораларни,
Тутуб банд этдилар овораларни.

Фақир Тоҳирни айлаб банди мазбут,
Бу Тоҳирдин кетибдур эмди беҳбуд.

Икисини тутубон, хонлариға,
Олиб бордилар ул султонлариға.

Борадурлар рақиблар шоду хуррам,
Вале бу иккисинда юз туман ғам...

Буюрди Тоҳири жаллодлариға,
Кўлунда ханжари фўлодлариға.

Олиб чиқдилар ул майдон юзига,
Жаҳон тўлди халойиқнинг кўзига.

Деди Тоҳирки:— Эй барча халойиқ,
Таваққуф айлангиз барҳаққи розиқ.

Қилойин ёрима бирнеча гуфтор,
Ул эрди бу ғариб жонимға ғамхор.

Қадимдин бор эди бир аҳду паймон,
Кетурди ул мани аҳд ила қайдан.

Бу сўз устига ногоҳ Зухра келди,
Бир оҳи ҳажр ила бағрини тилди.

Деди: — Бўлсун муборак ушбу майдон,
Ки ман ҳам қилғум аҳд устинда жавлон.

Бу майдон ичра кирдинг, шошма жоним,
Санга арзим будур эй меҳрибоним.

Аё дўстум, букун мардона бўлғил,
Сўзунгдин тонмағил, шерона бўлғил. . .

Деди Тоҳир эшитиб:— Эй вафодор,
Хуш эмди меҳрибон, эй ёри ғамхор.

Манга ўлгунча сан ғамхорлик қил,
Ман ўлсам, мардума ғамхорлик қил.

Мани бир манзила дафни қилурсан,
Ки сўнгра маслаҳатингни билурсан.

Самандар куймаён мақсудга етмас,
Қаландар ўлмаён маҳбубга етмас.

Куярман ушбу кун парвоналардек,
Уларман ҳам яна девоналардек.

Ғарибинг руҳига такбир қилғил,
Ғарибинг қабрига шабгир қилғил.

Рақиблар жабридин қилдим видон,
Ки сандин ўзга манга барча ёғи.

Уқуб майдонда қичқуруб урар оҳ,
Анинг ҳолига йиғлар ғайри ул шоҳ.

— Эй Нигорим қолмади бу танда дармон,
Бўлди ёри ёрдин қилмоқға фармон алвидоъ,
алвидоъ,

Ман букун қилдим сафар шаҳри хомуш
ичраким,

Сан қолиб топқунг ҳаёти жовидон жон,
алвидоъ.

Ман қачон айрилғай эрдим, жаври султон
бўлмаса,
То азал мундоғ бўлубдур, жаври султон
алвидоъ.

Қаҳр айлаб зулжалол этди икимизни жудо,
Эмди бўлмас дардимиз, дардимга дармон
алвидоъ.

Бу майдон ичра тушдим якка-ёлғуз,
Муборақдур манга бу ийди навруз.

Аё беглар бағишладим жонимни,
Бу майдон ичра оқузунг қонимни.

Бу сўздин ўзга сўзни ул демади,
Улардин ўзга қайғу ҳеч емади...

Деди Зухра: — Аё эй, нотавоним,
Тасаддуқ айладим ман танда жоним.

Манга йўқтур бу жондин зарра қайғу,
Бўлуб дунё манга сансиз қоронғу.

Ки сандин сўнг на кун кўргум, эй жон,
Санинг йўлингда бу жонимду қурбон.

Мазоринг олдида тузай мазоре,
Қилай қоним била ман лозазоре.

Санинг қабринг бошинда турбатимни,
Тузайин барча кўрсун зийнатимни.

Тириклигим қурутуб, хок этарман,
Ки ханжар бирла кўксум чок этарман...

Қилиб уч кунки дучор бир-бирига,
Қи рухсат бердилар жаллодларига.

Кесиб ул ерда Тоҳирнинг бошини,
Бари халқ кўзидан тўкди ёшини.

Зухра Тоҳирнинг жасадини қирқин қизларига кўтартириб, мотам билан ўз ҳарамига олиб боради. Жанозага қирқ минг одам йиғилади. Ҳофизлар турлук оҳангларда ўқиб, майтни катта тантана билан кўмадилар. Зухра энига «қора курта» кийиб, мотам тутарди, кўз ёшларини тўкиб, Тоҳирнинг қабрини зиёрат қиларди. Шу вақт Қора Баҳодир яна Зухранинг ҳузурига келиб, Тоҳирни унутушни ва ўзига тегишини яна таклиф қилади. Зухра бу балодан қутулиш учун ёлғондан тўйга розилик билдиради ва Қора Баҳодирни тўй тадорикини кўриш учун жўнатиб ўзи Тоҳирнинг қабрига қараб югуради.

Югуриб етти ул қабрнинг бошига,
Хабар бўлмади ёри-йўлдошига.

Қи бир ханжари бор эрди белига,
Суғурди ханжарин, олди қўлига.

Қўюб ханжарни ҳам кўксига улдам,
Ани тутғони йўқ қошига ҳамдам.

Ишорат қилди улдамда ўзига,
Кўрунмай ота-онаси кўзига.

Юракин қабра қўйди, урди бир оҳ,
«Муродим бул эди, еткурди оллоҳ»

Қалима айтди Зухра, бўлди охир,
Вале, ўлмакдин ўзга йўқту тадбир.

Пичоқ ўйнаб чиқибон боғириндин,
Бўёлди кулли шай қизил қонидин.

Қи сони бўлди бу қизлар хабардор,
Бари мотамда бўлди зори афгор.

Зухрани Тоҳирнинг қабри ёнига дафн этадилар. Зухранинг вафотидан кейин Қора Баҳодир ҳам ўзини ўзи ўлдиради. Бунинг ота-онаси ўғлини Тоҳир билан Зухра қабрларининг оралиғига кўмади.

Ўнгунда Зухрау сўнгунда Тоҳир,
Иков ўртасида Қора Баҳодур.

Яна тушди ароға анда ағъёр,
Яна бўлди бири бирисига зор.

Бири гул бўлди, бири навбаҳори,
Икиси чирмашубдур, турфа ҳоли.

Вале Қора Баҳодур ҳам кўкориб —
Чиқибдур, иккисин орада ёриб.

Кўкорибдур ажиб турфа тикони,
Қи маълум бўлди ул ағъёр экони.





САЙҚАЛИЙ





Ў

Ўзбек адабиётида дostonчиликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган Собир Сайқалий Ҳисорда тахминан 1730 йилларда туғилиб, 1797—98 йилларда вафот этган.

Шoир Сайқалий ўзбек ва форс-тожик адабиётини жуда яхши билган, Сайқалий анчагина дostonлар яратган, «Қиссаи Сайқалий», «Ахтамнома», «Баҳром ва Гуландом» ва «Жангномаи имом Ҳанафия» шулар жумласидан бўлиб, «Жангномаи имом Ҳанафия» тожик тилидадир.

Сайқалий ижодида унинг «Баҳром ва Гуландом» дostonи алоҳида аҳамиятга эгадир. Асар 1787/1788 йилларда ёзилган, унинг бир неча нусхаси ЎзССР Ф. А. Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Дostonда Рум шаҳзодаси Баҳром ва Чин маликаси Гуландомнинг бир-бирига бўлган муҳаббати фонида даврнинг қатор социал масалалари қўйилган. Дoston шу темадаги бошқа дostonлардан сюжет линияси эътибори билан тубдан фарқ қилади.

Сайқалий ўз даврида ва сўнгги даврда ҳам ўзининг дostonлари билан халқ орасида шуҳрат қозонган шоирлардандир. Биз қуйида шоирнинг «Баҳром ва Гуландом» дostonидан парча берамиз.





«БАҲРОМ-ГУЛАНДОМ»

дostonидан

Бор эрди подшоҳи кишвари Рум,
Ажаб оқилу доно, хуш такаллум.

Кўп эрди молу ашёси жаҳонда,
Хазойинлар қўюб эрди ниҳонда.

Бериб эрди анга иззат худованд
Ғаройиб жоҳу нусрат, ғайри фарзанд.

Агарчи дунёлиғдин эрди беғам,
Тиларди тангридин фарзанд дамодам.

Фақирларға қилурди хайру эҳсон,
Қилиб фарзанд учун жонини қурбон.

Бу орзу бирла ёши қирқға етди,
Вил-охир тангрим анга раҳм этди.

Ато қилди анга бир олий фарзанд,
Кўруб фарзандини шоҳ бўлди хурсанд.

Суюнгандин қилиб тўю тамошо,
Тасаддуқ айлади кўп молу ашё.

Қилиб аркони давлатларга инъом,
Ки қўйди ўғлини отини Баҳром.

Қилурди жону дилдин парваришлар,
Тасаддуқ айлабон олтин кумушлар.

Мунингдек ўгли олти ёшга етди
Ўқутғоли ани муллоға элтди.

Ўқур эрди бориб мактабга ул ёш,
Ўзи ёш эрди, аммо қилмиши бош.

Ўқубон олти йил ул бўлди мулло,
Хати хўб, табъи аъло этди пайдо.

Ўн икки ёшоғон сўнг ул муориз,
Сипоҳилик равишин этди ангиз.

Чиқарди сўйи саҳро гоҳ-гоҳи,
Олиб арқосидин хайлу сипоҳи.

Ўтуруб тийр андозлиқ қилурди,
Гаҳи ўйнаб қиличбозлик қилурди.

Гаҳи тева миниб чопарди ҳар сў
Ажаб ишлар қилурди ул неку рў.

Кўрунган ҳар ҳунарга кўз солурди,
Учар қуш нақшидин улгу олурди.

Ҳунардин ончинон бўлди бағоят,
Кетиб донги вилоят бо вилоят.

Бу кайфиятда ўн саккиз яшади,
Алам кўрмай бағайр азрўйи шоди.

Ажаб эр чиқди ул нодири даврон,
Забардасти замон бўлди батугён.

Мубориз марди майдони диловар,
Жамоли шамси анвардин мунаввар.

Кўрар кўзга ажойиб нозанин ул,
Ки бир юзодаи рўйи замин ул.

Ки хулқи хўй монанди малакдур,
Масиҳо сўзлари зери фалакдур.

Дер эрди кўрса ҳар ким хуш жамоли,
Юзига тегмасун қаттиқ шамоли.

Онингдек ўғлига ул шоҳи кишвар,
Тасаддуқлар қилурди лаълу гавҳар.

Ҳамиша жону дил бирла севарди,
Юзин бо иштиҳо кўрса тўярди.

Шукр беҳад қилурди бир худога,
Худо еткурди они муддаога.

Юрурди шоҳ хурраму фориг аз ғам,
Нега ул ғам есун ҳақ берди ҳамдам.

Ки давлат бирла бир кун шоҳи кишвар
Амирларнинг барин йиғдурди яксар.

Қуруб суҳбат ўтурдилар амирлар —
Ҳама соҳиб суҳан, равшан замирлар.

Ўтуруб тахти давлат бирла кишвар,
Сочиб ўғли бошига дурру гавҳар.

Миёни дўсту душман хос ила ом,
Қилур бўлди ўзин ўғлига инъом.

Турурди шоҳнинг олдида Баҳром,
Адабдин қўлларин айлаб алиф-лом.

Тафарружда эдилар мардуми шаҳр,
Олурдилар руҳи Баҳромдин баҳр.

Шаҳи кишвар қувониб анда бисёр,
Улуғлигин қилиб оламга изҳор.

Азиз ўғлини ул шоҳи хирадманд,
Мулойим сўз билан берди неча панд.

Деди: «Эй нуриайним, тожи барсар,
Аё жондин зиёда тоза гавҳар!

Худо қилди сени мансабга лойиқ,
Эшит мендин равиши подшолиқ.

Адолат қил, раиятпарвар ўлғил,
Ки то халқи жаҳонга сарвар ўлғил.

Ки мискинларни арзин онглағил боз,
Асирларни яна айла сарафроз.

Тараҳҳум қил етимлар ҳолиға сан,
Амал қил яхшилар афъолиға сан.

Мурувват бирла бахшишни шиор эт,
Ҳамиша яхшилиқни ихтиёр эт.

Ки тадбир ақл бирла айлағил кор,
Буларни бил бўлур ҳар ерда даркор.»

Қабул айлаб барини шоҳзода,
Тавозуълар қилиб ҳаддин зиёда,

Ки ҳурмат шартини бажо кетурди,
Отасиға ибo бирлан гапурди.

Деди: «Эй шаҳриёри номдори,
Азиз жоним қадам хокинг нисори,

Ҳаётинг борича сен шоҳ бўлғил,
Улу ҳиммат Фаридун жоҳ бўлғил!

Ки гул гашти, чаман фасли баҳори
Бўлубтур рўйи саҳро лолазори,

Ки акнун давлатингдин бўлса рухсат,
Чиқиб сайру шикор этсам бу фурсат.»

Келиб шоҳ завқи шоҳзода сўзиға,
Муҳаббатлар била боқти юзига.

Деди: «Эй рўзгоримнинг чироғи,
Сипоҳ анжом олиб олғил яроғи.

Ҳавас қилсанг, бориб қилғил шикори,
Муборак хотиринг кетгай губорил!»

Бўлуб хуррам бу сўздин анда Баҳром,
Йиғибон лашкарин айлаб саранжом.

Равон чиқиб юруди сўйи саҳро,
Қилиб мажмуи лашкарларни оро.

Кўюб сезондалар кўп созларни,
Иликка қўндуруб шаҳбозларни.

Асоси салтанат устида шаҳзод,
Шикор айлади ул сардори сайёд.

Солиб лочин, югуртиб този чандон,
Шикорилар шикор айлади ҳар ён.

Ҳар алвон жону жонвордин тушуруб,
Ҳама лашкар шикор айлади юруб.

Юрурди анда Баҳром бирла кўп эр,
Йўлуқди ул биёбон ичра бир шер.

Кўрарларким ажаб шери башиддат,
Сиёсотлик, салоботлик, баҳайбат.

Деди шаҳзодаким: «Эй паҳлавонлар,
Ўзин манман баҳодирман деганлар,

Бориб олсун бу шерни эмди якка,
Чу кетгай эрлиги тахти фалакка.»

Эшитиб барча лашкар бўлди хомуш,
Қилиб бир нечалар эсин фаромуш.

Бўлуб ҳайрон боқиб турдилар ул дам,
Борурга чиқмади ул шерга одам.

Ки ул ҳолатда Баҳром шоҳзода
Пиёда бўлди ул майдон арода.

Ки Рустам эрлиги ангиз қилди,
Онингдек шерга танҳо хез қилди.

Кўруб шаҳзодани хез этди ул шер,
Қочарни билмади шердин ўшал эр.

Кўтариб шер ул дам икки илгин,
Ўзин шоҳ устига ташлади ул ҳин.

Ки шоҳ ҳам бўлди шердин рад берибон,
Ўтуб кетди ололмай шери фаррон.

Югуруб кейнидин шаҳзода ул дам
Солиб қўл қуйруғидин тутди маҳкам.

Кўтариб зўр этиб ким ердин они
Они Рустам киби соҳибқирони.

Ўгуруб бошидин бир неча навбат,
Ки тўлғаб ерга урди босиёсат.

Ки шоҳнинг зарбидин шер устихони
Бўлубон майда-майда чиқти жони.

Бу зўрлиғни кўруб мажмуи лашкар
Дедилар: «Офарин оллоҳу акбар!»

Мунингдек эрни ҳеч ким ёд билмас,
Агар Рустам эса бу ишни қилмас.

Илоҳи сен ўзинг айла июнат,
Ёмон кўздин муни қилғил саломат.

Баси отланиб ул Баҳроми сарвар,
Дуо қилдилар ул дам барча лашкар.

Буюрдиким: «Бу шерни ортингизлар,
Ки элтиб шоҳга пешкаш тортингизлар».

Ушал дам анда неча паҳлавони,
У шерни ортибон бўлди равони.

Ки шоҳни олдиға элттилар альён,
Кўрубон шоҳ қолди анда ҳайрон.

Яна ҳар ким кўруб ул шер сиёқин,
Дедилар: «Офарин бу ишга таҳсини».

Бу ишга шоҳи кишвар кўп севинди,
Ишониб ўғлига ҳам кавни тўлди.

* * *

Кел эй рови, ривоят айла акнун,
Ҳасуд этти бу азми килки гардун.

Атосига юборди шерни шоҳзод,
Юруб эрди шикор айлаб бўлуб шод,

Қизиқ бирла суруб отин баҳар сў,
Кириб кўп сайдни ҳар сў этиб рў.

Ов устига юрурди шоҳзода
Йўлуқди бир кийик ул чўл арода.

Кўрар шаҳзодаким бир турфа оҳу,
Паридек шевалик кўзлари жоду.

Они кўргач унутди ўзга овни,
Тирик ушлаб олай деб қувди они.

Анингдек қувдиким то ботти офтоб,
Етолмадики кўрди неча қистоб.

Кийик қочди биёбон сори юзлаб,
Қуварди кетидин шоҳзода кўзлаб.

Бориб бир маъзила тушди саросар,
Адошиб қолди шоҳдин барча лашкар...

Таажжуб жой эдиким ваҳм бисёр,
Ки одам наслидин ўзга ҳама бор.

Яна бир ёнида кўҳи баланд ҳам,
Эди бир ёни царёи муаззам.

Ғалоғуллар келарди ҳар тарафдин,
Ки ваҳм этмас эди деғу паридин.

Эшитиб шоҳким таҳсин этарди,
Кўзидин уйқуси учуб кетарди.

Омон берса бугун халлоқи бечун,
Олойин ман тонг отқон сўнгра мазмун

Дебон ётти у ерга ул дилафруз,
Тонг отти бўлди ойдин ул қуло туз.

Йўқолди кеча кўргон кўп ғалоғул,
Таажжуб айлабон ул хорсиз гул.

Туруб отландию бўлди равона,
Ушал оҳу изини сўрди ёна.

Юрубон эртадин то чошт бўлди,
Пайи оҳу биёбондин йўқолди.

Бўлуб ҳайрон юрурди анда Баҳром,
Боқарди ҳар тараф ул шоҳ гулфом.

Бўлуб ҳайрон саросар шоҳзода,
Ки юрди неча кун ул чўл арода.

Кезиб даштни юруди анда ул шоҳ,
Ки бир тоққа етишди ул баногоҳ.

Кўрарким бир ажаб тоғи улуғдур,
Чиқиб ҳар сў тамошо қилғулуқдур.

Отини секратиб ул дамда шоҳзод,
Ки ул тоғ узра чиқди сарви озод.

Боқиб ҳар сў тамошо айлар эрди,
Кўзига хуш ғаройиблар кўрунди.

Ажаб бир манзили хуш дилкушодур,
Гулистони эрамдек хуш намодур.

Анингдек тоғки кўпдур боғу бўстон,
Ки ҳар сў ранг-баранг тоза гулистон.

Ададсиз жон жонварлар ҳам онда,
Ки булбуллар юрур, сайрар чаманда.

Турубдур мевалар анда пишибон,
Ётибдур сабзалар узра тушибон.

Кетар сарчашмалар ҳар қайси ёна,
Оқиб себаргалар узра равона.

Сафидору чинору боз аръар,
Турар эрди бўлуб кўкка баробар.

Тамошолар қилиб ким шоҳзода,
Борур эрди аролаб ул арода.

Иўлуқти олдидин бир гунбази хўб,
Мунаққаш ранг-баранг турфа дил ошуб.

Кўрарким бир ажаб хиргоҳи аъло,
Гуногун маснуоти ҳақ таоло.

Назар қилди эшикдин тўгра фурсат,
Қамашди кўзлари гўёки фархат.

Турар бир суффайи олий мунаққаш,
Салосил тушаган, зебою дилкаш,

Ки ул уй ичра ҳам бир тахти заррин,
Ҳама лаълу жавоҳир бирла нақшин.

Ки ул тахт устида бир қизни кўрди,
Юзи гул, лаблари қирмизни кўрди.

Қийилгон қошлари, кўзлар чу бодом,
Анга боқтию ҳайрон бўлди Баҳром.

Яқинлаб бордиким анда ўшал шоҳ,
Ки анга сўз қотай деб кўрди ул моҳ.

Кўрарким жони йўқ сурат эрур ул,
Агарчи сурат эрди берди кўнгул.

Тушуб завқи билан ҳайрон ўшал шоҳ,
Чиқорди жону дилдин бир совуқ оҳ,

Деди: «Эй сурати покиза дилкаш,
Ёқилди жонима ишқингдин оташ.

Санингдек ёрни кўргаймукинман,
Ки андин рози дил сўргаймукинман».

Деди сурат забони ҳол бирлан,
Бу сўзни шаҳга бу минвол бирлан,

Ки: «Ман суратга кўнгул берсанг, эй ёр,
Топарсан гар манга бўлсанг талабгор».

Бу сўздин шаҳни ишқи зўр бўлди,
Кетиб ўздин вале пур шўр бўлди.

Туруб эрди анга андиша қилмай,
Бўлуб ҳайрон вале борурни билмай.

Ушал ҳолатда келди бир куҳан сол,
Дедиким: «Эй йигит, санга нечук ҳол?»

Боқиб Баҳром анга берди саломи,
Жавобин берди ул ҳам бо тамоми.

Тавозуълар билан ул дам кўрушти,
Ўтуруб ҳолидин бир-бир сўрушти.

Деди: «Қайдин келурсан, эй баҳодир,
Бу ерга келмагинг на боисидир?»

Деди шоҳзодаким: «Сан сўзла, эй пир,
Бу сурат ким эрур зуд айла тақрир?»

Деди пир: «Англағил, эй ёри бодард,
Менинг отим эрур пири Жаҳонгард.

Амири қофила эрдим бил, эй ёр,
Бор эрди мулку моли манга бисёр.

Юруб таҳти фалакни сайр этардим,
Шаҳарлардин шаҳарларга кетардим.

Борур эрдим насиб этган заминга,
Гузорим тушди ногоҳ шаҳри Чинга.

Бор эркан бир қизи Фағфур Чинни,
Тутуб овозаси рўйи заминни.

Жаҳонда хўбу зеболикда анга,
Самода ҳур етолмас, гул чаманда.

Этолмон тавсифин юз мингидин бир,
Бўлур юз тил анинг васфида қосир.

Қади гулбутаси, оти Гуландом.
Ани кўрган қилолмас сабру ором.

Қи симин тан бадан, нозик димоғи,
Қилибтур ўзига бир чорбоғи.

Тузотибон неча қасру иморат,
Ясаб бир кўшки раъно хад бағоят.

Чиқиб ул кўшкиға ул моҳ танноз,
Тамошолар қилур ҳар сў сарафроз.

Ани ҳар ким кўрай деб борса анда
Юзин кўрган бўлур албатта банда.

Ки ман бордим ўшал Чин шаҳрига чун,
Гуландомнинг жамолин кўргали чун,

Ҳавойи ҳуснига бўлдим гирифтор,
Юрурдим токи уч йил зору афгор.

Ушал кундин бери ўзимда йўқман,
Шароби шавқидин девонадурман.

Кўрардим гоҳ идларда жамолин,
Муяссар айласа эрди жамолин.

Ўзимга айладим андиша анда,
Юрай токай дебон бу шаҳри Чинда.

Ки Чин наққошларини йиғдурубон,
Аларға бермишам моли фаровон.

Олиб дунёни ул наққоши Чини,
Ки тортиб берди ул қиз суратини.

Бу суратни олиб бу ерга келдим,
Мунингдек хуш иморатларни қилдим.

Ўзимга сақладим бир қулни, эй ёр,
Ки андин ўзгасин сарф этдим, эй ёр.

Бу сурат бирла ман ҳамбоздурман.
Хаёли бирла чун ҳам боздурман.

Ки бу сурат билан ҳамхонадурман,
Шароби ишқ ичиб мастонадурман.

Тушубдур даст домони хаёли,
Элитмас илгима тори висоли.

Бу ердин ўзга йўқтур ихтиёрим,
Тирик бўлсам макон, ўлсам мазорим,

Қим эмди сўзлагил, эй ҳуш ниҳода,
Қаю ердин келибсан бу арода. . .

Деди шаҳзода анга: «Эй куҳан сол,
Баён айлай санга эмди бу аҳвол.

Отим Баҳром эрур оламда маълум,
Отамнинг отидур шоҳи кишвари Рум.

Ҳавас бирла этиб азми шикори,
Адашиб мунда келдим англа бори.

Гуландомни сўроғига кетайин,
Худо еткурса мен анга етайин».

Деди шаҳзодаға пири Жаҳонгард,
Ки: «Бу савдони сан тарк айла, эй мард.

Бу йўллар сарбасар жабру жафодур,
Замона хўблари ҳам бевафодур.

Гуландом ишқида ул Чин арода
Ҳисоби йўқ саннингдек шоҳзода.

Йигитсан қайт, ҳавас қилма бу фурсат.
Йигитлик мавсуми даврон ғанимат» —

Деб ул ғурбатзада пири Жаҳонгард
Ўқуди бу мухаммас йиғлаб ул мард.

МУХАММАС

Эй бегим, жоним эшит айтай ажойиб дoston:
Ман ғариби бағри куйган, кўзи намли, ёши қон,
Бир ажаб савдони солди бошима андар жаҳон,
Қайқубоди вақтдурман, кишварим бу гулситон,
Тожи сар оҳим кулоҳим бахту иқболим фиғон.

Ўз диёримда мени ҳоли маконим бор эди,
Ақрабо, қавму қабоил, меҳрибоним бор эди,

Бир неча фарзандларим ширин забоним бор эди,
Ўз кўлимда ихтиёру ҳам иноним бор эди,
Давр жаври бирла кўрдум, кетти илгимдин инон.

Бир неча муддат тижорат ихтиёри айладим,
Ҳам фалак тахтига сайру кўҳ диёри айладим,
Ногаҳон Чин шаҳрига ман ҳам гузори айладим,
Хуш қилиб баҳри неча кунлар тамошо айладим,
Бир пари жон офати тушди кўзимга ногаҳон.

Оҳким ул моҳ тобоним муяссар бўлмади,
Офати жон бўлди, жононим муяссар бўлмади,
Шом ғам шоми шабистоним муяссар бўлмади,
Хизматин қилмоққа ул моҳим муяссар бўлмади,
Кўп маломатлар кўтардим элдин, эй соҳибқирон.

Тан бу қофи ғурбат ичра бенишон анқосидур,
Жон бу жононнинг асири наргиси шаҳлосидур,
Мунча мустағни эди бу бутни истиғносидур,
Сайқали дунёда одам ўғлининг расвосидур,
Ким ёмонлардин ёмонроқ бўлса ман андин ёмон.

Алқиса шаҳзода пирнинг жавбиға бу мухаммасни
ўқиди:

МУХАММАС

Ман тақи бу йўлга кирдим, эй бобо, кенгаш бер,
Тарк этиб шаҳзодалиғ, бўлдим гадо, кенгаш бер,
Ақлу хушим олдиким, ул дилрабо, кенгаш бер,
Тушди бошимга балойи мубтало, кенгаш бер,
Иқтидо қилдим санго эй муқтадо, кенгаш бер.

Кўзга тушгач ул париваш ҳур улким жилвагар,
Ҳарнеким манзур эди қилдим ани қатъи назар,
Ота-она ақрабо, қолди диёрим беҳабар,
Ман бу дарёйи талотум ичра тушдим бегузар,
Тут кўлим, бошқар йўлим, эй жон бобо, кенгаш бер.

Бу нечук ошуби даврон эрди кўрдим ногаҳон,
Қомати сарвин кўруб, йўлиға жон бўлди равон,
Чинмудур Чинда экани ул бути нозик миён,
Ким хаёли сурма сон авло манга оҳу фиғон,
Манга кўрсат, эй бобо, бу йўлни сан, кенгаш бер.

Нақш агар будур, тасаддуқ жон анинг наққошидин,
Кўрсам ул шам юзини, парвона бўлсам бошидин,
Тонмас эрдим бошима ёғса қиличлар қошидин,
Эй қари, булдур насибим ул пари рухсоридин,
Ман, бобо, топсам ўзин, қилсам дуо кенгаш бер.

Оташи ишқи аро солса бу шири судини,
Ўртанур билмас дигар бўлгон зиёну судини,
Дунёда билмоқ керакдур ҳар нимаким ўзини,
Тенгри бергай Сайқалий ҳар бандани мақсудини,
Найлайин шаҳзодаким бўлсанг раво, кенгаш бер.

* * *

Деди шоҳга ўшал пири Жаҳонгард:
«Хаёли хомларни қилма, эй мард».

Деди шаҳзода: «Эй пири дил афгор,
Бу йўлдан қайтарим йўқ бўл хабардор.

Гуландом йўлиға кечтим бу жондин,
Ҳавойи салтанат бу хону мондин.

Муродимға худо еткургай акнун
Сурай ҳиммат буроқин сўйи гардун».

Эшитиб шоҳ сўзин ул пири бодард
Чиқорди кўксидин бир оҳи пур дард.

Деди: «Ё раб, ажаб санъатларинг бор,
Ки қилдинг бирга юз дилни гирифтор.

Узимни куйганим бир сари эрди,
Мунунг дарди яна ортуқча бўлди.

Илоҳи бер бу толибнинг муродин,
Ҳақиқий қил бу эрни эътиқодин.

Гуландомға муносибдур бу шаҳзод,
Аё нетгай бу даҳри кулфат обод.

Илоҳи сен ўзинг бўлғил мададгор,
Ки етгай мақсадиға бу талабгор».

Бу ҳол ила дуо айлаб куҳан сол.
Деди: «Эй шоҳзода, бўл баиқбол.

Муродинг бергай ўзи ҳақ таоло,
Ўзи солди сани бошингга савдо.

Қамина манзилида бу кеча бўл,
Тонг отқон сўнг санга ман кўрсатай йўл».

Бил-охир бўлди шоҳ ул кеча анда,
Ки пир хизмат қиларди мисли банда.

Кетурди олдиға кўп нозу неъмат,
Ранго-ранг шаҳду шаккар бирла шарбат.

Эковлон завқ этиб ул пир, Баҳром,
Қилиб Баҳромға таърифи Гуландом.

Тонг отди субҳ дам бўлди баногоҳ,
Намози тонг ўқуди пир билан шоҳ.

Видо айлаб у пирга анда Баҳром,
Қилур бўлди сўроғи ул Гуландом.

Қишининг кўнглиға тушса бу савдо,
Кўрунмасдур кўзига чўлу саҳро.

Кел эмди, Собирий, азми сафар қил,
Неча кун сайри тоғу баҳру бар қил.

Ватаннинг кулфатин токай чекарсан,
Ютарсан табакай хуни жигарсан.

Раҳи ишққа ажаб мардона бўлсанг,
Ки бўйи ишққа сан афсона бўлсанг.

Ки бўлғил хўшачини хирмани ишқ,
Иликдин қўйма тутқил домани ишқ,

Қаландар бўл чу Баҳром шоҳзода,
Ки шояд тангри еткургай мурода.

Баси ул шоҳзода йўлга тушди.
Учи йўқ, қуйруғи йўқ йўлга тушди.

Юрур эрди худоға зор йиғлаб,
Гуландом ишқидин бағрини доғлаб.

Қуло тузлар кезар эрди суруб от.
Уқур эди ўзидин неча абёт.

Дер эрди: «Водии хунхора туштум,
Тани зори дили афгора туштум.

На тун ором, на кундуздур қарорим,
Нишонсиз чўллара тушти гузорим.

Кечиб айши жаҳондин мисли мажнун,
Кезарман тоғу саҳроларни тун, кун.

Шароби шавқидин мен айладим нўш,
Отам бирлан онам бўлди фаромўш.

Ажаб мўстағрақу мастона бўлдим,
Диёру мулкдин бегона бўлдим.

Била олмом на бўлғай охири кор,
Илоҳи сан ўзинг бўлғил мададгор.

Бу сўзларни дебон ул шоҳзода,
Борур эрди ки ул саҳро арода.

Ки ҳар кун икки йўл отдин тушарди,
Отини сабзаларға ўтлатарди.

Бу саҳрода юрубон токи бир ой,
Ки бир манзилға етди ул некурай.

Қўрарким бир ажойиб чорбоғи,
Шукуфалар бўлуб ўлғон димоғи,

Ки ул чорбоғ аро бир қасри зебо,
Саросар ранг берилган оби тилло.

Тўшалган атласу, кимхоб зоррин,
Келурди ҳар тарафдин бўйи мушкин.

Ки ҳар алвон дарахтдин эрди бисёр,
Ки ҳар мева десанг ул боғаро бор.

Хиёбонлар, чаманлар, марғзорлар,
Раёҳин, ёсуманлар, лолазорлар.

Очилгон ранг-баранг ҳар сориди гул,
Ки ҳар гул шохиди сайрарди булбул.

Келур эрди навойи дилфириблар,
Ҳисоби йўқ ажойиб жониворлар.

Кўруб ул барчасин Шаҳзода ул ҳол,
Келубон завқи тушди анда дарҳол.

Югонин олди отин ўтга қўйди,
Ўзи ул ҳавзнинг олдиға келди.

Чиқиб ўлтурди суффа узра шаҳзод,
Баси ул орази гул қадди шамшод.

Қараб ҳар ён тамошолар этарди,
Кўзин лекин хумор айлаб кетарди.

У ерда уйқуси зўр этди бисъёр,
Неча кунлар эдиким эрди бедор.

Олиб белдин қилич бирла садоғин,
Кўюб қолқонни бошиға болин.

Ётиб бир соати чун топди ором,
Яна уйғонди анда шоҳ Баҳром.

Муборак хотирига ким келурди,
Бу манзиллар нечук манзил дер эрди.

Тузук озодаларни жойи ўхшор,
Мунингдек зебу зийнатларки бисъёр.

Нечук жонлар экан бу соҳиби боғ,
Буларға учрамай кетсам ажаб доғ.

Ки бу андиша бирлан эрди шаҳзод,
Ки чиқти қаср ичидин бир паризод.

Ётиб таъзим салом айлаб саросар,
Келиб шоҳ олдиға ул моҳ пайкар.

Тўшаб хон устига қўйди лаганди,
Ажойиб нозанин қадди баланди.

Ёйиб қўйди лаганд устини очиб,
Юзига зулф сунбулларни сочиб,

Кўрур шаҳзода турлук нозу неъмат,
Зиёфатга муносибдур зиёфат.

Лазиз нон резалар ҳам мурғ бирён,
Латиф кўп мевалар эрди фаровон.

Баси завқи билан ер эрди шаҳзод,
Туруб эрди адаб бирлан паризод.

Деди: «Э сарвқад лутфунгга раҳмат,
Таомнингга худо бергай баракат.

Муни деб фотиҳани айлаб итмом,
Ки андин сўнг савол айлади Баҳром.

Деди: «Э нозанинким сўзла бори,
Ўзинг кимсан, бу ер кимнинг диёри?»

Юборди ким менга нозу неъмат
Ки сан манга баён айла бу фурсат?»

Деди ул нозанинким: «Эй баҳодур,
Бу манзилнинг эгаси оти Сайфур.

Яна бордур анинг ҳам беш иниси,
Мубориз бошижоатдур бориси.

Букун ул барчаси, эй моҳ пора,
Кетибдур жониби саҳро шикора.

Оларни мунда ҳам бир синглиси бор,
Отидур Сарв-осо соҳиби кор.

Мани бечора анга доядурман,
Ки ҳар хизмат буюрса борадурман.

Бу неъматни ўшал гулфом юборди,
Яна мандин санга пайғом юборди.

Дегил акнун бориб ул маҳ жабинга,
Қи тахир этмасунким бу заминга.

Оғоларим келар вақти бўлубтур,
Алар келмай туруб кетгани хўбтур.

Мабодо келсалар ул олти аждар,
Қи хира бўлмағай бу шамъи анвар!

Қи деви одами бирлан паризод,
Билурмизки кам улфат бўлганин ёд».

Деди шаҳзодаким: «Эй дояи хуш,
Бу сўзни сенга дей, қилма фаромуш,

Қи мендин Срав-осоға салом айт,
Қи андин сўнгра анга бу паём айт.

Анинг оғолари бирла ишим йўқ,
Қилиб маскан бу ерға турмушим йўқ».

Деди доя шаҳи заррин камарға:
«Агарчи ишингиз йўқ сиз аларға,

Қи ул Сайфур эрур бадфеъл, бадхў,
Зарар еткурмағайлар, эй неку рў...»

Келиб қаҳри бу сўзга анда Баҳром,
Деди: «Сўзни кўтаҳ қил, дояи хом.

Манам андоқ забун одам эмасман.
Агар минг бўлса Сайфур ғам емасман

Қи ман сўнғак эмас ҳар ит кемурса,
Қи ул аной эмом ҳар ким гапурса,

Қи сан бор Сарв-осо олдиға тур,
Кўрайин Сайфуринг қайси кишидур».

Эшитиб кетди доя қаср сори,
Қириб дарвозасин беркитти бори.

Утуруб эрдиким шаҳзода танҳо,
Кўрар бир гарди аъзам бўлди пайдо.

Ки чиқди гард ичидин олти арслон,
Эрур ҳар қайсиси бир шерн ғаррон.

Алардин илгариким бир баҳодур,
От устида манорадек келадур.

Гумон этти туруб ул олтисин шоҳ,
Ёниб овдин келур Сайфур баногоҳ.

Туруб бул ҳам ўзин тайёр қилди,
Йўлуқмай кетмагини ор билди.

Ушал дам келди ул олти биродар,
Бўлуб ҳар қайсиси қадди чу арар.

Алар ҳам кўрдилар шаҳзодани чун,
Ки Сайфур айди: «Шаммос, ол чу мазмун.

Нечук одам экан, сан они кўргил,
Бориб тез олдида боғлаб кетургил!»

Дебон ўз қалъасига кетди Сайфур,
Жўнади шаҳ сори Шаммос баҳодур.

Яқинлаб борди ул боғни аролаб,
Отини тўхтатиб турди қаролаб.

Қи тарзи, таркиби соҳиб қирондур,
Жаҳон айвонида бир паҳлавондур.

Ўтурди ки ҳеч андеша қилмай,
Мунигдек нечаларни кўзга илмай.

На дерин билмади ақлин унутти,
Магар боғи жаҳондин дил совутти.

Вале қайтиб кетарни билмади эб,
Менигдек эрга номардлик бўлар деб.

Туруб қўрқусидин бир наъра урди,
Эси кетган одамлардек гапурди.

Деди: «Эй хуш баҳодир қайда эрдинг,
Нечук қўрқмай бу боғ ичига кирдинг.

Келолмастур бу ерга аждаҳолар,
Балоларга йўлуқур келса онлар.

Сан, эй раъно, нечук бу боға кирдинг,
Ҳануз биз элни билмай қайда эрдинг.

Улуғимиз отидур шоҳ Сайфур,
Пари авлодида элликда машҳур.

Сан эй ёлғуз дегил кимга ишинг бор?
Ўзинг танҳомусан ёки кишинг бор?

Турокел эмди тургил, эй баҳодур,
Сани олиб борайин назди Сайфур».

«Силар билан манинг ҳеч йўқту корим,
Жўнайман андаки тўйсун суворим».

Бу сўзга қаҳри келди габр Шаммос,
Суруб отин суғуруб тиғи олмос.

Алам қилди чопай деб шоҳни ул дам,
Узолиб шоҳ қиличин тутти маҳкам.

Ани ул дам гирибонидин ушлаб,
Кўтариб урди отдин ерга булғаб.

Ки қўл-бўйинини боғлаб шоҳ ўшал дам,
Ўраб-чирмаб дарахтга қўйди маҳкам.

Яна шоҳ суффага чиқди ўтурди,
Дарахтни тербатыб Шаммос турди.

Бориб Сайфур тушуб ўлтурди ул дам,
Қуруб суҳбат биродарлар билан ҳам.

Боқиб ўлтурдилар келмади Шаммос,
Деди Сайфур: «Ўзинг бор эмди Қаммос.

Бориб кўрки ани бирлан не бўлди?
Йиқита билмади ёхуд йиқилди?»

Равон турдики келди анда Қаммос,
Дарахтга осилиб турубду Шаммос.

Қулоқ солдики Баҳром анда лекин,
Юруб шоҳ сорига тортиб қиличин.

Оғосини кўруб аччиғлаб ул сак,
Боқиб шоҳа нечук сўзлади чак-чак.

Тутуб шаҳзода ул дам они бости,
Оғосини ёниға элтиб ости.

Тақи Сайфурнинг келди бир иниси,
Оғоларин кўрубон жетди эси.

На дерин билмади ҳам хез қилди,
Ки шоҳ бир мушт ила урди йиқилди.

Муни ҳам элтти ости назди Шаммос,
Магар тегди буларга дарди ос-ос.

Бил-охир келди охир беш иниси,
Ки осилиб турур эрди бариси.

Турар эрди ёнида синглиси ҳам,
Анга Сайфур ишорат қилди ул дам.

«На бўлдики алар ҳеч келмадилар?
Бир одамни кетура билмадилар?»

Чиқибон кўрди бориб Сарв-осо,
Оғолари осилибтур дарахтго.

Кўруб Сайфурга бориб они айди,
Эшитиб анда Сайфур қаҳри келди.

Ғазаб бирла чиқиб отланди ёна,
Шаҳи Баҳром сари бўлди равона.

Кўрар Баҳром келур Сайфур ғазабнок,
Тутуб отини минди чуст чолок.

Иниларин кўруб Сайфур у фурсат,
Юқори осилиб турур бо иззат.

Келиб қаҳрила боқиб сўйи Баҳром,
Деди: «Қандоқ баҳодирсан дегил ном,

Нечук даъво этиб бу ерга келдинг,
На боисдин шу бу ишларни қилдинг?

Бу эрларни нега боғлаб қўюбсан?
Буларни ҳолини санга солурман!

Бу сўзларни дер эрди Сайфур анго
Тамошолар қилурди Сарв-осо.

Сиёсат ила боқиб ул замона,
Боқиб шоҳни сариға истиона.

Деди: «Эй мардаки беҳуда гуфтор,
Абас сўзларни лоф урмоқ на даркор.

Талабгори урушсан илгари кел,
Йироқдин дағдаға қилмай бери кел!»

Отин қамчи бериб даврон берибон,
Қарайған найзасин қўлга олибон,

Анингдек наъра урди мисли Жамхур,
Етурди найзасин бу шоҳга Сайфур.

Қилич бирла бир урди найзаға шоҳ,
Тўзуб кетди қўлидин чун пари коҳ.

Уруб қўл белига тортди қиличин,
Яна шоҳга ҳавола қилди ул ҳин.

Қи шаҳ қўлига қалқонин олибон,
Яна шоҳ турди Сайфур урди ул он.

Деди шаҳзода: «Эй Сайфур баҳодур,
Қи ҳозир бўл бу навбат бизникидур.

Агар шамшир ила урсам ўларсан,
Бу ерда беҳуда нобуд бўларсан».

Муни деб тиғини солди ғилофа,
Еношти ул тани чун қўҳи қофа.

Уруб илгин белига тутди маҳкам,
Тутуш қилди чу Сухробу чу Рустам.

Талошти иккиси от устига кўп,
Қилиб ул боб аросини талотўб.

Йиқита билмади бир-бирин асло,
Тамошо айлар эрди Сарв-осо.

Дер эрди ул ики арслонга таҳсин,
Хусусан ул йигит меҳмонга таҳсин.

Қи Сайфур эр билан мунча талошур,
Қиши билмас буларни қайсиси зўр.

Икиси бир-бирин ҳар сў сурушти,
Қулошиб ул отдин ерга тушти.

Тушуб ерга сулайиб ётди отлар,
Икиси бир-бирин ҳар ёна силтар.

Урай деб ерга они кўрди сақлаб,
Қулочи етмади олса қучоқлаб.

Баси шоҳ эрди андин етти газ паст,
Узотса гарданига қўли етмас.

Қи охир энгатиб лингидин олиб,
Ҳаво берди юқори шоҳ ғолиб.

Қўтариб бошидин ким уч ўгурди,
Манорадек кўтариб ерга урди.

Қи аччиғи билан соқолин ушлаб,
Энгокин таҳтига бир неча муштлаб.

Қўлу бўйнини боғлаб анда маҳкам,
Дарахтга келтуруб ости ани ҳам.

Яна ул суффа узра чиқди шаҳзод,
Ўтурди андаки ғамдин бўлуб шод.

Қилур эрди фиғон ул беш осилғон,
Дер эрдилар:— Бу на иш бўлди қилғон?

Қолиб ҳайрон турадур анда Сайфур,
Бу ёлғуз бизлара келгон балодур.

Қутулмас эрди одам бўлса мундин,
Мунунгдек зўр бўлурму одамидин?

Деди Шаммос онда: «Ори-ори,
Бу ўғлон эрди марди раҳгузори.

Ўзимиз дахл қилдук мунга якбор,
Ки бўлдук бу балоларга гирифтор».

Боқиб шоҳга турарди барча ҳайрат,
Дарахтга осилиб чун олти сурат.

Шаҳи Баҳром туруб тортди қиличин,
Аларни токи бошин кесгай ул ҳин.

Чу келди кейнидин бир яхши овоз,
Қаради ўгрулуб шоҳи сарафроз.

Даҳони ғунчадек бир-бир очилур,
Сўзидин шаҳду шаккарлар сочилур.

Деди: «Эй шоҳни ўғли шоҳзода,
Йигитсан тенгри еткургай мурода.

Ки эрлик қилдингу эрларни йиқдинг,
На бўлди панди отангни унутдинг.

Қилурди ул кеча отанг насиҳат,
Ки ман том устида эрдим у фурсат.

Ўзунгдин пастга айла кўб тараҳҳум,
Қарам қил учраса ҳар қайси мазлум.

Қўлунгга бўлса бир душман гирифтор,
Анга дўстлиғни изҳор айла зинҳор.

Налар отанг дер эрди санга ул кун,
На бўлди хотирингдин чиқди бул кун.

Ки бу олти диловарни тутубсан,
Буларни ўлдурурга қасд этибсан.

Буларни барчаси оғам эрур бил,
Ҳалок этма буларға марҳамат қил.

Булар чандонки қилса беадаблик,
Мани туз ҳақими илгари тут лек».

Бу сўзларни дебон ул Сарв-осо
Бўюн энди қилиб шаҳга тавалло.

Кўруб ул сарвқадни анда Баҳром,
Хаёлиға етушти ул Гуландом.

Дер эрдик чикориб кўксидин оҳ,
Қачон тушгай назаргоҳинға ул моҳ.

Яна ул Сарв-осоға қилиб сўз,
Деди: «Кўб куйма, эй шамъи дилафрўз.

Оғоларинга ман теккан йўқ эрдим,
Йўл ўткучи эдим ўтуб кетардим.

Улар ўзи манга бердилар озор,
Фаразлари бу учун тегди, эй ёр.

Вале манга худо қилди иноят,
Буларни илгидин чиқдим саломат.

Бу ерларда булар то бўлса зинда,
Юрар доим ёмонлиғ ниятинда.

Бу боисдин буларни ўлдурурман,
Кел эй, маҳваш, ороға тушмагил сан».

Деди йиғлаб яна ул Сарв-осо:
«Бу арзимни эшит, эй шоҳи барно,

Оғаларим санга аҳд айласунлар,
Санинг олдингда тавба айласунлар.

Қи мундин сўнг ўтса ҳар мусулмон,
Улар еткурмагай бир зарра нуқсон».

Ешибон қўлларин озод қилди,
Паризод хотирини шод қилди.

Бориси шоҳ аёғига йиқилди,
Дилу жони била ихлос қилди...

Бу йўлга тушканим, дўстларки, бир дилбарни
 изларман,
 Юзи гул, мажлиси жаннат, лаби кавсарни изларман,
 Қади сарви хиромондек, сўзи шаккарни изларман,
 Шабистони хаёлимға маҳи анварни изларман,
 Узингдин ўзга ёраб, қайси бир раҳбарни изларман.

Хаёлимға тушуб ногоҳ ки ул дилбар таманноси,
 Қўтарилди бошимдин бу жаҳоннинг шўру гавғоси,
 Қўрунмайдур кўзимга икки оламни тамошоси,
 Қўнгул гирдобидин чун мавжа кирди ишқ дарёси,
 Нетай сангпораларни, бебаҳо гавҳарни изларман.

Фидо жону жаҳон анга, кўринмас кўзга рухсори,
 Эрам боғи нохушдур тегса гар гулзоридин хори,
 Керакмас ҳури жаннат жилвагар бўлганда дийдори,
 Сулаймон тахтидур манга ғубори тахти девори,
 На Қайсар қасрини, мироти Искандарни изларман.

Муродимдур анингла сайр қилсам васл боғинда,
 Солиб қўл бўйниға рози дилим қилсам қулоғинда,
 Олай кўз пардаси бирла қадалса хор аёғинда,
 Ениб парвонаваш ман ўртаниб ҳусни чароғинда,
 Тушуб бошимға оташ ёқути аҳмарни изларман.

Шароби лаълин истаб ташналик лаблардин, ошибдур,
 Ичимдин жўш уруб дарёи ишқи мунча тошибдур,
 Жунун хайли сипоҳи лашкари дарда улошибдур,
 Қароқиб ҳар тарафдин кўб бало дардим улошибдур,
 Сўроқ айлаб анинг чун мунда бир раҳбарни
 изларман.

Ки ул зебо санамни кўрмасам сабру қарорим йўқ,
 Сўрарман то тирикман, андин ўзга ихтиёрим йўқ,
 Хаёлим ҳамдамим, дунёда чун хешу таборим йўқ,
 Тушуб савдойи ишқиға, дигар ҳеч қору борим йўқ,
 Жаҳонда топмасам, тонгла бориб маҳшарни
 изларман.

Муяссар қил бу йўлда бандани дилхоҳини, ё раб,
 Етургил онча эмди чин диёри ёрини, ё раб,
 Гадо қилдинг шаҳ эрди шоҳи кишвар жонини, ё раб.
 Ижобат айлагил бу Сайқалийни оҳини, ё раб,
 Ҳақиқатда муродим бебаҳо гавҳорни изларман.



АНДАЛИБ





К

«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН»

дostonидан

айсни онаси суюниб, тахтасини қўлидан олиб, рафиқим, мунисим болам, буюн мактабга бориб, нима ўқуб келдингиз?— деди. Анда Қайс онасиға боқиб, кўрган-билганини бир-бир баён қилиб, бир сўз деди:

Бордим адаб саройиға,
Шанба куни сабо билан.
Тушти кўзум бир ойға,
Бир неча дилрабо билан.

Лавҳин очиб, ўқур сабақ,
Ҳар сабақидур уч варақ,
Нур тўкулур табақ-табақ,
Оғзи тўла сано билан.

Ҳар сори ноз илан боқар,
Боқиши жоними ёқар,
Сўзласа, шаккари оқар,
Лабларидин вафо билан.

Бир пари тозо, хуш хиром,
Нав гулу, боғи лола фом,
Қокили мушк, Лайли ном,
Юз ёпадур ҳаё билан.

Сўзлашадур бирин-бирин,
Лаззати жондинам ширин,
Юзида зулфи анбарин,
Оқ қўшулуб қаро билан.

Қоши, кўзи қарашадур,
Қўл солишиб талашадур,
Уйнаса хўб ярашадур,
Бир-бирига имо билан.

Утлара Қайсни солдилар,
Қўнгилни мандин олдилар,
Таъзим этиб эгилдилар,
«Хўш»— дедилар ризо билан.

Аммо Қайсдин онаси мундоғ сўзни эшитиб айди:— Эй болам, бу не сўздур, сан айтурсан! Мактабга бориб, илм ўқуғил; бу гапларни айтма, кишини қизиға маломат қилма. Ҳоло ёшсан. Адаб хонаға бориб, илм ҳосил қил,— деб онаси таъкидлаб йиборди.

* * *

...Саййид бани Омир жамоасидин бир сайёд шикор қилиб юрур эрди. Кунларда бир кун бир ерга етушти; кўрарким, бир катта ғорда бир одам ётиб турурким, таман дунёдин узгандек, гоҳ-гоҳи нафаси зоҳир бўлур. Ёнида ҳеч ҳамдами йўқ. Аммо ул ғорни Ғори Абу Қайс дер эрдилар. Алғараз, сайёд бошини учинда бориб ўлтуруб, «Начук одамсан» деб, мажнунни ҳолини сўраб, ул сайёд бул мустазодни ўқуди:

Не жонсан аё аҳли башар одами беҳуш
мастона ётибсан?
Жонимдин азизроқ кўрунур сан, шаҳи дилкаш,
эткин на ётибсан?
Оҳингдин дилу жонинг туташибдур қилиб жўш,
ўтлуғ нафасинг бор.
Мунда на учун пок дилинг бўлди мушавваш,
меҳнатга ботибсан?
Бағринг эриб, ҳалқинг қуруб, оғзинг тўла захроб,
қонли жигаринг бор,
Қайси чаманинг элидин ичтинг бу майи,
ақлинг унутубсан,
Ҳамсоя фиғон, нола рафиқинг, ғаминг ҳамдам,
эй ошиқи шайдо,
Айғил манга дарди дилинги, ким қилиб ғаш,
начун уёлурсан?

Саъди сани аҳволинга тоқат қила олмас,
Эй сарвари олам,
Олам кўзунга танг чунин донаи хашхаш
қўлдин чу кетибсан.

Аммо Саъди бул сўзни айди, ул мажруҳдин ҳеч хабар ва жавоб бўлмади...

Мажнуннинг отаси уни ахтариб юрганда Саъди сайёдга йўлиқиб қолади. Сайёд айди: Э Саййид бой, ман сайд қилиб юриб эрдим, гузарим Абу Қайс ғорини устидин тушти. Бир одамни кўрдум, андоғ ётиб турурким, зоҳири дунёдин ўткандек зоҳир бўлур. Ҳарчанд сўз сўрдим, жавоб берабилмади, магар сизнинг ўғлингиз бўлмағай, — деди.

...Бир неча ёш Мажнунни юзиға томди. Мажнун айди: — Ким турурсан?

Саййид бинни Омирий айди: — Эй болам, ман турурман, на ҳолинг бор? — деди.

Мажнун айди: — Агар Лайлидин сўз билмасанг, кеткин, ўзга сўзни ёнимға аймағил, — деди.

Саййид бинни Омирий айди: — Эй мажнуни дилафгор болам, ман Саййид бинни Омирий отанг бўлурман. Сани истаб келибман, уйга юргил, — деди. Аммо Мажнуни дилафгор, отасидин бу сўзни эшитиб, зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб, бир сўз деди:

Хуш келдингиз тожи сарим,
Ман нотавонни кўргали,
Ишқ йўлида йўқ раҳбарим,
Олдима тушуб юргали.

Рангимни кўр, ҳолимни сўр,
Эй меҳрибоним, жон отам,
Бирдам мани олдимға тур,
Қувват қани сўзлашкали,

Узум санга бисъёрдур,
Сарто сарим афгордур,
Жони азизим хордур,
Ман мубталони кўргали.

Ман хизматингда рўсиёҳ,
Дардимға топгайман даво,

Ҳолим табоҳ эй некхоҳ,
Ўлтурғали ё турғали.

Мажнун куяр маъшуқига,
Қулоқ солинг айғонига,
Ҳарбир қадам қўйғонига,
Юз йўқ кўзимни сурғали.

Аммо Мажнун бу сўзларни айди, эрса отаси зор-зор
йиғлар эрди. Алғараз ота-ўғил ул ерда ул кеча бўлдилар.
Ярим кеча эдиким, Мажнун, «Вой, вой, Лайли, вой Лайли»
деб нолишга кирди. Отаси айди:— Эй Мажнун болам, эй
афгорим болам, токай мундоқ балодин фориг бўлмассан.
Санга нечук кўз тегдики, бу мубталоликдин чиқмассан.
Лайли бевафо турур. Ани учун мунча куюб, ёниб, жазираларда
хорлиқ тортиб юурсан — деб, ўғлига насиҳат бериб бир сўз деди:

Мунча жафо чекма ўғлим ёр учун,
Бевафодур Лайли, болам, алданма,
Ал узотма ёр деб ёнар ўт учун,
Олгин пандим мани, болам алданма.

Аввал меҳрин кўнгил ичра жой этар,
Мурудингни бермак учун рой этар,
Охир ишинг фарёд ила вой этар,
Қалам қошли қора кўзга алданма.

Ҳасрат чекиб, қон йиғламак сандадур,
Жафо чекиб, роҳат кўрмак қандадур,
Элу халқдин таъна чекмак мандадур,
Мандин кечиб, кўрар кўзум, алданма.

Қурбон ўлай фарёдингга, додинга,
Умрум ўтти, ҳеч тушмадим ёдинга,
Бевафони олма кўнгил шодинга,
Нав ниҳолим, севар кўзум, алданма.

Қиз ўғлонни ёвонлари ёш бўлур,
Афсонаси эл ичинда фош бўлур,
Бевафони кўнгли қаттиг тош бўлур,
Шунқор қушум, лочин-бозим, алданма.

Бир нечани кўнгли ёзу хуш бўлур,
Бир нечани кўнгли гўё қиш бўлур,
Кўнгил деган учуб, қўнар қуш бўлур,
Қиш бўлмасин фасли баҳор, алданма.

Саййид айтур, қайткин, болам роҳингдин,
Юз ўгурма ота, она, элингдин,
Севар қўзум, дуо олгин отангдин,
Эткан пандим олгин, болам, алданма.

Алқисса Мажнунни отаси ўз ҳолига қўймади, уйига олиб борди ва яна оёқиға банди занжир солиб қўйди. Мажнунни хешу таборлари бу ҳолини кўруб, йиғлашур эрдилар ва ноласиға тоқат қилаолмас эрдилар. Аммо бир кеча Мажнуннинг ишқи зўр қилиб, банди пойини пора-пора қилиб, рўй бажониби жазира қилиб, «Вой Лайли, вой Лайли» деб бориб Нажд тоғида Лайлини хаймасиға боқиб, бир неча ғазаллар айтиб, йиғлар эрди. Ани ғазалларини ўғлонлар ёд олур эрдилар.

Аммо Мажнун Нажд тоғида турсун, эмди икки калима сўз Лайлидин эшитинглар.

Ул вақтики, Лайлини онаси мактабга боргани қўймади, Лайлиға Мажнунни ишқи зўр қилиб, уйдин чиқиб кетар эрди, онаси қўлидин тутуб, уйига киргузур эрди. Аммо Лайли бечора зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб, онасиға боқиб, бир сўз деди:

Сўзим олгин меҳрибоним, жон онам,
Азиз бошинг, мани ёрдин гизлама,
Ютадурман ҳасрат била қон, онам,
Қўй, кетайин ман ҳам ёрни излайин.

Булбул кўчти, гул шохаси бўшади,
Ўтлуғ оҳдин, қаттиғ тошлар бўшади,
Жудолиғдин жисму жоним жўшади,
Мундин ортиқ юрак-бағрим тузлама.

Қўйгин она, юруб ёрим излайин,
Ёр жамолин қайта-қайта кўрайин,
Отам билса, ўзум жавоб берайин,
Ёқмас сўзни бу дам манга сўзлама.

Сабр айласам, сувдак эриб оқмишам,
Ёр йўлини кунда чиқиб боқмишам,

Марди майдон ишқ йўлина чиқмишам,
Тирикликдин эмди манга кўзлама.

Лайли фарёд этиб, бағри эзилур,
Қора кўзи, қалам қоши сузилур,
Ўт тугошиб, устихонлар эзилур,
Ҳижрон ўти бирлан юрак доғлама.

...Онаси Лайлини ранжурлиғига паришон бўлуб айди: — Э Лайлижон болам, бир неча дугоналаринг бирлан чорбоққа бориб, сайр қилгин, шояд ранжурлигинг таскин топғай, фасли баҳор бўлуб турур,— деди. Аммо Лайли ота ва онасидин бу сўзни эшитиб, бир неча қизлар бирлан сайрга чиқти. Лайли дугоналари бирлан ул чорбоққа кириб кўрдиким: ҳар тарзи гуллар ва ҳар тарзи сабзалар бир-бирига чирмашиб, булбули хуш адҳонлар, тўти, қумрилар ҳар қайси ўз жуфти бирлан маст, мағрур бир-бирлари бирлан ҳамроз бўлуб, завқ қилур эрдилар, Лайли бечора ул жониворларни кўруб, «Мажнун дилафгорим бирлан ҳамроз бўла билмадим» деб, булбулларни ўзига ҳамроз қилиб, гулларга боқиб, зор-зор йиғлаб, бир сўз деди:

Булбул, надур сани мунча фарёдинг?
На йиғларсан, ёр фироқи бўлмаса?
Гулдин жудо эрмас сани ниҳодинг,
На йиғларсан, ёр ҳижрони бўлмаса?

Парвойинг йўқ сани соғу сўл била,
Ҳафта, куну, ой, яна йил била,
Ўлтурушунг сани дойим гул била,
На йиғларсан, гул фироқи бўлмаса?

Мунда турур Мажнун ёрим фироқи,
Қуруб турур, ёр деб, чашма — булоқи,
Оёғинг остида гулнинг яфроғи,
На йиғларсан, гул фироқи бўлмаса?

Фарёд этма, фасли баҳор эмасдур,
Висол кунунг рўзи ҳижрон эмасдур,
Гул жамоли сандин ниҳон эмасдур,
На йиғларсан, гул фироқи бўлмаса?

Ман йиғларман кўздин қонли ёш тўқуб,
Сабр этарман кўксум уза тош қўюб,
Сан ётарсан гул устина бош қўюб,
На йиғларсан, гул фироқи бўлмаса?

Ҳаддинг йўқдур мандақ куюб-ёнмақа,
Айролиғи фироқини чекмақа,
Қанотинг бор сани учуб қўнмақа,
На йиғларсан, гул фироқи бўлмаса?

Муштипарман, жисми жоним эритма,
Қўп йиғлама гул деб, ўзунг ҳоритма,
Лайли айтур, жигар-бағрим эритма,
На йиғларсан, гул фироқи бўлмаса?

...Алғараз, Лайли бу маротибда сайр қилур эрди ва бир раҳгузар Мажнундин ёд қилгон ғазални ҳофизлик қилиб борур эрди. Лайли қулоқ солдиким, ул раҳгузар бу мустазодни ўқур эрди:

Шамшод қадинг турфа гулистона душубтур,
эй Лайлийи раъно,
Гўёки кўзум жаннати ризвона душубтур,
эй қомати зебо.

Мажнуни балокаш аламингда, ситамингда
бағриға уруб тош.
Нозик бадани хори мағилона душубтур,
овораи саҳро.

Лайлида ҳама нозу адо, лутфу латофат,
ризвон ҳури янглиғ,
Оҳу бараким, сабзаи райҳона душубтур,
кўргона тамошо.

Мажнун бошина беши учуб, ўни қўнодур,
қушлар уясидур,
Не ваҳми они жисмидаки жона душубтур,
оғзидадур Лайло.

Лайли оёғин савсану сунбул ўпайин деб,
бошин ера урди.
Меҳри ҳаваси Юсуфи Канъона душубтур,
гўёки Зулайхо.

Доғи дили Мажнунга ҳеч ким чидоёлмас,
пешонаси қаттиғ,
Завқи они ваҳшийи биёбона душубтур,
ҳам бе сару сомон.

Бир раҳгузаре ёд олибон ушбу ғазални,
мажнун ўқуюрди,
Яхши ғазали яхши ғазалхона душубтур,
пурғам, дили дарё.

Аммо Лайли раҳгузардин бу ғазални эшитиб, тамо-
шойи чорбоғдин кечиб, зор йиғлаб, уйга борди.

* * *

...Бир Навфал деган подшоҳ шикор қилиб юруб эрди... ани (Мажнунни) кўруб, раҳми келиб, хизматкорлариға боқиб айди:— Бул бечора не сабабдин мундоғ чўл жазираларда бул маротибда бўлуб юрубдур? Мунни аҳволини билатурғон киши бўлғайму? — дегач, аларнинг орасида бир Зайд отлиқ бор эрди. Мажнунни шоҳға таъриф қилиб, бир сўз деди:

Эй шоҳи жаҳон, ошиқи мафтун шуни дерлар,
Шўридан дарё, дили пурхун шуни дерлар.

Мағзи жигарин ғуссау ғам бирла эритган,
Роҳати каму меҳнати афзун шуни дерлар.

Ҳам улфати қушдур ани, ҳам суҳбати ваҳший,
Кўнглида алам хирмани маҳзун шуни дерлар.

Девона, араб мулкида, бир турфа ғазалхон,
Мастонаи, парвонаи мажнун шуни дерлар.

Ҳар кунда урар Лайли учун кўксига минг тош,
Фурбатзадаи, санги фалохун шуни дерлар.

Беҳуда дили захми табар кўксига урган.
Ўз қони билан жомаси гулгун шуни дерлар.

Зайд айди, жаҳонда тамаин жондин узубдур,
Беқабр — лаҳад зиндаи мадфун шуни дерлар.

Аmmo Навфал шоҳ Зайддин бу сўзни эшитиб, кўнгли эриб, Мажнунни олдиға бориб айди: «Эй Мажнун: Лайли учун ғам емагин. Агар ҳаводаги қуш бўлса ҳам, санга муяссар қилмасам, қўлимни андин кўтоҳ қилмасман — деди. Мажнун айди: — Эй шоҳи олам, шояд, сизни улуғ давлатингиздин ёрим муяссар бўлғай,— деди. Навфал Мажнунға от, сарупой бериб, деди:— Мани ёнимдин жудо бўлма, иншоолло, ёрингни олиб берурман,— деди.

* * *

...Бир Сайёд бир гавзанни домиға илдуруб, бошини кесарман бўлуб турганда, Мажнун устига етиб бориб, айди: — Эй Сайёд, бу жониворни ўлдурма, озод қилгин,— деб, Сайёдға қараб, бир сўз деди:

Сайдинг қўябер сайёд, дилпора экан мандак,
Чўлларни кезиб юрган сайёра экан мандак,
Сартосари ҳижрондин ҳам ёра экан мандак,
Саргашта ғариб бўлган овора экан мандак,
Ол доминги бўйнидин, бечора экан мандак.

Ўлдурмак учун ханжар ҳардам қиласан анgez,
Тут пандими гар бўлсанг, хайрни йўлиға оmez,
Қуръонда битикликдур: исъён улуғи — хунрез,
Ешкин расанинг сайёд, жуфтига қўшулсун тез,
Ол доминги бўйнидин, бечора экан мандак.

Бешкун сани даврингда, бечора хиром этсун,
Кўнглидаги ғамларни юз қайта ҳаром этсун,
Ҳар қайда қадам тортиб, йўл топса мақом этсун,
То тоқати тоқ ўлмай ёрига салом этсун,
Ол доминги бўйнидин, бечора экан мандак.

Хез айласун ул жонвар, оҳудак учуб жуфтак,
Борсун бу сифат оқиб, кетсун ёнибон ўтдак,
Ғам-ғуссадин айрилсун, жавзода битон тутдак,
Бир-бирга қўшулсунлар Ҳорут ила Морутдак,
Ол доминги бўйнидин, бечора экан мандак.

Ишқ офатидин, Мажнун, жўлидаи сардурман,
Авзоини эл билмас, аҳволи дигардурман,
Гўёки қиёматлик ман санга биродарман,

Бир бандани озодин, топтинг савобин сан,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мандак.

Аммо Сайёд, Мажнундин бу сўзни эшитиб, айди: —
Эй девона, сўзингни қабул қилур эрдим, кўп қашшоқман
ва кўп бачаларим бор. Муни элтиб, аларга қут қилур-
ман,— деди. Аммо Мажнун, Навфал берган силоҳларни
бобойи Сайёдга бериб, гавзанни бандипойини ешиб,
орқа-бошини силаб, қўяберди. Мажнун «Вой Лайли»,
деб қарс уруб равона бўлди. Ул гавзан ҳам, орқасидин
эргашиб юрур эрди. Они кўриб, бирнеча гавзанлар ҳам
Мажнундин ҳазар қилмай, гирдинда юрур эрдилар.

* * *

...Лайлини отаси Ибни Салом бирла қондан тўйларни
қилиб, Лайлини Ибни Саломга бериб, Бағдодга узатур
бўлди. Аммо, Лайли, Бакр деган қулига бир нома ёзиб
берди ва яна айди: — Бакр бобо, ман кеткандин сўнг,
бу номани Мажнунга топиб, бергайсан.

Номада андоғ айди: «Эй жони жаҳоним, вей вафодо-
рим, ман муштипарман, на қилайин, мани Бағдод йибор-
дилар. Кўнглунгда губор келтурма, то танда жоним бор,
сандин ўзгани демасман. Рақибларни жабридин ва
зулм-ситамидин Бағдодга қуруқ жисмим олиб кет-
тим, руҳи равонимни санга қўюб кеттим. Сабр қил, то
мен келгунча, бу номам сани рози додинг бўлсун» деб,
номани Бакрга бериб бул сўзни айтур эрди:

Санга изҳор қилдим рози дилни,
Муҳаббат бирла тай қилсун кўнгилни,
Қаерда кўрсанг ул озода қулни,
Таҳаммулдин кечурсун ойу йилни.

Паришон айлама тимор гулни,
Амонатдорига топшур хатимни...

Мани дардим ани овора қилди,
Ани дарди мани бечора қилди,
Фалак бағрим мани сад пора қилди,
Ани захми забуни ёра қилди.

Паришон айлама тимор гулни,
Амонатдорига топшур хатимни.

Унутмасун мани, ман ҳам унутмам,
Хаёлидин даме кўнглум совутмам,
Ки андин бошқани отини тутмам,
Мани бечора ҳам, Мажнунга етмам.

Паришон айлама тимор гулни,
Амонатдорига топшур хатимни...

Аммо Лайли номани Бакрга бериб, бу сўзларни этиб,
юз доғи ҳасрат бирлан, бир ханжари обдорни ўзига
пинҳон қилиб, алар бирлан Бағдодга кетти.

... Бакр номани олиб, равона бўлди. Мажнунни из-
лаб юриб эрди, бир тоғни доминда нолаи фиғон қил-
ганин эшитиб, раҳми келиб, кўнглида айди: «Мунга бир
сўз айтсам, шоядки, кўнгли Лайлидин қолиб, унуткай»
деб, айди: — Эй Мажнун! Лайлини вафодор деб, кўнгли
бериб, нега мунча йиғларсан? Лайли бевафолик қилиб,
Ибни Салом бирлан Бағдодга кетти, ва анга никоҳ қи-
либ бердилар, — деди. Мажнун Бакрдин бу сўзни эши-
тиб, бошини тошга бир урди, боши ёрилиб, қон равона
бўлди. Они дарди юз чандон зиёда бўлди, йиғлайберди.
Бакр айтган сўзига пушаймонда бўлуб, Мажнунга бо-
қиб, шул замон бир сўз деди:

Бир сўз эшит, сани малул айладим,
Арзим эшит шоҳ Мажнун, йиғлама,
Хато қилиб, ёлгон сўзни сўзладим,
Фарёд этиб, кўнгли маҳзун, йиғлама.

Лайли сани фарёдинга дузмади,
Қошин чертиб, ваъдасидин қочмади,
Ҳаргиз сандин меҳри дилин узмади,
Сарғартуруб ранги рўюнг, йиғлама.

Узрим этмак учун келдим изингдин,
Ёлгон сўзлаб, уятлигман юзунгдин,
Қонлар сочиб қора наргис кўзунгдин,
Тўнунг айлаб қондин гулгун, йиғлама.

Мажнун отинг мудом онинг тилинда,
Жонин фидо этиб, васлинг йўлинда,
Ёринг учун мунча ҳижрон чўлинда,
Афсус этиб дардинг афзун йиғлама.

Каттиғ тошга нозик танинг урмагин,
Чашми қонли, жисми пурхун, йиғлама.

Аmmo, Бакр бу сўзни этиб, Лайлини номасини чиқариб берди ва онча Лайлини сўзларини ва яна эткан узрларини айди...

[Лайлининг онаси қизининг мотамини тутиб, йиғлаб ўлтирганда Мажнун келди]... қошиға бориб, бир сўз деди:

Кимсан, манга эткин ўзунгни мунча айларсан фиғон?
Арзи дил-додим эшит, недин эурсан бағри қон?
Сўзлагил дардли болам, ҳоли дилингни қил баён,
Ултуруб, доғингни эт, тўлди гамингдин осмон,
Кел болам, дардлашали, сан бир замон, ман бир
замон.

Бўлди пинҳон туфроқ ичра нури хуршидим болам,
Чун хазон урди, оҳ, билмай ўтти гулзорим болам,
Ман бу ерда фурқати доғ ичрадурман, йўқ болам,
Билмасам қайдин топарман, моҳи тобоним болам,
Кел болам дардлашали сан бир замон, ман бир
замон...

Мажнун билдиким, бу заифа Лайлини онаси туруп.
Мажнун... бир сўз деди:

Арзим эшит кўзи ёшли жон онам,
Қулоқ солгин ман бир замон йиғлайин,
Улуғ ёшли, бағри тошли жон онам,
Қулоқ солгин, ман бир замон йиғлайин.

Яхши сўзга учар қушлар эл бўлур,
Емон сўзга пашша кучи фил бўлур,
Бу аҳвола манга неча йил бўлур,
Уртар мани доғи ҳижрон, йиғлайин.

Нолон солиб боди хазон баҳорим,
Гул шавқина ортар мани хуморим,
Сабр айласам, фалак бермас қарорим,
Бу ҳижрондин топмам омон, йиғлайин.

Гул очилди булбул қони сочилди,
Бошдин бари машаққатлар кечилди,
Сув берарга кўз булоғи очилди,
Жисмим ўйин қилиб вайрон йиғлайин.

Фикрим на бир одам билан, расволиғим машхур эди,
Бемор жисми ғам билан тоатга но мақдур эди,
Чўлларда субху шомлар ҳамсухбатим туюр эди,
Ҳасрат билан ҳам ғам билан кўнглум уйи маъмур
эди,

Дунёда меҳнат, ғам билан воҳасрато келтурмишам.

Лайли ҳавосидин бошим қушларга бўди ошиён,
Заҳроб эди ичган ошим, юткан таомим эрди қон,
Кун-кундин ортиб қоҳишим, Лайли учун бас ҳар
замон —

Дийдам тўкубон кўз ёшим, олдимдадур оҳу фиғон,
Ишқ элида бўлдум асир, жўлида сар келтурмишам.

Меҳнат юки қаддим букуб, фикру ғамим Лайло
эдим,

Селоб чашмимдин тўкуб, бир ошиқи шайдо эдим,
Сийнам қапуси сўкулуб, девонаи расво эдим,
Роҳи ҳақиқатга чўкуб қолғон бази аъмо эдим,
Бечора ман мискин, фақир, кўп дардисар
келтурмишам.

Халқ оғзида Мажнун отим—бир нотавони зори ишқ,
Кўп дарди меҳнат чекдугум сартосарим афгори ишқ,
Бул эрди доим ниятим — ўлсам бўлуб бемори ишқ,
На ҳаққа тоат айладим, қўйди оёғдин нори ишқ,
Раббимга эмди ман букун ажзи саҳар келтурмишам.

Алқисса Мажнун Мункар Накирга бу жавобни деди,
эrsa худойи таоло. . . қудрати била бир ҳурни Лайлини
суратинда қилиб, зеб-зийнат бериб Мажнунни олдиға
азбаройи имтиҳон учун йиборди. Малаклар Мажнунни
олдиға олиб бориб, айдилар: — Эй Мажнун, ол Лайлини,
эмди муродинга еткин — дедилар. Мажнун они кўруб,
малакларға қараб, бир сўз деди:

Арзим сизга ҳақни севар элчиси,
Лайли бўлса, доғи ишқи бўлмасму?
Ҳақиқатни, тариқатни йўлчиси,
Лайли бўлса, доғи ишқи бўлмасму?

Кимса санчар гул деб боша ҳар хаси,
Ҳар тикондин келмас бўлур гул иси,

Лайли шаҳид бўлди, қондур қисмати,
Лайли бўлса, ани иси бўлмасму?

На савдоға солди мани бу фалак,
Силар мани айланмангизлар ҳалак,
Мани Лайлим эмас эрур ул — малак,
Лайли бўлса, доғи ишқи бўлмасму?

Налар ортти бевафони жафоси,
На деб чиқсун бошдин они ҳавоси,
Юракида бордур ишқни яроси,
Лайли бўлса, доғи ишқи бўлмасму?

Мажнун айтур андин қўлим узманам,
Қўнгил тахтин ҳар дилбара қурманам,
Филмон, ҳура тирноғини берманам,
Лайли бўлса, доғи ишқи бўлмасму?





РИЗОИЙ





ХУРШИД ВА МАЛИКАИ ДИЛОРОМ

дostonидан

Х

итой подшоси кекса Хисрав ва унинг вазири Ҳайдар фарзандсизлик доғида куядилар. Вазирнинг тавсияси билан Хисрав Шоҳимардон қабрини тунайди.

Хисрав адлу додни илкига олди. Неча вақтдин сўнг подшоҳнинг заифасининг бўюнда хомила қолди, аммо вазирнинг заифасининг бўюнда ҳам хомила қолди. Алқисса тўққуз ой, тўққуз кун, тўққуз соат ўтди, иккисининг заифаси бир кечада туғдилар. Кўрсалар, иккиси ҳам ўғул турур, гўё иккиси Юсуфи соний турурлар, кўрганлар ҳайрон бўлур эрдилар. Подшоҳга суюнчиладилар. Эrsa подшоҳ кўп молу дунё фаровон берди. Вазир ҳам мол бисъёр берди. Ондин сўнг тўй бошладилар, қирқ кеча-кундуз тўй этдилар, ўттуз икки созни бир қулоқдин туздилар. Қирқ кунгача айш-ишрат била бўлдилар. Ондин сўнг од қўйдилар: подшоҳнинг ўғлини один Хуршид, вазирни ўғлини одини Зевар қўйдилар. Ондин сўнг подшоҳ вазирга айди:— Ўғлуниги мунда олиб кел — тедилар. Вазир ҳам олиб келди. Иккисини ҳам подшоҳнинг олдига келтурдилар. Подшоҳ иккисига қаради, аммо, бир-бирига ўхшар, юзлари офтобдек. Буларни кўруб, кушвақт бўлуб бир сўз айди:

Чун булбули гўёдек шириң сухан ўғлонлар,
Ҳам ғунчаи хандондек кўнглум саван ўғлонлар.

Кўнглумда эди армон, жонимди анга қурбон,
Ҳам дардима дармон, ҳам кўнглум олон ўғлонлар.

Чўлларни ғазол овлаб, от яхшисини сайлаб,
Айш ила нашот айлаб, ҳам шўхи шананг ўғлонлар.

От устина минганда, ўқ-ёйини олғонда,
Душманлари кўрганда яксон қилон ўғлонлар.

Ҳам офати даврондек, ул шоҳ Наримондек,
Гўёки Юсуфжондек мужгон хандон ўғлонлар.

Баҳромни қула олмас, Рустамни гўза илмас,
Душманда ўчин қўймас, даврон сурон ўғлонлар.

Таърифин баён этган бу хаста Ризойидур
Бечора бу Хисравға дармон бўлон ўғлонлар.

Алқисса ўғлонлар етти ёшиға кирдилар, оларни муллоға бердилар. Бир неча йиллар ўқудилар олим, доно бўлдилар. Алғараз ўн олти ёшиға кирдилар, андоғ паҳлавони забардаст бўлдилар. Иккиси ҳам меҳрибон эрдилар, бир-бирини бир соат кўрмаса бетоқат бўлур эрдилар.

Алқисса подшоҳ вазирга айди:— Э вазир, ўғлумға бир кам қирқ хужрани кўрсаткил,— деди. Вазир Хуршиджонға бир кам қирқни кўрсатди, бирин кўрсатмади. Шаҳзода ҳарчанд зори қилди, вазир қабул қилмади. Қайтиб келдилар. Шаҳзода «Муни очиб бўлмасмакан» деб, бир кеча отасининг ёнидин килидларни олиб, ул хужрани очиб, ичкари кирди. Кўрдиким, бир фаризоднинг суврати турубтур. Ул суврати олиб кўрди, беҳуш бўлуб ётди; бир кеча-кундузда ўзига келмади. Подшоҳ ўғлини қайда эрканин билмади, ҳарчанд ахтарди, топмадилар, ҳайрон бўлдилар. Шул вақтда вазир айди:— Эй подшоҳим, ёнингизни қаранг, килидлар борму?

Подшоҳ ёнини қаради, топмади. Вазир айди:— Ман ул хужрани кўрсатканим йўқ эрди, онда киргандур — теди.

— Ман бориб кўрайин — деб, вазир ул хужраға борди. Кўрса, эшики очуқдур. Ичига кириб кўрди, шаҳзода беҳуш бўлиб ётибдур. Вазир ўзина келтурди, шаҳзода ўзига келди. Вазир айди:— Э шаҳзода, сизга на воқиа бўлубдур, беҳуш ётибсиз?

Онда шаҳзода бўлгон воқиаларни бир-бир баён қилиб,— вазирга қараб бир мухаммас ўқуди:

Ман бу жонни найларам, ороми жоним бўлмаса,
Орази гул, сарв қад, қоши камоним бўлмаса,
Ғунча лаб, фиста даҳон, ширин забоним¹ бўлмаса,
Найлайин ман гулшани боғи баҳорим бўлмаса,
Бир гадоям дар-бадар, шоҳи жаҳоним бўлмаса.

Сувратингни кўргали бўлдим юзинга интизор,
Гул юзинг то кўрмагунча йўқ турур сабру қарор,
Кўзларим ёши қурумас йиғлабон лайлу-наҳор,
Орази васлингга етмай бўлмишам ман шармисор,
Бир гадоям дар-бадар шоҳи жаҳоним бўлмаса.

Ман кириб майхонада юрсам қаландарлар билан,
Ишқида Қақнус киби куйсам Самандарлар билан,
Сайри гулзор этмадим бир ўзга дилбарлар билан,
Ичманам майхонада майни суманбарлар билан,
Бир гадоям дар-бадар шоҳи жаҳоним бўлмаса.

Билманам бул воқиа ё рост бўлгай ё хаёл,
Солдию бошимга ишқ айлаб сипеҳрини ҳилол,
Кеча-кундуз йиғлабон ман ўткарибман моҳ-сол,
Бу жудолиқ дардининг остинда бўлдим поймол,
Бир гадоям дар-бадар шоҳи жаҳоним бўлмаса.

Сансизин эй дилбарим эмди бу жонни найларам,
Тан ичинда тўтию руҳи равонни найларам,
Ҳам ниҳоли қомати сарви равонни найларам,
Булбули шўридаман, бул бўстонни найларам,
Бир гадоям дар-бадар шоҳи жаҳоним бўлмаса.

Эй пари пайкар сенинг қайда маконинг, билманам,
То ҳаётим борича истаб йўлингдин қолманам,
Топмагунча то сени кўзда ёшимни силманам²,
Кўнглими хуррам этиб, гулшанда ҳаргиз гезманам,
Бир гадоям дар-бадар шоҳи жаҳоним бўлмаса.

Хисрав ўғли ошиқи Хуршид дерлар одина,
Бир кўнгулни боғлабон ул кўзлари мастонина,
Ҳам шаҳиди ишқ ўлуб, гирсам жунун бозорина,
То ўлунча қайтмасам то етмайин дийдорина,
Бир гадоям дар-бадар шоҳи жаҳоним бўлмаса.

¹ Қўл ёзмада «даҳоним» ёзилган.

² Қўл ёзмада «сирманам» ёзилган.

...Вазир айди:—Эй шоҳзода, бул вилоятда ҳар кимнинг қизин хоҳласанг, олиб берали — теди. Шоҳзода қабул қилмади. Вазир айди:—Андоғ бўлса, ўзинг кетармусан?— теди. Шоҳзода — Оре, кетарман — теди. Онда вазир айди: — Юргил, отанг ёнига борали — деб, шоҳзодани отасининг ёнига олиб борди. Шоҳзода отасига қараб, рухсат тилаб бир сўз айди:

Солғил кулоқ отажоним,
Манга бир иш бино бўлди,
Рухсат бергил меҳрибоним,
Ишқ ўти можаро қилди.

Қуллуқда ман камина,
Кирдим ошиқлар сафина,
Бир парининг сувратина,
Бу кўнгул мубтало бўлди.

Рухсат берсангиз кетали,
Жаҳонни биз гашт этали,
Бир паризоднинг хаёли,
Манга юз минг бало бўлди.

Рухсат беринг Зевар билан,
Ман кетарман ҳиммат билан,
Неча бўлак лашкар билан,
Манга ишқи сано бўлди.

Босиб кетсам баланд доғлар,
Оламга солиб сўроғлар,
Гашт этиб боғ-чарбоғлар,
Юз-минг манга бало бўлди.

Отажоним, беринг рухсат,
Бошима тушубдур кулфат,
Азалда ёзилгон қисмат,
Манга ҳақдин ризо бўлди.

Ошиқ Хуршид фиғон айлар,
Кўзиндин сочилур дурлар,
Қароматли неча пирлар,
Манга ҳам раҳнамо бўлди.

Алқисса бу сўздин сўнг вазир бирла подшоҳ бир пинҳон жойиға кириб маслаҳат қилдилар. Охир вазир айди:— Маслаҳат ул турур: ёниға юз ўғлон қўшармиз, жавоб бериб юборурмиз; бир кун, икки кун юрурлар, бири нон, бири ош деб, йиғлашурлар, охир—ночор бўлуб, қайтарлар — теди. Эрса подшоҳға маъқул бўлди. Ондин сўнг Зеварни ёниға қўшдилар, ва яна юз ўғлон ҳамроҳ қилдилар. От-яроғларин тайёр этиб, ва яна бир қачир зар бериб рухсат бердилар. Аммо, подшоҳнинг уч ғуломи бор эрди: бирига Булбул, бирига Сунбул, ва яна бирига Жамшид дер эрдилар. Буларни ҳам ҳамроҳ қилиб... худойи таолоға топшурдилар. Булар йўлга равона бўлдилар. Подшоҳ бирла вазир йиғлашиб қолдилар.

Эмди булардин сўз эшитинг. Алғараз, уч кун йўл юрдилар, эрса, ул ўғлонларнинг тоқати қолмади, бири нон, бири ош деб йиғлар эрдилар. Шоҳзода буларнинг зорлиқин кўруб, Зеварға айди:— Буларни қайтариб юбормак керак... Эй Зеваржон, эмди бу ўғлонларни жавобини бергил, қайтсунлар — теди. Онда Зеваржон оларнинг ҳар қайсисига юз тилло бериб, юбордилар, уч ғуломини олиб қолдилар. Ондин сўнг беш киши йўлга равона бўлдилар. Неча кунлар йўл юрдилар, неча доғлар, неча чўллардин ошдилар. Алқисса келур эрдилар, кўрдилар, бир одам кўзин кўкка тикиб, осмонға қараб ўлтурур. Булар ҳайрон бўлиб айдилар:— На корасан, кўкка боқиб, на қилурсан?— деб сўрдилар, жавоб бермади. Шоҳзода бобоға қараб бир ғазал айди:

Аё бобо, солғил қулоқ,
На қилурсан, на корасан?
Бизларга сан бергил жавоб,
Ё ғарибсан, бечорасан?

Не учун кўкка боқарсан?
Кўзда ёшингни сочорсан,
Бу ера на иш этарсан?
Ё ошиқи парвонасан?

На бу чўлда жайрон бўлур,
На кийиги, қулон бўлур,
На комили эран бўлур,
На оқили фарзонасан?

На савдоларға йўлуқдинг,
Бошинг олиб, чўла чиқдинг?
Е бировга меҳринг солдинг?
Е жиллисан, девонасан?

Хуршид келур Зевар била,
Сирринг айғил ғамли қула,
Бизни солғил яхши йўла,
Эй одами мардана сан!

Ул одам буларға жавоб бериб, айди:— Эй йигитлар,
худойи таоло мани чўлдин чўла солди—деб, бир сўз айди:

Эй йигитлар эшитсангиз,
Маң ажаб армона тушдим,
Манинг ҳолимни билсангиз,
Чўлдин чўлистана тушдим.

Неча йиллар илм ўқудим,
Илмнинг ёдинда бўлдим,
Эли-халқимдин айрилдим,
Оташи ҳижрона тушдим.

Мани мактабға бердилар,
Илми нужум ўргатдилар,
Юлдуз борин билдурдилар,
Ман чўли уммона тушдим.

Кечалар ишим ҳой билан,
Ишим йўқ манинг жой билан,
Доно иши худой билан,
Ман йўли бурҳона тушдим.

Қимсалар анодин дуғар,
Бир нечанинг жонин олар,
Олар юлдузи йўқ бўлар,
Оларға дармона тушдим.

Эй йигит, манга Донобобо дерлар, илми нужумда
манингдек усто йўқ турур. Ер юзиндаки одамларнинг юл-
дузларин билурман, ким ўлса, ё онадин туғса, они ҳам
билурман — деб, бир-бир баён қилди. Эrsa шоҳзода
мундин бу сўзни эшитиб, айди:— Эй бобо, бу йигитни

санга шогирд берурман — теди. Эрса, бобо қабул қилди. Сунбулни анга шогирд бердилар.

Ондин сўнг йўлга тушуб равона бўлдилар. Неча манзилларни қатъ этиб борар эрдилар, отлари ярамай, ҳалок бўлди. Пиёда оёқлари қабашиб, гоҳ ўлтуруб, гоҳ юруб борур эрдилар. Бир жойга бордилар, кўрдилар-ким, бир одам қўлунда тўқмоқ, ерни уруб юрур. Булар они кўруб, ҳайрон бўлдилар. «Бу на кора одам» деб, ёнига бориб, салом бердилар, бобо жавоб бермади. Булар сўз сўрдилар, жавоб бермай, ишига машғул бўлди. Шоҳзода мунга қараб, жавоб сўраб бир ғазал айди:

Аё, бобо, на корасан?
Кел сиррингни аён айла,
Бу ерда на иш қилурсан?
Биза сирринг баён айла.

Ё юруган аҳмақмусан?
Ё бировдин ноҳақмусан?
Ерни уруб тўқмоқлайсан,
Кел сиррингни баён айла.

Қўлга тўқмоқинг олурсан,
Ернинг майнина урарсан,
Заволина сан қолурсан,
Биза сирринг аён айла.

Ё жиллисан — девонасан?
Ё соқийи паймонасан?
Ё ошиқи парвонасан?
Кел сиррингни баён айла.

Эй бобо, сан бери келгил,
Хуршиднинг сўзини эткил,
Насиҳатим қабул эткил,
Кел бери сан, баён айла.

Алқисса андин сўнг, бобо, буларга қараб, қўлига созин олиб, бир варсақи айди:

Эй йигитлар билсангиз, бу ерларда бўлурман,
Аҳволимни сўрсангиз, хуррам кезиб юрурман.

Ишим манинг бул эрур: тортсам ернинг танобин,
Мағриб бирла Машриққа бир лаҳзада борурман.

Пири комил, олдинда неча йиллар ўқудим,
Қўп замонлар бўлубдур, зиндаликни қилурман.

Ман йиғларам бу ерда илмим махфий қолур деб,
Шогирд истаб доимо ҳайрон бўлуб юрурман.

Умрим охир бўлубдур, Қумри йиғлар, оҳ чекар,
Дойим ишим бул эрди, зикр айтибон юрурман.

Алқисса Қумри бобо бу жавобни айди:— Эй йигитлар,
манга Қумри танобкаш дерлар, ернинг танобин тортиб,
бир соатда Мағриб бирла Машриққа борурман. Эмди
бир шогирд истаб турурман, ул илмни ўргатсам — теди.
Эрса, шаҳзода, Жамшидни анга шогирд қўйдилар.

Ондин сўнг йўлга равона бўлдилар. Неча манзил-
мароҳилни тай қилиб борур эрдилар, бир чўлда бир бобо
қўш суруб юрур. Бориб, салом бердилар. Бобо ўз иши-
га машғул турур, кўрдилар, бобо, ўн сари буғдойни
сефди, бир соатда кўкарди, пишди, йиғнади, дувди,
совурди, ўлчади, яна ўн сари келди. Бобони бу ишига
ҳайрон бўлуб, шаҳзода, бобога қараб, бу жавобни
айди:

Фариштадек оқ сақолли жон бобом,
Келгил, бобо, аҳволингдин хабар бер,

Ҳақ йўлига андишали жон бобом,
Сўзла, биза, аҳволингдин хабар бер.

Бобожон бу ерда қўшни қўшарсиз,
Қўлга олиб буғдойларни сефарсиз,

Пишурубон буғдойларни ўрарсиз,
Келгил, бобо, аҳволингдин хабар бер.

Санинг бу ишинга бўлдим ман ҳайрон,
Бобожон, бошинга бўлайин қурбон.

Бир дамда кўтардинг, бобожон, хирмон,
Келгил, бобо аҳволингдин хабар бер.

Бобожон бу ишинг бўлмади балли,¹
Хирмонингни бори бўлди ўн сари.

Ё магар, бобожон, бўлубсан жилли?
Келгил, бобо, аҳволингдин хабар бер.

Ғариб бобом, бизлар ёна келмадинг,
Бизларни, бобожон, гўза илмадинг.

Хуршидни сўзина қулоқ солмадинг,
Келгил, бобо, аҳволингдин хабар бер.

Алқисса Хуршид бу жавобни айди, эрса, бобога таъсир этди. Бобо буларга қараб, бошидин ўткан воқиаларни бир-бир баён қилиб, бир мухаммас ўқуди бобо бечора:

Худо бизни яратди кавни макон ичинда,
Кеча-кундуз юрубон юрагим қон ичинда,
Эли-халқдин жудоман бўлуб ҳайрон ичинда,
Соқи азал майини сундум думон ичинда,
Айтуб ҳақнинг зикрини бу чўлистон ичинда.

Соқи азал майини халойиққа сунарман,
Ўзи берган тухмини сефиб они экарман,
Қасби зироат айлаб, қўшин они суарман,
Ўлганларни жонини яна олиб берурман
Айтуб ҳақнинг зикрини бу чўлистон ичинда.

.....

Эй йигитлар, менга Бобойи Жон-ота дерлар. Маън бугдойлардин бир қисми олиб, ўлган одамнинг устина сочсам, тебранур, ва яна бир қисми олиб сочсам, туруб ўлтурур, ва яна бир қисми олиб сочсам, тирилур — теди. Эрса, шаҳзода, Булбулни ҳам анга шогирд бердилар.

Яна йўлга равона бўлдилар. Бир неча кун йўл юрди-лар, оёқлари қабариб, оч, сувсизликдин танг бўлдилар... Ногоҳ кўрдилар бир тоғнинг канорида бир кафача ҳавли кўрунди. Анга ҳариб бордилар. Ичига кириб кўрсалар бир канфир ўлтурур. Салом бердилар. Ул канфир буларнинг саломин олиб айди: — Эй ўғлонларим, қай-

¹ Балди — билгил, маълум.

дин келиб, қайда борурсизлар?— деди. Шаҳзода қўли-
ға созин олиб, момоға қараб айди:

Эшит, момо, арзи ҳолим сўзлайин,
Бошима бир савда тушдим-да келдим,
Бошимдин ўтканин баён айлайин,
Бир пари ишқина тушдим-да келдим.

Маликадур оди, ўзи паризод,
Неча иш бошима бўлубдур бунёд,
Булбул киби айлаб нолау фарёд,
Ишқ баҳрина тушуб, чўмдим-да келдим.

Боғи Эрам дерлар онинг жойина,
Бориб кирсам онинг боғу кўшқина,
Булбул киби кирсам сайраб қўйнина,
Онинг ишқи бирла учдим-да келдим.

Сувратин кўрубон бўлубман ҳайрон,
Моможон, этарсан дардима дармон,
Йўллари дур онинг тоза гулистон,
Боғининг гулидин термака келдим.

Гунча киби оғзи, ўзи бир жонон,
Юзлари дур онинг офати даврон,
Моможон, қолмасун ичимда армон,
Лабларин майидин ичмака келдим.

Келурман, моможон, доғлардин ошиб,
Ишқнинг дарёсинда ҳам қайнаб-дошиб,
Боғининг мевасин терсам синашиб,
Онинг бирлан даврон сурмака келдим.

Хисрав ўғли Хуршид дерлар одимни,
Билиб ол, моможон, асли зотимни,
Маликаи Дилороми — Шоҳруҳ қизини —
Тўй-тамошо қилиб олмоқа келдим.

Эй моможон, ман Хитойдин, Маликаи Дилоромни из-
лаб чиқдим. Бу, вазирим турур — деб, бир-бир баён
қилди.

Момо айди:— Эй болам, неча шоҳлар, неча шоҳзо-
далар ўтди, ола билмадилар — деб, момо, қўлиға созин
олиб, қўрқув бериб бир сўз айди:

Хуршид билан Зевар, қулоқ солинглар.
Сизлар Маликани ола билмассиз,
Манинг бу сўзимни билиб олинглар,
Маликага қаршу тура билмассиз.

Неча шоҳлар лашкар билан келдилар,
Боғининг деграсин қуршаб олдилар,
Малика тиғидин бари ўлдилар,
Сизлар онга ҳаргиз бора билмассиз.

Баҳром била Жамшид яна Искандар,
Маликага олар киши қўйдилар,
Ола билмай олар қайтиб кетдилар,
Олардек сизлар ҳам бўла билмассиз.

Нечалар айтарди оҳ билан афғон,
Истаюб дардина топмади дармон,
Қасд этди, бўлмади, Барзўй Деҳқон
Олардин илгари бўла билмассиз.

Тангсуқ-момо дерлар манинг одима,
Инонинг, болалар, айтғон сўзима,
Йиқилсангиз, болам, манинг ўзима,
Бўлмаса, мақсуда ета билмассиз.

Алқисса Тансуқ-момо бу жавобни айди:

— Эй болаларим, ман энагаси бўлурман, они ҳеч ким ола билмади, онинг қилиғиндин ҳеч ким қутулмас — теди. Эрса, шаҳзода бир табақ тилло тўлдуруб, момонинг олдинда қўйди. Момо тиллони кўруб, хушвақт бўлуб айди:—Эй болаларим, сизлар бир оз ухланг, ман сизларга бир оз таом пишурайин — теди.

Момо таом тайёр қилиб буларни уйғотди. Булар туруб, наҳори этдилар. Ондин сўнг момо айди:—Эй шаҳзода, сиз анинг уҳдасидин кела билмассиз, аммо Зеваржон уҳдасидин келур — теди. Онда шаҳзода айди:—Моможон, ўзинг билурсан — деди. Онда момо «йўлин ўргатайин» деб, айди:—Эй Зеваржон, сан мундин борсанг, боғининг бир сув киратурғон тўшуги бор, шул тўшукка бориб қарағил. Онинг бир оти бор, сани кўргач бир кишнар, сан ўзингни пинҳон қил. Малика отининг овозин эшитиб, кўшк устина чикиб қарар. Киши кўрунмаса, яна кўшкина кириб ётар. Ўзингни пинҳон қил. Яна

отга кўрунгил. От яна кишнар. Сан ўзингни пинҳон қил. Малика чиқиб қарар, киши кўрунмаса яна қайтар. Алқисса, уч йўла кўрунгил. Учланчида ҳам киши кўрмаса, Малика дар қаҳр бўлуб, отига бир шафват урар; от кўрқиб, титраб турар, андин сўнг Малика кириб уйиқлар. Ун кеча-кундуз ухласа керак. Ул сув киратурғон ердин киргил. Кўшкка яқин борурсан. От зўр қилиб санга ҳавола қилур. Сан ўзингни кўшк устина олсанг, хўб, ва илло-агар ўзингни ола билмасанг, от сани поратора қилур — деб, бир-бир баён қилди. Ондин сўнг, мо-мо, бир неча — кўп йифак чиқориб, узун йиф тоблади. Айди:— Эй болам, бул йифларни олиб, Маликанинг кўшкина чиқ. Малика уйқуда ётар. Унинг қўл-оёқин боғлагил. Аммо, кўп ёлборур, кўп ҳийлалар қилур, қабул қилма, вақтоки онасининг ҳайкалиндин онт бермагунча. [Зевар, Маликаи Дилоромнинг боғига бориб, Тансуқмомо ўргатган ҳийлаларни бажаради. Малика таслим бўлиб, Зеварга тегмоқчи бўлади, лекин Зевар бу хизматни дўсти учун қилганини, Малика, Хуршидни қабул қилиши лозимлигини айтади].

Паризод айди:— Санинг подшоҳзодингни на ҳадди бўлғай, санингдек баҳодир, боҳусн, бокамол бўлғай?! Ман ўзингни қабул қилурман, на учунким, бу ишларни сан бажардинг. Эмди подшоҳзодингни кўрайин, санинг бирлан баробар бўлса, қабул қилурман; бўлмаса, ўзингни қабул қилурман — деб, онасининг ҳайкалин олиб, кўксина урди. Зеваржон ондин сўнг Маликанинг қўл-оёқин бўшатди. . . Алқисса Маликаи Дилором бу жавобни айди:— Эй Зеваржон, манинг хаёлим — ўзинг бирла даврон сурарман дер эрдим. Эмди сан шоҳингни таъриф эткил — теди. Онда Зеваржон шаҳзодани таъриф этиб бир сўз айди:

Таърифинг этайин эшит нигорим,
 Шоҳим манинг олам ичра баллидур,
 Ҳар замон кўрмасам, йўқтур қарорим,
 Ишқида нечалар, билсанг, жиллидур.

Қошлари ёй киби, ҳусни мунаввар,
 Ҳар бир юзи онинг хуршиди анвар,
 Ер юзинда йўқтур андоғ диловар,
 Нозикдур сарвдин ничка беллари.

Од этиб ўтубдур Зол, Наримон,
Овозада гўё Рустами Достон,
Юзин кўрсанг онинг, тоза гулистон,
Тамошо айласанг ажаб юзлари.

Шоҳим киби бўлмас арзу самода,
Юзин кўрган шоҳлар бўлур пиёда,
Паризодим, ёлгон сўз йўқ арода,
Суханвар бобинда ширин тиллари.

Хизмата келмишам ман ғариб Зевар,
Бўлубдур оқ юза зулфинг муаттар,
Қабул эт шоҳимни, қилмағил азбар,
Бошинда жиғаси ажаб зарлари.

[Маликанинг талаби билан Зевар Хуршидни келтиради Шунда Малика бул ҳам ёмон эрмас эркан... Мунинг донолики борму ё йўқму, билайин деб Хуршидга сўроқлар бериб, тўла жавоб олгандин кейин, Хуршид ҳам Маликага сўроқлар бериб, тўлиқ жавоб олади. Сўроқ-жавоблар, умуман, диний тушунчалар билан тузилган. Масалан:] саволи паризод:

Ул на қушдур дойим китобин ўқур?
Ул на боғдур дойим назарин солур?
На шаҳрдур йиқиб, тўтисин олур?
Ошиқ Хуршид, биза мундин хабар бер.

Жавоби шаҳзода:

Лавҳул-махфуз китоб, Азроил қушдур,
Дунё бир боғ турур назарин солур,
Тан бир шаҳр эрур тўтиси жондур,
Паризодим, биздин хабар бўйладур.

..Шаҳзода савол қилди, Малика жавоб берди:

Паризодим, сандин хабар сўрарман,
Ул на гулдур, на яғмурда очилур?
Ул на жомдур, на соқининг алинда?
Ул на майдур навбат билан ичилур?

Жавоби Малика:

Хуршиджоним жавобингни берайин,
Одам гулдур, дуо бирла очилур,
Фалак соқи, ажал майи алинда,
Ул майдурким навбат бирла ичилур.

... Алқисса иккиси бу жавобни айтушдилар. Эrsa паризод айди:— Эй Зеваржон, шаҳзода ҳам ёмон эрмас эркан, ҳарна бўлса, санинг хотиринг учун қабул қилдим.

Алқисса, Зеваржон ақди никоҳ қилиб, Маликаи Дилоромни шаҳзодаи Хуршидга берди, шаҳзода ҳам қабул қилди. Ошиқ-маъшуқ муродларига етдилар.*

* Бу асарнинг, тахминан XIX асрнинг охирлари, балки XX аср бошларида кўчирилган бир нусхаси Ҳоди Зариф томонидан Хоразмда топилган бўлиб, топувчининг хусусий кутубхонасида сақланади. Юқоридаги текстлар шу нусхадан қисқартириб олинди ва уни «Хуршид ва Маликаи Дилором» деб аталди.





«ГУЛФАРАҲ»

дostonидан¹

Аmmo ровиёни ахбор ва ноқилони осор ва муҳаддисони дoston андоғ ривоят қилурким, замони аввалда бир подшоҳ бор эрди, ани отини Жаъфар шоҳ дер эрдилар. Моли ва хазинаси ва аскарри беҳисоб эрди, мунча шаънишавкат билан дунёда ҳеч фарзанди йўқ эрди. Шул сабабдин ҳарвақт кўнглига ғам, ташвиш пайдо бўлур эрди. Қайси вилоятда ва қаю шаҳарда ҳакими ҳозиқ ва табиби комил бўлса, элчилар юбориб, ҳаддин фзун ва ададдин бурун тилло-олтин, кумушлар сарф қилиб, олиб келур эрди. Ҳар турлик даволар ва ҳархил маъжунлар қилдируб, ўзига парволар қилур эрди. Охируламр ҳечбир фойда топмади. Табиблардин умид узуб, «Олло таоло ўзи бермаса, махлуқни қўлидин нима келур» деб, бир оз замон бу фикр билан қолди. . .

Подшоҳга фарзанд савдоси тушуб, ўлтурмоқ, турмоқга тоқати қолмади. [Подшо, фарзанд талабида бир дарвишга миңг тилла садақа бериб, дуосини олади. Кейин ўз боғига келса, у ерда яна бир дарвишни учратади. Бу дарвиш ўзини раммолларнинг устоди деб танитади, шоҳнинг дилида фарзанд талаби борлигини топиб, қўйнидан бир олмани олади-да, шоҳга беради. Шоҳ бу олмани хотини билан бўлиб еса, бир ўғил фарзанд пайдо бўлишини ва боланинг отини Абдулмалик қўйишни айтиб, дарвиш кўздан ғойиб бўлади. Шундан сўнг подшо ўғул кўради, лекин бола ўн беш ёшга етганда қаттиқ оғриб ўлади].

¹ Бу дoston авторининг кимлиги ҳозирча ноаниқдир.

Бу подшоҳни бир вазири бор эрди, ани отини Хўжа Саид дер эрдилар, бисёр оқил ва доно эрди. Подшоҳнинг ҳузурига кирди, кўп панд-насиҳат қилди. Айтдики:— ҳеч ким бу ўлумни дастидин нажот топмайдур... Қўюнг, тириклик фанимат... , деб дилдорлик айлаб подшоҳни шикорға олиб чиқти. Сайр-саёҳат айлаб келар эрдилар, йўлда бир одамни бош суягини топиб олдилар. Ул бошға уч сатр хат ёзилган экан, хати ушбу тариқададур:

Қаттиғдан қаттиғ нима қаттиғ?

Аччиғдан аччиғ нима аччиғ?

Шириндан ширин нима ширин?

Жаъфар шоҳ бошни қўлиға олиб, ҳайрон бўлиб қаради, аммо хатни ўқуб бўлмайдур. Андин сўнг бу бошни ўрдасига олиб келди. Мажмуъ вазирларин чарлаб айтди:—Бу бошдаги хатни ўқуб, маъносин манга айтинг деди. Аммо вазирлар ҳарчанд мулоҳаза қилдилар, ҳеч бир нимарсага қарор қилмадилар. Бирин сўзи бириға тўғри келмас эрди.

Алқисса подшоҳ мунодо қилдурдики, «Ҳарким шул бошдаги хатни маъносин билса, ул кишини ўз ёнимға вазири аъзам қилурман» деди. Бу хабар машҳури олам бўлди. Ҳар тарафдан одамлар келур эрди, ҳар қайсиси ҳар тариқда маъно берур эрдилар. Баъзилари айтур эрдилар — «тош — қаттиғ, лимун — аччиғ, асал — ширин» ва баъзилари: «темир — қаттиғ, урмоқлиғ — аччиғ ва шакар — ширин» дер эрдилар. Аммо сўзлари бир-бирларига мувофиқ келмади. Ва лекин шул шаҳарга яқин бир вилоят бор эрди, шул шаҳар ҳам подшоҳ Жаъфарга тобеъ эрди. Аммо ул шаҳарда бир марди фақир бор эрди. Фақирлик бобида ниҳоятда интиҳосиға еткан эрди. Бу марди фақирни ўн беш ёшға кирган бир қизи бор эрди. Исми шарифлари Гулфараҳ эрди, ҳусн бобида тождор ва назокат кишварида шаҳсувор ва латофат ва фасоҳат бобида тўттийн шакар гуфтор эрди, ва фаросатлик ва донишманд эрди... Бош суякдаги хатни маъносини билмаганлари машҳур бўлди. Алқисса, Гулфараҳ бу сўзни эшитиб, таажжубға қолиб, отасиға айди:— Эй отайи меҳрибон, подшо Жаъфаршоҳ шикорға чиқсон экан, йўлда бир бош суяк топиб олибдур. Ушал бошда уч сатр хат бор экан. Подшоҳни аҳли донишлари ул хатни маъносидин ожиз бўлубдурлар. Сиз подшоҳни ҳузурига боринг ва айтингки: «Қаттиғдан қаттиғ — отиниғ туй-

ғи қаттиқ, аччиғдан аччиғ — Ұлум аччиғ, шириндан ширин — уйланмаған одамға уйланмақ ширин» деб айттиң, аммо, ұргатганимни билдирманг — деди.

Гулфарах отаси хурсанд бұлуб, йўлни ранжу меҳнатларин тортиб, Жаъфаршоҳни вилоятиға дохил бўлди. Ул шаҳарда уч-тўрт кун нафасини рост айлаб, подшоҳни ўрдасиға борди. Ходимлар ва ғуломларға тавозеъ бирлан салом қилди. Алар жавоби салом бердилар. Бу марди фақир айди:—Ижозати олий берсангизлар, жаноби ҳазрат подшоҳимни остонаи олийлариға кириб, ... арзимни айтсам,— деди. Ғуломлар Хўжа Саид вазириға хабар бердиларким, «бир марди мусофир келиб, подшоҳға арзим бор дейдур» деб ўшал он вазир подшоҳға кириб, баён қилди. Подшоҳ айди:— сўранг, нима арзи бор экан.

Дарҳол марди фақирдин сўрдилар... айди:— Бош суякдаги хатни маъносини айтмоқ учун келиб эрдим— деди.

Дарҳол подшоҳға хабар бердилар. Подшоҳ: «олиб кириңглар» деди. Олиб кирдилар... Ул марди фақир юқорида қизин ўргатган сўзини баён қилди. Подшоҳ ҳайрон бўлуб айди:— Сан бу жавобни кимдин ўргандиңг? Ростлик бирлан жавоб айтгил, агарда рост айтмасанг, ўлдурурман — деди.

Бу марди фақир бечора ҳайрон бўлуб, агар ростлик бирла жавоб бермаса, ўлмоғи муқаррар бўлди, ноилож бўлуб айди: «уюмда бир қизим бор... шул ўргатти» деди. Бу марди фақирни сўзи наҳоят даражада манзур бўлуб ғойибона ошиқи-нигорон бўлди... Подшоҳ, Хўжа Саид вазирини хилватға чарлаб айди: «Бу марди фақирни қизи таърифдин ташқари доно ва зийрак экан, шу қизни қаю тариқа билан кўрармиз?» деб, маслаҳат қилди. Маслаҳатлари шул ерга еттики: «Бир қариш ифак бериб йиборурмиз, яна бир одам қўшуб йиборурмиз, шул ифакдин бир киюм тикиб йиборсун, деб албатта, ожиз бўлуб, бир сўз айтиб йиборур ёки ўзи келур, шул алоқа бирла кўрурмиз» деди. Подшоҳға маъқул бўлуб, Гулфараҳни отасиға айди: «Қизинг шул ифакдин манга бир киюм тикиб бериб йиборсун. Агарда қабул қилмасанглар, қизингни ҳам, ўзингни ҳам ўлдуруб, молингни талон-торож қилурман» деб, вазирин қўшуб йиборди.

Гулфараҳни отаси йиғлай-йиғлай ўз шаҳриға равона

бўлди. Бир муддатдин сўнг қизини олдиға дохил бўлди. . .
Ўткан воқеаларни баён қилиб кўзидан ёш ўрниға қонлар
равон қилди. Гулфараҳ айди: «Иш ўткан сўнг йиғламоқ-
дин фойда йўқ. Подшоҳға ўзим жавоб қилурман».
деди.

Алқисса, бир дон дандонков чўпидин подшоҳни
ифағи баробарида бир қаришни синдуриб, вазирга бе-
риб, айтдики: «Подшоҳ манга шул чўпдан иш тўқий-
дурган қолип қилиб йиборсунлар. Ман ўшал тариқа қо-
липда иш қилиб тикиб берурман ва лекин бошқа қолипда
тиколмасман», деб жавоб берди.

Вазир бу сўзни эшитиб, подшоҳ тарафиға қараб равона
бўлди. Подшоҳни даргоҳиға дохил бўлуб, Гулфараҳни
айткан сўзларин айтиб, баён қилди. Подшоҳ ва аҳли
мажлислар ҳамалари ҳайрон бўлуб, бармоқларини тиш-
лаб, тафаккурда қолдилар. Подшоҳ вазирга айди: «Яна
борғил, ул кўп доно ва зийрак экан, ва яна бир адад хў-
куз олиб борғил. Подшоҳ айтадурки, Гулфараҳ ушбу
хўкизни етти ой тўлғонда болалатсун» дейдур.

Вазир — Билраъси валъайн — деб, Гулфараҳға келиб,
подшоҳни айтган сўзини бир-бир баён қилди. Гулфараҳ
ни отаси бу сўзни эшитиб, кўп йиғлади. Гулфараҳ отаси-
ға айди: «Кўп йиғламанг. Подшоҳни бизга йиборган
хўкузи етти ойгача маошимизға етар», деб, вазирға ай-
ди: «Сиз етти ой тўлғанда келинг, албатта икки дон
болалатиб кўярман», деди.

Вазир подшоҳға келиб, Гулфараҳнинг сўзини баён
қилди. Подшоҳ ва вазирлар ҳаммаси шоду хуррам бўл-
дилар.

Алқисса, етти ой бўлди. Подшоҳ вазирға айди:
«Ваъда тамом бўлди, Гулфараҳға борғил» деди. Вазир
дарҳол равона бўлди. Гулфараҳни эшигига келиб, эши-
гин қоқти. Гулфараҳ кўрдиким, вазир экан: «Отам уйда
йўқ. . . ҳаммомға туғмоққа кетти», — деди.

Вазир, қиздин бу сўзни эшитиб, подшоҳ. . . ҳузурига
келиб, ҳарна Гулфараҳдин эшитканин бир-бир тақрир
қилди. Подшоҳ бисёр ғазабнок бўлуб, вазирин яна йи-
борди ва айди: «Ҳеч замонда эркак одам ҳам туғорму?!
Ман Гулфараҳни оқил ва доно деб хаёл қилур эрдим,
аммо Гулфараҳ лодон ва аҳмоқ экан. Бориб, мани сўз-
ларимни батамом баён қилғил», деди.

Вазир келиб, подшоҳни деган сўзларин деди. Гулфа-
раҳ вазирга айди: «Ман дунёда сизлардек аҳмоқ ва ло-

дон одамни кўрмадим, сабабки, ҳеч замонда ҳўкуз ҳам бола туғарму?! Мани ҳам сўзимни, бориб подшоҳга дегил»,— деди.

Вазир подшоҳга келиб айди: «Эй подшоҳим, Гулфараҳ салом-паём» деди. Баъдазон айди: «Бутун дунёда сизлардек аҳмоқни кўрмадим, ҳўкуз бола туғарму» дейдур.

Алқисса, подшоҳ Гулфараҳни отасига элчи йибордики, «Бу шаҳарга келсун» деб... Марди фақир бечора бу хабарни эшитиб, бисёр хавфнок бўлуб, «Мани нима гуноҳи шумлиғим бор экан» деб, йиғлаб, қизи бирлан видоълашиб элчи бирлан подшоҳнинг шаҳрига қараб равона бўлдилар. Бир оз муддат йўл юриб, шаҳарга дохил бўлдилар. Подшоҳ Жаъфарга хабар бердиларки, Гулфараҳнинг отаси келди, деб. Дарҳол олиб келдилар. Гулфараҳ отаси таъзим ва тақрим билан салом қилди ва айдики: «Эй подшоҳим, каминани хизматлариға чарлаткан эканлар, нима фармойишлари бор ва нима ҳукмлари бор?» деди.

Жаъфаршоҳ айди: «Эй марди фақир! Сизни қизингиз бисёр ўткур ва зийрак ва доно ва оқил экан. Ман шунча шаҳарларға подшоҳ бўлуб, сизни қизингиз баробарида қизни ҳеч кўрмадим. Эмдиликда марҳамат айлаб, шул қизни никоҳи-шаръий қилиб, берсангиз»— деди.

Гулфараҳ отаси айди: «Эй подшоҳим, бизлар ниҳоят даражада фақир ва мискиндурмиз.»

Подшоҳ айтди: «Ман сизлардин ҳеч нимарса сўрамасман, нақадар мол десангизлар берурман. Аммо мани бир шартим бор. Гулфараҳ билан бир самовор чой ичарман ва анинг бирла қиладурган бир-икки шартларим бор, агар Гулфараҳ мани шартларимни қабул қилса, ман сизни фақир деб, хўрламасман.»

Гулфараҳ отаси подшоҳдан бу сўзни эшитиб, ўз шаҳрига қараб равона бўлди. Шаҳрига етиб, қизига, ўткан воқеаларни баён қилди. Гулфараҳ айди: «Бизлар фақирдурмиз ва подшоҳларға муносиб эмасдурмиз, бир оз сабр қилиб турайлик, ўз баробаримиз чиқиб, қолар», деди.

Яна, отаси подшоҳ тарафиға қараб борди. Қизин деган сўзин деди. Подшоҳ: «Албатта қизингни олурман. Аммо манга қаршилиқ қилмасун, ва лекин ҳақ ноҳақ олурман!» деди.

Бу марди фақир келиб, қизиға бу сўзни айтти. Гулфараҳ айтди: «Эй ота, сиз яна подшоҳни олдига боринг ва айтинг подшоҳ манга кийиб бормоқ учун ранго-ранг либослар муҳайё қилсун, андин сўнг ўзи киядурғон либосларидан бир-икки адад бериб йиборсун ва яна беш отлиқ араба йиборсун ва яна манга ҳамроҳ бўлиб бормоқ учун икки соҳибжамол канизакларидан йиборсун. Шул тартибда бўлғонда, ман Жаъфаршоҳни ҳузурига бориб, қиладурган шартларини эшитай, қаю тариқада шартлар экан»— деди.

Алқисса, Гулфараҳни отаси подшоҳни ҳузурига бориб, қизин айткан нимарсаларин бир-бир баён қилиб, хабар берди. Подшоҳ шоду хуррам бўлуб, сўраган нимарсаларини ҳаммасини муҳайё қилди...

Гулфараҳ... сунбул каби сочин тараб, моҳтоб каби нурлик юзин мушк-анбар билан муаттар айлаб, бошиға жавоҳирот, дурри гавҳарлардин бунёд бўлғон тож қўюб... олтун, кумуш билан музайян бўлган либослар (кийиб), ва дур, ёқут маржонлар бўйнига тақиб, шундоғ соҳиб жамол бўлдики, ... мисоли булут орасидан чиқғон ойдек, ер юзин равшан тутти. Ўнг-сўлидин канизаклар ушлаб, арабаға олиб чиқиб ўтқуздилар. Алқисса, Гулфараҳ, ўзи бирлан баробар ўсган қизлар билан видоълашиб ва баъдаҳу отаси билан омонлашиб, барча шаҳар халқи хотун-қизлари ҳар қайсилари Гулфараҳга фотиҳан шариф бериб «Марҳабо, қадамингизга ҳасанот, йўлингиз ва сафарингиз муборак бўлсун» деб, йиғлашиб қолдилар.

Гулфараҳ, таваккал қилиб, Жаъфаршоҳ тарафига қараб равона бўлди... эртасига Жаъфаршоҳ вилоятиға дохил бўлдилар... Саройга етилар... Букун кеч бўлди. Гулфараҳ қизлар билан ўйнаб-кулуб, байтлар айтиб, кечани тамом қилдилар. Андин сўнг... Гулфараҳ одобу тавозеъ бирлан айди: «Эй подшоҳим, мани отамга Гулфараҳ бирлан қиладиган шартим бор, деган экансиз, ул шартингиз қаю тариқададур, манга баён қилинг», деди.

Подшоҳ айди: «Эй нигори маъшуқим, ман сизни никоҳи шаръий билан олурман. Бир шартим бор. Шарт шулдурки, мани никоҳимга кирганингиздан сўнгра мандин бе ижозат эркак одамга бир калима сўзни сўзламайсиз. Агарда сўзласангиз, уйда хоҳлаган нимарсани олиб жўнанг, манга талоқ бўлдурсиз»— деди. Гулфараҳ: «— шартингиз шулмиди? Биз ҳам қабул қилдук»

деди. . . Гулфараҳ Жаъфаршоҳга хотун бўлуб, умр ўткардилар.

Кунлардан бир кун подшоҳ шикорға кетиб эрди. Икки одам бир ерга икки адад от бойлаб кетган эканлар, бирини оти айғир, бирини оти бия экан. Бия от қулунлаб (қулуни) айғир отни остиға келиб ётган экан. Буларни эгаси келиб, ғавғо қилдилар. Жанжаллари бартараф бўлмай, бир-бирларини ёқоларидин ушлаб, Жаъфаршоҳни боргоҳиға келдилар. Подшоҳ шикордин келган йўқ эрди. Гулфараҳ сўради. . . Бу икки одам ўз ораларида бўлгон даъволарини баён қилдилар. Гулфараҳ хоним ҳукм қилди: «Қулун, бизники; эркак от қулунламас, лекин бия қулунлар, (қулуни) айғир отни остиға бориб ёткандур»,—деди. Булар ҳам, ушбу ҳукмға рози бўлдилар.

Шул он Жаъфаршоҳ шикордан келиб қолди. Алардин сўрдикки: «нима ишда келиб эдинглар?»

Булар айди: «Орамизда бир оз даъвомиз бор эрди, хоним Гулфараҳ ҳукм қилиб биткардилар», деди.

Подшоҳ бу сўзни эшитиб, Гулфараҳга кириб, айдики: «Ман санга шарт қилиб эрдимки, мандин берухсат бировга ҳукм қилсанг, манга талоқ бўлурсан. Уйда нақадар мол бўлса, ол кет, мани уюмда турма, дарҳол кет!» деди.

Гулфараҳ айди: «Бу юртда мани ризқим тамом бўлган экан. Бу кеча бир мажлис қуруб ўлтурайлик»—деди. Подшоҳ: «хўп, мақбул, аммо бу кеча уюмдин кетгил»—деди. Гулфараҳ рози бўлди. Жорияларга амр қилдики: Тур-турлук неъматлар ва яна қимматбаҳо шароблар ҳозир қилинглар, деб.

Дарҳол муҳайё қилдилар. Подшоҳ, Гулфараҳ таомлардин тановул қилдилар. Андин сўнг Жаъфар шоҳга бир табақ шароб қуюб берди, яна бир табақ қуюб берди. Подшоҳ саригарм бўлуб, ҳушидан кетди. Андинг сўнг Гулфараҳ бир жорияға амр қилдики: «Бир араба олиб кел» деб. Ушал он ҳозир қилди. Гулфараҳ яна бир жорияға амр қилди, . . . подшоҳни кўтариб, арабага солди. Гулфараҳ ўзи ҳам тушуб, подшоҳни арабада айлантриб юруб эрди, подшоҳ ҳушига келиб кўрдикки, хотуни Гулфараҳ билан арабада кўчада юрубдур. Гулфараҳдин сўради:— «нима ҳодиса бўлди? Мунда нима учун юрубдурмиз?»

Гулфараҳ айди: «Ўзингиз ҳукм қилдингизки, уйда нима нимарсани хоҳласанг, олғил, аммо мани уюмдин кет» деб эрдингиз. Уйда ман сиздан бошқа нимарсани хоҳламадим. Эмди ман сизни олиб, ўз шаҳримга кетман»— деди. Гулфараҳ билан подшоҳ неча йиллар умр ўтқариб, неча фарзандлар бўлуб, ўзларидин кейин авлодлари подшоҳ бўлуб умр ўтқардилар.





АДАБИЙ ТАРЖИМАЛАР





Ш I. ФОРС-ТОЖИК ТИЛЛАРИДАН ҚИЛИНГАН ТАРЖИМАЛАР ҲАҚИДА

арқ, жумладан Урта Осиё халқлари адабиётлари ўз тараққиётининг ҳамма даврларида бир-бирлари билан яқиндан алоқада бўлиб, бир-бирига таъсир кўрсатиб келди ва бу ўзбек адабиёти ривожланишининг муҳим омилларидан бўлди. Бунинг ёрқин далилларидан бири форс-тожик тилидаги қатор асарларнинг ўзбек тилига таржима қилинганидир. Форс-тожик тилларидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан бошқа қардош халқлар тилларига қилинган таржималар—халқлар дўстлигининг мустаҳкамланишига, маданий ҳамкорликни кучайтиришга хизмат этиб келди.

Улуғ Октябрь революциясигача бошқа тиллардан ўзбек тилига қилинган бадий асарларнинг таржималари турли характерларга эга. Бадий таржиманинг илмий принциплари эса ишланмаган эди. Баъзи асарлар шундай эркин принципда таржима қилинганки, натижада ўзбекча мустақил асар пайдо бўлган. Таржимонлар бундай вақтларда асарнинг асосий моментларини ва мазмунининг гина саҳлар, кўп вақт асосий манбадан четга чиқиб кетар ёки чекинар эдилар. Бошқа тиллардан қилинган таржималар ўзбек адабиёти ва маданияти тарихида ўзбек китобхонларини қўшни халқларнинг маданий ёдгорликлари билан таништиришда катта ижобий роль ўйнади, ўзбек адабиётини бойитди.

XIV асрда Қутб Низомий Ганжавийнинг «Хисров ва Ширин» асарини ўзбек тилига таржима қилган эди. (Бу таржима намуналарини биз тўпламларимизнинг биринчи томида берган эдик.)

1682 йилда ёрқентлик Мулла Хомуший Охун улуғ Фирдавсий асари — «Шаҳнома»эпопеяси асосида Шайх

Жаъфар Нажафий томонидан яратилган форсча насрий вариантни ўзбекчалаштирди. Бу билан Хомуший Фирдавсий ижодини ўзбек китобхонларига таништиришда катта иш қилди. Фарғоналик Сиддиқ деган киши XIX асрнинг биринчи ярмида форсча — «Чордарвеш» китобини ўзбекчага таржима қилди. Хоразмда Мунис, Огаҳий, Нишотий каби катта шоир ва адиблар ҳам жуда кўп асарларни таржима қилдилар. Саъдийнинг «Гулистон»и, Давлатшоҳнинг «Мажмуатушшуаро» номли тазкираси, Восифийнинг «Бадойиул-вақоийъ» асари ва бошқа шу каби кўп асарлар Хоразмда таржима қилинди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёни Россия составига қўшиб олинишидан кейин Ўзбекистонда китоб нашр этиш ишлари (тош босма — литографияда) авж олди. Ўзбек тилида кўпгина оригинал ва таржима асарлар босилди. Буларнинг ичида форс-тожик тилидан қилинган таржималар салмоқли ўринни эгаллаб эди.

Шоир Алмаий томонидан машҳур «Қалила ва Димна» китоби, шоир Шавкат (Сидқий Хандақлиқий) томонидан «Алф лайла ва лайла» («Минг бир кеча») китоби ва ҳоказолар таржима қилиниб нашр этилди. Худодод Қодирий томонидан ўзбекчалаштирилган «Тўтинома» китоби ҳам шу даврларда нашр этилди. Бу китобларнинг баъзилари (масалан, «Қалила ва Димна», «Минг бир кеча» кабилар) асл арабча ёки ҳиндча бўлса ҳам, лекин ўзбек тилига форс тилидан таржима қилинган эди. XVII асрда Хомуший таржима қилган «Шаҳнома»нинг насрий варианты уч маротиба нашр этилди. Шоир Хиромий томонидан назмлаштирилган «Чордарвеш», «Тўтинома» асарлари ҳам қайта-қайта нашр этилди.

Бу таржималар ўз даврида катта ижобий роль ўйнаганидан ташқари, ҳозир ўша даврдаги ўзбек адабий тилини ўрганишга ҳам хизмат этади.

Таржима қилинган бадий асарларнинг кўпчилиги ўзбек маданияти, адабиётининг узвий қисмига айланиб кетганлиги ва ҳали ҳам ўз қимматини йўқотмаганлигини назарда тутиб, бу тўпلامга улардан ҳам баъзи намуналар киритилди.





«КАЛИЛА ВА ДИМНАН ТУРКИ» КИТОБИДАН

К

ҲИКОЯТ

елтирибдурларким бир каклик бир кун бир тоғ этагида хиром қилур эрди ва қаҳқаҳасин садоси фалак гумбазиға чирмошиб эрди. Ногоҳ бир шижори қуш ул ердин ўтар эрди. Каклик хиромин кўруб, хандасидин кўнгли хуш бўлди ва анинг меҳриға кўнгул боғлаб, суҳбат хаёлин қилди. Ўзига андиша қилдиким ҳеч кимға ҳамдамдин ўзга чора йўқдур ва ёри меҳрубон лозимдур. Амсолда келубдурки ҳар ким беёр бўлса бемордур:

Киши ким жаҳонда ани ёри йўқ
Дегил айшини нахлининг бори йўқ.

Бу каклик кўп хушманзар ва хандонрўй, хушхиром, ширин ҳаракот ёрдур ва мундоғ рафиқ ва ёри дилнавоз суҳбатида кўнгул хуррам ва сина беғам бўлғай. Бас, оҳиста каклик тарафиға мойил бўлди ва какликни кўзи анга тушиб бир тош тешукиға қўрқуб кирди. Қуш ҳаводин тушиб ул тешукка яқин ўлтирди ва қиссани сўзлади ва айди:

— Эй каклик, мундин илгари ҳунарларингдин гофил эрдим ва фазлу камолинг манга маълум эрмас эрди. Бугун сани кулмоғингдин хурсандлиқ тотдим ва хироминг мани асир қилди. Умид тутаманким, минбаъд мундин қўрқмай висолинг бирла манга миннат қўйсангки, муҳаббат манфаат еткурадур ва дўстлиғ дарахти мурод мевасин тердурур.

Каклик овоз бердиким:— «Эй қаҳрамони комкор бу меҳнатзада бечорадин қўл тортғил ва бир какликни тутуб едим деб қўяқол:

Ману ҳайҳот не фикри хатодур
Сани васлинг манга тири балодур.

Ҳар вақт ўт ва сув бир-бирига қўшулсалар сани ва мани базмимиз муяссар бўлур ва ҳар гоҳки соя ва офтоб жам келсалар, икковимиз дўстлигимиз сурат боғлар».

Қуш айди: — «Эй азиз ўзингга андиша қилки меҳрибонликдин ўзга қайси нимарса мани ширин сўзга келтурбдурки, санга мулойимлик бирла сўзлағайман, ва на чанголимда нуқсон бордурки, сенингдекларни сайдидин қолиб ҳийла қилсам ва на тумшуғимга путур етмушки, шикордин ожиз бўлгон бўлсам. Балки ҳамдамлик ва ҳамнишинликдин ўзга таманно йўқдур ва манинг суҳбатимдин санга кўп фойда бордур. Аввал улким қушлар кўрарким ҳимоятим соясидадурсан. Санга таади қилмаслар ва сан фароғат бирла хотир жамона тоғ этокида хиром қилгайсан. Иккинчи улким, сани ўз уямға еткурурман, то баланд мавзеъда ўз ҳамжинсларингдин мумтоз бўлуб баланд даражали бўлгайсан ва яна ўз жинсингдин бир мулойим ва некусурат жуфтким мақбул бўлса келтурурман. То ани бирла ишрат додин бергайсан ва муродларға етушуб умур ўткаргайсан:

Сипехру замондин етушмай малол
Муронинг суроҳисидин ком ол.»

Каклик айди: — «Сан қушлар амирисан ва туюр ихтиёри қўлингдатур ва ман хирожгузор раиятларингдиндурман ва биздек бечоралар мазаллатдин холи бўлғаймиз ва ул вақтким илтифотингдин умидвор бўлсам, ихтимоли борким мандин табъи шарифингға нолойиқ ва нумувофиқ иш содир бўлса сарпанжаи ғазабга гирифтор бўлуб, ниҳодимдин дуд чиқоргайсан. Яхшироқ улким, бир хилватда ўлтуруб, ҳокимлар хизматиким, хатарликдур ихтиёр қилмағайман:

Қуёш рухсорини кўрмоқға чунким йўқ эрур ҳаддим,
Керакким соядек деворнинг остиға бўлғайман».

Қуш айди: — «Эй биродар, билмабдурсанким дўстлик кўзи айб кўрмоқдин кўрдур ва ҳар ёмонлиқким дўстдин содир бўлур зебо кўринур:

Дўст билур захрларингни шакар
Дўст билур айбларингни ҳунар.

ва ман сани феълларингни муҳаббат кўзи бирла кўраман
ва сўзларингни меҳр қулоғи бирла эшитурман. Начук
хатога нисбат қилғойман ва айб фаҳмлағайман».

Каклик ҳар нечаким узурлар деди маъқул бўлмади ва
қуш ани тўғрисида яхши жавоблар берди ва оқибат
аҳду паймон қилиб тешукдин чиқорди ва бир-бирларин
қучоқлаб онд бирла меҳру муҳаббат риштасин тоб бер-
дилар, ва қуш ани кўториб уясиға келтурди ва бир-бир-
лари бирла хуш бўлуб тараб бирла умур ўткаруб эрди-
лар ва каклик қушдин эмин бўлуб, густохлик шевагин
бошлаб, далирона сўзлар ва беадабона ҳаракатлар қи-
лур эрди, ва сўз ўртасида қаҳ-қаҳа бирла кулуб қуш ҳам
билиб билмасликға урарди. Аммо кинаси синасиға жой
олур эрди. То бир кун қушға андак бетоблик етушиб туъ-
ма учун парвоз қилмади ва ул кун кечгача ошёнадин қи-
мирламади. Чун кечаси бўлди, қорни очди ва киналарки
неча вақтлардин бери какликдин кўнглиға сақлар эрди
эсиға тушар эрди ва ҳар қанчаким аҳду паймон ва онд
кўнглиға тушса, назардин ташлаб, какликни емоқға баҳо-
на истар эрди. Каклик ғазаб асарин мушоҳада қилиб, ўз
ҳалокин муояна кўруб, оҳи-сард чекиб деди:

Бўлурда ошиқинг дедимки олдим гавҳари мақсуд,

Бу дарё мавжидин, гирдобидин воқиф эмас эрдим.

Даринки аввалда охирин ўйламадим ва бегонаға қўшул-
дим ва улуғлар пандин эшитмадимки, дебдурлар: «Но-
жинс сўхбатидин андоғким йилондин қочарсан қоч»
Ночор ўзумни ўзим ўтға урдум ва риштаи ҳаётим андоғ
кесилдиким, тафаккур ангушти ҳайратладур.

Ўзиға бу навъ сўзлар деб турар эрди ва қуш озор
чангалин ёзиб, хунҳор минқорин заҳар бирла суғориб,
баҳона истар эрди. Чун каклик эҳтиёт қилиб адаб бирла
турди. Қуш ҳеч баҳона тополмай, бетоқат бўлуб деди-
ким:—«Манга офтоб иссиғи таъсир қилмиш ва сан сояда
роҳат бирла турасан». Каклик айди:—«Эй амири жаҳон-
гир, ҳоло кечасидур ва ҳама олам зулмат соясидадур ва
сизға қайси офтобдин заҳмат етадур ва ман нимани
соясида роҳатдадурман?» Қуш айди:—«Эй беадаб, мани
ёлғончи қилурсан ва сўзимни рад қилурсан!» —деб чан-
гол ёзиб, икки бутин ажратди ва еди:

Кўрдинг ул қаҳқаҳан кабк хиромонниким,
Даҳринг пажасидин эрди магар гофил ул.

Келтурубдурларки бир тева минган киши сафар ўртасида бир мавзигга етдиким ул ерда корвон олов ёқиб эрдилар ва алар кўчкандин сўнг шамол оловни андоғ ёқиб эрдиким ул атрофдағи ўтуларга уруб ёндуруб, сахро гўшалари лоззордек кўрунур эрди ва ул оловлар ўртасида бир улуг йилон қолиб ҳеч тарафдин чиқолмай ва ул балодин қутулолмай яқин эрдиким балиғдек бирён бўлса. Ва заҳарлик кўзларидин ёш тўқуб, ул сувораға ялинди ва айди:—«Нима бўлурким марҳамат қилиб ман бечорани бу дўзахдин нажот берсанг». Ва ул киши худотарс ва меҳрибон эрди, кўп зорилагонин эшитиб бечоралиғига раҳм қилди ва ўйладики; «агарчи йилон одамизод душманидур, аммо ҳоло дармондадур. Яхшироқ ул ким ани бу балодин қутқориб олсам ва ихсон тухмиким дунё ва охиратда саодатдин ўзга мева бермағай эксам». Бас тўбрасин бир найза учига боғлаб йилон тарафига юборди ва йилон суюниб тўбраға кирди ва сувори ани оловдин чиқорди. Бас тўбрани очиб йилонга деди:— «Борғил ва бу балодин қутулғонингга шукур қил ва яна ҳеч кимни озор бермаким, озор берғучи дунёда бадномдир ва охиратда душмани ком:

Худодин қўрқилу озор берма
Қутулмоғинг йўли шул бўлдию бас.

Йилон айди: «Эй йигит, бу сўздин ўтғилки, ман то санга ва тевагга ниш урмасам кетмасман». Сувори айди:— «Охир сенга яхшилик қилмадимму ва оловдин қутқормадимму? Жазом бумудур ва сазом шулму?» Йилон айди:—«Ори, сан яхшилик қилдинг ва маҳаллиға тушмади. Шафқат қилдинг, аммо на мустаҳиқға, билурсанки, ман зарар мазҳаридурман ва мандин нафъ олмоқ мумкин эрмас. Бас, нима учун мани қутқординг. Ангаким, ўлтурмоқ лозим эрди — раҳм қилдинг. Ҳар оина мукофот учун алам еткурмоқ керакдур. Зероки, ёмонларга яхшилик, яхшиларга ёмонликдур.

Шаръу ақл олдида эрур мамнуъ
Яхшиларга ёмонлиғ этмоқлиғ.
Ҳамчунин яхшилик ёмонларга,
Жойиз эрмас аларға қилмоқлиғ.

Ва яна сиз ва биз ўртамазда адовати қадимий бордур ва оқибат андешлик андоғ тақозо қилур эрдиким, душманни бошин янчмоқ керак ва дафъ қилмоқ лозим. Сан бу бобда на ақлга мувофиқ иш қилдинг ва на шариятда раво ва на мурувватға дахли бор. Балки манга раҳм қилмоқ ўзгаларга ниш урмоқ бирла баробадур ва агар ман сани ярадор қилсам танбиҳ бўлур ва ўзгалар тажриба қилурлар». Сувор айди:—«Эй беинсоф, яхшиликка ёмонлиғ қайси мазҳабда дурустдур?» Йилон айди:—«Одамизодлар мазҳабида ва одатида дурустдур ва ман ҳам сизлар фатволарингиз бирла ўз матоъларингизни сизларга сотарман ва ўзларингиз жомингизда шарбат ичирурман». Бас йилон айди:—«Тезроқ жавоб бергилки, аввал ўзингни урайму ё тевани чақайму?» Сувор айди:—«Бу хаёлдин ўтғилки айбдур». Йилон айди:—«Бу одамизодлар шеваидур ва ўзларингиз муомалаларингизни қилурман». Сувор бу даъвоға инкор қилди ва айди:—«Бу даъвоға гувоҳ керакки, одамилар одати яхшиликка ёмонлиғдур».

Бу аснода бир говмуш кўрунди. Андин сўрамоқчи бўлуб, ани олдиға келдилар. Йилон айди:—«Эй говмуш, яхшилиқ жазоси нимадур?» Говмуш айди:—«Одамизод мазҳабида ёмонлиқдур. Зероки ман неча муддат алар хизматида эрдим. Ҳар йил бола туғдим ва уйларин сут ва қаймоққа тўлатдим ва маишатларин биносин тузатдим. Ҳолоким баччадин қолдим ва қаридим. Мани уйдин далаға қувладилар. Анинг учунким саҳрода юруб ўтлаб семирғайман. Чун бир-икки кунки форигбол юруб озроқ семирдим. Кеча ул киши бу ердин ўтди ва у ёғ-бу ёғимни ушлаб кўруб, бир қассоб олиб келиб, мани сотди ва бугун саллоҳхонаға олиб борур ва будур яхшилиқ ва хизмат жазосиким, баён қилдим:

Ҳолим будур, эй дўстлар, кимга дегайман додими,

Йилон айди: «Эй йигит, эшитдингму?» Сувор айди:—«Яна бир гувоҳ керак». Йилон атрофга қараб бир дарахтни кўрди ва андин сўраймиз деб анинг қошиға келдилар. Йилон сўрадиким:—«Эй дарахт, яхшилиқ мукофоти нимадур?» Дарахт айди:—«Одамизодлар дину миллатида ёмонлиғдир ва манфаат жазоси мазарратдур. Далил улким, ман бир дарахтдурман бу даштға кўкарғон ва келган ва кетган хизматлари учун тек турғон чун одамизод ҳориб чарчаб иссиғдин ўпкаси оғзига тикилиб

желадур ва бир соат мани соямда роҳатланадур ва на-
фасин ростлаб юқориға қараб фалон шохи табарға
даста бўлур ва бу шохи тешага лойиқдур ва фалон ер-
дин кесиб тахта қилмоқ керак деб, баъзиси арралаб ва
баъзиси кесиб оладур ва тана ва шохимдин қайси ери
хуш келса кесадур ва агарчи мендин роҳат олурлар,
оқибат меҳнат раво тутарлар:

Ман андишада соя солмоқ учун,
У ғам ичра шохимни кесмоқ учун».

Йилон айди:—«Икки гувоҳ бўлди. Энди тан бермоқ
керак». Сувор айди:—«Жон кўп шириндур. Яна бир киши
гувоҳлик берса сўнгра ҳеч узр қолмағай». Иттифоқо ул
ердин бир тулки ўтиб кетар эрди. Буларни кўруб, тўх-
тади ва сўзларин эшитди. Йилон айди:—«Ул тулкидин
сўроғил то нима жавоб берур». Сувор савол қилмоқдин
бурунроқ тулки овоз қилдиким, яхшилиқ жазоси ёмон-
ликдур ва лекин сан бу йилон ҳақида нима яхшилиқ қи-
либ эрдингким, уқубатға сазовор бўлубсан. Сувор сув-
рати ҳолни айди. Тулки айди:—«Сан оқил киши
кўрунурсан. Ёлғонни нима учун дерсан?»

Раво эрмас ҳирад аҳлиға бир сўзни хато айтмоқ,
Ярашмас марди доноға хилофи можаро очмоқ.

Йилон айди:—«Рост айтадурки бу тўбраға солиб
оловдин чиқорди». Тулки ошуфта бўлиб деди:—«Нечук
бу сўзга инониб бўлурки, бир улуг йилон бу кичик тўб-
раға сиғса». Йилон айди:—«Агар инонмасанг, яна тўбра-
ға кирайин. То шубҳа кўтарилғай». Тулки айди:—«Агар
кўзим бирла бу сувратни кўрсам, инониб ҳукм қилур-
ман». Бас, сувор тўбра бошин очди ва йилон мағрур
бўлуб, тўбраға кирди. Тулки айди:—«Эй жавон, чун душ-
ман бандға тушди, мажол берма:

Чу душман қўлингға гирифтор ўлур,
Хирад ҳукми улким амон бермағил».

Бас, ул йигит тўбра оғзин боғлаб ерга урди, то йилон
ҳалок бўлди ва зараридин қутулди.

Яхшироқ эрмиш ёмон ўлғони...
Душманни сўзига кимки мағрур бўлур.

Шамъи хиради тийра ва бенур бўлур.
Душман бўладур дўст ҳам ул вақтаким
Зулмат кечанинг чеҳрасидин дур бўлур.

Ҳ И К О Я Т.

Қашмир вилоятида бир бузруг подшоҳким хазиналарин тоғлар кўтаролмас эрди ва лашкарин ҳисобин андиша ҳам билмас эрди. Комкорлик туғин зарнигори фалакка уруб адолат ва раиятпарварлигин овозасин машриқ ва мағрибга еткуруб эрди:

Замона тобиин ҳукми равони,
Салотин ҳокибуси остони,
Русуми доду див бунёд айлаб,
Адолатдин жаҳон обод айлаб.

Ва бу подшоҳнинг бир маймуни бор эрдиким офатлар чоғида анга эътимод қилиб, шоҳона парваришларга хос қилиб эрди ва маймун ҳам камоли ихлосдин хос маҳрами бўлиб, кечалар қўлига қилич олиб, шоҳ ёстуқи устида пос тутар эрди. То тонг отғунча ухламай, ул хизматлар риштасин узмас эрди. Қазоро бир зийрак ўғри ғариб бу вилоятга келиб бир кеча хоҳладиким, ов қилса. Бас, либоси айёри кийиб маҳаллаларда юруб эрди. Бир бе тажриба нодон ўғри ҳам чиқиб эрди. Бир-бирларига учрашиб қўшилиб сайр қилур эрдилар. Мусофир ўғри машварат қилиб, ёрига дедиким қайси маҳаллага бормоқ керак ва кимнинг уйини тешмоқ керак. Ул нодон жавоб бердиким, раисни ахта хонасида бир семиз эшак бордур ва раис ани жўп яхши кўруб асрамоқ учун занжирлаб икки ғуломни муаккил қилиб қўюбдур. Салоҳ улдурки, аввал бориб ул эшакни олғаймиз ва яна чорсуда шишагарлик дўкони бордур, ани тешиб соф қиймат баҳо шишалардин урғаймиз. Ва ул эшакка ортиб қайтғаймиз. Дово ўғри анинг сўзидин таажжуб қилиб хоҳладиким, бу муҳимни тафтиш қилғай. Ногоҳ миршаб йўлуқуб, дово ўғри бир ҳийла бирла ўзин девор орқасига ташлади ва ул нодон ушланди. Миршаб сўрадиким, қаерга борур эрдинг? Жавоб бердиким, ман ўғри эрдим ва азимат қилиб эрдимки, раисни эшокин олиб шишагарлик дўконин тешиб, шишаларни олиб эшакка юклаб, уйимга элтғай-

ман, миршаб кулди ва айди:— «Аҳсантаки, ўғри мундоғ бўлғайки, бир эшак учунким неча посбони бўлғай ўзин балоға қўйиб, неча шишалар учунким, бир тангаға олмаслар, бу хатарга тушгай ва агар мунча меҳнатни малик хазинасиға қилсанг эрди ул замон ақл қошида маъзур бўлур эрдинг.

Гар киши бор чекар бор нигори бор.»

Мундоғ деб қўлларин боғлаб зиндонға олиб борди. Ул доно ўғри нодон ишидин ибрат олиб ва огоҳ бўлуб миршаб сўзидин тажриба кўтариб ўзига айди: «Бу ўғри менга нодон дўст эрди ва миршаб зийрак душман ва ул нодон дўст мани ҳалокға солур эрди ва бу душман сўзи бирла хазинаға бормоқ яхшироқдурки, гарази асли ва мақсуди кулли ҳосил бўлур». Бас, оҳиста-оҳиста қаср тагига борди ва нақб урди. Ҳамма кечаси санги хоро кесиб ҳануз кеча айёри уфуқға нақб солмоқда эрдик, ул ўғри малик ҳобгоҳидин бош чиқорди, шоҳни кўрдиким, тахти зарринда ухлаб, тажамулот ва асбоб ва адавоти мансаб атрофида мурасса ва жавҳарнигор фарошлар солинган, шамъи кофурий тавонгарлар юзидек равшан ва мискин парвона камбағаллар кўнглидек номуродлиғ шуъласиға ёнган. Ўғри қарадиким, бир маймун қилич қўлида шоҳ ёстуқин қошида туродур ва ўнг ва сўлға қараб ихтиёт қиладур. Ўғри ҳайрон бўлуб дедиким: «Бу сабуксор мундоғ улуғ даражаға етиб шаҳриёр бисотиға нечук аёқ қўюбдур ва ўткир қиличким мулк ва миллат анга вобастадур, мунинг қўлиға қаердин тушубдур». Ўғри фикр дарёсиға чўмуб, саросима назора қилур эрди. Ногоҳ неча мўрча айвон сақфидин шоҳ синасига тушуб юрмоқ оғоз қилди ва малик уйқусиға хархаша еткуруб, малик қўлин сийнасиға урди, маймун югуриб келиб тафаҳхус қилиб, мўрчаларни кўрдиким, малик сийнасида юрадурлар. Ҳазаб оловидин ёниб айдижим: бовужуд мендек посбонким маҳобатимдин ситоралар уйқу юзун кўрмаслар, бу неча мўрчаи ланги заифларға бу густохлик начукдур, маҳдумум сийнасиға оёқ босадурлар. Бас, ҳамияти жоҳилиятин ҳаракатға келтуруб, қилични хоҳладиким малик сийнасиға урғай, то мўрчалар ўлғайлар. Ўғри наъра тортдиким, эй жавонмарди бебок, сақлағилким оламни бузадурсан ва югуриб келиб маймунни қўлин қилич бирла ушлади. Малик ўғрининг наърасидин уйғониб, ул ҳолни кўрди. Сўрадиким: сан кимдурсан?

Ўғри жавоб бердиким, санга душмани донодурманким, мол талабида бу ерга келиб эрдим ва агар бир лаҳза сани асрамоқда эҳмол қилсам, бу меҳрибони нодон дўстинг тахтни қонга молломол қилур эрди. Малик воқеани эшитиб, саждаи шукурлар бажо келтурди ва айди:— Ори, чун инояти азали бўлса ўғри посбон ва душман меҳрибон бўлғай. Бас ўғрини навозиш қилиб, муқаррабларидин қилди ва маймунни занжирга тортиб тавилахонага юборди. Ўғриким айёрлик камарин боғлаб хазина деворин тешар эрди, чун дониш либосин кийган эрди давлат тожин бошига қўйдилар ва маймунки ўзин жондор ва маҳрами асрор тутар эрди, чун нодон эрди ҳурмат хилъатин эғнидин суғурдилар:

Хасми доноки офати жондур,
Яхшироқ дўстдинки нодондур.

Ҳ И К О Я Т

Келтурубдурларки, бир шер бетоб бўлуб ҳамиша таб тутуб қўтурга мубтало эрди. Охир баданига хориш пайдо бўлиб қуввати кетди ва ҳаракатдин қолди ва ов қилолмади. Анинг хизматида бир тулки бор эрдики, дастурхон резасин еб, сарқутин тановул қилур эрди. Чун шер шикордин қолди, тулки изтирорга тушди. Бир кун маишат танглиғидин ва очлик ғалабасидин шерга арз қилди ва айди:—«Эй подшоҳи олам паноҳ, сани беморлигинг бу беша аҳлин малул қилибдур:

Жонинг учун неча жон ларзада,
Хасталигинга бу жаҳон ларзада.

Нима учун бу иллатга илож қилмайсан?» Шер нола қилди ва айди:—«Эй тулки, неча муддатдурки, бу ғуссадин қон ютарман ва баданим заъфдин мўйдек бўлиб, пайкаримда бир мўй қолмабдур. Билмасманки бу маразни давоси начук бўлур ва бу кунларда бир табиб ҳозиқдин эшитдимки, буюрди—то бир эшакни қулоқин ва дилин егайман ва андин ўзга илож йўқдур ва маң ул вақтдан бери андешададурменки бу матлуб қандоғ ҳосил бўлур ва қайси ҳила бирла қўлга келур». Тулки айди:—

«Агар ҳазрати подшоҳ фармонлари бўлса, бу камина қуллари жустужўй қилиб, бахту давлатлари мадади бирла топарман». Шер айди:—«Начук хаёл қилибсан ва тазвир дафтарини қайси ҳила бобин ўқубсан?» Тулки айди:—«Мани кўнглумга келадурки, бу бешадин сизни чиқмоғингиз мушкулдур. Зероки андомингизда мўй йўқ, жамолу шукуҳингиз нуқсон топибдур. Бу ҳолда ошно ва бегонага кўринмоқ салоҳ эрмас. Савоб улдурки, матлубни бу бешага келтурурман то малик чанголига олғай». Шер айди:—«Қайси ердан келтурурсан?» Тулки айди:—«Бу яқинликда бир чашма бордурки, Дарёи Уммон суви-дин суви кўп ва ширинликда оби ҳаётдин нишонадур.

Ҳам сафода руҳи нигориндур,
Ҳам латофатда жони шириндур.

Бир шустагар ҳар кун ул ерга жомлар ювмоққа келадур ва бир эшаки бордур. Ҳар келганда ул чашма атрофида ўтлаб юрадур. Шояд ани фиреб бирла бу бешага келтурсам. Аммо малик назар қилғайки, қулоқин ва дилин егандин кейин боқий аъзоларин садақа қилғай». Шер аҳд қилди ва назрин онит бирла таъкид этди. Тулки ул чашма тарафига равона бўлди ва узоқдинки эшакни кўрди таҳият бажо келтурди ва мулоимлик бирла сўз бошлади ва айди:— «Сабаб нимадурки сани ранжур ва ориқ кўраман?» Эшак айди:— «Бу шустагар ҳамиша ма-ни ишлатадур ва боқмоқда бепарволик қиладур. Алаф ғамидин талаф бўлубдурман:

Тириклик ичра бир тимор кўрмай,
Самону арпадин жуз ном эшитмай,
Бу юк остида ҳар кун қон ютарман,
Кеча девордин туфроғ яларман.»

Тулки айди:— «Эй сода лавхи соф замир, охир оёғинг бор ва юрмоққа кучинг етадур. Нима сабабдин бу меҳнатни ихтиёр қилибсан?» Эшак айди:—«Ман юк тортмоқ-га шуҳратим бордур. Ҳар ерга борсам юкдин қутулмас-ман ва яна бу балога танҳо мубтало эрмасман ва ҳамма эшаклар юк остида зору низордурлар:

Ҳар ким ўз қадрича меҳнатга гирифтору асир
Ҳеч кимга бермамушлар даҳрда хатти барот,

Ва ман кўп ўйлаб қарор берибдурманки, чун ҳар ерда меҳнат жоми ичкулуқдур ва жафо либоси кийгулук. Борибир уйда сокин бўлиб нокомлик бирла ўтар дунёда сабуқсорлик орин кўтармагайман:

Дарбадар юрмоқ ёмондур эй жувон».

Тулки айди:—«Ғалат қилибсан. . . ер юзи кенгдур ва сайр қилингллар ерда фармони бўлубдур:

Сафар қил чу жойингда хуш бўлмасанг,
Бу ердин у ер бормоғанг танг эмас.
Агар танг бўлса санга жойгоҳ,
Худойи жаҳонга жаҳон танг эмас».

Эшак айди:—«Киши ҳар ерга борса ризқдин ортиқ етмагай. Бас, ҳирс қилмоқ ва сафар ранжиға таҳаммул қилмоқ ақлдин узоқдур.

Барчаға раззоқ рўзи бергуси,
Ҳар киши ризқин анга еткургуси.»

Тулки айди: «Бу сўз тугилдур. Ва ҳар ким ул мартабаға етолмайдур ва оллоҳ таоло одати анги жорий бўлубдурки, олами асбобда бир васила бирла ризқ еткурадур:

Қасб қил косиб эмиш оллоҳға дўст,

Ва агар сан ризо бўлсанг сани бир марғзорға олиб борурманки, ранго-ранг сабзалар бирла ораста ва ҳавоси аттор дўконидек муаттар:

Ҳавоси хушу бешасидур фароҳ
Дарахти анинг барчаси сабз шоҳ.
Насиму гулу лолаву ёсуман
Чу ёрони маҳрам тутуб анжуман.

Бу тарихдин илгарироқ бир эшакға насиҳат қилиб, ул марғзорға олиб бориб эрдим. Бу вақтларда фароғат бирла хиром қиладур ва саломат ўтлайдур». Алқисса, тулки, неча афсун ва афсоналар ўқуб, тазвир таъсирға ва тад-

бир тақдирға мувофиқ тушди. Эшак хомтамаълик бирла деди:—«Сани ишоратингким, маҳзидўстликдур қабул қилмоқ керак ва фармонинггаким айни марҳаматдур бўйинсунмоқ керак». Тулки илгари тушиб шер қошига келтурди. Шер ғоят ҳирсдин дафъатан қасд қилиб захм солди. Ва нотавонлигин сабабидин таъсир қилмади. Эшшак қочди. Тулки шернинг ваъфидин таажуб қилиб, маломат бирла деди:—«Бир ҳайвоннинг бефойда азоб бермоқдин нима натижа ҳосил бўлур ва бир муҳимда фурсатни пойлаб эҳтиёт бирла чанг солмоқ керак». Бу сўзлар шерға оғир келиб ўзига дедиким, агар десамки бепарволик қилдим, ҳайратға нисбат берур ва агар нафс давдағаси десам енгилик ва шитобзадалик бадномлиги бўлур ва агар куч камлиғига иқрор қилсам ажзу бечоралиг лозим келур. Салоҳ улдурки, тулки жавобин дуруштлиг бирла дегайман. Ва бу навъ беадаблигдин манъ қилгайман. Бас, айди:—«Ҳар нимаким подшоҳлар қилурлар раият анга воқиф бўлмоғнинг сўрамағайлар ва ҳикматин сўрамоқ беадаблиқ бўлғай:

Буюрғон ишга бош қўй ҳикматини сўрамағил ҳаргиз;
Фақири бибизотга на нисбат шоҳлик бирлан.

Ва чокарлар хотирига мулк асрори ярашмас. Балки кўтаролмас. Бу саволдин кечгил ва бир ҳийла қилғилки эшшак яна келғой ва бу хизмат бирла ихлос ва эътиқодинг билинур ва ўз амсол ва ақронингдин сарафроз қилурман». Тулки яна эшшак пайига тушиб, анга етушди. Тамаллуқ бирла таҳият бажо келтурди. Ва эшшак андин юз ўгурди ва айди:—«Эй маккори-нобакор, аввал озодлик ваъдасин бериб, оқибат шер чангалига ташладинг». Тулки айди:—«Эй сода, сен нима хаёл қилдинг? Бир тилсимким кўрдинг мақсуд ганжидин кечдинг ва ҳануз тикон кўрмай, гулзор тамошосидин қочдинг. Билғилки аввал нимарсаки кўрдинг бир тилсимдурки ҳукамо қилибдурлар, анинг учунким бу марғизор лазиз физолар ва латиф мевалар бирла оростадур. Ва агар бу тилсим бўлмаса ўзга ҳайвонот бу ерга келғайлар ва ватан қилиб поймол этгайлар. Бас ҳар жонворким бу ерга келадур, ул сувратниким сан кўрдинг кўруб бу ердин қочадилар. Ва дубора келмаслар ва аҳли беша фароғат бирла авқот кечурурлар ва биз ҳар кимниким дўст тутсак, ул тилсим сиррин билдуруб қўйғамиз, то бу беқиёс неъ-

матларга етушгай ва гарна манким сандин заиф ва нота-вонроқдурман, бу бешада умр ўткарурман ва аввалда хоҳладимки билдиргайман. Аммо санинг мулоқотингга ақлу ҳушум маҳв бўлуб эсимдин чиқибдур. Ҳоли бу бемаъни сувратга воқиф бўлдинг, қайтғилки кўнглум оқлиғи ва сўзим ростлиғи равшан бўлур ва бу тариқа дамдамалар қилди, то бечора эшшак яна ҳамоқат йўлига кетиб фрифта бўлди ва бешага ҳамроҳ равона бўлдилар. Тулки илгарироқ келиб шердин суюнчи олди ва илтимос қилдиким, албатта, жойдин тебранмай, то эшшак унс олғунча, илтифот қилмағай ва яхши фурсат топиб, куч етар чоғда ишин биткурғай. Шер тулки насиҳатин қулоғига олиб, жонсиз суратдек бир гўшада турди. Тулки эшакка айди, то тилсимни ҳақиқатин фаҳмлағилки муғлақ ҳаракат қилмайдур. Бас, эшшак густохона қадам қўйиб шернинг атрофида ўтлар эрди ва андин ҳеч ҳаракатни кўрмай яхши-яхши улфат олди ва оҳиста-оҳиста ром бўлуб, билкуллия хотирин жамъ тутиб ўтламоқга тушди. Чунки бечора неча вақтдин бери очлик балосига мубтало эрди, то тўймагунча дам олмади. Чун бениҳоят қорни тўлди, тилсим ёнига келиб ётди. Шер ани гофил топиб, бир ҳаракат бирла қорнин ёрди. Бас, тулкига айди:—«То ман чашмага бориб ғусул қилиб келгунча пойлаб турғилки қайтиб келиб, дилин ва қулоғин егайман. Чунончи табиблар буюриб эрдилар». Чун шер чашмага юзланди, тулки дилин ва қулоғинки андомин латифроқидур еди ва шер ғуслдин фориг бўлуб келди ва ҳарнечаким қидирди дил ва қулоғидин асар кўрмади. Тулкига айди:—«Бу икки узвким манга дору эрди қайдадур ва ким ебдур?»

Тулки айди:—«Подшоҳ саломат бўлғайлар, бу эшшакни на қулоғи бор эрди ва на дили. Ул жиҳатдинким агар дили бўлса эрди макрға фрифта бўлмас эрди ва агар қулоқ бўлса эрди совлат ва ҳайбати шерона кўргандин сўнг ёлғон афсонани рост сўздин имтиёз қилур эрди, ва ўз оёғи бирла гўрға келмас эрди».

Ҳ И К О Я Т

Келтурубдурларки бир сичқон бир беша лабида ватан қилиб эрди ва ул мавзиёда сув ҳам бўлуб, ул сув ичида бир қурбақа ҳам умр ўткарур эрди. Ва гоҳ-гоҳ касби ҳаво қилиб, чашма канорасига чиқар эрди. Бир кун сув

лабиға келиб, дилхирош нағма бирла садо қилиб, ўзидин булбул тузотиб, нохуш овоз бирла кўнгуллар қушин бадан қафасидин қочирур эрди:

Гарчи дил озор эди овоз анга,
Суврати қошида эди оз анга.

Ул ҳолда сичқон мақомин гўшасида бир замзамаға машғул эрди. Қурбақанинг шўрангез наърасин эшитиб, ҳайрон бўлуб, хонанданинг сувратин кўрмоқ учун ташқори чиқди ва анинг бемаъни нағмалариға таажжуб қўллари бир-бирига урар эрди ва бошин қимирлатур эрди. Қурбақа ул таврни кўриб, манга таҳсин қиладур деб хушвақт бўлуб, сичқонга ошно бўлмоқ тақозоси бошиға тушди ва ақл тили ножинс суҳбатидин манъ қилур эрди ва табиат ҳавоси сичқон ихтилотифа далолат қилур эрди. Алқисса сичқон бирла ошно бўлиб ҳамиша мусоҳиб эрдилар ва рангин ҳикоятлар ва ширин ривоятлар ҳар тарафдин сўзлашур эрдилар:

Қурбақа сичқон билан дилшод этиб,
Неча йилғи қиссаларни ёд этиб.

Бир кун сичқон қурбақаға айди: — «Неча вақт келодурки хоҳларманким санга роз айтсам ва сан ул замонда сув ичида бўлурсан ва ҳарқанчаким наъра тортарман эшитмайсан ва то овоз қилмасанг келмоғингдин огоҳ бўлмайман». Қурбақа айди: — «Рост айтурсан, ман ҳам неча дафъа андиша қилурманки биродарим сув лабиға келса, ман сув остида бўлсам ва билмасам ва ул мани учун интизорлик тортса қандай бўлғай ва гоҳо бўладурки ман тешик лабиға келурман ва сан ўзга тарафдин чиқиб кетиб, кўп муддат мунтазир бўлурман ва хоҳлар эрдимки, бу маънини изҳор қилғайман. Узинг каромат бирла дединг ва ботининг сафосидин хабардор қилдинг. Энди бу иш тадбири ҳам сандин бўлур». Сичқон айди: — «Сарриштаи тадбир ва савоби фикр улдурки, бир узун ип топарман, бир бошин санинг аёғингга ва бир бошин ўз аёғимга боғларман, то ҳар вақт сув лабиға келиб ипни қимирлатсам, огоҳ бўлурсан ва агар сан ҳам мани манзилимға ташриф келтурсанг ипни ҳаракат бериб хабардор қилурсан». — Бас икки жонибдин бу маънига қарор бериб, суҳбатларин риштаси истиҳком топди ва ҳамиша бир-бирларидин

хабардор эрдилар. Бир кун сичқон сув лабиға келди, то қурбақани чақирғай ва суҳбат тутғай. Ногоҳ бир қарға балойи ногоҳондек ҳаводин тушиб, сичқонни кўтариб учди ва ул ипким аёғида эрди ва қурбақа ҳам бойланған эрди, ҳамроҳ кетди, қурбақани бечора ҳам сув қаъридин сарнигун чиқиб, осилиб кетар эрди. Ва қарға сичқон тумшуғида ва қурбақа қуйроқ осилгон, учар эрди. Ва мардум ул ажиб ва ғариб воқияни кўруб, таъна қилиб, дер эрдилар: — «Ажаб ҳолатеки қарға хилофи одат қилиб, қурбақани шикор қилибдур ва ҳаргиз қурбақа қарғага шикор бўлмас. Лекин сичқон дўстлигин шумлиғидин бу балоға мубтало бўлубтур. Ва андоғ кишиларки ножинсга қўшилурлар, сазолари мундоғ бўлур.

БА И Т:

Эй фиғон ножинслардин, эй фиғон,
Яхши улфатға қўшулғил, эй жавон.

ҲИКОЯТ

Келтирибдурларки, бир киши табиб қошиға келди ва қорин оғриқидин ерға юмаланур эрди. Ва алам суубатидин нола қилиб даво истар эрди. Табиб, андоғким, арбоби ҳикмат расмидур, аломатларин сўраб ва маразни тониб сўрадиким бугун нима еб эрдинг? Ул сода лавҳ киши айтиди: бир парча куйгон нон еб эрдим ва ул физоким ангишт монанд эрди, юроким танурин қиздурди. Табиб ходимларига буюрдиким доруиким кўзга жило бериб рўшнолик ортидур — келтурунг, то бу киши кўзиға қўйғайман. Ул киши фарёд қилдиким:

Охир на ўюн маҳалидур бу?

Эй табиб, масхарабозликни қўй ва истехзони ташлаки, ман қорин оғриқидин нола қилурман ва сан кўз дорусин тиларсан. Охир кўзнинг қоринға нима нисбати бордур? Табиб айтиди, хоҳларманки, аввал кўзингни тuzатғайман, то оқ ва қарони фарқ қилиб, дубора куйгон нон емағайсан. Бас, кўз иложи қорин дорусидин зарурроқдур.

Келтурубдурларки, бир вақтда бир маймунға оллоҳ-таоло тавфиқ бериб, ўз бо жинсларидин канора тутуб, бир беша гўшасига ватан қилди. Ва ул бешада неча анжир дарахти бор эрди — ўйладиким жониворларға физодин ўзга чора йўқдур. Бу бешада анжир ёзда бўлиб ва қиш беваргу наво бўлмоқ керак. Яхшироқ улким, ҳаркун бир дарахти анжирни қоқиб, садди рамақ бўлгунча еб, қолғонин қурутиб қўйғайман. Ҳам ёз фароғат бирла ўтгай ва ҳам қиш рафоҳият бирла кечгай.

Езда чек тўша учун дарду ғам
Ким чиқарур қишда кўнгулдин алам.

Бас неча дарахтларни бу тариқада қоқиб қурутди. Бир кун анжир дарахтига чиқиб ҳар кунги қондасида баъзини еб ва баъзини қуритмоқ учун терар эрди. Ногоҳ бир чўчқа бир сайёд олдидан қочиб ўзин ул бешага урди ва ҳар дарахтга етушуб мева тополмай, ул дарахтгаким маймун анда эди етушди. Чун маймун кўзи чўчқага тушди. Дили ағдарилди ва айди:

Қаердин бўлди пайдо бу балойи ногихон, ёраб,
Балойи ногихондин асрағил ҳифзу ҳимоятда.

Чўчқа чун маймунни кўрди, марҳабо деб таҳият бажо келтурди. Маймун ҳам нифоқ қилиб яхши жавоб берди ва айди:

Б А Й Т:

Орзулар боғига сарви хиромон келди, бас.
Кулбан дарвешга бир яхши меҳмон келди, бас.

Муборак ва ҳумоюн мақдамларин етмоғи муборак бўлғай. Агар илгарироқ киши юбориб келмоқтин хабар берсалар эрди, ҳар онна мувофиқи ҳол зиёфат шартларин бажо келтурур эрдим. Ҳоло агар нуқсон бўлса, маоф тутурлар.

Чўчқа айди: — Ҳоло йўлдин келадурман ва мо ҳазар бўлса иштиёқ ва иштаҳо бирла тановул қилурмиз. Такал-луф қилма ва ҳарнимаким топарсан келтурғил. — Май-

мун анжир дарахтин қоқди ва чўчқа иштаҳои тамом бир-ла ер эрди. То дарахтда ва ерда ҳеч нима қолмади. Бас маймунға қараб айди: Эй мезбони кироми, ҳануз иштаҳо ўти шуъла урадур ва нафс гизо талаб қиладур. Ўзга дарахтни қоқғил ва манга миннат қўйғил.

Маймун оғрина-оғрина ўзга дарахтни қоқди ва андак фурсатда андин ҳам асар қолмади. Чўчқа ўзга дарахтга ишорат қилди. Маймун айди:— Эй азиз, мурувват расмин ташлама ва онча ким эсор қилдим бир ойлиғ овқатим эрди ва манга яна эсор қилмоқға қувват йўқдур.

Мундин ортиқ карам қилолмағайман.

Чўчқа ғазабга келиб айди.— Бу беша неча муддат сани тасарруфингда эрди. Ҳоло манга таалуқи бордур. Маймун жавоб бердиким, бировнинг мулкин ғасб қилмоқ шумдур ва зўрлик оқибати мазмум. Жафодин ўтғил ва ситамдин элик чекғилки заифлар озори яхши натижа бермас ва бегуноҳларни оғритмоқ яхши эрмас. Чўчқани бу сўзлардин хашми ошиб айди:— Ман ҳоли бу дарахтдин сани тушуриб, жазо берурман. Бас дарахтга чиқди то маймунни тушурғай. Ҳануз аввалғи шохга етмай шох синди ва сарнигун йиқилди ва ҳалокатга етди.





«ТУТИНОМА»ДАН

Қазрат Нахшабий... дoston ва қиссалари ва ҳикоётларини «Тўтинома»да қаттиқ ва мушкил форсий иборатлар бирла битган эканлар ва анинг Муҳаммад Худодод Қодирий... ҳамма одамларга мафҳум бўлғай деб, равон ва осон туркий иборатлар бирла биткан экан. Ва ул битилгон дostonлардин бири будурким, илгари замоннинг давлатмандларидин бирининг оти Аҳмад Султон эрди. Мол ва матои бениҳоят эрди ва лекин ўғул фарзанди йўқ эрди, ҳаминша художўйларнинг хизматиға борур эрди ва кечаю-кундуз ва субҳу шом ўғул талабида дуо тилар эрди. Нечанд кундин сўнг осмон бирла ернинг яратгучи эзид таоло мазкур Аҳмад Султонға бир хўб сурат, офтоб чеҳра, моҳжабин ўғул каромат қилди. Отин Маймун қўйди. Аҳмад Султон бу хурсандлик ва нашодин гулдек очилди ва нечанд минг ружя садақалар дарвеш ва фақирларга ато қилди. То уч ойғача амирлар ва вазирлар ва донолар ва фозиллар ва устодларким шаҳрда бор эрдилар, зиёфат қилуб, қийматбаҳо хилъатлар берди. Вақтеким, мазкур ўғулнинг ёши еттига етти, доно ва комил устодларнинг хизматиға топшурди. Андак муддатда ҳар турлук арабий ва форсий китоблареким, аларда подшоҳлар мажлисининг ўлтуруш ва турушининг қондаси ва шаҳаншоҳларни гуфтор ва рафторларининг қонуни бор эрди — ҳаммасин ўрганди. Подшоҳнинг, ҳамма боргоҳнинг хос улуғларининг назариға манзур ва мақбул бўлди. Отаси Маймунға бир пари пайкар, хуршид рухсор қизни тўю тамошолар қилуб олуб берди. Ул қиз «Хужаста» эрди. Хужаста бирла Маймуннинг орасида муҳаббат ва улфат зиёда бўлди. Чунончи ҳар кун айшу ишрат бирла

бир жойда ўлтуруб ва бир жойда ёгур эрдилар ва бир жойда ичар эрдилар. Бир кун Маймун от узра миниб тамошо учун бозорға бориб кўрдик, тўтифуруш бир қафас ичра тўтини қўлида кўтариб турубдур. Маймун тўтини кўруб, тўтифурушга айдики, тўтининг қиймати надур — айғил! Тўтифуруш жавоб бердики, муни қиймати маблағи бир минг тилло эрур. Маймун айди: «Ҳар ким бир мушт пар учун ва бир мишиқнинг сайди учун бу қадар зар берса аблаҳ ва аҳмоқ ва нодон ва бевоқуфдур». Тўтифуруш жавоб бера олмади. Ул замон тўти кўнглида айдики: «Агар мундоғ давлатманд киши олимш уҳдасидин ёнса мужибни қабоҳат ва боиси надоматдур. Ул сабабдинким, бузурғлар ва доноларни суҳбати боиси тараққийи ақл ва хираддур» деб, андин сўнг тўти жавоб бердики: «Эй жавони боҳуш ва эй давлатманди соҳиб камол, агарчи ман назарингда мушти пар кўрунурман, аммо донолиғ ва ақл бобида осмон узра учарманким, хушгўйлар манинг ширин суханлигимни эшитиб, ҳайрон қолурлар ва таажжуб қилурлар. Манинг каминани ҳунарим будурким, илгари ўтган ва эмди бўладурган ишларни дарҳол билурман ва эрталиғ ишларни бугун билурман. Алардин бири будурким, Қобилнинг корвонлари сунбул олиш учун бу шаҳарга келурлар. Сан ушбу шаҳардаги сунбулларни олғил ва ҳаммасини жамъ айлаб, бир ерда сақлағил ва мазкур корвонлар келгондин сўнг сотғил. Сан ул савдодан кўп фойда топсанг керак» деди. Маймун тўтининг суханини фаҳмлади ва писанд қилди ва маблағи бир минг тиллони тўтифурушга берди ва тўтини олди. Водиға олиб борди ва шаҳардаги сунбулларни ҳаммасини талаб қилди ва сунбулфурушлардин сўрадики, ҳаммасини қиймати на миқдор бўлур? Сунбулфурушлар Маймуннинг ҳузурда арз қилдиларки, буларнинг қиймати ўн минг тилло эрур. Маймун ўшал соатда мазкур маблағни ўз хазинасидин бериб, ҳамма сунбулларни харид қилди ва бир айвонда сақлади. Учунчи куни тўтининг ишоратиға мувофиқ корвон аҳли етишти, шаҳарнинг тужжор ва совдогарларидин сунбулни кўп жустижў қилдилар. Ҳеч кимдин топилмади ул важҳдинким, шаҳардаги ҳамма сунбулларни Маймун олиб эрди. Андин сўнг Маймуннинг қошиға келдилар ва мазкур сунбулларни эллик минг тиллоға олиб ўз шаҳарлариға ёндилар.

Маймун тўтининг бул тариқа гўёлиғидин кўп шодмон ва хурсанд бўлди ва яна бир жонвареким, оти Шорик

эрди, ани ҳам сотиб олди. Сабаби улким, агар тўти бир-ла мунни бир ерда сақласа, шоядки тўтини кўнглидаги танҳоликни ваҳшати узоқ бўлмай. Чунончи донолар айтибдурларким:

БАЙТ:

Кунад ҳамжинс бо ҳамжинс парвоз,
Кабутар бо кабутар боз бо боз.

Маймуннинг ғарази бу эрдик, бу икки жонвар бир ерда бўлса, бир-бири бирла суҳбат қилуб хурсанд ва маорур бўлмайлар. Бир кун Маймун Хужастага изҳор қилдики:—«Хоҳларман эмди сафар қилсам ва ҳар мамлакатга борсам ва шаҳарлар ва диёрлар узра сайру тамошо қилсам. Вақтеки санга бир иш ва муҳим пеш келса, Шорик бирла тўтидин маслаҳатсиз амалга келтурмагил ва буларнинг рухсати ва ризосисиз ҳеч ишни қилмагил»,— деб. Ва мунга ўхшаш нечанд сўзлар айтиб, ихтиёри сафар қилуб, чиқиб кетти. Маймун кетгондин сўнг Хужаста нечанд вақт кўб ғамлар тортти ва дилдорининг фироқидин кечалар ухламас ва кундузлар таом емас эрди. Алғараз, тўти ширин қиссаларни ва рангоранг ҳикояларни айтиб, Хужастанинг кўнглидаги ғамларини бартараф қилур эрди. Алқисса, олти ойдин сўнг бир кун Хужаста ўзиға оро бериб, том узра чиқиб, даричадин кўча сари тамошо қилур эрди. Баногоҳ бир шаҳарни маликзодаси бу шаҳарға келиб эрди. Рухсори гўё офтобдек эрди. Хужастани кўруб, дарҳол мажнунни беқарор бўлди. Хужаста ҳам маликзодани кўруб ошифта ва фирифта бўлди. Ушал замон бир хотунни пинҳони Хужастанинг олдига юбордиким, агар бир кеча манинг манзилимға қадам ранжа қилуб олуб келсанг, ани эвазиға санга бир ангиштареким, анинг баҳоси нечанд лак олтун эрур, ани берурман деди. Ул маккора хотун маликзодани бул сўзни эшитғоч, нафси шайтониси ғалаба қилуб, тарафиға равона бўлди. Вақтеким, Хужастанинг боргоҳи олийсиға келиб, эшикин қоқти, Хужаста эшик очиб кўрдик, бир ажуза эркан. Ичкариға олиб кириб, эъзоз бирлан ўрун кўргузди. Маккора ўлтурган замон талбиясга лаб очуб, ҳар тариқа бирлан маликзодани таърифлар айлаб, саройға Хужастани таклифлар қилди. Хужаста агарчи аввалда Маймуннинг пос хотири учун унамади ва лекин ул маккоранинг тадбири, найранги

кўплигинин ожиз ва рози бўлди ва жавоб бердики: «Кундуз парда йирткучидур ва кеча парда тутқучидур. Кечанинг ярмидин сўнг маликзоданинг қошига борурман» — деди. Вақтеким, тун кирди, Хужаста нафис ва марғуб либослар кийиб, шорикнинг рўбарўсига келди ва курси узра ўлтуруб тааммул қилдиким, ман аёлдурман ва Шорик ҳам аёлдур. Албатта, бу ишда мани арзимни эшитар ва маликзодани олдига борғали ижозат ва ружсат берар деб, бу андеша бирла ҳамма ҳақиқат ва кайфияти ҳолни Шорикга рўбарў туруб айди. Шорик анга насиҳат қилдики, бу тариқа иш хўб эмасдур. Кишини ўз қавмининг орасида мундоғ иш айби азимдур, — деди. Ул сабабдинким, маликзодани ишқи Хужастага голиб бўлуб эрди ва Шорикнинг ушбу сўзидин ғуссаси туғён қилди. Шорикни қафасдин ташқари тортиб, икки аёғидин маҳкам ушлаб, чунон ерга урдиким, Шорикнинг жони осмонга парвоз қилди ва Шорик ўлди. Андин қаҳр ва ғазаб ва ғусса бирла тўтининг олдига борди ва ҳамма матлабини рўбарў туруб, анга ҳам зоҳир қилди. Ул важҳдинким, тўти донишманд эрди, кўнглида тааммул қилдиким, агар ман Шорикдек манъ қилсам, — ҳалок бўлсам керак, — деб. Кўп андешадин сўнг Хужастага оҳистаалиғ бирла айдиким: — «Ул сабабдинки, Шорик хотун эрди ва аксар хотунлар ноқисул-ақл бўлурлар, бу боисдин доноларга муносибдурким, розларини аларга изҳор қилмағайлар. Сан ҳоло ҳеч фикр ва васваса қилмағил. Токи мани жоним жиомимдадур, сенинг бу ишингда саъй ва кўшиш қилурман ва сенинг муроду муддаонгга етқузурман, деди. Худо хоҳламағай агар сенинг бу сирринг халқ орасида зоҳир бўлса эрди, ушбу хабарни шавҳаринг эшитур эрди. Агар билфарз мундоғ ҳодиса юз келтурса кам, Фарруҳбекни тўтиси каби, сенинг бирла шавҳарингни ароларингда сулҳ қилиб яраштурурман», — деди Хужаста айдики, — «Фарруҳ бекни достони на қисм бўлғай — баён қилғил. Сандин миннатдор бўлурман», — деди.

**АВВАЛГИ КЕЧАСИ. МАЙМУННИНГ ТЎТИСИ ФАРРУҲ БЕКНИ
ТЎТИСИНИНГ ДОСТОНИНИ ХУЖАСТАГА БАЁН ҚИЛГОНИ**

Тўти арз қилдиким, бир шаҳарда савдогаре бор эрди, Фарруҳбек отлиғ. Онинг уйида бир зийрак тўтиси бор эрди. Мазкур Фарруҳбекка сафар иши йўлуқти. Ҳама мол ва матоъ ва асбоб ва ашё ва аҳлиясини тўтига

ҳавола қилиб, тижорат ва савдогарлик ва мулкларни сайри учун чиқиб кетди ва нечанд кун тижорат муомаласида овора бўлди. Мазкур аҳлияси бир ойдин сўнг бир хитойизода бирла ёр бўлуб, дўстлиғ пайдо қилди. Ҳар кеча ул хитойизоданинг уйиға келтуруб, ҳамбистар бўлур эрди ва бир айвонда то субҳғача ҳамроҳ эрди. Ҳама кирдорларини тўти кўрар эрди ва сўзларини эшитур эрди. Аммо кўрмаган ва эшитмаганға ўхшар эрди. Мазкур тожир бир ярим йилдин сўнг ўз уйи тарафига мурожаат қилди ва ҳама уйнинг аҳволини тўтидин сўради. Ҳама уйнинг ахборотини тожирни ҳузурда арз қилди. Аммо тожирнинг хотунини аҳволини зоҳир қилмади. На учунким, эру хотун ароларинда жудолиғ бўлмасун дер эрди. Икки ҳафта ўткондин сўнг мазкур тожир бир хориж одами тилидин хотунини ҳама аҳволини ва хитойизоданинг ахборини батамом эшитти. Кўп таажжубға қолди. Ул важҳдинким, хирадмандлар айтибдурларки, мисраъ:

Ки мушку ишқро патвон нухуфтан.

Яъни мушк бирлан ишқни пинҳон қилиб бўлмас. Мазкур тожир завжасиға кўп ғазаб қилди ва ғусса еди ва аҳлиясиға танбеҳ ва таъдиб берди. Бу боисдин хотуни гумон қилдики, мани ҳама аҳволимни эримға тўти айтгандур. Бас, тўтинини ўзига ҳосид фаҳмлади ва бир кун ярим кечада фурсат топиб, тўтининг пару болини юлуб, уйидин тошқори ташлади ва ғавғо кўтарди ва уйдаги ғуломлар ва канизакларға айдики, тўтинини мишиқ олиб кетубдур. Агарчи хотун гумон қилдиким, тўти ўлди деб. Лекин тўтида андак жон боқи қолиб эрди. Бир соатдин сўнг мазкур тўтининг жисмиға андак зўр ва қувват кирди ва ул ерда бир гўристон бор эрди. Анда борди. Нечанд кун бир гўрни макон қилиб, ҳама вақт кундузи оч эрди ва кечаси сурухдин чиқор эрди. Ул гўристонға мусофирлар тушар эрди ва кечаси таом ер эрдилар ва сарқутларни ул ерга тўкуб кетар, тўти ул сарқут таомлардин ер эрди ва ул ернинг сувидин ичар эрди ва яна тешикка субҳ вақтида кириб ётар эрди. Нечанд кундин сўнг тўтининг паруболи унди ва андак-андак учмоқға қодир бўлди ва бир гўрнинг устидин яна бир гўр узра қўнар эрди ва доналарни териб ер эрди.

Ушал кечақим, тўти кетди, субҳ вақти мазкур

тожир бистари хобдин туруб, қафас бошига келиб кўрдик, тўти қафасда йўқтур. Шўрў фиғон кўтарди ва дасторини ерга урди ва бисёр паришонхотир бўлди ва хотунидин кўп дарқаҳр бўлди. Балки бу ғам бирла таом ва уйқуни тарк қилди ва хотуннинг сўзларини эътибор ва бовар қилмади ва хотунни уйидин қувди ва мазкур хотун бу хаёл бирлаким, менинг шавҳаримки қувди, ҳама шаҳарда бўлғучилар мани ёмон десалар керак,— деб, фикр бирла айдик:—«Сўз шулдурким, бу гўристонки мани уйимга муттасилдур, анга борай ва бетаом ва уйқусиз анда ўлай»,—деди. Ҳосили калом, мазкур гўристонга борди ва бир кун оч ётти. Вақтеки тун кирди, тўти суроқ ичидин овоз қилдиким:—«Эй хотун, ҳар тукеким, бошингда ва баданингда бордур, устара бирла қирғил ва қирқ кунгача таом емай, бул қабристонда бўлғил. Токим ман сани гуноҳларингниким, умрингни ичинда қилибсан—бахшлайин ва сан бирла шавҳаринг ораларингда ошти қилдурай». Хотун бу овозни эшитиб, таажжубда қолди. Кўнглида айдик: «Бу гўр ичинда бир худопараст ва некукор ва ростбоз одам бўлғай. Албатта мани гуноҳимни бахшлағай ва ман бирла шавҳарим орамизда сулҳ ва ошти қилдурғай». Бас, мазкур хотун бошиндаги ва баданларидаги ҳама тукларини қирди ва нечанд вақт ул қабристонда эрди. Тўти мазкур гўрни суроҳидин чиқти. Айдик:—«Эй хотун, беғуноҳ манинг парларимни юлдинг ва менга қаттиғ озор бердинг хўб. Ҳар на мани толиимда мақсум эрди—қилдинг. Лекин сенинг тузингни ичканман. Бу важҳдин санга яхшилиқ қилсам керак,—деди.— На учунки, сенинг шавҳарингни зархарид тўтисидурман ва сан манга биби бўлурсан ва ул сўзни сўроҳдин ман айтиб эрдимки, сани эринг бирла яраштурурай деб. Сан муқаррар билгилки, санинг ҳақингда мундоғ сўзни айтмағайман ва санга бадхоҳ эмасманки, сенинг айбингни эринга айтган бўлсам. Санинг нону намакингни адабини билурман. Кўрғил, алҳол сани шавҳарингни уйига борурман ва сани шавҳаринг бирла яраштурурман»,—деди. Тўти муни айтиб, ўз уйига келди ва хожага салом берди ва дуо қилдик:—«Санинг умру давлатинг узоқ бўлғай!» Хожа айдиким:—«Сан ва санинг соҳибинг кимдур ва қайси ердин келурсан ва нечанд кундин бери қайда эрдинг ва қайси ҳавлида эрдинг? Ҳама аҳволингни баён қилғил». Тўти арз қилдик:—«Ул санинг қадрлони қадима тўтингдурман

ва мани санинг қафасингдин мишиқ олиб кетиб эрди ва қорнининг қафасида сақлаб эрди»,—деди. Хожа айдики: «Яна нечук тирилдинг?» Тўти изҳор қилдиким:—«Сан хотунингни бегуноҳ уйдин қувдинг. Бу важҳдин хотунинг гўристонга бориб, қирқ кун оч-наҳор, кўп йиглаб зора қилди: Ҳақ таоло сани хотунингни ҳолига меҳрибон бўлуб, манга яна жон бериб, ҳукм қилдики:—«Бул хотунинг эрини олдига боргил ва буларнинг яраштурғил: Балки сан бу воқида гувоҳ бўлғил!»—деди. Хожа бу аҳволни билиб, ҳосили калом, уйдин чиқиб, от узра миниб, завжаси олдига борди. Айдики:—«Эй маъшуқим, ман санга тақсирсиз ранж еткурдум. Манинг тақсиримни афу қилғил!» Андин завжасини уйга олуб бориб, эру хотун иттифоқ ва муҳаббати тамом бирла бир уйда истиқомат қилдилар ва кўп айшу-ишратлар қилдилар. Маймуннинг тўтиси тўти бирла тожирнинг қиссасини тамом қилди ва Хужастага айдики:—«Эй Хужаста, зуд турғил ва шаҳзода олдига борғилки, то ваъдага хилоф қилмағайсан ва, худо хоҳламағай,—агар бу хабарни шавҳаринг эшитса, ман тожирнинг тўтиси киби сизларни ароларингда сулҳ ва ошти важҳидин ҳозирдурман». Хужаста бу сўздин хурсанд бўлуб, хоҳладики шаҳзодани олдига боргай. Бул аснода субҳ зоҳир бўлуб, яъни тонг отиш яқин бўлуб, Хужастани бориши мавқуф қолди. Ул важҳдинким, Хужаста кечаси ҳаргиз ухламағон эрди. Истироҳат учун бистари зар узра бориб ухлади.

ЕТТИНЧИ КЕЧАНИНГ ДОСТОНИ

Чун офтоб мағриб уйига кетти ва машриқ тарафидин ой ойнаи тобондек жилва бериб, осмон узра етти, Хужастани канизини кофурий шамъларни тиллокорлик биллурий фонуслар ичра ёндурди ва Хужаста узасидин турди ва юзига оролар бериб, тўтининг олдига келди: Тўти одобини убудият бажо келтуруб, дуо қилдики:—Жамияти зоҳирий ва маънавий санинг насибинг бўлғай. Ман, албатта, сани шаҳзодани висолиға еткургайман. Чунончи Ройи-Роёнки, Ҳиндустон мулкининг подшоҳи эрди бир мискин дарвешнинг, Рожан Билистонни қизиким, ул дарвешнинг маъшуқи эрди, анга еткурмоқ учун кўб тасдиҳ ва кулфатлар тортти, балки бошини беришга рози бўлди»,—деди. Хужаста сўрадики:—«Анинг дастони на қисмдур?—

шарҳ қилғил!» Тўти арз қилдиким:—«Қадим замоннинг донолари ривоят қилибдурларким, Ҳиндустон мулкида бир Рожа, яъни подшоҳ (нинг қизи) бор эрди. Хуш шакл, чунон қизил ва оқ шакл эрдиким, ҳар ким ани кўрса шефта ва фирефта бўлур эрди. Бир кун бир соҳиб-жамол дарвеш мазкур Рожани қизини кўруб, фирефта бўлди. Кечаю кундуз мазкур Рожани дарвозасини олдида турар эрди ва ҳама кеча ухламас эрди ва ҳеч кечаю кундуз таом емас эрди ва ҳар дам ва ҳар лаҳза Рожани қизини ёд қилур эрди ва навҳа ва зори қилур эрди. Дарбонлар ва ясовуллар ани урар эдилар ва айтур эрдиларки—бу ердин кетгил ва ҳар қанчаким, ани урар эрдилар, аммо ул ердин дарвеш туфроқ киби ердан жудо бўлмас эрди ва ул ерда турар эрди. Рожанинг ясовуллари айдилар:—«Гадони подшоҳга на муносабати бўлғай?» Дарвеш зоҳир этдики:—«Ишқу муҳаббат йўлида подшоҳ бирла гадо баробардур». Нечанд меҳнат ва машаққат тортқандин сўнг бир кун дарвешни хотирига еттики, бу бобда Рожага бир рисола битиб юбориш керакдур. Чунончи номаи таҳрир қилиб, хат ёзиб, Рожанинг ҳузурини файзганжурига еткурди. Саҳифани мазмуни бу эрдиким: бул ҳеч нимарсани билмагувчи дарвешни Рожани қизига яқдиллик ва яқ жиҳатлиқ ва ягоналиғи кўбдур. Рожага муносиб улдурки, қизининг висоли бирла бул мискин дарвешга жонбахшлиқ қилсалар, ҳақ таолонинг даргоҳида савоби азим ҳосил бўлғай. Бўлмаса, фақирнинг тириклиғи маҳолдур.

Вақтеки Рожа ул хатни мулоҳаза қилди, озурда ва мутағаййир бўлди. Хоҳладиким, ўшал вақт дарвешни ҳалок қилса. Бир неқхў ва солиҳ ва худо тарс вазири ҳозир эрди, подшоҳнинг тахтини олдига келуб, одоб бажо келтурди ва одоби тамом ва мулойимлиқ ва зиёда оҳисталиқ бирла арз қилдики:—«Одил подшоҳлар ва инсофлик рожалар ва худотарс сардорлар дарвешларни мажруҳ ва мақтул қилмағайлар. Агар бандага ҳукм қилсалар ани яхшилиқ бирла бу дарвозадин узоқ қилса». Рожа ҳукм қилдики:—«Ани шойишта тадбир бирла бу ердин дафъ қилсанг керак». Мазкур вазир дарвешни ҳузурига келуб айдиким:—«Эй дарвеш, сан бир филга зари ашрафи юклаб келтуруб манга тобшургил. Ул вақт ман Рожага арз қилиб, сани Рожани қизини васлига еткургойман»—деди. Ул важҳдинким, мазкур дарвеш бир пашшанинг юқини келтуришга қудрати йўқ эрди, бир фил

зарни фикрига тушуб, такаллуфлар ва тасдеъларини мулоҳаза қилиб, кўча бакуча ва шаҳар ба шаҳар одамларнинг уйлари ва эшиклариди юрар эрди ва савол қилур эрди ва улуг ва муътабар одамлар ани саволини эшитиб таажжуб қилиб, ҳайрон бўлур эрдилар ва айтур эрдиларким, бу дарвеш ғайри маъқул савол қилур. Алғараз, ул шаҳарда ани саволини қабул қилғудек бир карим одам йўқ эрди. Бир шахси покрой анга айдики:— «Бул шаҳарда ҳеч кимни бу тариқа ҳиммат ва саховати йўқдурки, санга бир филга зар юклаб, худо йўлида бергай». Дарвеш сўрадики:— «На фикр қилсам керак?» Ул киши айдики:— «Ҳинд мулкини сардори Ройи-Роёнмур, соҳиби жуд ва саховатдур. Ул ҳеч кимни саволини қуруқ қайтармагай. Анинг ҳузурни файзи маъмурига боргил. Ул албатта санга бир фил зар бирла ашрафи бергай». Дарвеш айдики:— «Бир хизматкорингни йўл харжи бирла манга қўшуб юборгил»,— деди. Ул киши икки одамни дарвеш бирла қўшуб юборди. Дарвеш Ройи-Роённи олдига бориб, ҳама ҳақиқатни зоҳир қилди. Ройи-Роён дарвешнинг можаросини эшиткондин сўнг дарвешга бир филни зар юки бирла берди. Чунончи дарвеш ҳама молни фил бирла келтуруб, Рожанинг назаридан ўткарди. Мазкур Рожа филни зар юки бирла кўруб таажжубда қолди. Вазирга айдики: «Бу дарвешчи ҳақир бу миқдор мол бирла филни қайдин келтурди ва қайси соҳиби ҳиммат анга берди?! Ғараз — яна бир ҳийла қилгил ва ани бу ердин дафъ қилгил!» Вазир яна фақирнинг олдига келуб, мазкур филни моли бирла олди ва айди:— Ройи-Роён бизни Рожамизга мунофиқ ва саркашдур. Агар сан ани бошини келтурсанг, албатта, Рожа санга қизини бергай ва сани ўзига домод қилур». Иккинчи дафъа дарвеш яна сафарнинг ранж ва кулфатини ўзига кўруб, Ройи-Роённинг олдига борди ва ҳама кайфиятни арз қилди. Ройи-Роён айдики:— «Эй дарвеш, сан хотирингни жамъ қилгил. Манинг бошим учун ҳеч андеша қилмагил. Ҳама мол ва асбоб, балки подшоҳликни ва бошимни худо йўлида қўйганман. То бу муддатгача ҳеч ким арз қилмадики, бошимни берсам. Бу кун сан айдинг. Бу сабабдин кўб шод бўлдумки, мани бошим худо йўлига керак бўлур деб. Лекин ман агар ҳоло бошимни кесиб, сани қўлунгга берсам, мазкур Рожа айтурким — сан макр қилдинг ва сан ани сўзини рад қилолмассан. Бас,

ушбу ҳалокатда ўлурсан. Ҳоло сан бир-икки қулоч арғамчинни келтургил ва мани бўйнумга солғил ва мазкур Рожани олдиға олиб борғил ва айғилки:—«Сан айтган бошни ман тани бирла олиб келдим. Агар сан рози бўлсанг, қизингни манга шодлиғ бирла бергил. Албатта, бул бошниким, тани бирла келтурубман, санга ҳавола қилурман». Ҳосили калом, дарвеш Ройи-Роённи ҳукмиға мувофиқ, бир арғамчи келтуруб, ани бўйниға солуб, мазкур Рожанинг ҳузурига келтурди. Вақтеки, Рожа Ройи-Роённи бовужуди давлат ва салтанат бу рангда ожиз кўрди, таажжубда қолиб, Ройи-Роённи аёғига ўзини ташлади ва айдики:—«Бу узоқ муддатларки ўтубдур, сиз каби олий ҳиммат одам кўрмадимки, бир мискинни ризоси учун бошини дариг тутмагай.» Андин сўнг, қизини келтуруб, Ройи-Роённинг аёғига ташлади ва арз қилдики:—«Бу камина санинг канизингдир. Ҳар кимга хоҳласанг бергил ва ман жоним бирла розидурман». Ғараз, Ройи-Роён дарвешнинг жонони бирла пайванд қилиб, ўз мулкиға ёнди. Андин сўнг тўти Хужастаға айдики:—«Подшоҳлареки, ўтубдурлар, мулкни обод қилур эрдилар ва вайрон қилмас эрдилар. Ҳама аҳли райя ва ғариблар ва навқарлар ва чоқарлар ва ҳамсоялар ва дўстлар ва бир-бирларини тинчлик ва жамийят ва ором ва мулоимат бирла тутар эрдилар ва ҳеч кимни кўнглига озор бермас эрдилар. Кўргилким, Ройи-Роён Ҳиндустон мулкини подшоҳи эрди, бир дарвешни, Рожанинг қизиким, ани маъшуқи эрди, анга текизмоқ учун қанча меҳнат ва машаққатларни тортти. Ман ҳам сан бирла шаҳзодани қўшмоқ учун ранж ва меҳнат тортсам керак»,—деб, бул сўз устида эрдик, субҳи содиқ зоҳир бўлди ва Хужастанинг бориши мавқуф қолди. Ул важҳдинким, Хужаста кечаси тамом бедор эрди, истироҳат ва ором учун чиқиб, истироҳат қилди.

**ЎТТУЗ БЕШИНЧИ ДОСТОН. БИР ПОДШОҲ ВА АНИ ОШИҚ БУЛҒОНИ
ВА ХУЖАСТАНИ МАЙМУННИ ҚУЛИДА ЎЛҒОНИ**

Ул вақтеким, офтоб мағриб сори кетти ва ой машриқ тарафдин чиқти, Хужаста тўтини олдиға борди ва айди:—«Эй тўти, нечанд кечадурким, сани олдинга келурман ва муродга етмай ёнарман. Мани тузимни ҳақини сақлағил ва мани ярамга мунча туз қўймагил. Тезроқ

манга ижозат бергил!» Тўти айди:—«Эй кадбону, бу кеча ҳар тавр бирла бора олсанг, дўст жонибиға ўзунгни еткизгил. Лекин мандин бўлак агар бу сирдин хабардор бўлса, сан ул тадбирни қилғилким, Қайсарни қизи ул покдоманлик бирла ўзини зоҳир қилди». Хужаста сўрадики:—«Ул нечукдур?» (Ҳикоят:) Тўти айдики:—«Бир вақтда бир подшоҳ бор эрди. Рум вилоятиға яқин ерда эрди. Бир кун вазир подшоҳға айдики:—«Қайсари Румни қизи бордур моҳрўй. Агар ул қизни подшоҳға берса, яхши бўлур эрди.» Подшоҳ вазирни сўзини писанд қилиб, дарҳол Қайсари Румни олдиға бир элчи юборди ва ани қизини талаб қилди. Қайсарға бу сўз хуш келмади. Элчи мақсудсиз яна ёнди. Подшоҳ кўб лашкар бирла Рум тарафига борди ва мулкни хароб қилди. Ул вақтким, Қайсари Рум ожиз бўлди, қизини подшоҳға берди ва ул қизни аввалги эридин бир ўғли бор эрди. Қайсари Рум қизига айди: «Сан ҳаргиз бу зикрни подшоҳни олдида қилмагайсан». Ул вақтким, қиз подшоҳ уйига келди, ҳамиша фарзандини жудолиғидин ғамда эрди. Хоҳлар эрдиким, бирор баҳона бирла фарзандини подшоҳ ҳузурда зикр қилса. Иттифоқо бир кун подшоҳ жавоҳирдин тўла бир дуржни анга бахшлади. Хотун айди:—«Мани отамни олдида бир ғулом бордур. Жавоҳирни топишни хўб билур. Агар ул бу лаҳза бу ерда бўлса эрди, жавоҳирни яхши ямонини тафсил бирла айтур эрди.» Подшоҳ айди:—«Агар сани отангдин ул ғуломни хоҳласам, манга берарму?» Хотун айди:—«Йўқ. На учунки, ани ўғулни ўрнида тарбият қилибдур. Агар подшоҳ анга орзулари бўлса, ман бир савдогарни ул тарафға юборай ва ўзумни нишонамни анга берай ва яхши ваъда бирла ани умидвор қилай. Шоядким келса!»

Подшоҳ бир доно бозургонни мол тижорати бирла Рум тарафига юборди ва Қайсарни қизи ул савдогарға айдики:—«Ул қул эмас — мани фарзандимдур. Бир маслаҳат учун подшоҳға қул дедим. Керакким, они қуллардек келтурмасанг». Алқисса савдогар ани нечанд кундин сўнг подшоҳни ҳузурига келтурди. Вақтеким, подшоҳ ани юзини хўб кўрди, бисёр хурсанд бўлди ва савдогарга хиалъат ва инъом берди. Аноси ани узоқдин кўрар эрди ва салом ва паём бирла хуш бўлур эрди. Иттифоқо, бир кун подшоҳ шикорға чиқиб кетти. Хотун ўз фарзандини ичкари чорлади ва юзи ва пешонасидин ўпти ва ўтган ғамларни анга айтди. Дарбон бу асрордин боха-

бар бұлди ва анга гумони бад пайдо бұлди. Ул вақтки, подшоҳ шикордин ёниб келди, сўради. Ул нимарсаниким кўруб эрди — ҳаммасини айди. Подшоҳ даргазаб бұлди ва ўз кўнглида айдики:—«Бу хотун макр бирла ўз маҳбубини бу ерга чорлабдур». Дарҳол ҳарам ичра кирди. Хотун фаросат бирла топтиким, кечаги аҳвол подшоҳга маълум бўлубдур. Айдики:—«На учун тафаккурдадурсан?» Подшоҳ айди:—«На учун тафаккурда бўлмайинким, сан макр бирла ўз маъшуқингни мунда келтурубсан ва ул бирла ҳамбистар бўлубсан. Бу қайдоқ шўхлик ва бешармликдур!» Хоҳладиким, то ани сиёсат қилгай. Лекин ул вақҳдинким, анга ошиқ эрди, сиёсат қилмади. Ўзига айдики: «Қинани бу гўдақдин олсам керак»,—деб, бировни буюрдики, бу қулни бир гўшага олиб борғил, дарҳол бошини кесгил. Ул вақтким, ул одамни ердин олуб чиқти, анга айди:—«Эй гўдак, санга маълум эрмас эрдимуким, подшоҳни хотунидур. На учун ичкари кирдинг?» Айдики:—«Ман ул хотунни фарзанди ҳақиқийсидурман. Ўзга эридин бўлурман ва ул мани онамдур. Шарм қилиб подшоҳга айтмади. Агар сўйсангу сўймасанг ихтиёр сандадур. Ул нимарсаким, ростдур ман айдим». Ул вақтким сўйгувчи бу сўзни эшитти, меҳрибонлик анга қолиб бўлди, ўзига айдики: «Шояд бу сир подшоҳга зоҳир бўлса ва гўдақни мандин талаб қилса. Ул вақт пушаймонлик бўлур. Беҳроқ улдулки, нечанд кунгача бу гўдақни сўймасам керак»,—деб. Алқисса, ани сўймади. Эртаси подшоҳни олдиға бориб айдики:—«Ул гўдақни сўйдум». Подшоҳни андақ ғуссаси камроқ бўлди. Лекин хотунга эътимоди қолмади. Қайсарни қизи ҳайрон бўлдиким: «Бу на ҳодисадур?! «Ўғул сўюлди ва эр қўлдин кетти.» Уй ичра бир кампир хотун бор эрди. Бир кун Қайсарни қизиға айдики:—«Сани тафаккурда кўрарман». Ул хотун қиссани тамом анга айди. Ул кампир айди:—«Хотирингни жамъ қилғил. Андоғ ҳийла қилғойманким, подшоҳни кўнгли сандин ҳуш бўлгай». Қайсарни қизи айди:—«Эй она, бу дардга даво қилғил. Ман сани этагинг ва жайбингни жавоҳирдин тўлдурай». Алқисса, бир кун ул пиразол подшоҳни танҳо кўрди, сўрдики:—«Подшоҳни мутафаккир кўрарман». Подшоҳ айди:—«Эй она, мани бир дардим бордур. Ани айтиб бўлмагай. Ул дард будурким, мани хотуним бир қулни макр бирла Румдин келтурди. Анга ошиқ экан. Ман ул қулни ўлдурдим. Аммо мани кўнглум хоҳламаским, ани сўйсам. На учунки, ростдур,

ёлғондур». Кампир айди:—«Манда бир тумор бордур, вақтеким хотунинг ухласа, ани сийнаси узра қўйғил. Ҳарна бўлса, уйқуси ичра рост айткай». Подшоҳ айди:—«Ул туморни тезроқ келтурғил». Кампир дарҳол подшоҳга берди ва Қайсарни қизини олдиға бориб, айдики: «Ул вақтким, подшоҳ сани кўксинг узра туморни қўйса, сан ўзунгни уйқуға солғил ва ул қиссани тамом рост айтғил»: Ул вақтким, кечадин бир пос ўтуб эрди, подшоҳ ул туморни хотунни кўкси узра қўйди. Хотун аввалги эрини қиссасини ва ўглини қиссасини бир-бир айди. Подшоҳ вақтеким, қиссани эшитти, хотунни юзи ва сочини бўса қилди ва айди:—«На учун манга айтмадинг?» Хотун айди:—«Айтмоқға шарм қилдум». Дарҳол ул гўдакни сўйғучини талаб қилди ва айди:—«Гўдакни сан сўйдинг. Анинг гўри қаёнду?» Ул одам айди:—«Ани ҳанузғача сўйганим йўқ, тирикдур». Бас, подшоҳ қўб хушвақт бўлди ва дарҳол ул гўдакни талаб қилди ва ани олдируб келди ва онаси, замонеким, ўглини кўрди, оғушига олди ва худога шукрлар қилди.

Ул вақтким, тўти сўзни то бу ерғача еткурди, Хужастага айдики:—«Эй кадбону, санга ҳам бир мушкил иш дучор ўлса, мундоғ ҳийла бирла ўзунгни поклиғингни зоҳир қилғил. Эмди қўпғил ва дўстунг тарафига борғил!» Ва Хужаста хоҳладики боргай. Дарҳол хуруслар қичқирди ва субҳ намудор ўлди ва анинг бориши мавқуф бўлди. Иттифоқо ўшал кун Маймун сафардин ёнуб келди. Вақтеким,—Шорикни кўрмади, ул Шорикни аҳволини сўрадики, Шорик қайдадур?—деб. Ҳануз Хужаста жавобга лаб очмай туруб эрдиким, Тўти айдики:—«Шорикни ва Хужастани ҳамма аҳволини мандин сўрагил». Маймун айди:—«Айтғил, эшитайин!» Тўти Хужастанинг ҳамма аҳволини ва бир йигитға ошиқ бўлушини ва Шорикни ани қўлида ўлушини, аввалдин то охирғача бўлғон ҳодисаларни Маймунга бир-бир баён қилди. Маймун филҳол Хужастани ўлдурди ва ҳалок қилди.





«АЛФ ЛАЙЛИ ВА ЛАЙЛА» ДАН

(Вазир Нуриддин билан унинг биродари ҳикояси)

Мисрда бир подшоҳ бор эрди. Жуду саховатлиқ бир донишманд вазири бор эрди ва ани икки ўғли бор эрди. Улуғини Шамсиддин ва кичисини Нуриддин дерлар эрди. Вазир вафот топқоч, подшоҳ маҳзун бўлди ва ани икки ўғлини индади ва ҳар бирининг лойиқида хилъат бериб, айди:—«Ғам еманглarki, сизлар манинг наздимда оталарингни рутбасини тутарсизлар». Ва бу икки шод бўлдилар. Алқисса ҳар бири бир ҳафта вазирлиқ шуглининг кечирур эрди. Қачонки подшоҳ сафарга борур бўлса, алардин бирини ўзи бирла элтар эрди. Бир ахшомки, анинг саҳарида подшоҳ сафар бормоқ эрди ва сафар навбати Шамсиддиннинг эрди ва бу икки биродар бир-бирлари бирла сўзлашиб ўлтуруб эрдилар. Ҳар ёқдин сўз суар эрдилар, тоинки Шамсиддин кичик биродарига айди:—«Хоҳларманки, ҳар иккимиз бир ахшомда хотун олғаймиз ва агар худойи таоло хоҳласа бир ахшомда бўвоз бўлғайлар ва бир кечада санинг хотунинг ўғул ва манинг хотунум қиз туққайлар. Қизни ўғулга берғойман».

Нуриддин айди:—«Қизингни маҳрига на олғайсан?»

Шамсиддин айди:—«Уч минг қизил олтун ва уч бор ва уч зироатгоҳ олғайман».

Нуриддин айди:—«Лозим эрдикки, қизингни текин берғой эрдинг ва маҳр олмағой эрдинг. Зероки ман бирла сан вазирликда бир мартабададурмиз ва ўғлум қизингдин хели баланддур ва оталарнинг ўбдон номи ўғул бирла тирик қолғай. Шояд қасдинг бу бўлғайки, қизингни ўғлумга бермағайсанки, қадимгилар дебдурлар: агар хоҳласангки кимарсан бирла муомала қилмағайсан, ма-

тоингга ошуқ баҳо қўйгил». Шамсиддин айди:—«Сани камхирад кўрғайманки, ўғлунгни қизимдин баланд билгайсан ва ўзунгни ман бирла вазирликда баробар санадинг ва билмассанки ман сани меҳрибонлиқ бирла вазирлиққа киргузубдурман. Алҳолки бу сўзни айдинг, ҳаргиз қизимни ўғлунгга бермағайман — ҳарчанд дуру гавҳарни харвор бирла берсанг ҳам ва ҳар вақт мани олдимда сафар бўлмаса эрди, билғой эрдингки, санга налар қилғой эрдим ва лекин сафардин келгондин сўнг бу сўзни мукофотини берғойман!»

Нуриддин бу сўзларни англағоч дархашм бўлди ва лекин пўшида тутти. Тоинки Шамсиддин подшоҳ бирла кетти ва Нуриддин бир хуржинни зар ва гавҳардин жиқ қилиб ва биродарининг сўзлариники — начукдин ўзини баланд олиб, бу йўсунлиқ сўз қилур, — деб, хотирига келтуруб, бу байтни ўқуди:

Бу ерда манга ҳашмату неъмат топилмағай,
Бир ерғаким борай, топайин ушбу иккисин.

Байтни тугатгач, от тилади. Ходим бориб отни эгарлаб келтурди. Нуриддин хуржинни отнинг узариға солиб, от узра ўлтурди ва айди:—«Кимарсан ман бирла бўлмағайки шаҳар тошқисининг тамошо қилғойман. Алқисса, бир оз озуқа олиб Мисрдин биёбон йўлининг тутти. Борур эрди, токи Балиш шаҳариға етушти, отдин тушуб, таом еди ва истироҳатқа ўғроди. Баъд аз он озуқа олиб шаҳардин чиқиб борур эрди. То Қуддус шаҳриға етушти, отдин тушуб, истироҳатқа юзланди ва таом еди. Биродарининг сўзидин тақи дархашм эрди. Алқисса ул ахшом анда бўлди. Саҳар отқа миниб борур эрди, то Ҳалаб шаҳриға етушти. Корвон саройға тушуб, уч кун анда турди. Баъд аз он Ҳалабдин чиқти ва билмас эрдики — на ерға борғай. Саргашта борур эрди. То Басраға етушуб, корвон саройға тушти. Отдин хуржинни олиб, корвон сарой маконларидин бириға сажжода ёзиб ўлтурди ва отни заррин эгар бирла корвон сарой дарбониға тобшуруб, айди:—«Отни совутғил!» Ул ҳам отни айлантуруб совутур эрди. Иттифоқо Басра подшоҳининг вазири қасрнинг манзарасида ўлтуруб эрди, кўзи бир отқа туштики, заррин эгар ва гаронбаҳо юган анга уруғлуқдур. Гумон қилдики, вазирлардин бир вазир ё подшоҳлардин бир подшоҳнинг отидур. Дарҳол карвон саройнинг ходимини ин-

дади ва от эгасидин сўрди. Ходим айди:—«Отнинг эгаси ўн тўрт ёшлиқ боладур ва савдогарларнинг муҳташам-зодаларидиндур». Вазир муни англағач, сувор бўлуб, карвон саройга келди. Нуриддин кўрдик, вазир бу тарафга келадур. Ердин қўбти ва илгарй келиб салом қилди. Вазир отдин тушуб, Нуриддинни қучоқига олиб кўрушти ва ўлтурди ва Нуриддинни ёнига ўлтуртти ва айди:—«Эй фарзанд, на ердинсан ва бу ерға начукдин келибдурсан?» Нуриддин айди:—«Мисрдин келурман ва отам Миср подшоҳининг вазири эрди. Вафот тобти». Алқисса, ўзи бирла биродарининг орасида бўлгон воқиани баён қилди ва айди:—«Эмди ёнмоқ қасдининг тутмағайман. Йироқ шаҳарларга сафар қилғайман». Вазир Нуриддиннинг сўзини англағач айди:—«Эй фарзанд, ҳаво ва ҳавас изидин юрмағил. Ўз ҳалоқингга толпаса қилмағил!» Нуриддин бош тубан ташлаб, бир нима демади. Ул вақт вазир қўпуб, Нуриддинни уйига элтти ва ўбдон ерда ўрун берди ва айди:—«Эй фарзанд, мани умримни охиридур. Эркак фарзанддин бенасибдурман. Бир қизим бордурки, ўбдонлиғ ва келушмойиллиқда санга ўхшайдур. Улуғлар ани тилатурлар. Ман берғоним йўқтур ва лекин сани меҳринг кўнглумда ўрунлаштики, санга берғойман. Агар сўзумни унасанг, подшоҳининг олдиға бориб, айтқайманки, биродаримнинг ўғли Мисрдин келибдур. Сан ани манинг еримда вазиринг қилғойсанки, ман қартайибдурман». Нуриддин буни англағач, бош тубан ташлаб айди:—«Ори!» Вазир шод бўлди ва давлат улугларининг индади. Аларға айдики: — «Биродарим Мисрда вазир эрди ва бир ўғли бор эрди ва мани билғойсизларки — бир қиздин ўзга фарзандим йўқтур ва биродарим ман бирла аҳд боғлағон эрдик, ман қизимни анинг ўғлонларидин бириға берғойман. Алҳол биродарим билибдурки, қизим эрнинг лойиқида бўлубдур. Ўғлини олдимға юборибдур. Ман ҳам хоҳларманки, қизимни анга берғойман. Сизларнинг раъйларинг бу ишда надур?» Ҳама вазирнинг раъйини писанд туттилар. Шарбат сибқориб, гулоб сочтилар ва мажлисдин торқоштилар. Ул вақт вазир Нуриддинға либоси фохир кийдуруб, ани ҳаммомға юборди. Ҳаммомдин чиқғоч, вазирнинг илкини ўбти. Вазир ҳам анинг пешонасидин ўбти. Вақтеки қисса бу ерға етиб эрди, Шаҳрзод дoston айтмоқдин хомуш бўлди.

Вақтеки йигирма биринчи ахиом кириб эрди, Шаҳрзод айди:

Эй подшоҳи жавонбахт, Нуриддин вазирнинг олдиға келгоч, қизни анга тобшурди ва айди:—«Бу ахшом хотунунгни олдида комронлиқ бирла ётғилки, тоигла подшоҳнинг олдиға борғоймиз». Нуриддиннинг иши бу йўсинлиқ бўлди. Аммо Шамсиддин сафардин келгоч, биродарининг ерида тобмади. Ходимлардин сўради. Айдилар: «Ул куники, сан подшоҳ бирла кетиб эрдинг, ул ҳам тамошо қасди бирла сувор бўлуб кетиб эрди». Шамсиддин биродарининг ғойиб бўлғониға маҳзун бўлди ва ўзиға айди: «Биродаримнинг мусофиратиға сабаб мундин ўзга эмасдурки, ман анга ноҳамворлиқ қилиб эрдим ва ачиг сўзлар деб эрдим». Дарҳол кўпуб, подшоҳнинг олдиға борди ва ани можародин хабардор қилди. Подшоҳ атроф ва жавонибға хат ёзди ва айғоқчилар юборди. Айғоқчилар бордилар ва хабар тобмасдин ёниб келдилар. Шамсиддин биродаридин умид узди ва ўзини маълумат қилур эрди ва ўзининг бехирадона сўзидин пушаймон бўлур эрди. Замонлардин сўнг Шамсиддин бир савдогарнинг қизини олди. Иттифоқо, ул ахшомеки, қизни келтуруб эрдилар, Нуриддин ҳам ул ахшомда вазирнинг қизи бирла чимилдиқда қовушқон эрди.

Иккисининг хотуни ҳам бир ахшомда юклик бўлгон эрдилар. Шамсиддинни хотуни қиз туғди ва Нуриддиннинг хотуни ўғул туғди, Хусни Бадриддин от қўйди. Эрта бирла вазир Нуриддинни олиб, подшоҳни олдиға юзландики, тўла баҳодир ва чиройлиқ киши эрди ва фасеҳ тиллик эрди. Подшоҳ остонининг бўса қилиб, бу байтни ўқуди:

Раъйи султони муаззам шаҳриёри додгар,
Рўшнолиқдин жаҳонда ўйла хуршеди дигар.
Чунки чун хуршеди равшан раъйи мулк оросидур,
Рўшнолиқ берғувчи шарқ ила ғарбу баҳру бар.

Алқисса, подшоҳ ани азиз тутти. Вазирдин сўрдики, бу кимнинг ўғлидур. Вазир айди: «Мисрда бир биродарим бор эрди. Вазир эрди. Вафот топгон эрди. Ва икки ўғли бор эрди. Улуғ ўғли отасининг ериға вазир бўлубдур ва кичик ўғли будурки, менинг олдимға келиб эрди. Қизимни анинг аҳдиға кирғуздим. Ва ани ҳушёр ва донишлиқ ўғил деб, ани изҳор қилди. Ва аммо мани умрим паёниға етибдур ва тадбирим кам ва кўзум кўрумсиз бўлубдур. Подшоҳдин орзу қилурманки, биродарзодамни

ерим узра ўлтуртғайлар. Подшоҳ вазирнинг орзусини бажо келтуруб, ани сўзини унади, вазирлиқни Нуриддинга тобшурди. Минадурғон от, шойиста хилъат Нуриддинга берди. Ул вақт вазир бирла Нуриддин ер ўлуб, подшоҳнинг олдидин ғоятда шод ёндилар.

Тонгласи Нуриддин подшоҳнинг олдиға бориб, ер ўпди ва айди:

Сардавлатинг мани тобди
Теги остида чархи кажрафтор.
Этмади табъим ўйла оина соф,
Негаким бўлгон эрди пур зангор.

Подшоҳ Нуриддинни вазирлиқ маснади узра ўлтуртти ва раийят ва мамлакат ишиға машғул бўлди ва подшоҳға хели ажаб келди. Фуқаронинг арзи-доди тугағоч, Нуриддин уйға ёнди ва ишларининг вазирға сўзлади ва ани подшоҳнинг меҳрибончиликларидин хабардор қилди ва ҳар иккиси шодмон ўлтурдилар ва ҳар кун вазир Нуриддиннинг ўғли Ҳусни Бадриддинни тарбиятиға машғул бўлди. Нуриддин подшоҳнинг олдиға борур эрди. Вазирлиқ шуғлини адо айлар эрди ва туну кун подшоҳдин айрилмас эрди. Тоинки тўла мол йиғди, кема-кема қимматбаҳо матоъни муомала йўсуни бирла шаҳарларға юборур эрди. Ва хели еру сув, боғлар ва бўстонлар бино қилди. Уғли Ҳусни Бадриддин тўрт ёшлиқ бўлғоч, вазир иқомат рахтини дори фонидин саройи боқиға элтти. Нуриддин мотам бирла ўлтурди. Етти кундин сўнг ани қабри узра гунбад кўтариб, Ҳусни Бадриддинни тарбиятиға юзланди. Ҳусни Бадриддин рушд ёшиға етушқоч, бир донишмандни анинг таълимиға муқаррар қилди. Ҳусни Бадриддин қуръон ўрганди ва хат ёзмоқни билди ва ўзга донишлардин ҳам баҳраманд бўлди. Кундан кунға хўблиқи ортар эрди, андоқки шоир дебдур:

Яхшилиқ яхши юзингға доимо хуштор эрур,
Ким қилур маҳбублардин ҳар кун ўбдонроқ сени.

Бир кун Нуриддин Ҳусни Бадриддинға ҳарир жомалар келтуруб, бир от узра минурди ва подшоҳнинг олдиға элтти. Подшоҳ Ҳусни Бадриддинни кўрғоч, ҳусну жа-

молиға ҳайрон бўлди ва Нуриддинга айди:—«Ҳар кун бу ўғулни бу ерға келтурғил». Нуриддин ер ўпуб ёнди ва ҳар кун ўзи бирла подшоҳнинг олдиға элтар эрди, тоинки Ҳусни Бадриддин ўн тўрт ёшлиқ бўлди. Ва Нуриддин ранжур бўлди ва Ҳусни Бадриддинни олдиға индаб васият ўткарди: ва раиятдорлиқ йўсунининг ўргатди. Ушал ҳолда Нуриддинни хотириға биродарининг ватани тушуб, гирён бўлди ва айди:—«Писар, Шамсиддин отлиқ биродаримки,— амакингдур,— Мисрда вазир эрди, ман анинг хилоф хоҳиши бирла Мисрдин чиқиб эрдим. Эмди сан қалам олғил, андоқки ман дермен, нома ёзғил». Ҳусни Бадриддин қалам ва қоғоз олиб, ҳарнаки Нуриддин дер эрди, ул ёзар эрди. Тоинки ҳама можарони Басраға келмоқдин вазирлиққа етушмоқдин ва ҳар ҳикоятке, юзланиб эрди, бирин-бирин сўзлади. Ҳусни Бадриддин ёзди. Ул вақт Ҳусни Бадриддинга айди:—«Менинг васиятимни яхши сақлағил. Ҳарвақт санга бирор қайғу юз қўйса, Мисрға бориб, амакингга сўзлағилки, биродаринг ғурбатда сенинг орзунг бирла жон берди». Алқисса, Ҳусни Бадриддин номани юрқоб, бир халтаға маҳкам тикти ва бозу сиға жойлади ва ўлтуриб, отосининг ҳолиға йиғлар эрди, тоинки Нуриддин ўтти. Мотамдорлиқдин сўнг Ҳусни Бадриддин подшоҳнинг олдиға бормади. Подшоҳ вазирлиқни ўзгаға тобшурди ва буюрдикки. Ҳусни Бадриддиннинг уйини муҳрлаб, молларини олғайлар. Вазир ва ходимлар Ҳусни Бадриддиннинг уйига қасд қиладиларки, уйни муҳрлаб, Ҳусни Бадриддинни қайду бандаға тортқайлар. Нуриддиннинг ходимларидин бир ходим буларнинг орасида эрди. Бу ишни ўзига лойиқ кўрмади. Дарҳол Ҳусни Бадриддиннинг олдиға югурди. Кўрдикки қайғулиқ ўлтурубдур. Воқиани анга сўзлади. Ҳусни Бадриддин айди:—«Фурсати бормуки, уйға кириб бир нимарса олғайман? Ва ани тўшаи ғурбат қилғайман». Ходим айди:—«Молдин кечғил ва ўзунгни кутқорғил». Ани сўзини англағач, бошу кўзини этаки бирла йўрғади ва равон бўлди. То шаҳарнинг тошига чиқди ва борур эрди, тоинки йўли гўристонлиққа тушти. Атосини қабрининг кўргач, мақбара ичра кирди. Ҳануз ўлтуруб эрдикки, аҳли Басрадин бир яҳуд етиб келди. Айди:—«Е саййидулвузаро, нечуж бу йўсунлуқ парешондурсан?» Ҳусни Бадриддин айди:—«Бу соатда ухлаб эрдим. Атомни тушумда кўрдумки, мақбарасининг зиёратини тарк қилғоним сабабидин манга ғазабладур. Ман хели қўрқунчадурман. Ани қабри-

нинг зиёратига келибдурман ва алҳол хоҳларманки, кемаларимдин бир кемани сотгаймон ва минг олтунга бергайман ва отомни эҳсонига сарф қилгайман». Яҳуд чўнтағидин минг олтун чиқориб берди ва айди:— «Ё саййидулвузаро, бир хат ёзғил ва хабар қилғил!» Ҳусни Бадриддин қалам олиб ёздики: «Бу хатни ёзғучи Ҳусни Бадриддин кемалардин бир кемани фалон яҳудга сотти, Минг олтун зари нақдни қабзи саман қилди».

Алқисса яҳуд хатни олиб кетти ва Ҳусни Бадриддин малул ўлтуруб ўз аҳволига йиғлар эрди. Тоинки ахшом кирди. Ҳусни Бадриддин анда ухлади. Гўристон жинларнинг мақоми эрди. Бир мўмина жин ул мақбара бирла ўтар эрди. Кўрдик, мақбара Ҳусни Бадриддиннинг жамолидин равшан бўлубдур. Мўмина жинга ажаб келди ва ҳаво уэра чиқти. Бир девни кўруб, анга салом қилди ва айди:— «На ердиң келурсан?» Дев айди:— Миср шаҳридин келурман». Мўмина жин айди:— «Ман Басрадин келурман ва бир ўғулни гўристон ичра ухлоғлиғ кўрдумки, дунёда монанди йўқтур. Ман бирла келғил. Ани тамошосига боргаймиз». Алқисса ҳар иккови мақбара ичра кириб келдилар ва кўзларини Ҳусни Бадриддиннинг жамолига тикдилар. Мўмина жин айди:— «То алҳол бу йўсунлуқ зебо писар кўрмабдурман». Дев айди:— «Ман ҳам кимарсани бу раънолиқ бирла кўрмаб эрдим. Ва лекин Мисрда Шамсиддин вазирнинг бир қизи бордурки бу писарга хели ўхшайдур ва Мисрнинг подшоҳи анга хосткорлиқ қилди.» Вазир айди:— «Шоҳо, биродарим Нуриддиннинг ҳикоясидин хабардор эрдинки, ул мандин ғазаб сабаби бирла юз ўгуруб эрди ва ман ҳам ул кундин берикки бу қизни аноси туғубдур, онт ёд қилибдурманки, биродаримнинг ўғлидин ўзгага бермағаймон». Подшоҳ вазирнинг сўзини англағач, дархашм бўлди ва айди:— «Ман санингдек кишидин қиз тилар эсам, хунук баҳоналар сўзларсан. Бахудо савгандки, қизингни кимарсага бермағайман. Магар пастарин мардумга бергайман». Алқисса, подшоҳ Ихдаб отлиқ хабашиники, букри ва кўкси чиқғон эрди, индади. Қизни анга никоҳ қилди ва айди:— «Бу ахшом қизни анга тобшўрғайлар». Зангилар ул хабаши Ихдаб букрини тўграклаб, қўлларига равшан шамълар тутуб, ҳаммомга элтар эрдилар ва бир-бирлари бирла кулушур эрдилар ва ани мазах қилур эрдилар. Вазирнинг қизини машшоталар ясатур эрдилар ва ул йиғлар эрди...»

Вақтеки қисса бу ерға етиб эрди, Шаҳрзод дoston айтмоқдин хомуш бўлди.

Вақтеки йигирма иккинчи ахшом кириб эрди, Шаҳрзод айди:

— Эй подшоҳи жавонбахт, вақтеки дев вазирнинг қизини ҳижоясини мўмина жинга сўзлаб, яна айдики:— «Ани бу йўсунлуқ қабиҳул-манзар хабашига никоҳ қилдилар ва қиз маҳзун эрди. У қиздин ўзга кимарса бу писарға ўхшамағай». Мўмина жин айди:— «Ман санинг сўзунга эътимод қилмағайман. Зероки бу писарни одами-зод орасида монанди бўлмағай». Дев айди:— «Эй хоҳар, жонингни ҳурматида савгандки, бу ўғул бирла ул қиз бир-бирлариға хели монандурлар. Ё биродар-хоҳардурлар ва ё амаки зодадурлар. Ҳазор афсус, андоғ паризоддинки, ул занги Ихдаб бирла умр кечурғай». Мўмина жин айди:— «Эй хожя, келғилки, бу писарни кўториб, қизнинг олдиға элтғаймиз, то аён кўрғаймизки, қато бири ўбдонроқдур».

Алқисса, ҳар иккиси бу раъйда иттифоқлашиб, ани кўтардилар ва ҳаво узра баланд бўлдилар ва Мисрға туштилар ва писарни ерға қўюб, уйғотдилар. Хусни Бадриддин кўрдикки, ул макон атосининг мақбараси эмасдур ва ул шаҳр ўзгача шаҳрдур. Ҳаросон бўлуб, хоҳладикки, фарёд чекғой. Дев айди:— «Дам урмавил. Мен сени бу ерға келтурубдурман ва санга хели ўбдон ишлар қилғойман». Дарҳол дев бир шамъ келтурди ва Хусни Бадриддинға айди:— «Бу шамъни олғил ва ҳаммомға борғил ва ҳаммомдағиларнинг орасида турғил. Алар ҳаммомдин чиқғоч, сан ҳам алар бирла юрғил. Ва то бир тўйлуқ уйға етқойсан. Ул вақт пешдастлиқ айлаб, уйға киргил ва куёвнинг чап қўлида турғил ва кимарсадин боқ тутмағил. Ва агар машшоталар ва муғаннилар келсалар, чунтоқға қўл уруб, аларға зар сочғил!»

Хусни Бадриддин бу сўзни англағач, ҳайрон қолди ва ўзига айди: «Бу на воқиадур!» Ул вақт шамъни олиб, ҳаммомға кирди. Кўрдикки, куёвни олиб чиқиб, отға ўлтуртубдурлар, Хусни Бадриддин ҳам алар бирла борур эрди. Машшоталар ва муғаннилар келиб, ҳаводорлиқ тилар эрдилар. Аларға зар сочар эрди. Халойиқ Хусни Бадриддиннинг эҳсон ва жамолидин ҳайрон эрдилар. Бу йўсун бирла борур эрдилар. То тўйлуқ уйға етуштилар, пардадорлар ва дарбонлар бегона кишини уйға кирмоқдин манъ қилур эрдилар ва Хусни Бадриддинға ҳам уйға

Ўл бермадилар. Ул вақт муғаннилар айдилар:—«То бу ўғул уйга кирмаса, бизлар ҳам кирмағаймиз». Ночор ани ҳам уйга олиб кирдилар ва куёвнинг қаватида туттилар. Ҳар бир улуглар қўлда шамъ тутуб, ўнг ва сўлдин саф чектилар. Хотунларнинг кўзи Ҳусни Бадриддинга тушгоч, ани олдиға тўпландилар ва шамъни илгари тутуб, анга боқар эрдилар ва дер эрдилар:—«Эй бори худоё, бу қизни бу моҳманзар ўғулға насиб қилғил». Баъдаз он муғаннилар даф чолдилар. Машшоталар ҳарам саройдин чиқиб келдилар. Вазирнинг қизини ҳам ораста айлаб ва атр-сепиб ва зевар тоқинтуруб ароларига олиб, то айвон узра чиқтилар. Ихдаб хоҳладики ани ўпқой. Қиз андин юз ўтурди. Амакисининг ўғли Ҳусни Бадриддиннинг олдида турди. Ҳамма кулушар эрдилар. Ҳусни Бадриддин чўнтонкиға қўл уруб, бир овуч олтун олиб, машшоталар узариға сочти. Алар баланд овоз бирла айтур эрдилар:—«Бизлар худодин тилабдурмизки қиз санинг бўлғай!» Ҳусни Бадриддин табассуме қилди. Ва Ихдаб маймундек бўлуб турар эрди. Қазоро, онча шамълареки Ихдабнинг илкиға берур эрдилар, анинг шумлуқидин ўчар эрди. Аммо қиз осмонға қўл кўториб айди: «Эй бор худоё, бу йигитни манинг насибим қилғил ва мани бу девдин қутқарғил!» Машшоталар ҳам Ҳусни Бадриддиннинг поси хотири учун қизни оройишиға кўшиш қилур эрдилар. Тонинки замони ўтти ва ҳар кимарсаки уйда эрди, чиқиб кетдилар. Қиз ва Ихдаб ва Ҳусни Бадриддиндин ўзга ҳеч ким қолмади. Ул вақт Ихдаб туруб, Ҳусни Бадриддинға айди:—«Ё саййиди, бу ахшом мани ихсонинг бирла навозиш қилдинг. Эмди ёнмоқ вақтидур.» Ҳусни Бадриддин қўпуб, уйдин чиқиб эрди, дарҳол дев ҳозир бўлди ва Ҳусни Бадриддинға айди:—«Бу ерда тўхтағил. Ихдаб уйдин чиқғоч, ул уйға борғил ва чимилдиққа кириб, қизға ойғилки, эринг-мандурман. Подшоҳ бу ҳийлани анинг учун қилибдурки, мабодо санга чашми бад етушғай. Бу фулом менинг ходимларимдиндур. Ул вақт қизнинг юзидин ниқобни олғил ва кимарсангдин бок тутмағил». Ҳусни Бадриддин бирла дев гуфту гўда эрдиларки, Ихдаб уйдин чиқти ва хожатхонаға кирди. Дев бир сичқон суратида ҳавли жонибидин кириб келди. Ихдабға айди:—«Бу ерға на учун келдинг?» Дарҳол улғойиб мушук бўлди ва борҳо улғаюр эрди, тонинки бир ҳўкуз суратиға кирди. Ихдабға жой қисқойтуруб, ит суратиға кирди ва ит йўсунлуқ ун чекар эрди. Ихдаб қўрқинчлуқ бўлуб, фарёд тузмоқға турди. Дев ай-

ди:—«Эй шум, дам урмағил». Дархал бир эшак бұлуб, ир-ир ва ханг-ханг бирла овоз қилди. Одамизоддек сўзға келиб айди:—«Эй пастарини ғуломон, жаҳон санга танг келибму эрди ва мани маъшуқамдин ўзга хотун тобмабму эрдингики, никоҳингға олибсан» Иҳдаб бу ҳолатни кўрмоқдин кўрқинчда қолди ва куёвлик жомалари ул ерда тушти ва сўзлашға дармони қолмади. Дев айди:—«Жавоб берғил вагарна ўлдурулғайсан!» Иҳдаб айди:—«Манда бирор гуноҳ йўқтур,— балки гуноҳ анингдиндурки, мани бу киби ишға буюрубдур. Ман билмаб эрдимки — бу қиз ҳўкузнинг маъшуқаси эркан. Алҳолки ман билдим, тавба қилдим». Дев айди:—«Онт ёд қилғилки — то офтоб чиқмаса, бу ердин чиқмағайсан!»

Ул вақт дев Иҳдабни тутуб хожатхонанинг ичиға сарнигун осиб қўйди ва айди:—«Эрталабғача бу ерда қолғил!» Иҳдабни иши бу йўсунлуқ бўлди.

Аммо Хусни Бадриддин чимилдиққа кириб эрди, ул вақт бир пира зан қизни чимилдиқға кирғузди ва чимилдиқ ёнида турди ва Иҳдаб букриға хитоб қилиб айтур эрди:—«Ё або шаҳоб, хотунунгни олғил!»

Алқисса пира зан ёнди ва қиз Ситтулхусн отлиқ эрди, Ношод хотир бирла чимилдиққа кирди ва ўзига айдики: «Харғиз Иҳдабни ўзумға йўлантурмағайман — агарчи жоним бадандин кетса ҳам!» Қиз бориб Хусни Бадриддинни кўрди ва айди:— «Ё саййиди, ажабдурки, то алҳол бу ерда турубдурсан. Мани гумоним бор эрдики, куёв Иҳдабдур». Хусни Бадриддин айди:— «Иҳдаб кимдурки — эринг бўлғай?» Қиз айди:— «Рост айғилки, эрим Иҳдабмудур ё сан?» Хусни Бадриддин айди:— «Ё саййиди, вақтеки машшоталар бадеъ жамолингни ва ўбдон шамойилингни кўрдилар, захми хашмдин кўрқтилар ва бу Иҳдабни мазох ва масхара йўсуни бирла келтурдиларки, бизлардин захми хашми дафъ этқой. Алҳолки, бегоналар ёндилар, ул ҳам ёнди». Ситтулхусн муни англағач, шод бўлди ва табассуме қилиб айди:— «Эй моҳрў, худо таоло сани ҳама офатлардин соқлағайки, кўнглум ўтини ўчурдинг. Эмди санга худонинг номи бузурги бирла онт берурманки, турмағил, келғил ва мани тезроқ қучоқингға олғил!» Хусни Бадриддин бориб қиздин жомани солди ва ўзи қўнуб, минг олтунки яҳуддин кеманинг қийматиға олиб эрди, ридоси аросиға юркаб, бир тарафқа қўйди ва дасторини ҳам курси устиға олиб қўйди ва эғнида кўнглакидин ўзга нимарса қолмади ва айди:

Бу кеча қўйным аро ёру, дилда ғам бўлмас;
Чу уд солсалар ўт узра ҳам алам бўлмас,
Ҳижоб йўқ аромизда бўлак бу қўнглакдин;
Ҳижоб бўлса гар ул чок этай — ситам бўлмас.

Алқисса қизни қучоқиға тортти ва анинг бирла қовуш-
ти ва қиз андин бўғоз бўлди ва бир-бирлари қучоқида
шодмон ва комрон ухладилар. Ул йўсун бирлаки — шоир
дебдур:

Эди ул тун қучоқим ичра дилбар,
Ҳама шаб комрон эрдим ажабтар.
Висоли эрди бе заҳмат ўшул тун,
Дер эрдинг эл жаҳондин бўлди бирун.
Гаҳе ётмоқ, гаҳи қучмоқ ва бўса,
На дерман-ул тун айби эрди қисқа.





ФИРДАВСИЙ





«ШАҲНОМА»ДАН

ФАСЛИ ДОСТОНИ ВОҚИАИ СУҲРОБИ
НАВЖУВОН ВА АНИНГ ВУЖУДГА КЕЛГОНИ

Аmmo ровиёни дафтару ноқилон қиссаи ширин ҳарфи муътабар андоғ келтурубдурларким, вақтики шоҳ Самангонни қизи Рустамдин бори ҳомила қолиб, муддати ҳамли ўтуб, ҳақ субҳонаҳу ва таоло бу нозанин моҳлиқоға хуршиди тобон янглиғ бир ўғул каромат қилди. Назм:

Бериб ҳақ таоло мунга бир писар,
На дейким писар — гўйиё шери нар.
Заҳомат била Рустами филган,
Шижоат била сафдару сафшикан.
Қаду қомати ёл, болу баланд,
Басе дил пазиру, басе дилписанд.
Самангон эли барча шодоб ўлуб,
Бу тифл оти эл ичра Суҳроб ўлуб.
Қилиб тўй шоҳи Самангон сарир,
Жавон бахт ўлуб шаҳриёри далир.

Бу ўғулға уч энага таъйин қилдилар ва ҳар кунлукига уч ботмон қанду шакар берур эрдилар. Ибтидоий таомга кирганда шир(у)шакардин уч-тўрт барра гўштини ер эрдилар. Охирул-амр етти ёшқа кирди. Устодга бердилар. Фазлу одоб таълим олди. Соли умри ўн иккига етганда сози майдон қилди. Ўн беш ёшида шеру шерзахларни юракини ёрар эрди. Ва бир куни оносидин сўрдиким:—«Менинг отам борму ё йўқму? Оти нима ва қаён кетган ва қайси нажоддиндурман?» Онаси айди:—«Эй фарзанди фархунда, сани гавҳаринг Рустами Зобулидиндур». Бас Суҳроби навжувон айдиким:—«Эй она, манга

ким раҳнамундуқ қилур?» Онаси жавоб бердиким:—«Эй ўғлум, бу орзуни бобонгдин сўрғил. Отанг сори бормоқ-га ул бошлағай»,—деб. Таҳмина бону қўпуб, отаси қошиға кириб дедиким:—«Эй падар, фарзандим Суҳроб отасини жамолини кўрмакни ихтиёр этибдур». Ва бу гул-узор отаси олдида мунни демак бирла отаси жавоб берди. ким:—«Эй қизим, бу андеша менинг хотиримда бор эрди. Бу набирамни отаси қошиға юборгайман,—деб.—Мабо-до пур пишанг(?) бу бачадин хабар олса, ул вақт мунга қасд қилғусидур. Бас, аввали улким, Суҳробға бир неча кишини қўшуб юборгаймиз»,—деб ўлтуруб эрди, Суҳроб кириб келди. Онаси ёнида ўлтурди. Шоҳ қараб сўрди-ким:—«Эй, шербача, нима ихтиёр қилурсан?»—деб. Суҳ-роб айдиким:—«Эй бобо, ман кимни фарзанди ва кимни тухмидин ва қайси гавҳардин ва кимни ўғли деб сўрсалар на дерман?» Подшоҳ дедиким: «Эй фарзанд, сан Рустами филтанни ўғли Дастони Сому Наримонни набираси ва Жамшидни тухмидин бўлурсан». Алқисса, назм:

Сани наслинг эрди бори номвар,
Шаҳаншоҳ эдилар ҳама сарбасар.
Жаҳон офарин тосаро этиб жаҳон,
Таҳамтандек эр кўрмаган бу жаҳон.
Бу гитида ўтган Наримон и Сом,
Баланд рутбаи барча олий мақом.

Алқисса, сипоришномаеки, Рустам шоҳ Самангонға бериб эрди, келтуруб, они кўргузди. Айдиким:—«Эй пи-сар, санинг бу тариқа борғонинг, аввалким, ҳар ким эшитса, шоҳ Самангонни ўғли Кайковус жангиға бора-дур дерлар. Бас, сан бориб, саф тортиб, аввал ул ҳунари бор дамонни талаб қилғил. Вақтеки, сани зўрингни бил-гай, Рустам била рўбарў бўлуб, ҳар рози дилинг бўлса, анда эшитиб, ул чоғ муродингча бўлғайсен»,—деб Суҳ-робға бу уқраъни кўргузди. Андин шоҳ қўпуб тахтиға чи-қиб амири умаро, вазири вузароларини, акобири ашроф ва жамоҳири аърофларини жамъ қилиб дедиким:—«Бу ўғлумни шоҳ Кайковус жангига юборурман. Керакким, сизлар барчангизлар онча саъй қилғойсизларким, то ул Зобули бачани бошини бу навжувон теги бедариф бирла жудо қилғой»,—деб, барча лашкарнинг сардори иттифоқ бирла йигирма минг сувораи найза гузори жаррорни ҳам-роҳ қилиб Суҳробға онча ўргаткуликни пинҳон ўргатиб,

Йўлга равон қилди. Неча манзил йўлни тай қилиб келур эрди ва бу хабар Афросиёбга етти. Яъни шоҳ Самангонни ўгли Суҳроби навжувон отлиғ диловар ва забардастким, рўзгор аноси бу қисм ўғулни турмағон, бу жаҳон кўзи жўрмағон бўлғой. Мундоғ диловар Қайковус жангига борур эрмиш—деб. Бас, шоҳи Турон Пирони Вайса (га) боқиб дедиким:—Эй Пирон, умидим дарахти борвар бўлбудур, на учунки бу қисм диловар ўзлукидин шоҳи Эронга бадандеш ўлса, яқиндурки тож-тахти Эронни сарнигун айлаб, лашкари ажал Рустам сарманзилини торож айла-тай. Эмди бизга зарурдурким, ул жавони фархошжўйга мадад юборгаймиз ва чун ул ўғул Рустамни ҳалок айла-са, ман ўзим илғор бориб, Қайковусни иштилом айлаб тахтдин тобутга тортгайман,— деб фармон қилди. Хўмон-ни саксон минг найза гузор бирла Суҳроб мадади учун юборди. Булар ҳам тамом жабдуқларини олиб бу йўлга равон бўлғайлар. Аммо Пирон неча фили жанги ва яна неча сипоҳи жаррорни изофа қилиб, буларни орқасидин отландурдилар. Ва яна Афросиёб жонибидин ҳадяи бис-ёр ва тухфаи бешумор, заррин тож ва заррин тахт, ожизар ва жавоҳир ва либоси фохир, асби яроғи ҳама под-шоҳона Суҳробга юборди ва нома битдиким:—«Эй Суҳроб, агар ул Зобулини ўлтурсанг, мулки Эрон санга мусалламдур ва сани домод қилиб, мандин кейин тожи-тахти Хисравий санга бўлғай» деб.

Номани муҳр қилиб Хумон Вайсадин бериб равон қилди. Бас, Хумон манзил ба манзил йўл тай қилиб Суҳ-роб элига етди. Саросар ҳадяларни ўтказиб, шоҳи Турон паноҳ паёмини еткузди. Жаҳон поҳлавон Суҳроби навжу-вон Хумонни иттифоқи бирла ул ердин кўчуб, манзили мароҳил тай қилиб бир кун бир кентга етдилар ва ул саҳрода тушуб боргоҳи саропардаи шомиёналарини ти-киб бир манзили босафода Суҳроби ял ўлтуруб эрди, но-гоҳ ул тарафдин бир нозанини зебо талъат, ҳур пайкар ўтуб борадур. Тақдири осмоний ва қудрати субҳоний бир-ла Суҳроби ялни кўзи ул нозанинга тушди. Баҳазор дил ошўқи шайдо бўлуб мулозимларига пинҳон айдиким:— «Ул борадурғон маҳвашдин хабар олингларким, қайси фарҳунда толеъни шабистонини пари-пайкоридур?» Бас, бу навжувонни амри бирла надимлар келиб хабар кел-турдиларким, бу Қаряни ҳокимини қизи экан. Бас, ул сафлар фармони бирла ул (Қаря)ни калонтарини келту-руб моҳувал-воқиани баён қилди ва мунинг рухсати бир-

ла бу ҳурнажодни Суҳроб никоҳига олиб, ул ерда уч кун туруб бу ҳурнажод бори ҳомила бўлуб қолди. Мундин Барзу вужудга келиб, на кориборлар қилгусидур!

Аммо Суҳроб мундин кўчиб, неча кун йўл юруб, Эрон мамлакатининг сарҳаддига етдилар. Бир сарҳадда бир қалъа бор эди. Сардорини оти Каждаҳум дер эрди. Аммо бу Каждаҳумни бир зебо жамол қизи бор эрди. Ногоҳ Суҳроб Ҳумон бирла бу ерга етдилар. Каждаҳум булар келганидин воқиф бўлиб, қалъа дарвозасини маҳкам қилдилар. Булар қанча дарвозасидин бир фарсанг нари тушуб шаҳарнинг олдига келиб, саф тортиб, адаб кўрсатиб, Ҳисорға яқин келиб туруб эрди. Ҳажирини Диловар яроғи жангини ўзига тартиб бериб қалъадин чиқиб Суҳроб бирла дарафтод бўлди. Неча тан найза радди бадал бўлуб, охирул-амр паҳлавон саф дар камаргоҳиға найзаи аждаҳо пайкари бирла сойиб (?) садр зийндин кўтариб ва қўли устун олиб майдондин жирсиб мулқзимларига тояшурди. Тамоми аъзосини салосил ва ағлол бирла банд этди ва жаҳон паҳлавон яна майдонға кириб, хурушлар қилиб дедиким:—«Э қалъадорлар, киши бўлгайму токим манинг бирла набард айлагай». Каждаҳум бу спаҳбад нидосини эшитиб, олоти жангини ўзига тартиб бериб ихтиёр қилдиким, Суҳроб жангиға киргай. Шул соат бул пари пайкареким, Ҳажирини Диловарни маҳбуби эрди ва муҳаббати Ҳажир кўнглида қарор топиб эрди. Ул боисдин чандон сўз гудоз бирла турғон чоғда кўрдиким отаси майдонға кирди. Ул ҳол отаси қошиға келиб айдиким: «Эй сардори шердил, айёми 'аҳдинг завол ўлмагай. Назм:

Аё шердил, умринг ўлгай узун,
Доғи давлатинг бўлсун ҳаддин фузун.
Манга рухсат этгил — буён азм этай,
Ки бу хира сарлар била разм этай,
Десун офарин барча мардони мард,
Қўпораи алар жисмидин тира гард»,

деб рухсат олди.

Барча олоти жанг ва ҳарба яроғини ўзига тартиб бериб ва тиғи тез ҳамоийл қилди ва дубулғаи фулодни бошиға қўюб, зулфи анбарбўсини гўш банди остида пинҳон қилди. Камони каёнини абруйи хўбондек қурбон чиниға солиб, асби жаҳандаи ва давандаи тез хиромиға сувор ўлди ва сипари кабанни кифтиға банд этиб, тири

дилдүз парри уқоби жигардарри сийна шигофини соғдоқига тўлдуруб ва найзаи жонситонини илкига олиб, қалъадин чиқиб, Суҳроб бирла муқобила бўлди. Кўзи Суҳроби ялга тушуб дедиким, назм:

Чекиб наъра айлаб хуруши жигар
Дарафтод ўлуб гўё шери нар.

Дедиким:—«Эй хийра сар, жавоне бандга тортдинг-ким, бир тор мўйи сандин беҳроқ эрди». Жаҳон паҳлавон сўрдики:—«Кимсан ва отинг нимадир ва нажодинг кимга етар? Наҳотки тунди чолок сўзларсан ва кўнглингни ул йигит учун ғоятда вобаста кўрарман». Бу париваш дедиким:—«Эй хийрасар, агар отимни эшитсанг, ҳушинг бошингдин кетиб, саросима бўлурсан. Сан на учун номи нажодингни айтмайсан». Суҳроб айдики: «Мани Суҳроби ял дерлар». Ул Гулчеҳра Суҳроб отини эшитиб, найзаи жон рубоси бирла бу сияҳ бар сори равон қилди. Суҳроб найзаи сад мани бирла таъни найзани рад қилиб, найзаи жон рубоси бирла бу далир зириҳига, сойиб баданига озор еткурмай, найза учи бирла кўтариб, бу нозанин ҳам чобуклик қилиб, белидин шамширни тортиб, Суҳроб найзасини қалам айлаб, бар устун тушти. Ногаҳон бу ҳолатда бу раънони бошидин дубулға жудо бўлуб ва юзидин ниқоб очилиб, зулфи сунбулбўй намоён бўлди.

Суҳробни навжувон бу далир зулфини ва рухи нозанинни кўруб, баҳазор дил ошиқи шайдо бўлди ва фарёд қилдиким — «Эй офати жон, санга на зарурким, диловарлар жангига қадам қўюб келибсан. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло манинг учун келтурди бўлғай, келғил. Мани шавҳарликка қабул этгил, токи сани қасри айвоним ичра бону қилай ва қалъа сори бормоқға мани бошлағил, токи отанг хизматиға бороли». Ул ҳурнажод андеша қилдиким, бу филтандин халос бўлмоқ мушқилдур, ҳийла бирла жудо бўлмоқ хўбдур,— деб, айдики:—«Эй Суҳроб, зиҳи толиъ фархунда ва бахти ҳукмоюнким, сендек киши бирла ҳамхоб ўлғайман»—деб, Суҳробни бошлаб қалъа сори юруб, хандақ устина келиб, кўпрук устида турди. Бу гулзори нозпарвард айдики:—«Эй ҳунарвари навжувон, соати бу ерда таваққуф қил, то ман илгари борай. Бу ишдин отамни хабардор этай, токим гумонға тушмағай». Суҳроб айди:—«Эй дилбар, манга мабодо фиреб бериб, қалъа ичра кириб, дигар бора чиқ-

магайсан. Агар андоғ эрса, баҳаққи яздони пок, бу шаҳарни зеру забар қилурман». Ва бу моҳ чехра айди:— «Эй навжувон, балки манинг майлим сендин зиёдароқдур»,— деб, қасамёд айладики:— «Эй паҳлавони сафдар, саломат ётғил, тонгла ман ўзумни санга қабул қилурман. Бори дигар сани баробаринга келиб, ҳар нечуж сўз бўлса, санга айтурман» деб, отиға даб бериб, ўзини қалъа ичига олди. Дарвозаларни маҳкам қилдуруб, бурж устун чиқиб фарёд қилдиким:— «Эй паҳлавони сафшикан, саломат ватаниннга ёниб борғил. Ўзунгни бекор ранж қилма. Эроний ва Туроний жуфт бўлмас!» дегач, Сухробни ғазабни ўти аланга уруб, дедиким:— «Бугун кеч бўлди. Иншоолло, тонгла қалъа гардини ҳавоға учуруб, сани ва отангни қаро туфроқ бирла баробар қилмасам, эронийлар қаторидин чиққайман»,— деб ёнди. Саропардаи хиргоҳиға келиб, ороми қарор олди. Аммо Гаждахум тамоми лашкар ва аҳли қалъалар бирла, ер остида бир нақм бор эрди, бу нақм бирла кечалаб чиқиб, Қўҳистон ичига келдилар ва ул тоғ орасида мақом айлаб, Қайковусға нома юбордиким, мазмуни нома буким:— «Шоҳо, огоҳ ва доно бўлғилки, Сухробни навжувон отлиғ паҳлавон Турон заминдин келиб, Ҳажирини Диловарни найза учи бирла кўтариб, банд этти. Гумон улким, сипоҳи Эронда анга ҳариф йўқтур,— магарким Рустамдур. Агар шоҳ ўзи зуд ани фикрини қилмаса, тамом марзи буми Эронни тахти тасарруфиға киргузуб мамлакати Эронни хароб айлар ва ул паҳлавони наврасидани андоғ пур дил кўрубманки, жаҳон ичида ҳеч ҳариф чиқмагайким, ани бирлан панжа бар панжа қўйғудек».

Алқисса номани тамом этиб, қосид қўлиға бериб, шоҳ хизматиға юборди. Аммо Сухроб субҳ вақтида қўлуб, қалъа устун келиб қаради. Ҳеч нарсани кўрмади. Қалъа ичига кирди. Тўрт атрофни чеврулуб, тамошо қилиб, андин чиқиб, саропардасиға келди. Тонгла субҳ вақтида кўчуб, сарҳадға келди. Жайҳундин ўтуб, бир манзилға келиб туштилар. Тамом тарафдорлар шоҳдин панҳо сори юзландилар. Аммо номаи Гаждахум Қайковусға этиб, шоҳ нома мазмунидин мутталиъ бўлуб, Каю пур дилни буюрдиким, тез тунд Зобулға бориб, паҳлавони тож-бахшға манинг салом ва паёмимни еткурғил ва мундаги аҳволотларни баён қилғил ва бу сўзни эшитмак ҳамон, олдида сув бўлса ичмай, илгида гул бўлса ҳидламай ва йўлда ҳам ором олмагайким, то мунда етмагунча,

Бас, Гев солор шоҳ фармони билан Зобулға равон бўлди. Кўч бакўч, манзил баманзил, мароҳил бамароҳил тай қилиб хўрду хобини от устинда адо айлаб, андак маҳалда Зобилга етди ва бу паҳлавони шердилни келгон хабари Рустамға етгач, фарамзи шерни ва завораи далирни бир мунча афзаллари бирла Гев гударз олдиға чиқорди. Булар келиб Гев бирла кўрушуб эъзозу икромлар бирла шаҳарга келтурдилар. Айвони Гершасб устун чиқиб, Таҳамтани шердил бирла канор олишти. Рустам Гевға кўп навозишлар қилиб, юқори ўрин берди. Гев тамом аҳволотини Таҳамтанга тақдир айлади. Шоҳни салом ва паёмини етқузди. Рустам Гевнинг сўзини сарбасар эшитиб дедиким:—«Иншолло, агар ҳама ранг диловар бўлса, бори таоло мадади бирла пўстини тулунча сўйғайман» деб Гевни уч кун турғузди. Турфа зиёфатлар қилиб, жашнлар кўргузди. Тўртунчи куни паҳлавони тожбахш фармони бирла рахши рахшонни зертанг, забартанг тортиб, овози карнай ва таблларни Рустам даргоҳидин кўк тоқига ўрлатдилар. Жаҳонпаҳлавон шаҳаншоҳ паноҳи даргоҳиға бормоқ учун Золи Зардин рухсат бўлуб, жавонони Зобул ва диловарони Қобул ва муборизони Ховар ва далирони Систон—ҳамма иттифоқ бирла Истахр сори равон бўлдилар.

Алқисса неча кун йўл юриб шаҳаншоҳ даргоҳиға яқин етиб эрдилар, булар келганидин шоҳ хабар топиб, тамом акобири ашроф ва жамоҳири аърофларни истиқболға чиқорди. Рустами шердилни иззати тамом бирла шоҳ олдиға келтурдилар. Аммо шоҳ Таҳамтанни кўриб, ғазабнок ўлиб, дедиким: «Ман сани бот фурсатда келсун деб киши буюриб эрдим. Сан нима учун ҳаял бўлдунг?»—деб Туси Навзарға буюрдиким: «Бу саккизини менинг қошимдин йироқ чиқорғил!» Бас, Туси Навзар кўлиб, Курсийи зарриндин тушуб келиб, Таҳамтанни кўлидин тутиб, ташқари чиқорғай. Таҳамтан Туси Навзарни бир силкиб эрди, Тус йиқилиб, эл аро дароз тортди. Таҳамтан қаҳру ғазабнок ўлуб тошқори чиқди. Рахшиға миниб равон бўлғай. Вазир айдиким: «Эй шоҳи воложоҳ, мундоғ тангликда бу паҳлавони шердилни кўлдин юбординг»,—дегач, шул замон шоҳ қилғониға ва дегониға пушаймон бўлди. Гўдарзға дедиким: «Сан бориб, дилосолиқ бирла узр қўйғил ва ёндурғил. Ман ҳам узрлар айтқайман». Гўдарз айди: «Шоҳо, сан, тўла ишда тундлик қиласан. Хирадмандлар иши улдураким, анжоми

тундлуқ пушаймонлиқ ва шармандалиқдур. Ул филтан бўлмаса яна киши бормуким, Сухробға тақобил бўлгудек?» Подшоҳи жаҳон дедиким: «Эй шердил, сан манинг тилим бирла ул ҳунарвари дамонға айғилким, худойи азза ва жалла гувоҳдурким, ул деганимдин пушаймонман. Анинг кўнглиға ранж бергонимдин ғоят мунфаил ва хижилман». Бас Гударзи Кишвод Рустам қошиға келиб бу сўзни айтғой. Боргоҳдин чиқиб кўрдиким, Рустам Рахшиға сувор ўлубдур. Қарнойи нафирни навозишға киргизубдур. Гўдарз илгари келиб дедиким: «Эй тожбахши жаҳондори Қайковус деганиға ниҳояти пушаймон бўлди ва сани олдиға чорлайдур». Таҳамтан Қайковус паёмини эшитиб дарғазаб бўлуб дедиким, назм:

«Эмас кини шаҳдин менга ҳеч бок,
Қошимда бу Ковус эрур мушти хок».

деб юргай. Гўдарз айдиким: «Эй паҳлавони тожбахш, сан Қайковусға аччиғлаб борасен. Халойиқ гумон қилурким, Рустам Сухробдин кўрқиб, баҳона айлаб кетибдур дер ихтимоли бор». Таҳамтан айди: «Гўдарз, ори бу ишни қилайки, мун саранжом қилиб. Аммо мундин кейин Қайковус юзиға боқмағайман ва бир гўшаға бориб, яздони паж ибодатини қилиб ётғайман» деб ёнди. Шоҳ Қайковус олдиға кириб эрди, шоҳ кўпуб тахтидан тушиб, илгари келиб, Рустамни тахтиға таклиф этди ва андин канор олишдилар. Шоҳ тахт устуни, Таҳамтан сандали Гершасб узра қарор олдилар. Шоҳ Рустамга бисёр узрлар айтди ва дедиким: «Эй Таҳамтан, Сухроб таърифини англаб, музтарибликда паришон бўлуб, ул сабабдин билмай жўнлуқ қилибдурман. Пушаймон қилдим»,—деб кўп узрхоҳлиқлар қилди. Рустам ҳеч нима демади. Аммо шоҳ Рустамға уч кун мажлис бериб, тўртинчи кун боргоҳи саропардаларни ташқари чиқариб тикдилар. Тамоми асбоби олоти жангни саранжом айлаб, Сухроб жангиға равон бўлдилар. Манзил баманзил тай қилиб, неча кундин кейин лашқари Турон бирла муқабил бўлдилар. Турон сипоҳлари баробарида боргоҳи хисравини тикиб, жо-бажо, қарор барқарор бўлдилар. Ул кун офтоби оламтаб пардаи қиргун ҳабаш ичра пинҳон бўлди. Таҳамтач айдиким:—Эй шоҳи олам, ман бу кеча айёрлиқ расми биладан шабравлиқ қондасини ба-

жо келтуруб, туронийлар саропардасига бориб тамом туронийлар аҳволидин хабар олиб ул паҳлавони наврасидани кўрайким, нечук кадхудодур»,—деб, шабравлик либосини ўзига дарбар қилди. Ханжари бистманни кўлига олиб беркитти. Гўшадин-гўшага юруб Суҳроб мақомига етти. Кўрдиким, Суҳроб жамоати бирла май ичишиб ўлтурубдурлар. Таҳамтан бир тарафдин боргоҳни этагини кўтариб, Суҳробга назар қилиб кўрдиким, қаду қомат ва зўр бозуға осмону замин — ҳама офарин ўқийдур. Аммо май ичиб, сархуш бўлубдурким, ҳар жонибдин сўз айтадурлар. Бири айтадурким:—«Лашкари Эрон ичра Рустами Зобули албатта бордур».

Аммо бу аснода Жандаразм отлиғ жавон Суҳробга яқин ўлтуруб эрди, мажлисдин кўпуб қазойи хожот учун ташқори чиқиб, кўрдиким бир кимарса туродур. Сўрдиким:—«Сен бу ерга на учун келдинг?» Таҳамтан ўрнидан кўпуб кетгай. Жандаразм кўл узатиб, Рустамни тутқой, Таҳамтан Жандаразмнинг кўлидин тутуб, тортиб, пешонасига бир мушт уруб эрди, мағзи қулоқ-бурнидин оқиб, жонини жон офаринга топшурди. Рустам мундин ёниб, саропардаи Қайковусга келиб, тамом аҳволларни шоҳига баён қилди. Алқисса Рустам Жандаразмни ўлтуруб ёнгондин кейин бири тошқори чиқиб кўрдиким — Жандаразмни ўлтурубдурлар — ётадур. Яқин келиб қаради — ўлукдур. Шу говғойи алоло бирла Суҳробни қошига кириб Жандаразмни ўлгонидин хабар айтти. Суҳроб бу хабардин саросимо бўлуб ташқори чиқиб, Жандаразмни ўлукини кўруб ҳайрон қолди. Ул вақт тонг ёруди. Офтоб чиқти. Суҳроби шер боргоҳидин чиқиб, фармон қилдиким, Ҳажир Диловарни зиндондин чиқориб, қошига келтуруб ҳамроҳ этуб, бир беша устига чиқтилар. Суҳроб Ҳажир Гударздин сўрдиким:—«Ул саро пардаеки баланд ва алами фил пайкарни барпо қилибдурлар, атрофида йигитлар саф тузуб турубдурлар — кимнигдур?», Ҳажир айтиди:—«Ул боргоҳи Туси Навзардур. Ва яна сўрдиким:—«Ул саропарда ёким сариғ, қизилдур, аросида алами шер пайкор тикиклик — ул кимнингдур?». Ҳажир айдиким ул мани отам — Гударзи Кашводнинг саксон олти ўғли бирла келган». Ва яна сўрдики:—«Ул боргоҳи олийки, осмон бирла баробар ва саропардаҳойи фаровон атрофида барпо қилгон — ул кимнингдур ва олами ҳунарбар пайкар кўтариклик». Ҳажир айтти:—«Ул Хитойдин

келгон бир навжувонникидур». Сухроб и ял сурди:—«Сул тарафда бир булак саропардаи шомиена барпо қилгон дароз пайкар олдида тикиклик ва бир булак лашкар ул ҳобгоҳ эшикида саф тузуб турубдур. Ул кимнинг?» Ҳажир айди:—«Ул Гевкони Балужнингдур». Ва яна сурдики:—«Боргоҳи Рустам қайсидур ва райяти нечук ва на суратлиғдур ва на ерга тушгондур?» Ҳажир кўнглида андеша қилиб дедиким:—«Бу наврасидаи забардасти рўзгори зоҳир буладур. Мабодо Таҳамтанга ғолиб келса номи нангдур. Агар отини айтсам, разм маҳалида ўзи айтқусидур. Агар ман айтсам, донишдин эрмас деб. Бас, Сухробға жавоб бердиким:—«Паҳлавони Рустами сафшикан мунда йўқ—Ҳажир Магарон сори борибдур. Бу боргоҳлар орасида ҳоло йўқ»,—дегач, Сухроб айди:—«Подшоҳи келибдур.—Рустамдек номдори булса, хусусан менингдек душман бошиға келса, Рустам на учун келмабдур? Ҳаққоки, агар Рустамни манга кўргузсанг, сани молу дундин бениёз айлай. Мамнун ва сарафроз ўлғил ва банддин ҳам чиқорай». Ҳажир дедиким:—«Худойи таоло мани моли манолдин бениёз қилибдур ва ҳеч кишиға ихтиёжим йўқ. Агар Рустам бу орада булса эрди, санга кўргузгай эрдим. Ҳар нечук ҳам булса, жанг вақтида келур»,—деди.

Сухроб ул ердин ёниб, саропардасиға келди. Ҳажирни яна зиндонға буюрди ва яна бир кун фармон қилдиким, табла жанг навозишға киргуздилар. Дами субҳ эрди. Овози табла ва ноий размни ҳар икки тарафдин чолишға олдилар ва бу ҳар икки сипоҳ орасидин чиққан нафири ҳарб ва нидойи нола ва ной разми садосидин мурғони ҳаво ва моҳиёни дарё изтиробға туштилар. Ҳар икки дарёи лашкар тақобили як дигар саф ораста қилдилар. Назм:

Жаҳон кўк тамурдин найстон бўлуб,
 Замин наълидин кавкабистон бўлуб.
 Туруб кўп наҳангони дарёи ҳарб,
 Ҳама фил пайкар, ҳама шер зарб.
 Ҳама тунд хунрезу пархош жўй,
 Ҳама сафшикан сафдари тез хўй.
 Келиб абр сақолиқ этти аён,
 Бериб бод фаррошлиқдин нишон.

Алқисса, маъракаи майдон сиддиқлар кўнглидек равшан ва намоён булди. Сухроб отиға даб бериб, май-

донға етти, жавлон кўргузуб, наъран раъдвор дили бе-
қароридин тортиб дедиким:—«Эй лашкари Эрон, манам
жаҳон паҳлавони Суҳроби навжувон, Рустами Дастон-
дин бўлак кишини ихтиёр этмасман!» Таҳамтан бу фар-
ёдни эшитиб, шоҳи Эрон олдиға келиб, таҳият адо айлаб
дедиким:—«Шоҳо, бу жавонмардни ер бирла яксон ай-
лаб, гўшмоли берсам, ўз тавридин ташқори қадам қўюб-
дур!»—деб, рухсат олиб, рахшиға маҳмиз бериб, Суҳ-
робни баробариға келди. Назм:

Деги: — «Келтур, эй, онча жангдин нишон,
Қамони Қаён бирла гурзи гарон».

Суҳроби навжувон айдиким:—«Рустами Зол санму?»
Рустам айдиким:—«Эй жавонмард, Рустам эмасман,
балки Рустамни камтарин ходимидурман. Ва сен нечук
кадхудодурсанким, ул тожбахш сенинг жангингга кел-
гай?! Аввал манинг набардимға тоб келтур». Суҳроб ай-
дики:—«Эй паҳлавон, менинг қўнглумға изтироби тушуб-
дур ва яқин ҳосилдурким, сан, албатта, Рустамсан; ва
агар Рустам бўлсанг, отингни мандин пинҳон тутма. Ай-
диким, албатта менга шикаст берса, тўла эрикланур
деб, ман Рустам эмасман, Қорингға муқайийд бўл!—
деб, белидин мурғи салобат шамшерни тортиб, ҳайбат
қилди. Суҳроб ҳам теги раҳл кирдорини бараҳна қилиб,
ҳар иков зарби тиғи обдори жаҳон гузорға қўл қўйдилар
ва бир-бирлариға зўр озмолиғ қилиб ва ранги бўйи паҳ-
лавонлиқлар кўргузуб ва неча теги обдор радди бадал
бўлди. Алқисса, ҳар икки паҳлавонни тиғи обдорининг
дами бамисли аррай харрот ўлди. Андин кейин қўл най-
заи жон гузорға қўйдилар. Назм:

Олиб қўллариға синони дароз,
Дедиким: Сакон марги душман гудоз.
Утуб неча найза булар хащми паст,
Ки бўлмади синолари топиб шикаст.
Ки шамшери ҳиндую тийри синон,
Доғи жилвагар ҳам амуди гарон.
Ғамин эрдилар паҳлавонлар баҳам,
Ки гўдарзи Кашвод ҳам, кўст ҳам.
Уқуб офаринлар булар размиға,
Тикиб жонларини ўлум жазмиға.(?)

Алқисса буларда ҳеч олоғи ҳарба қолмади, токим
булар ишлатмаган. Каманди бежонни мисли зулфи хў-

бон янглиғ тоб дар тоб қилиб, бир-бирларига жавлон кўргуздилар. Қазоро Сухробни оти гафлат бирла ўтуб бориб, Таҳамтан фурсат топиб, камандни солди. Сухробни бошини каманд домига гирифтор этти. Рустам раҳшига маҳмиз бериб, то ул пур дилни тортиб, дастгир этгай. Сухроб ҳам отини бошини ёндуруб, қадамларини қойим қилмоқ бирла нўги каманд узулуб, Сухроби ял бошини каманд банддин халос қилди. Шул соат ҳар иккилари отларидин тушуб, гўштин олишмоқға қўл қўйдилар. Бу икки паҳлавони пур дил бир-бирларини тутуб, қуввати бозуларини кўргуздиларким, фалақ атласи юз минг кўз бирла ҳайратда қолди. Ғабро юзи буларни тоби тўшидин афқор ўлуб, бир ҳомилининг бели ҳам бўлди. Бу икки паҳлавонни баданларидин жўйи арақ оқа бошлади ва ташналикдин лаблари чок-чок ўлди. Назм:

Бу янглиғ деди Рустами филтан,
Ки мундоғни кўрмаб эдим ҳеч қачан.
Манга хор эди разми деви сафид,
Эронликдин ўлди кўнгул ноумид.

Алқисса бу икки паҳлавонни пурдиллиқларига икк дарёйи лашкар назора қилиб, офарин ўқур эрдила Назм:

Гаҳи ул ани минг қадам ёндуруб,
Гаҳи ул мунн минг қадам келтуруб,
Гаҳи ул тутуб чун давола камар,
Гаҳи бу суруб гўйиё шери нар.
Гаҳи ул мунунг қоматин ҳам қилиб,
Гаҳи бу ани кучда мулзам қилиб.
Ғамин бўлдилар бу икки паҳлавон,
На паҳлуки жанг жўйи шери жаён.

Аммо бу дасти бозу бирла Таҳамтан тоғқа қўл урса, илдизи бирла кўмориб олур эрди. Ва агар ер қабзаси Сухробга кирса эрди, бир андоз бирла барандоз қилур эрди. Ва ҳар икки паҳлавон бу қисм зўроварликлар қилиб, охирул амр, маслаҳат бирла ажраштилар ва ҳар иккаласи ўз мақомларига ёниб, ором олдилар. Офтоби оламтоб ҳам тахти зарриндин тушуб, қаро чодир ичида пинҳон бўлди. Ҳар икки тарафни паҳлавонлари зарра хуфтонни пўст бабарри биёбон ва тийри камон, амудгарон, найзайи жонситонларига оройиш бериб, яроғи жанг қи-

лур эрдилар. Аммо Рустам Қайковус шоҳни олдиға
бориб, айтур эрдиким:—«Эй жаҳони шаҳриёр, назм:

Бу янглиғ ўғулни жаҳон кўрмаган,
Еши ҳам ики еттидин ўтмаган.
Менинг кўнглума бу ўғулдин гумон,
Жаҳон офарин қудратидин нишон.»

Алқисса, тонг отиб, хуршеди ховар фалак майдонида
заррин аламини ёйиб, шаби тийрани рўзи равшанга му-
баддал қилди. Эронун Турон лашкари ясолоролиғ қилиб
турдилар. Абр сафолиғ айлади, бод фарошлиқ қилди.
Ду дарёи лашкар дар тақобили якдигар мисли Жайхун
мавж урар эрдилар. Аммо бу ики паҳлавон яна маъ-
рака ичра қору зор туздилар ва ҳар икки сафшикан бир-
бирлариға лаъблар кўрсатиб ва ўтган паҳлавонларни
арвоқларини тамошо учун тиргузур эрдилар. Назм:

Олиб қўллариға камони Қаён,
Садоқидин айлаб ўқини аён.
Равон айлабон тийри дилдўзлар,
На дилдўз дейким — жаҳонсўзлар.
Садоғида қолмай ўқи синдиё,
Сипар бўлди ғирболи тан гўйиё.
Олиб илкиға найзаи жон ситон,
Югуртуб бири бирга бермай амон.
Сойиб, синдуруб найзаларни булар,
Буларға ўқуб офарин баҳру бар.
Яна олдилар қўллариға амуд,
Амудигарон санги чархи кабуд.
Ҳибориб бошидин чу алвожлар,
Учуб бошидин юз туман тожлар.
Амуди сипардин учуб раъду барқ,
Амуд ўлди дарёи оташда ғарқ.
Ғилофдин олиб чобук ул тиг тез,
Бу ҳам айлади шер янглиғ ситез.
Дами тиглар бўлди пушти наҳанг,
Ки мундин келиб паҳлавонлар батанг.

Алқисса бу икки паҳлавонни баданларида жавшан
ва хафтонлари пора-пора бўлди. Тамоми гўстивонлари
тўқулуб, охирул-амр, отларидин тушуб, гўштигирлиқға
муқайяд бўлдилар. Ҳар бири даволу камарин тутуб, зўр-

лар қилишур эрдилар. Гоҳи Рустам Суҳробни юз—икки юз қадам, бу андин камроқ, гоҳи Суҳроб Таҳамтандин зиёдароқ орқалариға туртушур эрдилар. Буларнинг бозусиға фалаку малак офарин ўқур эрдилар. Аммо бу шердил зўридин Рустам бетоб ўлуб, пурдиллиқ вайҳидин изҳор этмас эрди. Аммо Суҳроб баякбор Рустамни ҳар икки оёғидин тутуб, зўри тамом бирла кўтариб эрди, Рустам қўли бирла ерга таяниб турди. Суҳроб ханжар тортиб, Рустамнинг бошини кесгай. Рустам мулойим сўзлар била фусунсозлиғ қилиб, бу жавони шердилни тўхтатти ва яна айттиким:—«Эй жаҳон паҳлавон, бизнинг мамлакатимизда андоғ расми ойиндурким, паҳлавон паҳлавонни зердаст этса, ани ўлтурмас. Дигар бора панжа бар панжа қўярлар. Агар ул маҳал ҳар на қилса, қилур». Суҳроб бу сўзни эшитти, эрса Рустамни қўя берди ва дедиким:—«Дигар бора разморолиғ қилоли!» Таҳамтан қўпуб бошини ерга қўюб, муножоти қозиюл ҳожот қилди. Ҳақ таолодин зўр бозу илтимос қилиб, лаҳза ором олиб дедиким: муножот:

Худованди ети худованди нур,
 Худованди бозу, худованди зўр,
 Сангадур мусаллам ҳама қору бор,
 Мани қилма мағлуб, эй биру бор.
 Баҳаққи жалилу, баҳаққи халил,
 Худоё, мани қилма зору залил.

деб, соати ором олиб, банди тамом бирла Суҳроб баробариға келди, дарафтод ўлуб, банди камаридин тутуб, зўрини кўргузди. Қазоро ҳақ таоло Суҳробни дасту бозусидин зўр қувватни олиб, тамом зойил қилди. Жаҳон паҳлавон яъни Рустами Дастон номи яздонни забониға келтуруб, дедиким:—«Эй парвардигори жон офарин, мани бу наврасидага музаффар ва мансур қилғил!»—деб, наърай жарожар тортиб, қуввати тамом бирла паҳлавони наврасидани ердин узди, юқори кўтариб, ерга чолди. Ул маҳалда Суҳробни тарафидати ҳама лашкарлар орқалариға ёниб қочтилар. Булар бирла ҳеч кишини ишч қолмади. Аммо Рустам Суҳробни сийнасиға чиқиб ўлтурди. Дарҳол ханжар тортиб, кўксини ёрди. Ул маҳалда Суҳроб оҳи сард аз дили пур дард тортиб, айдиким:—«Эй баднишон, мани номардлик бирла қурсоқимни ёрдинг ва отам жамолидин маҳрум эт-

тинг. Албатта, бу номдор орасидин биров отамга еткузгусидур. Манинг қонимни сандин тилар». Таҳамтан сўрди:—«Отанг кимдур?» Сухроб дедиким:—«Отам Рустамдур». Таҳамтан айдиким.—«Қайси Рустам?» Дедиким:—«Номи Рустам жаҳон сафҳасидаким жаҳон паҳлавони Рустами Дастондур». Таҳамтан ҳайрон бўлиб, қўлидоқи ханжар бирла ўзини ургай. Сухроб қўл узотиб, отасини қўлидоқи ханжарни олиб ташлади. Дедиким:—«Магар сен Рустамсан?» Таҳамтан айти:—«Ори, ман Рустам!» Сухроб айти:—«Сандин ман ҳарчанд сўрдим, — айтмадинг. Аммо мани кўнглум санга куяр эрди ва яқин билур эрдиким, сен Рустам! Аммо кўнглунг ниҳоят қатиг эканким, ҳаргиз меҳри оталиқ ҳаракатга келмади ва отингни мандин пинҳон тутдинг, асло айтмадинг. Эмди бери кел, отам нишоналарини кўргил ва бозуларимни очил ва гавҳару дурдоналарни мушоҳида қилғил!» Бас, Рустам бу мўҳрлар била бозу бандни кўруб, Сухробдин мундоғ сўзларни эшитиб, яқосини пора-пора қилди ва сақолини чангал-чангал юлди, зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлар эрди ва дер эрдиким, назм:

— «Ки мундин кейин менга не шодлиқ,
 Бузур кўнглума недур ободлиқ!»
 Муни дер эди йиғлар эрди баса,
 Йўқ эрди ўзиким ўзида эси.
 Сочиб бошига хок, йиртиб юзин,
 Қўториб уруб ерга ўзи-ўзин.
 Тўкар эрди ёшу юлар эрди мўй,
 Хурўш айлабон ҳар замон тоза рўй.
 Анга деди Сухроб: — «Кўб йиғлама,
 Ғаму хасрату дарду қайғу ема,
 Қи ўз қилғон ишга пушаймон недур
 Басе сўгу зорию хирмон недур!
 Бу эркан манга эзиди покдин,
 Ато илкида ўлмак афлокдин.
 Ки бу йиғламоқ ўлмакимга на суд?
 Бу эркан манга мунча тобмоқ вужуд.

Алқисса, Сухроб ўлмакига баса дилгир ўлуб, ниҳоят пушаймон бўлғонидин ўзини ўзи ўлтурмоқ қасдиға тушти. Сухробни ерга тўкулган қонини юзи, кўзиға суркади ва ул аснода шоҳ Кайковус бу қисм ишларни мушоҳида қилиб, Геву Гўдарзни буюрди, бориб кўргилким,— ул

филтанга на етти ва нима бўлубдур, — деб. Бас, Геви пур дил отиға даб бериб ва тозёна уруб югуртуб, Таҳамтан қошиға етти. Кўрдиким — йиғи ва зорида. Сўрдиким: — «Эй тожбахш, санга на бўлди?» — дегач, Таҳамтан аҳволни бир-бир баён қилди. Гев ёниб, шоҳ(га) ўтган воқияларни тақрир қилди ва яна Рустам олдиға бир маҳди заррин келтуруб, ул хужаста пайкарни бу маҳд ичра ётқузуб, ўзлари пиёда, гирякунон ва зори тазарруъ бирла саропардалариға келдилар. Шоҳға пайғом юбордиким, то нўшдору юборгай. Жамиъ бузруг ва донишмандлар нўшдорўйи хос буюруб эрдилар. Аммо бу аснода кўрдиларким, Таҳамтан саропардасиға келди. Назм:

Сипаҳдори Эрон ҳама бо хурўш,
 Таҳамтан қошиға келиб қилди жўш,
 Кўруб барча Рустамни усру ғамин,
 На ғамлик кўруб, бал кўруб мўтамин,
 Сочиб бошиға ҳар замон тийра хок,
 Узуб этини, айлабон жома чок.
 Ҳама сўрдилар: — «Бу нечук кордур?
 Аён айлагил бу на асрордур?»
 Деди ҳар на ўтмиш эди сар басар,
 На топмиш атодин кироми писар!
 Таҳамтан била барча қилди хурўш,
 Сипаҳдори Эрон аро тушти жўш.
 Завора келиб, нола оғоз этиб,
 Басе сўгу дарду алам соз этиб.
 Инисини кўргач бу янглиғ назор,
 Таҳамтан яна йиғлади зор-зор.
 Деди:—«Эй Завора едим ўз этим,
 Азалда битилган экан бу хатим.»

Алқисса, бу асонда Геви Гўдарэ ва Туси Навзар Густаҳами Қашводи меҳроб — барча паҳлавонон Суҳробни кўруб, дорулазим қилдилар. Рустам пайғомини шоҳға етқузуб, нўшдору дедилар. Аммо шоҳ Қайковусни хотириға бу еттиким, бу шербача, бу хасталикдин салимул-аъзо бўлса, бу қаду-қомат бирла Рустам мундоғ ўғуллар била манга ҳаргиз парво қилмас. Балки подшоҳлиғ тахтидин тушуруб, тожу тахтни мандин олур», деб, бу фикрда хазинани очқуси йўқолибдур деб, баҳона ароға келтурдилар. Рустам муни эшитиб, қўпуб, шоҳни бор-

тоҳиға келиб, ганж эшикини бир пеши по бирла йиқитиб, эшикни парча қилиб кириб, нўшдоруни қутиси бирла олиб келур эрди. Бу аснода йўл узра хабар бердиларким ул йигитлик бўстонининг навниҳоли гулининг чечакни ажал самумининг шамоли учурди. Таҳамтан бу хабарни эшитиб, бир оҳ уруб, раъдвор наъралар била ўзини ерга уруб, ҳушидин кетти. Соатидин кейин яна ҳушиға келиб қўлуб, саропардасиға келиб кўрдиким, фарзанди ўлубдур. Соч-сақолини юлуб ва сийналарига уруб, зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб, яна ҳушидин кетти. То Рустам ҳушиға келгунча Сухробни юб, кафанга олдилар. Шоҳвор тобут айлаб, Сухробни жасадини тобутға солиб, даҳмага олиб дафн айладилар. Хисравлар ойини бирла қабр қилдилар. Аммо Рустам Ҳажирини Диловарни тутуб ўлтургай. Тамом паҳлавонлар ва улуглар ва шаҳриёрлар гуноҳини тиладилар. Андин кейин паҳлавонни Зобул ва диловарони Кобил ва чобуксуворони Ховар Рустами Дастонни саропардасини кўчуруб, андак замонда Рустам Зобулистонға келди. Тамоми аҳволотларини атоси—Золға баён айлади ва яна дедиким:— «Мундин кейин Қайковус юзиға боқмағаймен. Назм:

Дигар кўрмагум рўйи Ковусни,
 Яна истамаи суҳбати Тусни.
 Киши тобмағай мани Эрон аро,
 Отим илкламас халқи Турон аро.
 Дариг айлади нўшдоруни шоҳ,
 На суд эмди берса — иш ўлди табаҳ».

Золи зар дедиким:—«Эй ўғлум, мундоғ сўзларни айтмағил, анинг учунким, Сухробни умри мунчалик экан, Қайковусда на ҳад борким, нўшдору бергай ва бермагай. Нўшдору била киши тирилмас. Ҳақ субҳонаҳу ва таолони хоҳиши андоғдур. Бас, қазоға ризо бўлмоқ керак»,— деб, кеча-кундуз насиҳатлар қилур эрди. Рустамни йиғи-зориси зиёда бўлур эрди. Алқисса, субҳ эрдиким, Зол Рудобани қошиға бориб айттиким, Таҳамтанни аҳволи забун. Мабодо бу шердил ўзини ҳайф этмағай ва бу ердин чиқиб кетгай. На учунким, кўнглини ниҳоят озурда кўрарман». Бас Рўдоба дедиким:—«Онча хоҳиши худованддур — андоғ бўлур»,— деб турар эрдилар. Бир кун Таҳамтан Рахшни тутуб, тамом яроғ-жабдуқларини ўзиға тартиб бериб, отиға миниб, танҳо саҳро сари равон

бўлди. Бу хабар Золға эшитилди. Ва барча хурду калон ва паҳлавонони гарданкашларни ҳар тарафга юбордиким, Рустамдин хабар олинглар деб. Булар чиқиб, истар эрдилар, Дастони Зол ҳам паҳлавонлар бирла Рустамни истаб юрур эрди. Аммо Таҳамтан то бир ҳафта Зобул атофида саросимавор юрди. Андин кейин Эрон, Систон, Зобулистон, Ҳиндустон сарҳадини ғойиб бўлди ва эл кўзидин нолайдо бўлди. Зол ва Завора ва Фаромарз ҳам хабарини юлолмадилар. Андин барча назорлар ёндилар.





НИЗОМИЙ
ГАНЖАВИЙ





«БАҲРОМ БИРЛА ДИЛОРОМ»
ДОСТОНИДАН

Бир кун Баҳром шоҳ шикорға чиқиб ва тоғу дараларни сайр этиб юрмиш эрди. Бир хуршед манзару қамар пайкару чангнавоз, хушовоз канизаки ҳамроҳ эрдиким, ани бағоят севар эрди ва ҳар вақтда анга чангнавозлик қилдуруб жамолиға хуш бўлиб ишқбозлик қилур эрди. Анинг назарида чусту чобуклик кўргузуб, ҳайратафзо шевалариға қараб, ўқларни отиб, кўп қўлонни сайд этди. Умид улдурким, ул канизак, анинг ул ишига таҳсин ва офарин кўргузуб, дуолар қилғой. Аммо ул канизак нозу истиғно кўргузуб, Баҳромнинг бу ишига таҳсину офарин демас эрди. Ул чоғда бир қўлон узоқдин кўрунди. Баҳромни(нг) кўзига: кўруниб қочиб боратуруп. Баҳром канизакга дедиким: «Эй нозанин ва эй ноз офарин, айтғил, бу қўлонни қайси аъзосина ўқ урай? Кўнглинг нечук тиласа, анга андоқ захм еткурай».

Канизак ноз бирла дедиким: «Қўлоннинг боши бирлан (оёғини) бир ўқ бирла тикгил». Баҳром қабул этиб, камон ғўлак бирла бир ғўлак тепдиким ул ғўлак қўлоннинг қулоқиға кирди. Қўлон офирлиқға чидай олмай, ғўлакни қулоқидин чиқормоқ учун туёқни қулоқиға текурди. Ул вақтда Баҳром бир ўқ отиб, ул қўлоннинг оёқи бирлан бошин тикди. Қўлон ҳалқадик букланиб ерга йиқилди. Баҳром талаб қилиб канизға боқиб дедиким: «Кўрдунгму нечук урдим ва не янглиғ нобир иш зуҳуриға кетурдим». Яна ул канизак таҳсин кўргузмай, деди: «Подшоҳ бу ишни кўп варзиш қилибдур. Ҳар киши бир мушкил ишни варзиш қилса ул иш анго осон бўлғусидур. Подшоҳнинг бул иши машқдиндур, варзиш кўплигидур. Таҳсин ва офарин жойи эрмастуруп».

Подшоҳ канизакнинг бу сўзидин ғазабнок бўлуб, тиладиким, уқубат тифининг зарби бирла ҳалоқ қилғой. Яна ўз кўнглига дедиким, истеза бирла: «Бир хотунни ўлтурмак мардларнинг иши эрмастурур. Ложарам канизакни бир сарҳанггаким, бағоят золим ва берахм эрди, топшурди ва деди: «Бу канизни ўз уйюнгга олиб борғил ва кўзумга кўргузмай, ишин тамом қилғил». Сарҳанг канизакни уйга олиб бориб, тиладиким, тиф била бошин бадандин жудо қилғай. Ул ҳолда канизак зор йиғлаб: «Мени бегуноҳ ўлтурмагилким, ман подшоҳнинг хос маҳбуби ва хотирининг марғуби ва жонининг коми ва кўнглининг оромидурман, гарчи ҳоло бир густохлигим сабаби бирла қаҳри келиб сиёсатга буюрди. Аммо бу ишдин сўнроқ пушаймон бўлур. Сен бир неча кун сабр қил ва мени ўлтурмагил ва подшоҳнинг (олдига) бориб ўлтурдим дегилким, агар подшоҳ (пушаймонлиғ зоҳир этмаса) ва агар сенинг сўзингни эшитиб шод бўлса, дарҳол келиб мени ўлтургил. Ман қонимни санга биҳил қилдим ва агар сўзингни эшитгач, дилтанг бўлса, ман ўлумдин қутулурман. Сан подшоҳнинг иноятидин шодком бўлурсан». Бу сўзни айтиб киссасидин етти лаълпора чиқориб сарҳангнинг олдида қўйдиким, ҳар бирининг баҳоси бир иқлимнинг хирожи эрди.

Андан сўнг сарҳанг ани ўлимидин қўл чекиб дедиким: «Энди мундин буён подшоҳнинг отин тутмоғайсан ва ҳар кимни кўрсанг: «Ман уйнинг хизматкори турурман», десанг, ман сенинг бу ишингга чорасозлиқ қилурман» ва аҳду паймондин бир ҳафта ўтгандин сўнг, бир кун сарҳанг подшоҳнинг эшикига борди. Подшоҳ андин канизакни ҳолидин хабар сўрди. Сарҳанг дедиким: «Канизакни ўлтурдим», эрса подшоҳ бу сўзларни эшитгач, кўзидин ёш равон бўлуб, бир оҳи сарде чекди.

Андин сўнг сарҳангни кўнгли ором топди ва сарҳангнинг узоқ ерда бир яхши боғи бор эди ва ул боғда бир баланд ва фалак монанд бир кўшк бор эрдиким, олтмиш зина бирла ул кўшк айвониға чиқар эрдилар. Сарҳанг ул канизакни ул кўшкда қўйди. Ул замонда сарҳангнинг бир бўғоз сигири бор эрди, бир бижоқ тўғурдиким, бағоят хуш сурат. Канизак ул бижоқни ҳар кун бир мартаба кўтариб кўшкнинг устига чиқориб, алаф бермак учун одат қилди ва ул одатни ҳеч бир кун тарк этмас эрди ва бижоқ улуғ ва оғир бўлгон сари канизакнинг ҳам ку-

чи ва қуввати кўполур эрди, то ким бижоқ олти ёшига кириб бағоят улуғ бўлди. Анда ҳам ул ўкузни канизак ҳар кун кўтариб, олтмиш зинадан осонлиқ бирла кўшкнинг устига чиқарур эрди. Бир кун канизак сарҳанг бирла кўшк устунда ўлтурғон чоғда, қулоқидоғи осилғон гавҳарлардин тўрт гавҳарни олиб, сарҳангни қўлига берди, деди: «Бу гавҳарларни сотиб зиёфат асбобиға харж эт. Подшоҳ шикорға чиқиб бул кўшкга яқин етган вақтда жилавидин тутуб, бул жойға киргузуб, кўшкга тушурмакни илтимос этгил. Шоҳ Баҳром кўп бир хуш хулқ кишидур. Сенинг бу ажзу ниёзингни кўрсалар албатта илтимосингни қабул қилиб бу кўшкга тушгайлар. Агар подшоҳ илтифот бирла бу кўшкга тушса халқ ичинда иковимизнинг қадримиз ва иззатимиз баланд бўлур эрди»—деди эрса, сарҳанг бу гавҳарларни олмай, яна жойинда қўйдурди ва ўз хазинасидағи нафақалардин харж қилиб, подшоҳона зиёфат асбобин муҳайё қилдурди эрса, Баҳромнинг йўлиға мунтазир бўлуб турди.

САРҲАНГНИНГ БАҲРОМ ШОҲНИ ҚАСРИҒА МЕҲМОН ҚИЛҒОНИ

Бир кун шоҳ Баҳром шикор тариқаси бирла саҳро жонибиға озим бўлиб йўли сарҳангнинг боғ ва қасри устидин тушди. Ул боғқа ёвуқ етганда кўрдиким, бағоят хушсафо, дилкаш жойдур, маҳрамлардин сўрдиким: «Бу кимнинг боғидур?» Ул чоғда сарҳанг Баҳромнинг жилавида шотир эрди, подшоҳнинг хитобин эшитгандин сўнг, гаъзим бирла ер ўлуб дедиким: «Бу боғ банданинг боғидурким, подшоҳнинг давлатидин муяссар бўлди. Ниҳоятсиз хушхаводур, жаннатосо жойдур. Бандаи камина умид қилурким, ҳазрат бир соат кўшкга тушуб, меҳмон бўлуб, муборак қадами файзидин биҳишт тарватин етурса ва фақирнинг бошин фалак гунбазидин ошурса» ва бу бобда муболиға қилиб зори тазарру кўргузди. Баҳром банда навозлик юзидин сарҳангни илтимосин қабул қилиб, деди: «Шикордин қайтиб келиб, сенинг қасрингға тушуб, меҳмон бўлурмиз, биз келгунча сан зиёфат асбобин тутғил»—деб шикоргоҳ тарафиға равон бўлдилар. Андин сарҳанг қасрни ораста қилиб, зиёфат асбобин тайёр қилди эрса, Баҳромшоҳ кеч шикордин қайтиб келиб, ул кўшкга тушуб, олтмиш зинадин ул кўшк устидағи айвонға чиқиб, тахт устида ўлтуруб, ҳушвақт

бўлди ва таому шаробдин фориғ бўлгондин (сўнг) сарҳангга деди: «Қасринг бағоят олий ва мусаффо эркон, аммо сенинг ёшинг олтмишдин ўтубдур ва қарибдурсан, бу баланд кўшк устига олтмиш зинадин нечук чиқарсан?» эрса, Сарҳанг дуо қилиб деди: «Бул иш мандин таажжуб эрмастурур, мундин ҳам таажжуброқ ишни кўргил, ким, бир қамарпайкарлик ва сарв қоматлик, бағоят нозик андом қиз бордурким, бир тоғ ҳайатлиғ улуг ўкузни ҳар кун бир мартаба бўйнига кўтариб, бу олтмиш зинаға қадам қўюб ҳеч бир ерда таваққуф қилмай осонлиқ бирла кўшкнинг устиға чиқориб алаф берадур ва яна тўйдуруб бўйнига кўтариб кўшкдин ошоқға туширадур. Ўкуз ниҳоятсиз семуруб, ўзининг ёғин ўзи кўтаролмайдур ва бу диёрда ҳеч киши зўр уруб ани асло еридин тебрата олмағудек бўлгондур. Ул қизнинг бул иши манинг олтмиш зинадин қаср учакига чиқғонимдин ажаброқдур»,— деди; эрса, Баҳром бу сўзни эшитиб, таажжуб кўргузуб, деди:—Бир қиз мундоқ ишни нечук қилур? Ман ўзим то кўзим бирла кўрмагунча бовар қилмоғимдур,— деди; эрса, сарҳанг дарҳол ериндин туруб, бу сўзларнинг даъвосин рост қилмоқ учун ошоқ тушуб канизакига ул ҳикоятни айдилар; эрса, канизак вақтни ғанимат топиб, зар-зеварлар бирла ўзин ораста қилиб, кўзлариға сурма чакиб, юзига оқ ҳарирдин ниқоб тортиб, юз нозу карашма бирла, ўкузни кўтариб, зиналардин осонлиғ бирла юруб, кўшк устиға чиқориб, Баҳромнинг тахтлари олдинда қўйди ва деди:—Эй шоҳи олам, бу ўкузни сизга пешкаш қилдим. Яна деди:

— Ман бу ўкузни осонлиғ бирла ошоқдин кўтариб, қасрни устига чиқардим. Эмди жаҳонда ким бордурким, минг зўр бирла бу ўкузни кўтариб кўшкдин ошоқға тушургой?

Баҳром деди:—Бу иш сенинг кучинг, қувватинг кўпликидин эрмастурур, балки бул ишни кўп муддатдин бери варзиш қилибдурсен, машқ ва таълим бирла бу иш санга осон бўлубдур. Анинг учун бу ўкузни кўтариб, ҳеч ранжу машаққатсиз кўшк устиға чиқарурсан,— деди.

Ул чоғда канизак Баҳромнинг олдида таъзим қилиб, деди:—Подшоҳнинг бу сўзи таҳсин ва таажжуб жойидурким, ўкузни кўтариб ошоқдин кўшк устига чиқармоқ машқ, таълим бирла бўлғой ва қўлонни бир ўқ бирла бош оёқин тикмак машқ ва таълимсиз бўлғой? Не учун ман бу ўкузни кўшк

устига чиқарғонимга таълим от қўёрлар? Не сабабдин қўлоннинг бош оёқин бир ўқ бирла тикмакга таълим от қўймаслар?—деди; эрса, Баҳром бу сўзни эшитгач тахтдин тушуб, югуриб канизакнинг олдиға бориб, юзиндин пардани кўтариб, таниб, кўзин юзига суртиб, йиғлаб, қучоқлади, қилғон ишига узурлар деб, ойди:—агарчи мастлик ҳолида, худройлиқ бирла, санга сиёсат буюрдим ва лекин сенинг фироқингда меҳнату ситам тигин ўз жонимга урдум,— деди; эрса, канизак деди: «Шоҳнинг бир ўқ бирла қўлоннинг бош оёқин тикгани ҳайрат мақоми ва таҳсин жойи эрди, аммо манким анга таҳсин кўргузмакда сабр этдим, арзим бу эрдиким, подшоҳнинг давлати ёмон кўз заҳматидин йироқ ва умри муддати узоқ бўлғой»— деди, эрса, канизак (ни) бу сўзи Баҳромга андоқ таъсир этдиким, шавқ бирла қучоғига қисиб, жонидин азиз тутди. Сарҳанга ҳам канизакни ўлтурмай, сақлағони учун, кўп илтифот қилиб, Рум вилоятин ҳукумагин берди. Андин сўнг, кўшқдин тушуб, шаҳрга келиб, улуг тўй қилиб, канизакни ақди никоҳига киргузуб, шароб базмин тузуб, кўп йиллар кўнгли қомига айшу иззат қилурға машғул бўлдилар, эрса, жаҳондин парвойи бўлмади.





«ЧОР ДАРВЕШ» ДАН

НУЪМОН САЯЕҲНИНГ САРГУЗШАТИ ТАМОМ БУЛИБ,
АЖАМ ВИЛОЯТИНИ ШАҲЗОДАСИНИ (НГ) ҚОЛҒОН
САРГУЗАШТИНИ БАЕНИ

Эй дарвешлар, бу камина ул офтоб жоҳу жалол ва хулқу камолни жамоли васфини англаб, ба якбора шифта ва паришон бўлуб ўзумни билмадим. Ушбу ерда ул марди аҳли дардни қўлига бўса қилиб дедим: «Эй ошнолик йўлини хизри, меҳрибонлиқни дариг тутмағилки, икки пора бўлгон дилим фарангини қайдиға гирифтюр бўлди.

Б а й т:

Ҳужум келтурди ишқи ёр дилға бе муҳоболиғ,
Бажўш келтурди мағзи устухоним шўри савдóлиғ.

Ул киши мани изтиробимни кўруб мутаҳаййир бўлди. Дедим, эй марди огоҳ, муҳаббат гувоҳдурки, токи муддаоға етмагунча ором олмасман. Ёки қўлумға келтурарман, ё жонимни ани талабида берурман.

Б а й т:

Талабдин қўл кўтармасман, муродим токи топмасман,
Чиқар ё жон танимдан, ё етар жононаға бу тан.

Андоғ илтимос қилдимки, ани тараҳҳум йўлиға келтурдум. Насиҳат қилгондин кейин ишқни(нг) роҳи равшини ва сулуки тариқини таълим берди. Мани ҳаққимда бе риё дуо қилиб, бир мушт дираму динорин манга ато қилди. Либосимға тағйир бериб, видоъ шартини

Бажо келтуруб, ул тоғдин пур андух кўнглум бирла се-
добдек югурдим. Дашт-биёбонларни кўзумнинг нури
била равшан қилиб, кеча ва кундуз гирья ва сўз (билан)
биёбонларни кезар эрдим. Бир ерда ором олмай, ажойиб
ва гаройибларни кўрдим. Беҳад ва бешумор заҳмат ва
машаққатни тортиб, бир диёреға еттим. Ҳардам навҳа ва
фигон шуъласини фалакка еткурур эрдим. Бу абётни
мазмунини жон тили била айтур эрдим.

Б а й т:

Дида очғил токи ул солғай нигоҳ,
Тез юргил ашк топғил шоҳроҳ.

Заҳмати бисёр ва меҳнати бешумордин кейин ул
диёрға бир ҳолатда еттимким, мўйисар камаримға етиб
эрди, заифликни сабабидин девонавор, тифлларни отқан
тошлариға ҳадаф бўлуб, неча маҳал ул диёрда, ул зебо
нигорнинг жусту жўйиға, ул дурри шаҳворни тафаҳҳуси-
га мажнун кирдор юрдим. Ҳеч тарафдин файз бўйи, шаф-
қат насими олмадим. Алоҳозо кеча-кундуз дуди дилим-
ни фалакка еткурур эрдим ва айтур эрдимким;

Б а й т:

Ёрни дидорини кўрмак баседур орзу,
Ё дили пур дарду ранжу қон ёшимдур орзу.

Бир йилғача ул висол давлатининг талабида паришон
аҳвол бўлуб, ушоқ болаларға ўйин бўлуб юрдим. Охир
ҳолда бу ишни авзониди дилгир бўлуб, ҳаётни саботидин
саргашта, гардун гардишидин забун бахт бўлуб, ганж
саъю талошини қилиб бу байтни мазмуниға суруд қилур
эрдим.

Б а й т:

Эй фалак бечора, бесомон ўзум,
Дарбадар овора саргардон ўзум,
Қилма нолиш сан жалолу жоҳдин,
Бўлма ғарра, қил ҳазар бу оҳдин.

То буки жигар сўзлуғини ғоятдан саҳар вақтларда
мазаллат туйроғида юзумни суртуб, ажзу шикаста-
лик бирлан йиғлар эрдим... то субҳғача гирья ва
зору нола ва беқарор арзи ҳожат бадаргоҳи бори

била ўткарур эрдим. Офтоб тулуъ қилгондин кейин, кунжи вайронадин дили девона била далага чиқиб, бозорга бориб шаҳарни чорсуйиға еттим. Тўда халқларни кўрдумки, қочиб кетар эрди. Бозорни ичида ҳеч кимарса қолмади. Кўрдумким бир баланд ҳиммат йигит, йўлбарс табиат ҳайбат била хашмгин бўлиб, юзи офтобдек, соқоли мушкнобдек, санавбар қад, кўзлари товус янглиғ пурхун эрди. Яхши эгинлар кийиб, камари мурассаъ белига боғлаб, заррин занжирни қўлиға олиб, тиф олмосни ҳамойил қилиб, ани ранги-рўйи барҳам зада, қаҳри тўлолиғидин оғзидин қўлғуж келиб, шашпара турзини қўлиға олиб, селобдек хуруши ғавғо қилиб келур эрди.

Орқасидан икки ғуломи моҳ талъат ўн тўрт яшардин, гўё дур ва гавҳар ичида ғарқ эрди. Бир тобут (ни) ул икки ғулом кўтариб, чорсуни ўртасиға келиб, ул йигитни ишораси била жанозани ерда қўйдилар. Ул йигит жаноза бошиға келиб, юкунуб ўлтуруб баланд ёвоз бирла, оҳи жигар сўз била бу абётларни ўқур эрди. . . Абр найсондек гиръя ва фиғонға кирди, ҳайбатидин халқдин шўр, ғавғо қўпуб, ани жонсўз овози тобишидин ҳама ҳушидин кеттилар, ончунон гиръя қилиб, элни ҳам йиғлатди. Андин кейин, қўлини қўлга уруб, қарс чиқориб, бачанд навбат ул жанозадин айланди. Жанозани қуллариға кўтартиб юрди. Эй дарвешлар:

Б а й т:

Муҳаббат ғамзада дил бирла улфатни олур кўброқ,
Чароғиким тутун бошидадур, равшан бўлур илдам.

Бу ҳолни кўруб, бу мақолни эшитиб, баякбор девонавор бўлуб ўзлугимдин кеттим. Изтироби бисёрдин кейин, андиша қилдимким, соҳиби тажриба бузруклар айтибдурларким, ҳаргоҳ кимарсага муҳимме пеш-пеш келса, тадбир сарпанжаси била очилмаса, бўлғайки комил ва соҳиб тадбир кимарсага илтижо қилиб, ани иложини ул кишидин талаб қилғай ва зори била ул кишидин дуо олиб, талаб водисиға қадам қўйғай.

Б а й т:

Ақлу дониш бирла ҳосил бермаса нахли мурод,
Кори оқил улки мақсад топғуча девоналиғ.

Бу мушкулки санга пайдо бўлбдур, ул кишидин ма-
дад талаб қилмай, бу ишни кушойишига тадбир йўқдур.
Ҳарчанд юрган била муршиди комилни хизматиға ет-
массан, беҳтар улки ўзунгни девоналикка ташлағайсан:

Девоналиғ била неча ишни очар киши,
Девона бўлки махзани матлаб топар киши.

Шоядки ушбу васила била гам шомини сабоҳи, боғ-
лангон эшикни мифтоҳи пайдо бўлур, деб андиша қил-
дим. Алоҳозо ул йигитни орқасига кириб, равон бўлдум,
халойиқлар кўруб мани бу ишдин манъ қилдилар.

Б а й т:

Ҳазар қилғилқи ул шўхи ситамгар,
Балойи жон эрур ё шери сафдар.

Айдилар: «Эй ғариби жоҳил ва эй жувони гофил,
жаҳондин тўюб ҳаётлигингдин кечкан кишимусан. Бу
хаёли хом била ўзунгни балоға солурсан». Мен ҳам де-
воналиғни пеша қилиб, буларни насиҳатиға қулоқ сол-
мадим. Ўз ихтиёримға қўймадилар. Буларнинг орасида
бир дардманде бор эрди. Ул мани ҳолимни кўруб, манга
ҳизр бўлуб, уларга дедиким: «Эй ёронлар, девонанинг
орқасидан боргон ҳам девонадир, бу мажзубдин қўлунг-
ларни кўтаринглар. Кўнглини манъ тирноқлари билан оғ-
ритманглар», деб ўз ҳолимға қўя бердилар. Ул йигитни
орқасидан равона бўлдум.

Халқ ани олдидан қочар эрдилар, ман ани орқасидан
қувлар эрдим. Ҳар кимарса мани бу ҳолда кўрса таас-
суф қўлини тишлар эрди. Ул йигит кетиб бориб, мани
воқимни эшитур эрди. Ман сори қарамас эрди. То бир
ҳилват ҳавлини эшикига бориб, ичига жирди. Ман таш-
қари туруб ҳайратда қолдим. Бир фурсатдин кейин бир
ғулом баччани чиқариб, мани ичкари олиб кирди, ичкари
кирганда худоға шукр қилдим. Бир сафолиғ боғ ва имо-
рати олий анда бино топгон эрди. Иморатга дохил бўлуб,
ул йигит бир тахтни ёнида ўлтуруб, тахтни узасида ул
жанозани қўюб, шамъи кофурини бош тарафида ёнду-
руб, ул шашпарралик гурзини тутуб, бошини тубан со-
либ, бир хаёлда мустағрақ бўлгон эрди. Қадамимни ич-
қари олғонда таржимон тилимни очиб, ул йигитни юзига

боқиб салом қилдим. Урнидан сакраб туруб дедиким, «Эй аблах, мани орқомдин келдинг, бу шашпара бирла урарман» деди. Ман ҳам таслим гарданимни хам қилиб, ўзумни ўлумга тикиб дедимким:—«Эй жувонмард, ўзунгни динингни ҳаққида мани халос қилғилки, мундоғ тириқликдин, талх ком бўлубдурман». Муни эшитиб, шашпара гурзини ташлаб, андоғ силли қулоғимни тубига урдиким, ҳушумдин кетдим. Ҳушумга келгандан кейин ул кишини қучоғида бошимни кўрдум. Риоят ва адаб била улфат қилур эрди. Урнимдан қўпуб, ўлтурдим. Яна мани тарафимга боқиб хашм била дедиким: «Эй бе-хабари бечора, нучук оғриқинг борки ақлинг илтингдан кетубдур. Нучук воқиа жонингга тегибдурки, личоқ устихонингга етибдур? Сан жондан тўйғон кишиму? Ҳар ким мани кўрса, қочиб турса, сан мани қувлар эрдинг. Алҳол ростини манга баён қилғилки, санга раҳмим келди». Мен дедимким:

Рубоий:

Йиғидан ўзга билмасман, бу олам ичра гўдакдек,
Ки гўдак гирья қилғонда, дилосо дилбари қилмоқ,

Кишини топмадим ҳаргиз кўнгул дардин баён қилсам,
Кўнгул дардин баён қилғон кишига дилбари қилмоқ.

Гирья ва зори ғолиб бўлуб андоғ йиғладимки, ани йиғлатдим. Қўб йиғлагондин кейин дедики.—«Эй сўхта дил, йиғини бас қилғил. Ўз аҳволингдин баён қилғилки, қасам бахудоки ман зоминдурман, ҳар на матлабинг бўлса, кўшиш била кўзларимни ёпмасман, ёварлиғ ва мададгорликни лозимасини бажо келтуруб, ўзумни аямасман. Шарт улдурким, мандин ҳеч нимарсани яшурмағайсан».

Ман кўрган ва эшитган нимарсани ул маъшуқи покиза тинат фарангини суратини баён қилиб, ўзумни ном ва насабимни ва биёбонларда кўрган ва тортқон ранжимдан тақрир қилдим. Ул йигит тафаккур қилиб, бошини кўтариб, дедиким. . . «ул фитна ангизни бошидин фитналар ўтдики, халқни бошидин ўтмагандур. . . Сан ҳам ул гулузорни йўлида ранж ва озор тортиб, мани қошимга келубдурсан. Таҳқиқ билиндики, сан мустаҳиқ-дурсанки, мандин бўлак ҳеч кимарсадин, бу иш муяссар бўлмас. Шарт улдурки, аввалғи мартабада ани кўрганда ҳавсала била оҳу, нола ва беқарорлиқни қилмағайсанки, мундин ўзга

маслаҳат йўқдур. Базоти худо, қасамдурки, ушбу қондани хилофида сандин зуҳур тобса, шул ерда икки пора қилурман». Дедимким, эй жувонмард,

Р у б о и й:

Кўнгул берган киши хотир фаромуш,
Қачон ошиқда бўлғай тоқату ҳуш,
Ки оташ тиғидур ошиқ мизожи,
Мизожи ошиқи чун дек дар жўш.

Шарт бўлур; ул кеча-кундузни ўтқариб, яна бир кун и офтоб тулуъ қилғонда ул йигит мукаммал бўлур, ишора айладиким, то мани учун либос фохирани олиб келиб, манга кийдурдилар. Ул жанозани бир бошини манга бериб, яна бир бошини бир ғулумга бериб, равона бўлди. Ва ҳамадин ул йигит олдимизда юрди. Биз ани орқасидин. То қанча йўл юруб, ногоҳ боғининг эшикига етгук. Бир катта анҳорнинг канорасидан ишора қилдиким, ул жанозани анҳорни лабида қўюб, бир гўшада ўлтурдук. Ул диловар бир наъра жигаридан торттики, ул боғни ҳаммаси ларзага келди. Овози баланд бирла бу фазални ўқуди:

Ғ а з а л:

Сансиз эй сарви равоним гулу гулшан ҳама ҳеч,
Зулф сунбул ҳама ҳеч, орази савсан ҳама ҳеч.
Кўрмадим таънаи агёрдин, ул ёр юзин,
Бўлмаса кўзгу юзи, рўйина оҳан ҳама ҳеч.
Ҳофиза хулди барин манзили мавруд эмас.
Бу эрур манзили девона нишеман ҳама ҳеч.

Абр найсондек бўстонни саҳнида ашкини кўзларидан тўкти. Ман дидор ваъдасини шавқидан маст, саршор бўллуб, ул зебо нигорнинг мақдамига интизор бўллуб, гўша ва канорига нигарон бўлдум. Ногоҳ оллоҳ таолонинг фазли била бахтиёр бўллуб, толиим мададгорлик қилиб, ул меҳр буржи шарафдин намудор бўлди.

Ш е ъ р:

Товуси мастдурки наргиси маст,
Мастроқ бўлғуси бавақт хумор.
Ашки хунин гулоблар тўкти,

Орази гулга ул маҳи рухсор,
Ман чу кўрдум хиром тамкини,
Хираду ҳуш бўлди ҳам безор.

Дарвешон, азизон, буродарон, тоза назорасидин сином хора-хора бўлуб, чок бўлгон кўнгулумнинг бахялари тирноқларидин захм топти. Алоҳозо бошимни қўлум бирла тутуб, ўзумдин кеттим. Бир вақти ўзумга келиб, кўзумни очиб, ул сарвнозга назарим туштики, обҳаётдек сиёҳида пинҳондур. Мушкин торидин тўқуғон рўмолни қўлига олиб, ул диловар йигитга рў-барў заррин курсида ўлтурди. Ул мардоналик баҳрини гавҳари якдонаси нақл қилур ва ул ризосамъи била эшитур эрди. Ушбу вақтда сухан бир жойиға еттиким, ул гул узор базори зор, чун абри навбаҳор йиғлағоли турди. Анинг йиғисийи кўруб, беҳуд бўлуб, андоқ йиғлаб беором бўлдумки, фарёд қилмоққа яқин бўлуб эрдимки, тунни порара қилгойман. Ул шер мард ҳашм била андоғ захрни матлаби жонимга солдики, ваҳмидин беҳуд бўлдум.

Назм:

Мумкин эрмас ул жамоли офтоб,
Кўргали келтургай ул хаффош тоб,
Эй насим, ўтгил паришон айлагил,
Сунбули базмики зулфи мушкноб.

Алқисса яна ҳушумга келиб, ушбу нақл ҳикоя бизни орамизда эдики, ногоҳ ушбу аснода ул офтоб қулоқ солиб турғонда ижобат ишораси била қабул тутти, бир тамкин билаки, они завқидин яна ҳам ғаш қилиб ҳушёр бўлгондин сўнг ул ягонайн даврон ёниб кетиб эрди. Ул йигит ҳам кўпуб равона бўлди. Шул ерда гирён дидаларим била дилим хун тўкуб, бу байтлар вирдизабон, наҳваи таржимон бўлди:

Абъёт:

Кўнгилни изтироби ўргатур парвоз йўлумдин,
Борурман токи тишлар толии носоз йўлумдин,
Ниҳоятсиз низдур ошиёним, учмоқим мушкил,
Қи кўнгулум тўхтадиким, тўхтади парвоз йўлумдин.

Йўлда лабимни очмай, оҳ тортиб, навҳа қилур эрдим.
Ул мард мардонани жойиға кирганда, хилват ерни то-
пиб, танҳо ўлтуруб, ҳасрат қўлларимни тишлаб айтур
эрдим.

Ш е ъ р :

Кўзларимдин қатрайи ашки равоним келмади,
Бир-ики лахти жигардин пора қоним келмади.
То, халос ўлсам нигоро ман ғами беҳудадин,
Ғам ажалдин илгари бир меҳрубоним келмади.

Андин кейин у йигит бир соат ухлаб, уйғониб мани
талаб қилиб, аҳволларимни кайфиятидин сўрди.

Н а з м :

Фидо бўлсамки ҳолим сўрмағил зинҳор аммоким,
Сомондек рухларим, ҳам ашк ҳунин шоҳиди одил.

Дедиким алҳамдулилло валминна, толии кавкабинг
нуҳусатдин чиқиб, ҳижрон иддатининг интиҳосиға етиб,
бахтинг баландликка ёри берди. Умид наҳлинг пур мева
бўлубтур... Дедиким байт:

Бу бахтимни наҳсидин бу иш ҳаргиз эмас мумкин,
Қачонким орзу нахли самар берса худо қодир.

Дедиким: хотирингни жамъ тутки, ишинг муродиға ет-
ти. Билдингмуки, ани ёрингдан нечук илтимос қилдим?
Дедимким худо донодурки — беҳабарлиқ оламиндин бў-
лак ҳеч хабар ололмадим. Рост, бир-икки мартаба ха-
бардор бўлуб эрдим. Аввалги навбатда бир вақти бор
эрдики, ул нозанин йиғлар эрди, иккинчи навбатда қа-
бул тутуб, кўзлари била ишорат қилур эрди. Дедиким,
рост айтурсан, Ул икки ҳолни сабаби бор. Ман ул ҳолда
каломни ороға солиб эрдим, то улки сани аҳволингни
василаси била муфассал баён қилдим. Яна дедимким, бу
йигит улуғ хонадондиндур. Сани учун ватанидин жудо
бўлуб, неча муддат биёбонларда юруб, ранж тортиб,
дидоринг орзусида юруб, то ўзини бул диёрға еткурди.
Бекас ва беёрдур. Неча муддат ҳар гўша ва канорада
юруб, санинг муҳаббатингни тарк қилмади. Алҳол ман-
га илтижо келтурди.

Б а й т:

Раво эрмас киши ўлса ғамингдин
Жувондурсан — жувонлиқ бебақодур.

Билурмусанки, сани учун тўла хунрезлик бўлди? Умидим борки, агар бу кишини кўнглини олсанг, биҳишт топарсан, ман ҳам миннатдор бўлурман. Дедиким, бу иш нучук муяссар бўлғай? Дедимким, ухдаси манга. Сизларга мухофазат қилурман. Муни эшиткандин кейин сукут қилди. Дедимким, бу кеча ул йигитни юборурман. Хотирингни жамъ тутғил, мани учун қабул тутғил. Ул ҳам қабул қилиб, кўзи била ишорат қилғани ул сабабдин эрди. Алҳол бўлғайки сан ҳам ани тарафига, боғини эшикига бориб топарсан. Аммо йўлда эҳтиёт қилғайсан. Андин-кейин манга қўйғил. Ушбу муждалар бирла қўлига бўсалар бериб, тавфиқини талаб қилдим. Ул кунни шодмонлиқ била ўткардим. Кеча бўлғонда бир ғулomini манга ҳамроҳ қилиб юборди. Анга сипориш қилдиким, бечора ғарибдур, йўлни билмайдур. Муни ул боғни эшикига олиб бориб, ўзунг бир канорада турғайсанки, ҳеч кимарса ани кўрмагай. Ёнишида ҳам олдиға кириб ёнғайсан, хабардор бўлиб, агар кимарса учраса сандин гумон қилмагай.

Эй дарвишлар, ул йигитдин ҳиммат талаб қилиб равона бўлдум. Озроқ йўл юрганда, билмадим ул ғулomini ғарази нима эди, кўчани манга кўрсатиб дедиким, боққа борадурғон йўл ушбудур, мани бунда бир ишим бордур, сан бориб ёнғондин сўнг ушбу ерда манинг учун мунтазир бўлғил, деб бўлак йўлга кириб кетди. Муҳаббатни жазбаси била ташвиш қилмай, боғни эшикига бориб йиғлаб бу байтни завқи тамом била ўқудум.

Б а й т:

Ўзумни раҳгузар хориға тикдим,
Кўзумни ҳалқан дориға тикдим.

Бир соат ўтгандан кейин бир ғовғойи чиқдиким, бисёр ваҳмгин бўлдум. Насфи шаб бўлғонда, ул шакарлаб, сийм ғабғабни жамоли хуршиди била кўзумни равшан қилдим. . . Ул воҳибул — атоёнинг шукронасиға тилимни очиб, ҳамду сано бажо келтурдум.

Б а й т:

Жамоли ёр очти бу кўзумни,
Биҳамдиллоҳ мунаввар бўлди абсор.

Шодмон бўлуб, ерга йиқилиб ул нозаниннинг қадамига
бўса бериб, бу байтни ўқумоқға тилимни очдим:

Б а й т:

Интизори ҳам алам узра алам,
Ваъдаи васли била роҳат эрур.

Дедиким:— Эй жоҳил, бу маҳал каломни ва турмоқни жойи эмасдур. Ҳуш била бўлғил, ман мунда кирдим. Ул офтобпарастларни қабиласи мани орқамдин равон бўлубдир.

Эй дарвешлар, бу нашотни кўрганда баякбора шуур бошимдин кетти ва ул мард-мардона ва шер фарзонанинг жойини йўлини йитурдим. Субҳгача музтариб аҳвол ул шаҳарни маҳаллаларида саргардон бўлуб, йўлумни тополмай юрдум. Ул хуршид рўй ҳардам эътироз қилур эрдиким, эй саргаштайи бахти баргашта, вайрон бўлгон жойинг қайдадур? Кун чиқиб душманларни қўлига гирифтор бўлуб; расво ва бадном ва табаҳгор бўлурмиз. Жавоб айтғоли тилим йўқ эрди, ҳар тараф саросима бўлуб югурур эрдим. Дарвешлар... офтоб тулуъ қилғуча кўчаларда юруб, ул симбардин хижолат бўлган жаҳатининг инон ихтиёримни қўлумдин бердим. Хоҳладимки ўзумни ўлтургайман. Мундин зиёда хижолат бўлмағаймиз деб туруб эрдим, ногоҳ бир узун кўчани бошида бир улуғ дарвозани кўрдумки, қуфл солингон. Ушал кўчада ул дарвозадин ўзга эшик йўқ эрди. Қўлумни уруб, бармоқимни тишлаб турар эрдим. Ул ягона қичқирдиким, эй беҳабар, қайси хаёлдадурсан? Дедимким, фидо бўлурманки, қайси ҳол менга рў берибдур. Лекин эътиборлиқ бир ғулом манга ҳамроҳ эрди. Сизнинг хизматингизга дохил бўлгонимда билмадим, қуфл солиб қаён кетиб ва нима ишга борубдур, деб камол изтиробдин ул дарвозани ўзумники қилиб кўрсаттум. Ул пари-пайкар қўлини мани тарафимга силкитиб, бир тошни қўлига олиб, ул қуфлларни синдуруб ташлади. Мани қўл ва футумғаларза пайдо бўлди. Ва айтур эрдим, бу иши яхши бўлма-

ди, балки ёмон бўлди. Мабодо расволик пеш келиб дармонда бўлгаймиз, ул нозанин эшикни очиб, ичига кириб, маъ ҳам лоилож бўлуб орқасидин кирдим. Паришонлик сабабдин эшикни ҳам ёпмадим. Андоғ бир жойи эканким фирдавс аълони сониси эрди. Дарахтлари сарсабз ва санаббар ва шамшод ва аръар ва ақсом дарахтларидин мевалар ва гуллар ердин устувор бўлуб, сайри фалак қилиб алвон гулбонглари фаровон ва об жорилар ҳар қанорада равон ва гули сурх гунчалари бевафолик мавсими била табассум айлаб ва муроғни хуш илҳон дарахтларни шоҳсорларида холиқуллайла ва наҳор зикру санои била мутаранним бўлуб ва мунаққаш иморатларда мулукона фаршлар солиғлик, мажлис асбоблари ҳаммаси тилло ва нуқрадин омода ва муҳайёдур ва ҳар тарафдин мажлиси хос навъларидин ораста. Ул гуландом сурат иморатини ораста айлаб, ханда қилиб, маснадида ўлтурди. Сарпўшлуқ бир дастурхондин сарпушни олиб, нон майдалатиб, жониворларнинг кабобларини олдиға қўйиб, табассум қилиб, дедиким: «эй азиз, агар ғуломинг қочиб кетган бўлса, айш эшикинг очилди», деб ўзи минонинг гарданиға қўлларини сўнуб, олдиға олиб келиб, бир жомни пур қилиб нўш айлади. Мани ҳам илғари келтурди. Бир жомни пур қилиб, манға тутти. Ширин сўзларини жон била англаб, ўткан ғамларимни фаромуш қилдим. Ул моҳи тамом икки-уч жомни нўш қилиб, димоғи саршор бўлуб, ҳавойи сайрга чиқиб, бир гўшада ўлтурди. Бошимни қадамлариға қўйдим. Бир жомға майл қилгондин кейин газакка майл қилди. Ичкари кириб, дастурхонни олиб чиқиб, олдиға қўйдим. Андин кейин гоҳи луқмаи кабоб ер эрди ва бандаи фақир маст саршор бўлгон жаҳатдин рўзгори бевафонинг найрангинин ғофил бўлуб, ул фархунда фолнинг жамолиға маҳв бўлубман. Ул азизи жалолнинг сипеҳрининг меҳриға бу мазмун била тараннум айладим.

Н а з м:

Жаҳон тоғлар ичи топмай ани топдим ичимдин ман,
Ки давлат субҳидек чоки гирибондинки топдим ман.

Алқисса, ул санамнинг ғойиб бўлганидин подшоҳға хабар бердилар. Дарҳол подшоҳ анинг тафаҳхуоиға халойиқларни шаҳарнинг ҳар тарафиға юборди. Муҳофизларға рақам қилиб юбордики, хабардор бўлинглар. Мак-

хора хотинлардин қирқ хотунни шаҳарда муқаррар қилиб ҳар маҳаллада уй-уйға кириб, ул сарвигул рухсорни истагали юборди. Ул кампирларнинг бири қўлида тасбиҳ, яна бир қўлида асо олиб, дуто қадди била ул кўчага гузор қилди. Вақтеки, ул уйнинг эшикини очиб кўруб ичкари кирди, дуо қилиб қошимизда ўлтурди. Дедиким, илоҳи ёшлиқ ва комронлиқ била бир-бирларингизга меҳрубон қилғай, ёмонлик олдиларингизга желмагай, душманларинг тобоҳ бўлуб, бадхоҳларинг гирифтор бўлғай. Бир ҳолате била жазаъ ва фазаъ қилдиким, ичимиз куйди.

Ул париваш сўрдиким:— Эй, она, қайдин келурсан, нима жиҳатдин гирён ва паришондурсан?» деди. Айди: «Эй пари пайкар жоним санға фидо бўлур. Манким ҳамсоя бўлурман, мани кулба хонам бордур. Сани давлатингни талаб қилиб, шукр гузордурман. Бир луқма таом бирлан кунни кеч қилиб, қўҳна жома бирлан юрурман. Бир қизим бордулки, ани туғодигон вақти бўлуб эрди, икки кундин бери туғолмайдур. Бир киши дедиким, агар кабоб бўй қилса, шояд қувват топиб, таваллуд қилғой. Кабоб олмоққа пулум йўқдур. Давлатхоналарингизга кириб, шоядки бу лир канизакингизга раҳм қилиб, бир нимарса садқа қилғайсан.»

Ул зебо нигор ани олдиға яқин олиб келиб икки мурғ бирён кабобини неча нонлар била берди. Бир эгин ҳам солиб, анга инъом қилди. Дедиким, эй она, яна бир келгилки, аччиғим келмас. Ҳоли йилдам боргилки, қизинг оғриқдур. Ул пира зол дуоларни ул гулузорнинг борасида қилиб, кетти. Ул гулузор пира золнинг фикрида уйқуға борибдур. Ва ман ҳам ўзумни орзумнинг фикрида мутаҳаййор бўлуб туруб эрдим. Ногоҳ «Боғлагил!» деб овоз келди. Яна сипаҳсолор одамни товуши ҳам қулоғимға эшитилди. Эшик тарафига назар қилсам, ҳеч кимарса кўрунмайди. Бир соатдин кейин, ул пира золни жазаъ-фазаъ ноласини боғни кунжидин эшитдим. Иморатдин югуруб, чиқиб, кўрдумки, бир шер жаён бозулари чинор шохидек, эрази қурси қамарға ўхшаш, қулоҳи хуросоний бошида қўюб, заррин занжирни белига боғлаб, яна бир қилични қўлиға олиб, ўқини камонга банд қилиб, пешларини қистуруб, мурассадор билакузукни қўлиға солиб, ранг ва рўйини мутағаййир қилиб, бир кийик қонжуғасиға осиб, бир қўлда найза олиб, бир қўли бирла ул пира золнинг яқосидин тутуб, бир маркабга сувор бўлуб кетиб борур эрди. Филҳол маркабдин тушуб, ул ажузани ердин кўта-

риб олиб урди, ерга нақш боғлади. Найзани ушлаб ул ажузанинг бошини кесиб, бир путини дарахтга осиб яна бир путини тутуб дупора қилди, саждаи шукрона бажо келтуруб ул кийикни қонжурғадин олиб, салоҳга келтуруб, тановул қилди. Ман ул тундхуни бебоклигини кўруб, ўзумга ларза пайдо бўлди. Жондин тамаъни уздум. Яқин бўлдики, ул паланг табиатни қўлидин жонимни саломат ололмасман. Қўл ва путумға раъша голиб бўлуб, ўзумни муҳофазатимни қилолмадим.

Қазоро, ул киши мани кўруб, ул аснода овоз қилдиким, эй одам, бери кел. Лоилож... олиға бордим. Айди:— Эй бе давлат, ҳаргиз киши мундоғ ишни қилурму? Фойда йўқ, агар меҳмон бўлмасанг эрди, чунон ҳалқайи гўшинга қилур эрдимки, батамом жоҳилларға танбеҳ бўлур эрди. Бу сўзни эшитиб, жавобини топиб, олдиға югурдим. Оёғина йиқилиб, белимни бериб ани қучоғимга олиб, кўзларига бўса қилдим. Ханда қилиб дедиким:—«Эй золим киши, мундоғ улурғ ишни қилиб, дарвозани очиб қўюрму? Агар дарвозани занжирлаб қўйган бўлсанг, бу ажуза кирмас, сиррингдин ҳам воқиф бўлолмас эрди» деди. Узри тақсирға тилимни очиб, қўлларига бўса қилдим. Дедиким: «Ўлган ажузани билурмусан?» Дедиким:— Илгарирак келиб эрди, шунда кўруб эрдим. Дедиким: «Билурмусан, на сабабдин мундоғ қилдим?» Дедиким:— Ошкора ва ниҳон ишларни ўзунг билурсен. Дедиким, «Бахтинг мададгор бўлдики, ман бу вақтда етиб келдим. Бу ажузани мундоғ кўрдум ва илло баҳори тамом хосу ом ибрат олмоқ учун сиёсат эшитида ўлтурур эрдинг. Бу маккор жосусларнинг бири эрдиким, сизларни талабида маҳалла-бамаҳалла юрур эди. Бу шаҳарга ўт қўяр эрди. Анинг шарҳини баён қилголи бўлмасман. Ҳоло шикордин ёнғанимда, бу хабарни эшитиб, ушбу кўчага кириб кўрдумки, ул ажуза икки мурғ кабобини ва ул пари чеҳра берган либосни қўлиға олиб, дер эрдиким, ушбу нишона басдур. Англаб андиша қилдимки бу кўчада манинг уйимдин бўлак яна уй йўқ эрди. Бирён мурғлар мани бирён мурғларимдин бўлғай. Сўрдим, қайдин олдинг? Дедиким қизимнинг туғиши яқин бўлуб ранж тортар эрди. Бу уйға кириб эрдим, хоним бу мурғ бирён бирла ушбу либосларини бердилар, деди. Гумон қилдимки, маликани бирор киши мунда келтурубдур, деб манга яқин ҳосил бўлуб, ғараз тобтим. Бери келгил бу шикор гўштдин ҳам берай, ани ҳам ка-

боб қилиб бергил, беҳтардур дедим. Пиразан дедиким, санга ҳам худойтаоло яхшилиқ берсунким, вақтида бердинг деб чиқиб кетти: Орқасидин югуруб, тутуб қасосини бердим. Алҳол хуш бўлғил, хотирингни жамъ қилиб ўлтургил. Агар юз йил бу уйда бўлсанг, ошно ва бегонадин эмин бўлурсан. Эй фарзанд, мани Беҳзодхон қароқчи дерларки, подшоҳ мани қиличимни зарбидин қўрқуб роҳат уйқуси йўқдур. Ман мундин илгари ушбу паривашни тоғасини хизматида мансаб тобгон эрдим. То ул подшоҳнинг буродарзодасики, ҳақиқат ул подшоҳ эрди, бу подшоҳ ул буродарзодасини ўлдурди. Ман ҳам мансабимни ташлаб, тарки дунё қилганларнинг тариқасини пеша қилиб, мамлакатга горат ва торож қилурман. Холи ерларда бўлуб, йўллар тепасида ўлтуруб, ўзим танҳо анбуҳ халқни уруб ўлдурур эрдим. Подшоҳ сипоҳлари била манга дучор бўлмас эрдилар. Охир манинг била сулҳ қилдилар. . . Шул вақтдин бери бул уй мани уюмдур. Бу уйда танҳо худойтаолонинг ибодатига машғул бўлдим. Хафалиғ рўй берганда шикорга чиқарман. Киши била суҳбат тутмасман. Алҳол сан ҳам баён қилғил, сен ким бўлурсен? Ва қайси ердин бўлурсен? Аҳвол ва кайфиятингни айткил, нучукдур? Бу мақон эшикини қайси сабаб била очдинг?— деди. . . Эй дарвешлар, бу шеърнинг мазмуни билан очдим. дедим;

Ш е ъ р

Ростлиқ келтур — топармушсан ножат,
Ростлиқ бир чашмаи оби ҳаёт.

Нимарсаеки, манга саргузашта бўлуб ўтуб эрди, аввалидин охиригача баён қилдим. То улки, уйнинг эшикига етти, таассуф қўлини тишлаб олди. Гуломга тухмат қилганимни, қул фсиндурғонимни, уйига дохил бўлуб ўлтурганимни баён қилдим. Ул барқамол йигит бу мақолни эшиткандин кейин, падарвор кўзумдин бўса қилди. Дедиким:— Раҳмат, худойтаоло санга бўлғайки, хўб қилдинг, манинг хоҳишимга мувофиқ баён қилдинг. Ман сандин рози бўлдум. Эмди маликага эшикни қулум қуфл қилиб кетибдур, деган экансан, беҳтар улдуким, мани қуллуқга хитоб қилғайсан. То сандин хурсанд бўлғайман ва жону дил бирла хизмат қилғайман деди.

Ман бошимни хижолат бўлғонимдин тубан солдим. Шукри неъматини изҳор қилдим.

Дедики: «Буродар, бориб ўз жойингда ўлтуруб,

гам емағилки парвардигори оламнинг тавфиқи била инояти» деб, дилдорлиқ берди. Ул йигитнинг дилдорлигининг тўлолиғидин шарманда ва сарафканда бўллуб туруб эрдим. Ул шери ғаррон кийикнинг терисини сўюб, бир оёғини олиб, ўтлуғ манқалида сихга тортиб, кабоб қилиб, ўзи одоб била қўл қовуштуруб турди. Ул моҳи пайкар анинг кирганидин хабардор бўллуб, уйқудин бедор бўлди, дуруштлик била сўзлаб эътироз қилмоқни оғоз қилди. Ул йигит қондадонликдин ғуломларға ўхшаш узоқ туруб, хижолатдин бошини тубан солиб, дедиким: «Эй малика, маң каминанинг тақсиротлари мундин зиёдадурки, танбиҳ ва таъзир қилмоқлик лозимдур. Агар карам била бу банданинг гуноҳини афв қилгайсан. Фақирнинг хотириға келдиким, пешкаш тутмоқ учун, туҳфам йўқдур. Дарвозаға қуфл уруб то малика келганча шикор келтурайин, деб саҳроға чиқиб, ушбу шикорларни келтурдим» деб узр айтти.

Эй дарвешлар, ул жувонмард аҳли дард навъи била шикасталик қилдиким, хижолатдин ҳалокатға еттим. Ул бир соатдин сўнг бир шишайи май ҳозир қилиб, нуқли мурғ, кабоби кийик муҳайё қилиб, одоби тамом била жоми майни ул гуландомға тутуб, йилдам шикор кабобини тутти. Ул моҳ талъат анинг хизмат қобилиятидин хушҳол бўллуб, яқин қичқуруб жомни ато қилди. Ул ҳам олиб, замин хизматиға бўса қилди. Ул журъани нўш қилиб, хизматиға машғул бўлди.

Эй дарвешлар, қисса кўтоҳ, уч ойғача ул марди оғоҳ, гоҳ-бегоҳ камари хизматини белиға боғлар эрди. Расм дақиқаларини хизматидин ташламай маслаҳат қилди. «Юз йилғача агар ушбу уйда бўллуб, ўлум омон берса, бандачилик қилурман. Ҳеч нимарса хотирингға келтурмагил. Аммо, агар хоҳласангки, ўз вилоятимға қайтаман, десанг ҳам хизматингда жон афшонлиқ қилурман. Тавфиқи илоҳий била маъшуқингға хизмат била манзили мақсудингға еткурурман» деди. Дедимким, жувонмардлигинг ва одамиятчилигингдин йироқ эмасдур. Айни лутф ва марҳаматингдур. Дедим: «Билмасманким қари отамнинг бу ҳақирнинг ҳолидин ҳеч хабари йўқдур» дедим. Вақтеки бу сўзумни эшиткандин кейин, сафар қилмоқлиғни азм қилди. Яна бир куни ул симбар била маслаҳат қилиб, ул ҳам раъйини маъқул тутди. Учунчи кечасида ул марди мардона уч отни либоси сипоҳона билан каманд, камон ва тиғи синон ва совут ва ўзга «илоҳлардан, пур-

зар ва гавҳардин уч хуржин сафар тушасини муҳайё қилди. Отларини ёпуғи ва пўсти паланги босиб ўзини силоҳ била мукамал қилиб, хуржинларни маркабга ортиб сувора бўлдук. Уйларни илгариги қондаси била қуфл солиб, азм улки, ҳар жойики саҳройи холи била йўл топиб, ташвишлар ва муҳотаралардин эҳтиёт қилиб, Ажамга келгаймиз дер эрдук. Қазоро ул маҳваш ғойиб бўлган боғиға етиб эрдикки, подшоҳ ҳукм қилиб экан: посбонлар кечаликда йўлларидин хабардор бўлуб ўлтурсунлар, дарвозаларни банд қилиб, ҳеч кишини саҳроға чиқюни қўймасунлар, деган экан. Агар кимарса сафар ирода қилса, подшоҳға анинг аҳволидин хабар берур эканлар ва биз бу аҳволдин беҳабар. Вақтеки дарвозаға келдукким, бонги боҳайбат уруб, дарбонларни уйқудин бедор қилиб, дедиким: «Эй мардак, дарвоза очғил!»

Дарбонлар бизни кўруб ларзаға келди. Дедиким, сизлар кимдурсизларки, подшоҳдин беҳабардурсизлар? Ул жувонмард кулуб дедиким: «Эй, аҳмак, магар кўрмусен? Мен Беҳзодхондурман. Бу йигит подшоҳ жуявидур, яна бири подшоҳни қизидур. Ажам вилояти азмини қилдук» деб маркабидин тушуб дарвозани қуфлини синдуруб, дарбонларға дедиким: «Эй сакмурда, биз бу қизни олиб борурмиз, ва илло бир шамшир била бошингға уруб, жигаргоҳингғача пора-пора қилур эрдим. Ул золимға хабар бергилки, ҳимматингни кам қилмағил, бизнинг орқамиздан киши юборсун ўзингни чоғлағил», деди.

Бу, сўзларға ман таажжуб қилдим, аммо банд-бандларим ларзаға келди. Аввал бизни шаҳардин чиқариб, андин сўнг ўзи чиқти. Дарбонларни қўрқутуб, шаҳари Булғор тарафига равона бўлдук. Тонг отқунча йўл юриб, офтоб тулуь қилғон маҳалда дарёйи азимени кўрдук. Сипоҳлардин бир жамоат ул дарёнинг кўпругида ўлтуруб эрди. Бизни кўрганда аҳволимизни сўрдилар. Беҳзодхон ул дарбонға деган сўзини буларға ҳам деди. Ҳаммаси ўрнидан туруб, маркабларига миниб, сари раҳимизни тўсдилар. Ул шердил ғаррондек қичқириб, қўлини тигини қабзасиға қўюб, буларға ҳамла келтурди. Бу жамият бир лаҳзада парижон бўлди. Яна бир неча кишини мажруҳ, берух қилиб дарёдин ўтуб кетгук. Бир фарсанг йўл юруб эрдук, орқамиздан лашкарнинг гард ва нубори намудор бўлди. Ҳаво тийра, торик бўлди. Беҳзодхон дедиким: «Эй азизлар, зоҳиран бу аблаҳ лашкаридур, бизни тутмоқ учун йиборибдур. Хўб, сизлар бу тоғни устига чиқиб, худой-

таолонинг қудратиға тамошо қилинлар. Буларнинг жавобини бериб, хизматингға келурман», деб хуржинни бизга берди. Маркабдин тушуб отини берк ва маҳкам беркитиб, лочиндек отиға миниб, аввал дуога қўл кўтариб ул лашкарға ҳамла келтурди. Ул лашкарнинг бир учи подшоҳнинг ўрдасида эрди, бир учи бу ерга тегиб эрди. Ул жувонмард худойитаолодин тилаб, мадад ва истионат тилаб қиличға қўл узатиб, уларға ҳамла келтурди. Ҳар тарафға юзланса неча халқларни талаф қилур эрди. Ҳар тарафға маркабини сурса халқни кўпи маркабдин ўзини ташлар эрди. Ҳар жонибға жавлон қилса, бир жамоат паришон бўлур эрди. Ушбу тариқа бирла тифини корға келтурур эрди. Наъра уруб айтур эрди:— Эй мушрикони толий баргашталар, тўкулган қонинглар ўз гарданинглавға. То улки кофирларнинг сипоҳининг сардорига етти, бирисиға ҳамла қилдилар, ул ҳам номдор, диловарнинг бири эрди. Фаранг мулкини, ичинда жанг кунни жавлон қилур эрди. Далерона ул ҳам ҳамла қилур эрди. Оқибат Беҳзодхон муқобила бўлгон аснода, боргоҳи илоҳидин мадад талаб қилиб, ончунон шамширини анинг номуборак бошиға андоғ урдиким, бошини шигоф қилиб, захра била жигар бандиғача дупора қилди. Ушбу шамшир бирла ул далирни қатл қилингондин кейин, аламини ҳам аламдори била қалам янглиғ тўрт пора қилди.

Лашкар сардорини ўлук кўргандин кейин, тулки масаллик йўлбарсни олдидан қочиб кеттилар. Ярим фарсангача буларни орқасидан қувлаб, ўлтуруб ташлаб ёндилар.

Дарёнинг канорида хун олуд қўлларини ювуб, ондин ёниб маркабга миниб, ул кўпрукға келди. Тилни узрга очди. Дедиким: «Эй азизлар, бу кун кўп озор торттинлар, маоф қилинлар. Ул шери фарроннинг мардоналикиға офарин ва таҳсин қилдук. Отланиб равона бўлуб, ул кеча ҳам йўл юруб, эртаси марғзорға келиб туштук. Маркабларимизни яланглаб ўтлавали қўйдук. Ўзимиз таом еб, истироҳат қилиб, йўлға кирдук. Андин кейин фаранг сарҳадидин халос топиб, мақсуд ҳосил бўлгондин, гафлат ишини орзуларидин манзилларни қатъ қилиб, тайин мароҳил қилур эрдук. То улки, тўқуз ойдин кейин Ажам вилоят тарафига қадам қўйдук. Падари бузрукворнинг хизматлариға фироқ тортгонимдин ариза юбордим.

Вақтеки ул ҳолдин хабар топиб, боргоҳ хосларидин неча ходимларни, беш фарсанг шаҳардин йироқ дарё бор эрди, ул ерга истиқболға чиқоргон эканлар. Ногоҳ па-

дари бузруквор анда жилва қилиб, бизга мунтазир эрдилар, ани кўруб, ушбу ердан маркабни йилдам югуртуруб эрдим. Қазоро ул маркаб ўзини сувга ташлаб, юз ранг лаъб бирла ул фано лужжасидин маркабни жанорага олиб, отамнинг хизматларига етканда пиёда бўлуб, орқамга қарасам, ул мард шери беша неча муддат муруватни ул дурри садаф, иззи ва шарафга дариг тутмас эрди, иккаласи ул улуғ дарёга фарқ бўлдилар. Бойс ул дурки, ман минган отни боласи қиз минган от эрди. Вақтоки боласини сувда кўруб, ул ҳам ўзини сувга ташлабдур. Ани халос қилурман деб Беҳзодхон ташлабдур. Сув иккаласини оқизиб кетибдур. Шул замон хабардор бўлдуқки, иш қўлимиздан кетубдур. Қўл ва оёғимиз ишдин кетти. Ғаввослар ҳам ўзини сувга ташлаб, ҳарчанд жусту-жў қилиб, ҳар тараф югуруб, булардин, асар топмадилар.

Эй дарвешлар, ман саргашта бўлуб, булар учун он ҳама озор тортиб сафар ранжини, рўзгор меҳнатини кўруб бу машуқни васлиға етмай, баногоҳ ул моҳи тобон мундоғ балоға мубтало бўлуб, мундин зиёда ул жувонмарди пок диннинг ҳалок бўлғони жигар сўзроқдур. Онҳама жонфишонлиқни бизга қилиб, охир, рўзгори олам ани бул балоға сазовор қилди. Алоҳозо гирибон пора, сару по бараҳна мажнунвор дашту води тарафига юзландим. Бир нима емай, ухламай, дил кабоб, дида пур об, паришон ҳол биёбонларни кезиб, то улки тирикликдин тўюб азм хоҳишни қилдимки ўзумни ҳалок қилғайман, жоннинг жомасини ул азиз ҳажрида чок қилғайман, Қазоро ман ҳам ул тоғнинг қулласига еттим, ул равшан замир бизни кўруб, келатурғон аҳволимизни шу буродарнинг тариқида баён қилди. Англаб, матлаб ҳосил бўлгоннинг умидига равона бўлдум... Буродарларнинг хизматларига мушарраф бўлуб, аввалги нишонимга еттим, то кўргайманки иш қайда анжом топар.





«ЧОР ДАРВЕШ» ДАН

(шеърӣ таржима)

А

ввалғи дарвеш сӯз оғоз қилиб, рафиқаларға аҳ-
волини баён қилмоғи ва ота юртидин чиқиб бир пари
чеҳрани захмдор толиб, ҳужра ичида пинҳон қилмоғи ва
захмлари илтиём топқони:

Бу сатранж майдониға сурган от,
Бу янглиғ бориб бўлди бу навъ мот:
Эшитгач бу сӯзни ўшал марди роҳ,
Чиқарди ҳазин кўнглидин ўтлуғ оҳ.
Дедиким:— Яман мулки фарзандимен,
Ки бир ҳурваш орзумандимен.
Отам ҳам Яман мулки савдогари,
Не савдогари, балки волқари.
Ўтуб ёшидин озу кам сексон,
Улум ваҳмидин қилди оҳу-фиғон.
Етушди қулоғиға кўси раҳил,
Мени хастадин ул дам айлаб биҳил.
Чу қолди менга беадад ганжу мол,
Бирав ўлса ворисға моли ҳалол.
Мен ул мол бирла баруманд ўлуб,
Яна ишрат этмакка хурсанд ўлуб.
Йиғиб бирнеча шоҳиди симтан,
Еқиб ўртада шамъи партавфikan.
Кўтарса чу эл ширайи шарбати,
Агар хотирим қилса май рағбати.
Неча шишага май бўлуб лаб-балаб,
Муҳайё эди ҳарна қилсам талаб.
Неча маҳваши шўхи кўзи хумор,

Тутарди қадаҳ айтибон аллаёр.
 Олиб они пур иштиёқ ичгудек,
 Анинг илгидин деб оёқ ичгудек.
 Хама базм аҳли ичиб жоми мул,
 Қилиб кимни ҳар гўшадин косагул.
 Муғанни эли соз этиб созини,
 Мувофиқ қилиб унга овозини.
 Дафу барбату ною танбур ҳам,
 Чолиб чангу қонуну сантур ҳам.
 Отам молини сарфи ом айладим,
 Фараз оз кунда тамом айладим.
 Улус билдиким қолмади манда мол,
 Алар хотири топти мандин малол.
 Неча қилдим оғози мардоналик,
 Алар айлаб изҳор бегоналик.
 Бари қочдилар суҳбатимдин манинг,
 Ки безор ўлуб улфатимдин манинг.
 Аларким манга ўзни ёр эттилар,
 Мани ихтилотимдин ор эттилар.
 Вале бор эди манга мушфиқ сингил,
 Ким ул айлабон оғиримни енгил.
 Манга бир кун айдик: «Жоним оғам,
 Манга на сингил бордуру, не тоғам.
 Билурмен қўлингдин кетибдур ишинг,
 Бу ким халқ орасига хамдур бошинг.
 Туганди қўлингдин бари молу зар,
 Агар оқил эрсанг шу танбеҳ етар.
 Бу маъни учун мен бўлай восифи,
 На хуш дебдур ул мавлави Ҳотифи¹.
 «Чу тожир нишинад бамаъшуқу май,
 Равад судаш аз даст, моя зипай»²
 Бисотимдадур бир-ики жинс мол,
 Отам ирсидин³ манга еткан ҳалол.
 Берай мен санга доғи тужжор бўл,
 Яна бохабар бўлу ҳушёр бўл.
 Бу ашё била айла фарзоналиғ,
 Санга неча бадмаст девоналиғ».

Дебон берди кўздин тўқуб ёшини,
 Қўлумға чиқариб бўю бошини.

¹ Ҳотифи — машҳур форс шоирларидан. ² Таржимаси — «Сав-
 тогар шаробга, гўзалларга берилса, қилган фойдалари билан бирга
 исл сармоясини ҳам йўқотади. ³ Ирс — мирос.

Чу ул мол кўнглумни поси эди,
 Неча минг туманни баҳоси эди.
 Бу ишга ўзумни фарид айладим,
 Ҳар ажнослардин харид айладим.
 Отам юртида лаҳза қилмай даранг¹,
 Олиб неча ажнос боби фаранг.
 Яна кўнглума тушди андоғ талаб,
 Қилай бир йўли ихтиёри Ҳалаб.
 Чу ҳар бир сафар қилғоним муддати,
 Бир ил эрди ё олти ой муҳлати.
 Чу алқисса бир дафъа қилдим сафар,
 Бу еткан фалак жавридин беҳабар.
 Чиқибон отам юртидин дарзамон,
 Юруш айладим ҳамраҳи корвон.
 Йўл асносиға учрабон ошно,
 Мани кўрдию айтти ҳам марҳабо.
 Ушал кеча қилди мани меҳмон,
 Тонг отконда чиқти кетиб корвон.
 Суруб отими неча суръат била,
 Етишмоқға юз жаҳду ғайрат била.
 Суруб от марҳила бир марҳила².
 Кетиб эрди мендин бурун қофила.
 Бу суръатда кўнглумда юз иқтизо³,
 Кунум бўлди кечу намозим қазо.
 Чу хуршед бўлди шафақ⁴ ичра гум,
 Бўлуб тун қаронғу кўрунди нужум⁵.
 Бу йўлда емак-ичмагим бўлди заҳр,
 Аён ўлди олдимда бир турфа шаҳр.
 Анинг қалъаси боши кўкка етиб,
 Аёғини ер сатҳида беркитиб.
 Ким ул равзану рахна⁶диндур бари.
 На қалъа дегил, садди Искандари.
 Мени ул қалъа буржиға етмак ҳамон,
 Ҳам ул лаҳза дарвоза чекмак ҳамон.
 Неча қилдим афғону овозани,
 Манга очмади кимса дарвозани.
 Ғараз айладим бир бузуғни⁷ макон,
 Манга чуғздек бўлди ул ошён.

¹ Даранг — тўхташ. ² Марҳила — манзил. ³ Иқтизо хоҳиш.
⁴ Шафақ — Ғарб томонда, кун ботиш чоғида қизариб кўринган бу-
 лутлар, ⁵ Нужум — юлдузлар. ⁶ Равзан — туйнук, рахна — тешик.
⁷ Бузуғ — вайрона.

Кўзум эрди ул кеча наззораға,
 Қараб дамбадам бурж ила бораға ¹
 Солиб элгидин тун қаро хилъати,
 Нединким, аён ўлди ой талъати.
 Ерутти ўшал кечани моҳтоб,
 Анингдекки кундуз куни офтоб.
 Етиб қалъа сориға солдим назар,
 Утубон ярим тун қубайли ² саҳар.
 Чу, кўрдум ки бир масти жаллодваш,
 Улус қонидин май каби журъакаш ³.
 Қаро нарсага илдурубон каманд,
 Қилиб бир учин қалъа бошиға банд.
 Тутубон қуйи солди ул роҳзан ⁴,
 Ки сандуққа боғлабон бир расан ⁵.
 Чу сандуқ ер узра тутди қарор,
 Расан солибон қилди ўзи фирор.
 Дедим бул магар марди айёрдур,
 Улус жониға ҳам жафокордур.
 Топиб дастбурде бирав молиға,
 Яна қилмайин раҳм анинг ҳолиға.
 Бу ерга солиб қўлға олғонини,
 Кетурмакка борди у қолғонини.
 Утиб муддате бўлмаи ундан асар,
 Бу ашёсидан олмади бир хабар.
 Дедимким мени келганим билдиму,
 Ва ёким кўруб кўзига илдиму?
 Таманноси кўнглумға солди хаёл,
 Ки тангри манга қайтадин берди мол.
 Ҳамоно бу янглиғ кўруб меҳнатим,
 Дағи юзланур қайтгон давлатим.
 Тушуб бошима неча савдойи хом,
 Ки сандуқ сориға қилдим хиром.
 Назар қилдим олдиға бориб ани,
 Бу ерга кетурдим кўториб ани.
 Тақозосидин ақлу ҳуш қочибон,
 Назар айладим ман ани очибон.
 Не кўрдимки бир нозанин духтаре,
 Малоҳат сипеҳриға бир ахтаре.
 Етиб эрди бир турфа зебо санам,
 Фалак жавридин тортибон юз ситам.

¹ Бурж — қалъанинг бурчаклари, бора — қалъанинг девори,

² Қубайли саҳар — саҳардан озгина бурун. ³ Журъакаш — ичкучи.

⁴ Роҳзан — қароқчи. ⁵ Расан — ип, арқон.

Кўнгул бўстониға наврас ниҳол,
Тафаккур ҳаримиға мавзун хаёл.
Оғиз кунжиға оби ҳайвон асир,
Лаби лаълиға юз бадахшон асир.
Сочи ҳалқа, ҳар ҳалқаси бир каманд,
Кўнгул қушлари ҳам камандиға банд.
Занаҳдон чаҳи узра юз мубтало,
Ки ҳар мубтало рўзгори қаро.
Ики сурмагун кўзи дунболалиғ,
Ҳаросидин ирниси табхолалиғ.
Қаро наргиси масти махмурдек,
Эрамдин пари равзан ҳурдек.
Тани гул каби қон аро чок-чок,
Ва лекин ўзи бўлган эрмас ҳалок.
Ебон ханжару тигнинг зарбати,
Вале ичкан эрмас фано шарбати.
Анинг сўзламоғини қилдим ҳавас,
Чу кўрдумки тортар бир-икки нафас.
Очиб наргисин нимхоб айлади,
Манга бир ики сўз хитоб айлади.
Ки:— Эй суҳбатимдин фирор айлаган,
Манинг ўлмагим ихтиёр айлаган.
Бировни биров силаса бошини,
Қилурму бу навъ они подошини.
Туну кун санга айладим ёрлиғ,
Бу эрдиму поси намак хорлиғ?
Биҳил мен бу янглиғ ҳалок айладинг.
Бу гулдек таним чок-чок айладинг.
Ва лекин санга бошқа ният қилай,
Қулоқ сол бир-ики васият қилай.
Васият бу ким гар ман ўлсам ҳалок,
Мани қил ниҳон жойға дафни хок.
Биров билмасун бу сифат бўлганим,
Яна ҳам киши билмасун ўлганим.
Қилибон васият туганди сўзи,
Яна бўлди хомуш юмди кўзи.
Яқин билдим оники — беҳушдур,
Фано жомидин масту мадҳушдур.
Бу янглиғки ҳолин аён айлади,
Мани ўзгадур деб гумон айлади.
Тонг отти етиб халқ овозаси,
Очилди яна шаҳр дарвозаси.
Улус они фаҳм этмасун деб ниҳон,

Кўтардимү шаҳр ичра бўлдум равон.
 Вале англамай заррайи хосу ом,
 Ки карвонсарой ичра қилдим мақом.
 Хало ҳужра кунжиға бердим қарор,
 Ва лекин ўзум ишқидин беқарор:
 Яна ҳужраға қуфл уруб дарзамон,
 Чу доруш-шифо сори бўлдум равон.
 Чу ул ойни олдиға қилдим қариб,
 Фаришта сифат оқ маҳосин табиб.
 Анинг набзиға лаҳза қўйди илик,
 Дедиким ўлукдур магар ё тирик?
 Кўтардим ўтуб парда рухсоридин,
 Ки равшан бўлуб ҳужра анворидин.
 Чу кўрдик бошдин-оёғи фиғор,
 Бўлубон ўзи ошиқи беқарор.
 Қўрубон анинг кўнглиға келди раҳм,
 Нединким сарупосидур тоза захм?
 Яқин қилди ул марди ҳуш босира,
 Ки мендин етибон анга ул яра.
 Чу юз қайтариб урди силли¹ мени,
 Ки кўнглумға бермай тасалли мени.
 Деди манга:— Ке тангридин беҳабар,
 Не юздин раво айладинг бу зарар?
 Бу беморға кимки сунди илик,
 Яқиндурки хуниға бўлғай шарик.
 Чу билдимки ул мендин этти гумон,
 Дедим анга:— Эй марди Луқмон нишон:
 Ки бу навъ мендин гумон этмагил,
 Бу бечорадур манга туқғон сингил.
 Иков айладук азми — Байтулҳаром,
 Ки ҳужжож ила йўл кесиб субҳ шом.
 Ки ногаҳ ҳаромилар ўлди дучор,
 Қилиб барчани бу сифат захмдор.
 Дедиким мун и андаке жони бор,
 Ки танга шифо берса имкони бор.
 Мунга ҳар кишиким даво айлағай,
 Магар васлини муддао айлағай.
 Вале англадим бўлди ошиқ ўзи,
 Сарукорияға кўрди лойиқ ўзи.
 Чу кетти чиқиб уйдин ул пир мард,
 Даво қилмайин, қолди кўнглумға дард.

¹ Силли — шапалоқ.

Узум тангрига чун таваккал қилиб,
 Сўруб билмаган-билганимни қилиб.
 Неча доруларни қилибон баҳам,
 Ишим марҳам этмак бўлуб дамбадам.
 Бирини кўтариб, бирини кўюб,
 Ялаб тил била, кўз ёшим бирла юб.
 Бу афъол ила ўтти ўн тўрт кун,
 На кундузда ором топтим, на тун.
 Қараб дамбадам ани рухсориға,
 Бошимни уруб ҳужра девориға.
 Чу келди ўзиға кўзини очиб,
 Кўрар кўзларимдин сиришким сочиб,
 Деди манга:— Ке жон фидо айлаган,
 Бу дардимға ким сен даво айлаган.
 Дедим:— Тангри қилди санга меҳрибон,
 Мусофир мену манзилим шул макон.
 Деди: Эй йигит айлагайсен дуо,
 Санга сабр берсун манга шифо.
 Агар ман бу дардим била ўлмасам,
 Ва ё захмдин гул каби сўлмасам.
 Санинг ҳожатингни раво айлайин,
 Ки дардингга мен ҳам даво айлайин.
 Умид улки мақсудинга еткурай,
 Неким бўлса беҳбудинга еткурай.
 Бу минвол ила ўтти қирқ беш кун,
 Бўлиб ишқим афзуну ҳолим забун.
 Чу жарроҳ мавъуди бўлди тамом,
 Топиб захмлар барчаси илтиём¹.
 Бу ҳолатга ул хўблиғ махзани,
 Туруб ўлтурубон чу гул хирмани.
 Манга айдиким: «Англамай хосу ом,
 Борибон кетургил бир андак таом.
 Шикоят қилиб чархи хунрездин,
 Чиқайин букун дағи парҳездин».
 Хижолат била ерга бўлди кўзум,
 Ки билман не ҳолатда бўлдум ўзум.
 Бу ҳолатки бўлдум киши бўлмасун,
 Ки тангри биравға насиб этмасун.
 Ҳама бору йўқум бўлуб эрди сарф,
 Бу амриға айтолмадим ҳеч ҳарф.
 Фаросат била англади ҳолими,
 Бу муддатга сарф ўлган амволими.

¹ Илтиём — яранинг битиши.

Кулубон деди менгаким «Ке фалон,
 Бу ишга сени айладим имтиҳон.
 Агар дўст йўлига содиқ эсанг,
 Мани бирла ёри мувофиқ эсанг.
 На янглиғ десам айлагайсен қабул,
 Сабаб сўрубон бўлмагайсен малул.
 Манга бору йўқингни сарф айладинг,
 Юрак қону жисмингни зарф айладинг.
 Мани кўрдунг ул кун бу ҳолат била,
 Дами бўлмадинг сен фароғат била.
 Санга умрдин бир нафас ком йўқ,
 Кеча уйқую кундуз ором йўқ.
 Ўзунгни ҳар ишда баруманд қил,
 Бу важҳ ила кўнглунгни хурсанд қил».

Эшиттим бу сўз тушти жонимга ўт.
 Ким андин куюк устихонимга ўт.
 Яқин эрди кўксумни чок айласам,
 Фигон тортиб ўзни ҳалок айласам.
 Узотиб қўлини тизим ушлади,
 Табассум қилибон лабин тишлади.

Деди:— «Ҳозир этгил давоту қалам»,
 Борибон кетурдим икисин баҳам.
 Олиб они қатъи қалам айлади,
 Ки қоғазга андоқ рақам айлади.
 Яна чирмабон берди мен зорға,
 Деди:— «Еткур албатта бозорға».

Қилиб бир кишини баёнини ҳам,
 Неча бир дўконни нишонини ҳам,
 Сўроғлаб юруб баски тушди кўзум,
 Ки кўрган каби анда еттим ўзум.
 Чу кўрдумки пири мурассаъ камар,
 Сарупо либосига дурру гуҳар.
 Кўрубон ани эҳтиром айладим,
 Ёнига борибон салом айладим.
 Мулоқот этиб руқъани топшуруб,
 Ўзум хизмат этмакка қулдек туруб.
 Очиб они маҳфи боқиб сўзиға,
 Яна руқъани суртубон кўзиға.
 Ишорат қилиб манга йўл бошлади,
 Тараҳҳум қилибон қўлум ушлади.
 Юрубон етуштум анинг уйиға,
 Қилиб офарин хулқ ила хўйиға.
 Мени қўйди меҳмон саро ичра ул,

Үзи тутти улдам ҳарам сори йўл.
 Утуб ламҳайи¹ чиқти ул хизрваш,
 Ки қул баччайи илгида боркаш.
 Ҳраб хон ила теграсин эҳтимом,
 Манга бўлди маълум бордур таом.
 Деди қулгаким бор бу меҳмон била,
 Не ерда деса элткил жон била.
 Қўтариб маконигача етказен,
 Ҳзунг дағи рухсат била қайтказен,
 Анинг бирла бўлдум яна ҳамқадам,
 Етиб ҳужрага они бирла баҳам.
 Таҳайюр била эрди ҳолим хароб,
 Олиб бошидин қулға бердим жавоб.
 Ҳзум ҳужра сорига қўйдум қадам,
 Чу гул хирмани ўлтуруб ул санам.
 Ани олдиға қўйдум ул зарфни,
 Эшитган эмас кимса бу ҳарфни.
 Деди:—«Очғил ким не берди экан,
 Ким ул пири сак не юборди экан?»
 Очиб кўр дебон манга қилди хитоб,
 Бу сўздин тушуб кўнглума изтироб.
 Очибон яна анга солди назар,
 Тўкулди ҳар атрофидин симу зар.
 Таҳайюр мени ўзга ҳол айлади,
 Сўрарға тилим гунгу лол айлади.
 Манга айлабон айдиким: «Ке фалон,
 Кечурма хаёлингға яхши-ёмон.
 Не ким келса фикрингға они унут,
 Яна жону дил бирла пандимни тут».
 Дедим:—«Эй санам мен фидойинг бўлай,
 Хиром айласанг хоки пойинг бўлай.
 На амринг агар бўлса маъмур мен,
 Хаёлинг била баски масрур мен.
 Сенинг йўлингға қилмишам жон гарав,
 Яна куфри зулфунгға имон гарав».
 Чу алқисса ул сарви олий мақом,
 Дедиким:— «Бориб келтур андак таом».
 Кетурдим таом олдиға хон била,
 Қабул айлабон амрини жон била.
 Ким анди бир-икки тановул қилиб,
 Қўлини тортибон ҳолатини билиб.

¹ Л а м ҳ а — бир кўя юмшш вақти.

Деди мангаким: «Амрими айла пос¹,
 Ўзунг кийгали ол бир-икки либос».
 Тааммул била қилдим андак хаёл,
 Етушди анинг кўнглига кўп малол.
 Бўлуб тунд ул ой итоб айлади,
 Қошига солиб чин хитоб айлади.
 Деди:—«Хашм ила мевга, не бехирад,
 Нечаким дедим қилма ҳарфимни рад.
 Бу янглиғ агар бўлса анжомимиз,
 Не кечгай санинг бирла айёмимиз».
 Итоб айлагач ул мени зорға,
 Югурдим олиб нақд бозорға.
 Кетурдим бориб олдиға ҳушманд,
 Ики-уч либоси акобир писанд.
 Тааммул қилиб кўрди ул нозанин,
 Бариси эди кўнглига дил нишин.
 Манга ул пари барчасин кийдуруб,
 Таҳайюр ўти бағрими ёндуруб.
 Яна нақд берди манга ул пари,
 «Кетургил,— дебон, — бошима чодари.
 Ки ҳикмат била ушбу айёмга,
 Қеракдур киши кирса ҳаммомга».
 Ғараз ҳозир эттим анга чодари,
 Олиб бошға ул хўблар сарвари.
 Қўлига олиб доғи заррина жом,
 Ки ҳаммом сориға қилди хиром.
 Олиб бордим ул ойни ҳаммомга,
 Ўзум етмай оғозу анжомга.
 Яна чиқти андин хиром айлабон,
 Ки оразни моҳи тамом айлабон.
 Келиб ҳужрага кирди ул моҳваш,
 Анинг орқасидин мени дардқаш.
 Чу кўрдумки ҳусни юз онча зиёд,
 Қилиб сабру ҳушум манга хайр-бод.
 Қошидур шафақ ичра мушкин ҳилол,
 Кўзи лолазор узра ётқон гизол.
 Ики анбарин зулфи марғулабанд,
 Кўнгул сайдиға чин солган каманд.
 Етиб лаълидин юз хизр жон сари,
 Сочи куфридин раҳна имон сари.
 Юзида эрур зарварақ жилвагар.

¹ П о с а й л а — б а ж а р, т у т.

Дегил ахтар ичра дурахшон қамар.
 Қоши маддиға вўсмадин ордур,
 Кўзи олдиға сурма бекордур.
 Баногушиға икки дур жилвагар,
 Садафдин чиқиб йўлға қолқон гуҳар.
 Бу янглиғ кўрубон мени мубтало,
 Дедим:— Эй санам санга жоним фидо.
 Табассум қилиб айди: «Ҳолинг надур?
 Кўнгулға етишган малолинг надур?
 Чу ошиқ муроди висоли дурур,
 Хусусан агар кулба холи дурур».
 Эшитгач бу сўзни мени дилфигор,
 Қўлумдин кетиб ақл ила ихтиёр.
 Йиқилдиму қўйдум аёғиға бош,
 Кўзумдин тўкуб ул замон сели ёш.
 Тизига олиб дар замон бошими,
 Аритиб яна енг ила ёшими.
 Қўлин бўйнума гаҳ ҳамоийил қилиб,
 Неча муддаоларни мойил қилиб.
 Қўюб бир замон айшу ишратга юз,
 Дегайсанки юз йил фароғатга юз.
 Дейин арзимни сизга дарвешлар,
 Фалак зулмидин синаси решлар.
 Киши бўлғудек йўқ манга раҳнамун,
 Ки, эй дўстлар, саргузаштим узун.
 Чу алқисса ул хўблар сарвари
 Дедиким:—«Бу шаҳр ичра мундин нари,
 Улуғлар била ошно бўлғасен,
 Улуғлар не деса, ризо бўлғасен.
 Суруб яхшилар бирла ҳам ёр бўл,
 Ҳаволи топибон харидор бўл.
 Улус бу хаёлингни билса агар,
 Сотарда ҳаволи топилса агар,
 Ким ар яхшидур байъидин қўрқмағил,
 Забундур агар нақдни сочмағил,
 Ғами нақдни кўбу ози ема,
 Мабодо баҳосиға бози ема.
 Мани балки андин хабардор қил,
 Ки қоғозға тарҳин намудор қил».
 Мен ул моҳ сиратни амрин тутуб,
 Қаерда эшитгач кўрубон ўтуб.
 Бу муддат била ҳам ўтуб ики ой,
 Неча мен топиб, рад қилиб ҳам ул ой.

Чу топтим ҳаволи чу хулди барин,
Саросар иморатлари шаҳнишин.
Баҳосин қилиб они уч юз тумон,
Ҳудудини тарҳ айлабон дарзамон.
Кетурдим ани олдиға ҳушманд,
Бериб нақдини қилди ул ой писанд.
Бошиға олиб ул пари чодари,
Хиром айлади мисли кабки дари¹.
Бу сирдин киши топмайин бир паём;
Икав то ватан сори қилдуқ хиром.
Етушган замон уй намудорға,
Еруғлуқ етиб сақфу деворға.
Иморатларин сайр этиб ҳар тараф,
Кириб ҳар ерин қилди байтуш-шараф.
Аларға мақом этмайин ул пари,
Бор эрди чу дарвозаға манзари.
Ўшал манзар устиға қилди хиром.
Қуёш қилди кўк узра гўё мақом.
Чу ул ҳур манзар уза ўлтуруб,
Мен олдида хизмат қилурда туруб.
Манга деди ул сарви олий асос:
— «Кетургил манга ҳам муносиб либос.
Кийиб они уй сори йўл бошлайин,
Бу накбат либосотини ташлайин».
Югурдим қилиб йўлга бошдин қадам,
Табассум била қайтариб ул санам.
Кулубон деди:— «Айладингму қиёс,
Ўзум кийгудек кимга бордур либос?»
Таҳайюрга қолдим мен ул сўзидин,
Эшитмиш эдим бошқа сўз ўзидин.
Деди:— «Қўймағил ўзни озорға,
Чиқибон назар айла бозорға.
Музаллаф йигит соҳиб эъзоздур,
Ўзи Чорсу ичра баззоздур.
Чу борсанг топибон анинг ёниға,
Ҳар ажнос омода дўкониға.
Ҳам андин агар сўрсанг этмай ҳарос,
Топилгай ҳамоно тикилган либос».
Тушубон анинг олдидин дар замон.
Яна Чорсу сори бўлдум равон.
Чу кўрдимки бир турфа зебо йигит,

К а б а к д а р и — к а к л и к .

Ақобир сифат ҳусни аъло йигит.
 Ўзи сандали устида ўлтуруб,
 Неча қул анинг хизматида туруб.
 Чу бордим салом айлабон ёнига,
 Чиқиб зинадин они дўқониға.
 Кўзум тушкач они бару дўшиға¹,
 Мани жон киби тортиб оғушиға.
 Чунон меҳрубонлиғни қилди аён,
 Дегил ошнолиқ бурунғи замон.
 Қилибон манга бу сифат эҳтиром,
 Кетурди яна нуқлу миною жом.
 Ки мажлис тузуб элга овозасиз,
 Тараҳҳум қилиб хадду андозасиз.
 Дедиким:— Баён айла эй меҳмон,
 Ўзунг ким эрурсан, қаердур макон?
 Мусофирлиғимни баён айладим,
 Яна муддаони аён айладим.
 Билиб матлабимни фаросат била,
 Буюрди қулиға ишорат била.
 Ўзим они бирла бўлуб ҳам жалис,
 Кетурди қули кўп либоси нафис.
 Яна неча ажнос заррин либос,
 Эди барча машруҳ кимхобу тос.
 Чу ҳар неча ким кўнгли севди анинг,
 Қилиб бўғча олдимға қўйди анинг.
 Баҳосини сўрдум бўлуб шодмон,
 Дедиким: «Ҳар ажнос ўлур юз тумон»
 Тутубон анинг кўнглини постин,
 Санаб бердим айтмай каму костин.
 Яна қулға ҳам лутф этиб дар замон,
 Қўлиға берибон ики юз тумон.
 Алар бирла баским бўлуб ҳам калом,
 Кунум бўлди кечу яқин бўлди шом.
 Яна қилди таклиф ўшал мезбон,
 Ки:—«Оқшом бизинг уйға бўл меҳмон.
 Қудуминг била уйни гулшан қилай,
 Жамолинг била кўзни равшан қилай.
 Берай санга оби таҳоротни,
 Бу тун бирга қилсоқ ибодотни.
 Сар афроз айла бу девонани,
 Қудуминг била баски вайронани».

¹ Бару дўш — гавда

Дедимки:— Бу амрингга маъзурмен,
Недин бошқа важҳ ила маъмурмен.
Мусофирмену янги тутқон мақар,
Ки ёлғиз эрур уйда бир муштипар.
Деди: — Демагил узрким суд йўқ,
Ки то бормасанг ҳеч беҳбуд йўқ.
Ким ул қўймади аҳду паймон била,
Ичиб онт келмакка ялғон била.
Гараз ваъда қилдимки маълум этай,
Сенинг бирла бормоғни мафҳум этай.
Дебон бўғчани кўтариб ёнига,
Кетурдум ўшал манзар айвониға.
Қўлумдин олиб нўшханд айлади,
Кўрубон борини писанд айлади.
Деди мангаким:— «Кимдин олдинг муни?
Бу янглиғ кўруб кечга қолдинг муни?»
Дедим:— Ул йигитким баён айладинг,
Дўконини манга нишон айладинг.
Яна айладим они тавсифини,
Тараҳҳум била уйга таклифини.
Қилиб ваъда ялғон қутулмоқ учун,
Ичиб онт ялғон тутулмоқ учун.
Дедиким:— «Бўлуб сен агар ошно,
Қилиб сен агар ваъда, қилғил вафо.
Киши мардлиғидин агар урса лоф,
Керак қилмаса ваъдасиға хилоф».
Дедим:— Эй пари манга бу мултамас,
Сени суҳбатинг бўлмоғи менга бас.
Сени хизматингдур менинг хоҳишим,
Вале бошқа бирла эмасдур ишим.
Деди: «Ҳар на мавжуд қилсанг агар,
Ҳар амр ила ҳушнуд қилсанг, агар.
Борибон ани бирла ишратда бўл,
Бу ёлғизлиғимдин фароғатда бўл».
Чу алқисса ул сарви олий нишон,
Юборди мени амр этиб дар замон.
Яна бордим ўл ҳамдами беназир,
Дўкон тахта айлаб манга мунтазир.
Бўлуб бир-биримиз била комёб,
Йўл озуғиға нўш этибон шароб.
Етуштук икавлон анинг уйиға,
Тамошо қилиб манзару кўйиға.
Уйи тўриға бир қати заршигор.

Мени ул кат устига берди қарор.
Не уйким ани боғлаб ойин била,
Дегайсенки гулшанни тазйин била.
Солинган анга неча турлук палос,
Анингдекки шоҳид кийибон либос.
Канизлар бори гулруҳу моҳваш,
Бўлуб соқию ҳам ўзи журъакаш.
Неча бир муғаннияйи хўш садо,
Қилур хорани сув гар этса наво.
Чу базм ичра кўрдумки ул шермард,
Кўзига тўлуб ёш, кўнглида дард.
Дамодам чиқиб оғзидин ўтлуғ оҳ,
Эрур бу сўзумга муҳаббат гувоҳ.
Дедим анга:— Эй хўбар сарвари,
Сабаб не дурур сенга чашми тари.
Ўзунг бўлдунг аввал манга меҳрубон,
Бу оқшом бўлубмен санга меҳмон.
Ки бу йиғламоқдин хаёлингни айт,
Кўнгулға етушган малолингни айт.
Биравким санга бўлса гар меҳмон,
Ишинг бумидур, меҳмон кўнгли қон.
Кўтарди, эшитгач сўзум, бошини,
Кўзидин тўкуб жоладек ёшини.
Манга дедиким: «Англа, эй шермард,
Ки бордур манинг кўнглума ўзга дард»
Чу турғон ерида деди, кей фулон,
Борибон кетургил ани дарзамон.
Биравни бирав билса асрорини,
Ажаб йўқ агар кўрса дилдорини.
Ики ошно бўлса гар иттифоқ,
Ҳамасрор эмасдур, эрур ул нифоқ.
Ўтуб ламҳаи базм эди дилнишин,
Эшикдин кириб келди бир нозанин.
Мулоқот этиб ошнолиғ била,
Яна ўлтуруб дилраболиғ била.
Дедиким: «Бу меҳмонни хурсанд қил,
Навозиш била вақтини қанд қил?»
Суроҳи қўлиға олиб ул нигор,
Пиёла сунуб айтти алла, ёр.
Қўлидин олиб нўш қилдим ани,
Яна масту мадҳуш қилдим ани.
Буюрдикки келтурдилар чангни,
Кетурди бирав ул хуш оҳангни.

Олибон ани қўлга ул дилрабо,
 Қилиб анга мизробини¹ ошно.
 Чекиб ун, тузуб бир навойи ҳазин,
 Қилибон анга Зухра кўп офарин.
 Чу сархуш бўлуб бодаю создин,
 Юз онча доғи ҳусни овоздин.
 Ғараз базмни қилди ораста,
 Ки ҳусни эди моҳи нокоста.
 Ҳам уч кеча-кундуз бўлуб журъакаш,
 Бўлуб маҳв кўнглумдин ул моҳваш.
 Чунон масту мадҳуш ўлуб пайкарим,
 Ки чиқти хаёлимдан ўз дилбарим.
 Ғараз бир саҳар уйқудин уйғониб,
 Йилондек хижолат била тўлғониб,
 Саросима турдуму қилдим назар,
 Етиб базм эли маст ўлиб сарбасар.
 Чиқиб ташқари йўлга бўлдум равон,
 Ки ҳаммом сориға айлаб нишон.
 Борурда бўлуб ҳар замон ўзга ҳол,
 Яна юзланиб кўнглума юз хаёл.
 Ўзумга дедим: «Бу на аҳволдур?
 Бу аҳвол ила манга не ҳолдур?
 Бу иш аввал эрмас мусофир иши,
 Мусулмон эмас, балки кофир иши.
 Бир оқшом дебон рухсат олғоними,
 Бу маҳфилда уч кеча қолғоними.
 Хусусанки ул ойни ёлғуз қўюб,
 Ўзум ит каби бе муҳоба юруб».
 Кириб чиқдим ул лаҳза ҳаммомдин,
 Аритиб ўзум лавси бадномдин².
 Дедим: «Ул пари манга не сўзлагай,
 Ул ой манга не маслаҳат кўзлагай?»
 Бу иш дафъини қилганим билмадим,
 Хижолат била ўлганим билмадим.
 Чу алқисса андин ибo айладим,
 Эшикни урубон нидo айладим.
 Кишига аён этмай овозани,
 Келибон ул ой очти дарбозани.
 Мени кўрдию нўшханд айлади,

¹ Мизроб — танбур чалганда қўлга ушланадиган кичкина чўп ё тирноқ.

² Лавс — мурдорлик, ифлослик:

Кулуб доғи дарвоза банд айлади.
 Анга сўзламоқликқа қолмай мажол,
 Қулоғим бўлуб қар, тилим бўлди лол.
 Фаросат била айдиким: «Эй фалон,
 Кечурма хаёлингга бошқа гумон.
 Билурменки кўнглунгни қолғон эмас,
 Ва лекин санга рухсат ўлғон эмас.
 Бирав ошно бўлса ёри била,
 Борур анда ўз ихтиёри била.
 Келурда эмасдур анга ихтиёр,
 Эрур ангаю мунга не ихтиёр?
 Борур меҳмон ўз ризоси била,
 Келур мезбонни ризоси била».
 Дедим:— Бу сўзунг беаломат эмас,
 Агарчи ўзи ҳам каромат эмас.
 Дедиким: «Сангадур еган, ичканинг,
 Баён айлагил кўрганинг, билганинг».
 Дедим ҳар на ўткан аломотини,
 Яна базм аҳлини ҳолотини.
 Ҳам ул ошно одамиятлиғи,
 Қанизлар бори мардумиятлиғи.
 Ҳам ул дилрабо базм аро келганин,
 Навозиш қилиб доғи чанг урганин.
 Неча қатла рухсат манга бермамоқ,
 Тавозиъ била қайтариб сақламоқ.
 Аларни қўюб уйқуға, келганим,
 Ул ой хизматига келиб етганим.
 Не ким кўрганимни баён айладим,
 Борисини бир-бир аён айладим.
 Яна ул пари айдиким: «Э фалон,
 Сен ҳам келтуруб қил, ани меҳмон.
 Қи ҳар ошно гуфту фармониға,
 Бўлу бўлмоғил таҳти эҳсонига.
 Неча айладинг они тавсифини,
 Борибон яна айла таклифини».
 Дедим: «Манга мунча ҳикоят қилур,
 Яқиндурки они киноят қилур».
 Дедим:—«Манга йўқтур неча дастрас,
 Киноят сўзунг, эй пари, эмди бас».
 Табассум била айдиким: «Бўл равон,
 Бу оқшом кетур, қил ани меҳмон».
 Тааммул қилиб мен анинг сўзиға,
 Қараб лаҳзае мен анинг юзиға.

Яна тунд бўлди манга ул пари,
Қи: «Эй мардлиғдин иши ташқари.
Не сўз ким десам, рост қилғил қиёс,
Агар ошно сен тут амримни пос.
Бу янглиғ агар бўлса одат санга,
Бу бўлса агар ақлу ҳолат санга,
Не мушкул эрур тавринга юрмоғим,
Машаққат эрур умр ўткармоғим.
Борибон букун анда ишратда бўл,
Ҳам оқшом кетур они хизматда бўл».
Ғаразки ул ишга буюрди мени,
Кетурмоқға они юборди мени.
Борурға тушуб кўнглума юз хаёл,
Вале барчаси ҳам хаёли муҳол.
Яна бордум ул ошно ёнига,
Келиб ўлтуруб они дўкониға.
Ишорат қилиб қулға ул шаҳрёр,
Олиб чиқти бир чинийи ноладор.
Қадаҳ тўлдуруб боз тутди манга,
Тавозиё қилибон узотди манга.
Олибон ани нўши жон айладим,
Мен аввал ани май гумон айладим.
Ичиб кўрдум они ки шарбат экан.
Ажаб турфа хушбўю лаззат экан:
Дедимки:— Бу шарбатни не нафъи бор?
Дедиким:— «Буни нафъи дафъи хумор».
Ичиб ўлтуруб кўп зарофат била,
Кун оқшомға тегру зиёфат била.
Дедим мен ўшал марди мардонаға:
— Қадам ранжа қил бизни вайронаға.
Қабул айлади ҳам бўлуб шодмон,
Туруб дарзамон тахта қилди дўкон.
Икав бир-биримизла қўл ушлашиб,
Кириб йўлга бир-бирга кенгашлашиб.
Валекин манга бошқа турлик хаёл,
Қулоғим анга, кўнглума юз малол.
На бор уюма бир емак ичмоғим,
На мумкин анинг илгидин қочмоғим.
Чу алқисса йўлга юруб дамбадам,
Қўюб доғи дарвоза узра қадам.
Ики қул туруб эҳтиром айлади,
Икнимизга бирдек салом айлади.
Чу кўрдумки уйлар бари дилпазир,

Ҳаволи аросиға жамъи қасир.
 Бари суффаларга тўшалган палос,
 Канизлар бари моҳруху хушлибос.
 Тило, нуқрадин жамъи зарфу зуруф,
 Қим эҳзориға топмайин эл вуқуф.
 Кўнгулға дедим: «Бу ҳаволи эмас,
 Бу ойинда жаннат мисоли эмас.
 Ҳамоно мени май қилиб ўзга ҳол
 Намудор этар мунча зебо хаёл».
 Қурулғон бир уй тўрига нимтахт,
 Чиқардим у ўлтурди ул некбахт.
 Ўзум чиқдим андин қилиб изтироб,
 Муҳайё шаробу таому кабоб.
 Ҳар уй ичра кўрдум мутарраҳ каниз,
 Эрур баъзи андин жувон, баъзи қиз.
 Ҳар уй ичра бир неча раъно пари,
 Бир ишка муқайяд эрур ҳар бири.
 Назар айладим уйни ҳар бобиға,
 Зиёфат била айш асбобиға.
 Вале кўрмадим сарви гулчеҳрани,
 Ёритган юзи моҳидин ҳужрани.
 Топай деб кўнгулға тушуб печтоб,
 Югурдим ҳар уйға қилибон шитоб.
 Чу матбах сари тушди ногаҳ кўзум,
 Чароғе ёнур анда етсам ўзум.
 Вале кўрдум ул гул юзида ниқоб,
 Солиб сих уза, қилдурубон кабоб.
 Манга айди ул ҳур ваҳшат қилиб:
 «Қи не иш қилурсен бу ерга келиб?
 Бориб меҳмон бирла ишратга бўл,
 Буюргил не хизмат, фароғатга бўл.
 Демаким булар манға тобин эмас,
 Манга хизмат этмакка таъйин эмас.
 Агар беадабдур ани боғлаб ур,
 Ҳукумат қилиб хизматингга буюр».
 Доғи қайтариб айдиким: «Эй фалон,
 Қи бир сўз санга айтайин мен ниҳон.
 Қим ул меҳмон вақтини хуш қилиб,
 Бериб бодаю они сархуш қилиб.
 Дегил ҳозир этсун ўшал ёрни,
 Қим ул дилбари шўхи айёрни».
 Келиб мен анинг ёниға ўлтуруб,
 Неча қатла соғар бериб тўлдуруб.

Чунон маст, сархуш бўлуб меҳмон,
 Дедимки:— Фидо санга бу хаста жон.
 Мусофирмену йўқ манга дастрас,
 Йўқ, эрса хаёлимга кўбдур ҳавас.
 Ҳама важҳдин ўзни масрур тут,
 Ки бир важҳдин бизни маъзур тут.
 Фаросат била англади муддао,
 Деди: «Ғам ема ҳеч йўқтур ибо».
 Дебон бир канизни буюрди ўзи,
 Яна ерга боқиб ёшарди кўзи.
 Ўтуб ламҳа базмдин дарзамон,
 Хиром айлабон келди сарви равон.
 Кириб базм аро ул пари ўлтуруб,
 Паё пай неча жом бердим туруб.
 Қўлига олиб дарзамон чангни,
 Яна тарк этиб ном ила нангни.
 Чунон базмни айлади пурсадо,
 Фалак саҳнига Зухра¹ айлаб наво.
 Эрур ташқари аҳли ҳам хайл, ҳайл,
 Алар ҳам қилиб барча ишратга майл.
 Ки бу навъ ойини савту садо,
 Бўлуб ҳар кеча неча меҳмон саро.
 Ҳам ул ошно мандин ўлди беҳил,
 Бўлуб ўз зиёфатларидин хижил.
 Чу уч кеча, кундуз бўлуб боданўш,
 Улус май хуми янглиғ этканда жўш.
 Қим уйқу мани мисли мажнун қилиб,
 Яна бода ҳолим дигар гун қилиб,
 Бошимни қўюб лаҳза ором учун,
 Яна уйғониб ичкали жом учун.
 Чу бир лаҳза уйқуға кетти кўзум,
 Дағи бодадин беҳуд эрдим ўзум.
 Мен ул уйқудин чун саросима бош,
 Кўтардим ва кўрдум: чиқибдур қуёш.
 Ҳар уйга кириб неча қилдим назар,
 Яна топмадим бир кишидин асар.
 Бошимни уруб барча деворға:
 Неча ким етушмай бу асрорға.
 Таҳайюр мани айлабон поймол,
 Бу кўрган дедим туш эрур, ё хаёл?
 Тушуб кўнглума икки меҳмон ғами,

¹ З у х р а — Музика ҳомийси деб танилган юлдуз, Венера.

Бу ҳам бир тараф, доғи жонон ғами.
Югурдим яна меҳмонхонаға,
Назар айладим доғи кошонаға.
Ҳаросон боқиб тушди кўнглумға бим,
Чу кўрдум туруб бир ўролғон гилим.
Дедим бу гилим анда ётмоқ нечук,
Саросима очтимки, икки ўлук.
Кўрарман бири ошноий азиз,
Бириси эрур чанг урғон каниз.
Икиси бўлуб бисмил андоққи қўй,
Қизил қонидин икиси сурх рўй.
Этай арзими сизга дарвешлар,
Ситам тифидин бағриға нешлар.
Бошимға тушуб юз туман қилу-қол,
Ки сизга келур саргузашти малол.
Аларни кўрубон бу аҳвол ила,
Чиқиб ташқари булғажаб ҳол ила.
Кўнгулға тушубон аларнинг ғами,
Енимға етиб келди бир одами.
Келибон манга қилди аввал салом,
Яна берди ул хурвашдин паём.
Деди: «Келганим мунда айтай, сени
Анинг олдиға доғи элтай сени».
Анинг бирла ҳам йўлга қилдим шитоб,
Дамодам тушуб кўнглума печутоб.
Кўрунди кўзимға буюк бир ҳисор,
Ҳама буржлари баланд, устувор.
Ўтуб ёнидин турфа наҳри-азим,
Яна саҳни бир масжиди хуш насим.
Дедиким: «Букун мунда тутғил қарор.
Ярим тунғача бўл анга интизор.
Доғи қайтибон санга одам келур,
Сани элтибон васлиға еткурур».
Эшиткач бу сўзни мени дилфигор
Кун ақшомғача тутдум анда қарор.
Етиб масжид олдида нозир бўлуб,
Ярим тун бирав келди ҳозир бўлуб.
Енимға етиб келди бир ҳизрваш,
Деди менгаким: «Юргил эй дардкаш».
Чу кўрдумки бир марди равшанзамир,
Қўлиға асоси эрур дастгир.
Киши воқиф ўлмай бу овозадин,
Мени киргизиб борди дарвозадин.

Бу ёнидин доғи бир эшик очибон,
Кирибон анинг бирла бўлдум равон.
Тафаҳхус қилиб англадим турфа боғ,
Ки андин қамар машъали бўлди доғ.
Деди манга ул дам ўшал марди пир:
«Яна ўлтуруб бўлғусен мунтазир.
Борибон анга арз изҳор этай,
Сенинг келганингдиң хабардор этай».
Дебон кетти ёнимдин ул пирмард,
Кўзумга тўлуб ёш, кўнглумда дард.
Ўшал ҳурдин ҳеч бўлмай асар,
Бўлуб мунтазир то қубайли саҳар.
Замоне намудор ўлуб ул пари,
Хиром айлабон мисли кабки дари.
Етишти чу сарвақтима ногаҳон
На ҳуш қолди манга, не тобу тавон.
На ердин турарға қолиб қувватим,
На сўз сўзламоққа анга ҳолатим.
Табассум қилибон сўруб ҳолими,
Фаросат била англаб аҳволими.
Сўруб ҳолими меҳрибонлиғ била,
Қилиб лутф ширин забонлиғ била.
Деди манга: «Ҳаққинг ададдин фузун,
Яна шафқатинг ҳаққи ҳаддин фузун.
Бу янглиғ тушар иш киши бошига,
Не қилмоқ керак они подошига.
Билурмен менга харжи мол айладинг,
Доғи хотиринг пурмалол айладинг.
Менга чунки қилдинг бу янглиғ карам,
Ки сарф айладинг нақд то ушбу дам.
Не чоғлиғ эди дастмоянг сани,
Бори харжи божу кироянғ сани?
Дегил, топшурубон мени дилфигор,
Биҳил қил сену мен бўлай ҳақғузор».
Ишорат қилиб ул бути симбар,
Олиб қўйнидин бир ики халта зар.
Ёнимға қўюб айдиким: «Эй фалон,
Тонг отса берай от, бўлғил равон».
Дебон турди ўрнидин ул сарвнот,
Турубон йиқилдим оёғиға боз.
Этокин тутубон дедим: — Эй пари,
Эшит арзим, эй хўблар сарвари.
Бу муддатга хизматға эрдим ўзум,

На бұлди, қулоқ солмадинг бир сўзум?
 Табассум қилиб ұлтуруб бир замон,
 Деди: «Айлагил ҳар на билсанг баён».
 Дедим: — Эй пари, бу сўзум жазм бил,
 Тириклик манга саъб фикримни қил.
 Ки бир ишга хизмат била бұлмоғим,
 Биравга буюр йўқса ўлдурмоғим.
 Дедики: «Жунун пешайи пур хаёл,
 Санга бу хаёлики бордур маҳол.
 Агар васлдин дерсен, имкони йўқ,
 Бу фосид тамоннони поёни йўқ.
 Бу андешадин қилма ўзни малул,
 Ки юз йилга бұлмас бу ҳарфинг қабул».
 Дедим: — Ё мени соҳиб асрор қил,
 Бу асрорлардин хабардор қил.
 Бўлубон бу аъжубалар ноқили,
 Дегилким, ким эрди алар фоили?
 Деди ул пари: «Бул ҳам осон эмас,
 Ани ҳам эшитмоғлиқ имкон эмас».
 Дебон қўпти йўлга ва бұлди равон,
 Мани ҳам чиқариб алар дарзамон.
 Келиб доғи масжидга қилдим мақар,
 Бу ғамдин етиб жонима юз хатар.
 Яна ишқ бағримни қон айлади,
 Ғами ҳажр ҳам қасди жон айлади.
 Йиқилдим келиб анда маҳжур ўлуб,
 Ғаму ғусса кўнглумға ранжур ўлуб.
 Бу муддат била ҳам ўтуб қирқ кун,
 Бўлур эрди ҳар лаҳза ҳолим забун.
 Буким масжид аҳли манга раҳм этиб,
 Мусофир йигит, ҳайфким, ўлди деб.
 Бошимға ҳужум айлабон субҳу шом,
 Эшитиб доғи сарви олий мақом.
 Биравни манга ул юборибдурур,
 Чу ул ҳам бошим узра борибдурур.
 Қўтариб мани келтуруб боғ аро,
 Таним ташлабон тош, тупроқ аро.
 Бориб ул парига берибон хабар,
 Ётур бўстон ичра, жони куяр.
 Келиб бошима кўрди сарви равон,
 Ҳакими топиб, лутф этиб шул замон.
 Ғаразким сиҳат бұлди аъзо манга,
 Юз онча бўлубон тақозо манга.

Чунон парвариштин мухайё бўлуб,
 Ки аввалғидин ҳам тавоно бўлуб.
 Бу муддатга ҳар кеча ул нўшлаб,
 Ҳарамдин келиб айлар эрди тараб.
 Бир оқшом деди манга ул дилрабо:
 «Фалони, недур кўнглинга муддао?
 Баён айла фикрингни қилма ибо,
 На иш айласам сен бўлурсен ризо?»
 Дедим: — Эй пари кўзу ёшим эрур,
 Сенинг остонингу бошим эрур.
 Бу муддатки, мен сендин этгим умид,
 Валё айладинг охири ноумид.
 Кел эмди бу сирдин хабардор қил,
 Бу дам манга изҳори асрор қил.
 Ки ғам айлаган ҳолатимни забун,
 Гириҳлар тушуб кўнғлума туну кун.
 Муҳаббат қилур шерларни забун,
 Муҳаббат қилур тоғни вожгун.
 Муҳаббат қилиб жониға турктоз,
 Ки Маҳмуд қул бўлдию шаҳ Аёз.
 Муҳаббат шароби агар қилса маст,
 Забардастларни қилур зердаст.
 Ғараз ишқим ул ойни тасхир этиб,
 Муҳаббат ўти анга таъсир этиб.
 Деди: «Эй йигит, лаҳза огоҳ бўл,
 Эшитиб сўзум балки ҳамроҳ бўл.
 Нетайким манга кўп эрур меҳнатинг,
 Яна ҳадду андозасиз шафқатинг.
 Аларни агар қилмасам мен адо,
 Билурмен эмас тангри мендин ризо.
 Санга айтайин: шаҳ қизи, мен ўзум.
 Қулоқ солибон, хуш эшитгил сўзум.
 Отамдур бу мулкат уза комрон,
 Эрур тахту давлат аро ҳукмрон.
 Чу мендин эмас бошқа фарзанд анга,
 Эрурмен бу умрига дилбанд анга.
 Бу ёшимғача туну кун, субҳу шом,
 Ишим эрда ҳар лаҳза миною жом.
 Даме базмдин базм эли кетмағон,
 Ичиб жом бир лаҳза айрилмағон.
 Неча сарв гулчеҳра, зебо каниз,
 Яна ўлтуруб ўн муғанния қиз.
 Ичиб бодаю ўтқариб ой, йил,

Бу ишрат била умр ўтуб муттасил.
Кўп ашъё бўлуб майға исроф ҳам,
Тилаб тангридин доғи инсоф ҳам.
Чу алқисса тарк айладим бодани,
Йиғиштурдум асбоби оmodани.
Хумор осибни манга айлаб зарар,
Йиқилдимү бўлдум яна дардисар.
Вале бор эди пири соҳиб ҳаё,
Отам боргоҳида хожа саро¹.
Манга айдиким садқа жоним санга,
Тасаддуқ яна хону моним санга.
Сани кўп забун айламишдир хумор,
Бериб ич дебон бир қадаҳ кўкнор.
Дедиким қилур неча иллатни дафъ,
Хусусан қилур май хуморини рафъ.
Бу қулни кўлидин мунни нўш қил,
Топиб нашъа, майни фаромўш қил.
Чу кўкнордин нўш этиб бир қадаҳ,
Ҳам ул дам тушуб кўнглума юз фараҳ.
Агарчи мунунг ичмаки вирд эмас,
Арақ нашъаси мунга шогирд эмас.
Дедим пирга бериб инъомни,
Ки ҳар эрта тарк этма бу жомни,
Кетурмиш эди пири неку сияр²,
Солардим ўшал жомига сим, зар,
Чу бир эрта ул жомни тўлдуруб,
Ки кал баччани илгида олдуруб.
Ўзумни доғи рафъ этибон хумор,
Ки кал бачча берди манга кўкнор.
Дедим пирга, кўп сиёсат қилиб,
Ким эй пирсак деб ҳақорат қилиб.
Мен айдим бу кун манга ботди сўзунг
Кетурмоқига ор қилдинг ўзунг.
Аёғимга ҳардам суруб бошини,
Юзига кўзидин тўкуб ёшини,
Деди: «Эй латофат сипеҳрига ой,
Аёғинг изига қуёш жабҳасой³.
Яқин ким бу калдур ўзи масхара,
Неча масхарадин бу калдур сара,

¹ Хожа саро — хошларнинг ички саройларида хизмат қилувчи қуллар.

² Некусияр — яхши ахлоқли.

³ Жабҳасой — манглай суртувчи:

Чу ҳар кимни табъи мушавваш бўлур,
 Бу кал лафзидин хотири хуш бўлур».
 Дедимким: «Бу не масхаралиғ бўлур?»
 Деди пирким: «Бир канизга буюр».
 Буюрдимки, дахл этдилар кўп каниз,
 Яна кал алар бирла айлаб ситез.
 Канизларга кал турфа машғулдур,
 Чу билдимки ҳар ишда маъқулдур.
 Дедим калгаким мунда бўл дастёр,
 Ҳар эрта кетургил ўзунг кўкнор.
 Ки ул пир кўкнор келтургани,
 Ушал моядин бўлди ҳоло ғани.
 Ушал кунки олиға қилдинг гузар,
 Санга берди бир боркаш симу зар.
 Вале кал қолиб мунда хизмат қилиб,
 Топиб парваришлар фароғат қилиб.
 Сарупо кийиб қолмади бир ғами,
 Ғараз айладим кални мен одами.
 Туну кун келиб базм аро ўлтуруб,
 Неча сўз ила базм элин кулдуруб.
 Анинг ишқи кўнглумға тушти ниҳон,
 Мени қилди алқисса сайди забон.
 Даме кўрмасам манга ором йўқ,
 Дағи базм элиға саранжом йўқ.
 Икимизни ҳолин бари эл билиб,
 Ва лекин мени чун риоят қилиб,
 Дедиларки: «Бир ишда хос айлагил,
 Маломаатдин ўзни халос айлагил.
 Анинг бўйла келмоғлиғи хўб йўқ,
 Хирад олдиға балки марғуб йўқ.
 Манга бўлди маъқул аларни сўзи,
 Нединким улуғ бўлган эрди ўзи.
 Ики юз туман харж этиб дарзамон,
 Ани ўтқузуб Чорсуға дўкон.
 Ушал кунки кўнглумни поси учун,
 Макониға бординг либоси учун.
 Олиб бир ҳаволи ҳарамда яқин,
 Қилиб неча сарманзили шаҳнишин.
 Ҳарам жонибидин доғи нақб уруб,
 Анинг уйиға нақбни еткуруб.
 Юбортурдум олдиға ҳар бобдин,
 Керак бўлғудек неча асбобдин.
 Доғи топшурубон ики-уч каниз,

Тутубон анинг хотирини азиз.
Ниҳони бориб они келтургани,
Келиб махфий суҳбатқа ўлтургани.
Бу минволя ила ўтқариб олти йил
Деди: «Эй фалони, сўзум жазм бил».
Чу алқисса кал хуш эса хуш эдим,
Агар ноҳуш эса мушавваш эдим.
Чу бир кеча базм ичра кўрдум ғамин,
Анинг табъини билдим андуҳгин.
Суол этгим андин ки «Ҳолинг надур?
Кўнгулға етушкан малолинг надур?»
Дедиким: «Фалон тожире бир каниз,
Ўзи хоназод эрмишу доғи қиз.
Чалибон ўқурмиш яна чанг ила,
Ки бисмил қилиб элни оҳанг ила.
Чаларда анинг чангини сози хуш,
Ўқурда доғи ҳусни овози хуш.
Олурға кишига мулозим эрур,
Ки бу навъ суҳбатга лозим эрур».
Чу билдим бўлуб анга мойил ўзи,
Қилиб неча сўзларни қойил ўзи.
Сўрубон баҳосин анинг дарзамон,
Санаб бердим анга ики юз тумон.
Ани келтуруб базм аро ўтқузуб,
Яна амр этиб чангни чолғузуб.
Чу кўрдумким алҳақ сазовор эрур,
Ҳамавақт суҳбатга даркор эрур.
Бериб неча инъом таҳсин қилиб,
Мунинг ҳам доғи анга тобин қилиб.
Йибордим яна хизматиға анинг,
Ки бўлсун дебон улфатиға анинг.
Бу янглиғ ўтуб доғи бир неча кун,
Қилибон анга дилраболиғ фузун.
Яна бир тун ошуфта кўрдум анинг,
Доғи бўйла ҳолини сўрдум анинг.
Дедики: «Фалон ерда бир турфа боғ,
Бўлур ҳар киши кўрса ғамдин фароғ.
Саросар бори файзу равнақ эрур,
Дегил они рашки Хаварнақ¹ эрур.
Анингким баҳоси фаровон эмиш,
Ики юз тумон берса арзон эмиш».

¹ Хаварнақ — афсонавий бир сарой.

Чучук сўз била нарм қилдим ани,
Ҳам олғил дебон амр қилдим ани.
Чу кўрдум ажаб боғи жаннат нишон,
Буюрдум анга доғи бир боғбон.
Бир оқшом буюрдум анга дояни,
Топорга ўзум балки сармойни.
Кетурди хабар доя: «Маъзур эмиш,
Бу ақшом судоъ ила ранжур эмиш».
Ўзум бордим олдиға кўрмоқ учун,
Анинг лаҳза ҳолини сўрмоқ учун.
Чу кўрдум ётиб кал ўзи хон каби,
Каниз боши узра мағасрон каби.
Алар манга билдурмайин гоҳ-гоҳ-
Қилур бир-бири бирла ожиз нигоҳ.
Сўруб бир нафас англадим ўлтуруб,
Ки билдурмайин доғи кеттим туруб.
Яна бир кеча одам эттим равон,
Ки келсун дебон ҳамраҳи меҳмон.
Ўтуб ламҳае келди борган киши,
Уйидин тополмай, юборган киши.
Дедиким уйиға йўқ эркан алар,
Ҳамоно бир ишга борибдур магар.
Яна рашк ўти қилди бағрим кабоб,
Доғи ҳажр аҳволим этти хароб.
Югурдум кириб нақбдин уйиға,
Анинг кўз солиб манзару кўйиға.
Чу сўрдум бориб бир каниздин ўзум,
Ки топшурғон аввалғи қиздин ўзум.
Деди: «Сотқун олғон ўшал чанг навоз,
Бўлубдур бу кал ҳам анинг бирла соз,
Икиси бу оқшомки суҳбат қилур,
Ҳамоноки бир ерда хилват қилур».
Яна келдим уйқуға солдим ўзум,
На уйқуки, қайғуға солдим ўзум.
Туруб базмни айладим бартараф,
Кетиб базм эли ҳар бири бир тараф.
Қубайли саҳар нўш этиб икки жом,
Ўшал боғ сарифа қилдим хиром.
Ким ул боғ эди холи ағёрдин,
Ўзум солдим ул лаҳза девордин.
Яқин эрди май маст қилса мани,
Кўрунди ёруғ ҳужрани равзани.
Чу кўрдум икиси бўлиб боданўш,

Қилиб бир-бири бирла жўшу хурўш.
Ажаб бир-бирига улашибдурур,
Чу билдимки иш ҳаддин ошибдурур.
Гаҳи бўйнига қўл ҳамойил қилиб,
Ўзини бу ҳам анга мойил қилиб.
Гаҳи бўйнидин шадда торин узуб,
Гаҳи кўкрагидин анорин узуб.
Гаҳи қўл солиб габагабин ушлабон,
Бу они қўлин ҳазл ила тишлабон.
Бу они солиб зулфу холига қўл,
Анинг бу узотиб сақолига қўл.
Дами ўлтуруб бир-бирин ушлашиб,
Яна айрилиб бир-бирин мушлашиб.
Олиб ўртада доғи миноу жом,
Ки кирдим эшикдин қилибон салом.
Кўруб турфа ошуфтаҳол ўлдилар,
Ки тангри билурким не ҳол ўлдилар.
Ва лекин бўлуб мен алардин батар,
Тушуб жонима рашкдин юз шарар.
Чу билдим учуб кайф алар бошидин,
Ўзум ҳам чиқолмай алар қошидин.
Ўтуб муддате демадим ҳеч сўз,
Бўлубон аларга ўзум нашъадуз.
Алар бир-бири бирла изҳор этиб,
Киноят сўзин неча такрор этиб.
Деди калга: «Бас қил бу карру фаринг¹,
Сани бор экан мен каби шавҳаринг»
Дебон анга неча ситез айлади,
Бу сўзлар била кални тез айлади.
Деди кал қараб менга: «Охир нетай?
Ва ё бир тараф бошим олиб кетай?
Ки сендин йироқ юрганим яхшироқ.
Уруб ўзни ўлдурганим яхшироқ».
Дебон тигни тортибон ёнидин,
Чу билдим кечибдур чучук жонидин.
Туруб дарзамон илгидин ушладим,
Мани ур дебон ўзуми ташладим.
Дедим: «Сен шаху мен мулозим эрур,
Мени ўлдурур санга лозим эрур».
Ки бордур эшит даҳр аҳволига,
Масал кимки тўйдурди саққолига...

¹ Карру фар — дабада.

Неча вақт нафъимни кўрди мени,
 Бил охир неча захм урди мени.
 Ики-учгача кўзума илмадим,
 Ки мундин нари ўзуми билмадим.
 Замонеки ҳолимга келдим ўзум,
 Очилган замон сента тушти кўзум.
 Ҳамоно бу янглиғ мени ўлдуруб,
 Танзим доғи сандуққа солдуруб.
 Кўтариб ўшал тун ҳаво авжига,
 Яна ташлабон қалъани буржига.
 Сани айлабон ҳақ манга меҳрибон,
 Сабаб қилдию қайтадин берди жон.
 Дедимки ўшал тун бу аҳбоблар,
 Қаердин етиб мунча асбоблар.
 Бир оқшомга қайдин кетурдинг ани?
 Яна доғи қандоғ итурдинг ани?
 Ул айди ўшал кун сани дарзамон,
 Кетурмоққа меҳмонга қилдим равон.
 Бу муддат отамдур шикор устига,
 Қилиб азм ўзга диёр устига.
 Мени йитганимдин онам эшитиб,
 Фигон ийла, ҳар дам ўзидин кетиб.
 Ниҳони сўрашиб, тажассус¹ қилиб,
 Қим изҳоридин элга номус қилиб.
 Отам уйи сари югурдум ўзум,
 Онамни жамолига тушти кўзум.
 Онамки бу ҳолатда кўрди мени
 Жазаъ² бирла ҳолимни сўрди мени.
 Дедим: «Эй она ўзни масрур тут,
 Мани доғи уч кеча маъзур тут.
 Келиб санга изҳори аҳвол этай,
 Бу асрорлардин хабардор этай.
 Малул ўлмагил йўқу борим била,
 Бу кетмак эмас ихтиёрим била.
 Агарчи қолиб бўйла маъюсга,
 Вале кетмади раҳна номусга.
 Зиёфат қилай неча аҳбобни,
 Юбортур манга жамъи асбобни.
 Отамни сару коридин дарзамон,
 Кетурдум ва қилдим ани меҳмон.
 Ушал кеча май маст қилди сани,

1 Т а ж а с с у с — яширин текшириш. 2 Ж а з а ъ — сабрсизлик.

Яна уйқу побаст қилди сани.
Қириб ики баттолни ёниға,
Бўяттиму чиқтим қизил қониға.
Нелар қилдим они ризоси учун,
Доғи қилдим анинг жазоси учун.
Қишига бирав қилса ғамхорлик,
Бу эрдиму поси намакхорлиқ»,
Дебон кўздин ашки оқиб шашқатор,
Биайниҳ тўкар жола абри баҳор.
Деди: «Эй йигит, эмди мардона бўл,
Бу мардоналиғ бирла фарзона бўл,
Бу янглиғ ки кўрдунг жафою ситам,
Ҳамоно санингчун ёзилмиш қалам.
Қазо рад эмас ҳеч тадбирға,
Керак рози бўлмоқ бу тақдирға.
Бу ердин санинг бирла кетмак керак,
Яна ҳарна мақсадға етмак керак».
Чу алқисса кетмакни жазм айлади,
Мани қўйди, уйиға азм айлади.
Замоне чиқорди ики яхши от,
Фалак тавсани пўядин бўлди мот.
Манга топшуруб ул бути некном,
Яна қайта қилди ҳарамға хиром.
Замоне чиқарди кўтариб туруб,
Қи ҳуржунни кўп нарсага тўлдуруб.
Чу кўрдумки бир ёниға симу зар,
Яна ёниға нуқл, шаҳду шакар.
Олиб они от устига тиндуруб,
Яна отиға маң ани миндуруб.
Чу ул кўрмайин қавму қардошини,
Биёбонға ўнглаб бедав бошини.
Чиқиб қамчилаб йўлга бўлдук равон,
Дедим шукр комимға бўлди жаҳон.
Чунон пўяда сакраб ики бедав,
Қи соқларға қўлларға ботти жилав,
Гаҳе от қўюб, гаҳ юруб, гаҳ туруб,
Тонг отса тушуб, лаҳзае ўлтуруб.
Йўл устига ўзни қоровул қилиб,
Қи бир-ики луқма тановул қилиб.
Биёбон аро нўш этубон шароб,
Ебон доғи нахжир этидин кабоб.
Манга дер эди ул пари ҳар замон,
«Қи борму санга мардлиғдин нишон.

Сани деб бу иш ихтиёр айладим,
 Ки бул навъ тарки диёр айладим.
 Сан ҳам кал каби пуржафо бўлмағил,
 Ки ул навъ қилиб, ошно бўлмағил».
 Дебон кўзларидин тўкар эрди ёш,
 Қўюб дамбадам мен оёғиға бош.
 Бу сўздин дедим: — Эй пари боғла тил,
 Суруб от манзилга етмакни бил.
 Туну кун юруб бўйла маркаб суруб,
 Ун икк кеча-кундузи йўл юруб.
 Ҳаво иссиғидин қизиб ер қуми,
 Куюбон қўярға таковар суми.
 Қўрубон сафарда азоби жаҳим,
 Ки қаршу келиб турфа наҳри азим.
 Улуғ баҳри уммон, поёни йўқ,
 Анинг мавжидин ўтмак имкони йўқ.
 Ёнида яна бир дарахти қухун,
 Солиб етти қат ерда ул шоху бун.
 Ки ҳар шохи кўкка булуб тавъамон,
 Малойик сифат қушлара ошён.
 Анинг соясиға берибон қарор,
 Ўзум отланиб ҳар тараф беқарор.
 Югурдим гузар бўлса кўрмоғ учун,
 Ва ё бир киши кўрса сўрмоғ учун.
 Нечаки тараддуд қилиб баҳру бар,
 На одам кўрунур манга, не гузар.
 Чу андишаси тушти кўнглумға ўқ,
 Етуштумки ул ҳур жойиға йўқ.
 Саросима ҳар ёнға қилдим назар,
 Мен андин яна топмадим бир асар.
 Уруб бошима тошу тупроғни,
 Ки қўйди фалак доғ уза доғни.
 Яна арз этай сизга дарвешлар,
 Жафо ханжари бирла дилрешлар.
 Биравни ўтуб умридин ёз, қиш,
 Ки мундоғ насиб этмасун қаттиғ иш.
 Чу алқисса ул ҳурдин айрилиб,
 Ки келган йўлимга яна қайрилиб.
 Дедимким киши ортимиздин етиб,
 Ҳамоно етиб қайтарибон кетиб.
 Яна юртига ахтарибон ўзум,
 Етуштум қулоқ солиб очиб кўзум.
 Ғараз бўлдум ул ҳурдин ноумид,

На кўрдум асар, на эшиттим навид¹.
Дедимким: «Тирик бўлса эрди агар,
Бу муддатга бир англар эрдим хабар.
Ҳамоноки паймона тўлгон эрур,
Тирик йўқтурур балки ўлгон эрур.
Манинг ҳам кунун ўлганим яхшироқ,
Ки ҳамраҳ анга бўлганим яхшироқ.
Ки онсиз бори ранжу меҳнат эрур,
Бу иш балки шарти муҳаббат эрур»
Дебон тоғ уза азм қилдим ўзум,
Қуйи ташламоқ жазм қилдим ўзум.
Чу кўрдумки, тоғ узра бир хизрваш,
Ўзи оқ соқолу доғи лафзи хуш.
Очиб мусҳаф анда тиловат қилиб,
Ки тангри сўзидин ҳаловот қилиб.
Ишорат қилиб манга ул хуш калом,
Бориб олдиға, анга бердим салом.
Деди: «Эй йигит айт, ҳолинг надур?
Бу тоғ узра чиқмоқ хаёлинг надур?»
Дедим саргузаштимни бошдиң-аёқ,
Ки бошдин-оёғиға солди қулоқ.
Кулуб айдишим ғам ема, навжувон,
Етарсен анинг васлиға бегумон.
Тушуб тоғдин йўлға бўлдум равон,
Бир ойдин бери, янги топтим нишон.
Кезилган будур кўху даштим мани,
Бошимдан ўтар саргузаштим мани.

¹ Н а в и д — хуш хабар, мужда.





САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ





«ГУЛИСТОН» ДАН

Э

Ҳикоят.

Шитдимким, бир подшоҳ бир бегуноҳ кишини ўлтурмакка ишорат қилди. Ул бечора ноумидлик ҳолатида қабих сўзлар айтиб, подшоҳга дашном этти. Андоқким, дебдурлар: «Ҳар кишиким жонидин кечар — кўнглида ҳарна бўлса, ани қўрқмай изҳор этар».

Б а й т:

Киши топмоғон чоғда жойи гурез,
Тутар илги бирла дами тиғи тез.

Қ и т ъ а:

Бўлса ҳар кимса жонидин маъюс,
Қўли қувват топору тили узолур.
Чун пишик тушса ит оғзиға
Қичқириб ит юзига панжа солур.

Подшоҳ анинг дашномиға тушунмай, вазирларидин сўрадиким:

«Ул на сўз айтур?»

Бир оқил вазири бор эрди. Ул деди:

— Эй подшоҳи олам, ул бечора айтурким, ҳар киши қаҳру ғазабин ютуб, халқнинг гуноҳин эҳсон қилиб ўтса, ҳақ субҳонаҳу ва таоло ани дўст тутар ва жамии гуноҳин ўтар. Подшоға бу сўз хуш келиб, анинг гуноҳин ўтти.

Яна бир гофил вазир оқил вазирга қараб деди:

— Подшоҳнинг суҳбатида сандин, мандин ёлгон сўз айтмоқ муносиб эрмастур. Бу киши подшоға дашном қилди. Сан бу сўзни ёлгон айтурсан.

Подшоға бу сўз нохуш келиб, андин юз эвуруб деди:

— Санинг бу рост сўзингдин анинг ул ёлгон сўзи манга кўп яхши кўрунур. Нединким, анинг сўзи амният ва маслаҳатга истехком берур ва санинг сўзинг фасод ва шарорат турғузмоқни тақозо қилур. Андоқким, хирадмандлар айтибдурлар: «Маслаҳатомиз ёлгон сўз фитна ангиз рост сўздин яхшироқдур».

Б а й т:

Эйки султон оллида сўзинг толибдур эътибор,
Яхши сўз айтурни пеша қил ўзингга зинҳор.

Бу байтлар Фаридун айвонининг тоқиға ёзилмиш эрдиким,

М а с н а в и й:

Жаҳон мулки эрмастурур пойдор,
Кўнгул боғла бас ҳақға, эй ҳушёр.
Анга айлама тажя қилмоқни иш,
Ки ўлтурди кўпни қилиб парвариш.
Ғурур этма кўп бўлса дунёву зар,
Егон эрмас андин даме кимса бар.
Чиқор вақт анингдекдурур жони пок,
Бадан жой тахт ўлсуну, йўқса хок.

Ҳ и к о я т

Бир сарҳангзодани кўрдумким, ақлу киёсат ва фаҳму фаросатда тавсифдин зиёда ва мубарро эрди. Ёши кичик эрса ҳам манглайида иззат ва улуглик осори пайдо эрди ва фазл — камол даражасиға етишмиш эрди ва борча уқало ақлиға қабул тушмиш эрди.

Б а й т:

Бор эрди бошида қилсанг назора,
Хирад хуршедидин равшан ситора.

Фил-жумла, подшоҳнинг табъиға мақбул тушди ва улуг мансабларға етушти. Нединким, хирадмандлар дебдурлар:

«Тавонгарлик ҳунар бирла бўлур, мол ва талош бирла бўлмас. Ва улуғлик, ақл бирла бўлур, жусса ва ёш била бўлмас».

Чун бир неча сипоҳ анинг жоҳига рашк ва ҳасад кўргузуб, ани бир хиёнатга муттаҳам қилдилар. Ва подшоҳнинг олдида кўп бефойда сўзлар айтиб, анинг қатлига кўп саъй ва кўшиш кўргуздилар.

Б а й т:

Кимсага гар дўст бўлса меҳрибон,
Душмани кўп бўлса андин не зиён.

Подшо андин сўрдиким;

— Санинг ҳаққингда буларнинг хусуматига сабаб недур?

Ул жавоб бердиким:

— Сизнинг сояи давлатингизда борчани ўзимдин рози ва хушнуд қилмишман. Аммо ҳасудлар ҳеч нима бирла рози ва хушнуд бўлмаслар, магар менинг жоҳ ва неъматим ва давлатим заволи била хушнуд бўлурлар.

Қ и т ъ а:

Кишига истарам асло етурмамак озор,
Вале на судки ҳосид кўрар ўзидин ранж.
Ул, эй ҳасудки, ранжи азимдур ҳасадинг,
Ки токай андин ўлурсан малулу меҳнат санж.

Қ и т ъ а:

Кўра олмас ҳамиша бадбахт эл,
Нек бахт ўлгон элга неъмату жоҳ.
Кундуз ар кўрмас эрса шабпара нур,
Чашмаи офтобга не гуноҳ.

Ҳ и к о я т.

Ажам подшоҳларидин бирини айтурларким, райят молига зулм била татовул қўлин узатмиш эрдиким, ул масобада жавру ситам қилмоқни оғоз этмиш эрдиким, халойиқ анинг жаври шадидидин ғурбат ихтиёр этиб, ҳар тарафга кеттилар. Вилоят ва райят кам бўлгондин

сўнг зироат ва тижоратга нуқсон етти ва хазина холи қолиб, душманлар ҳар тарафдин ҳужум этти.

Н а з м:

Мададгор истасанг вақти мусибат,
Саломат вақтида қилғил саховат.
Қочар базл этмасанг банданг эшикдин,
Қилур бегона лутф этсанг итоат.

Бир кун анинг мажлисида «Шоҳнома» китоби ўқулур эрди, сўз Заҳҳокнинг давлати завол топиб, Фаридун салтанатининг зикрига етган чоғда бир доно вазир подшоҳдин сўрдиким:

Фаридуннинг асло ганж ва мулк ва ҳашамати йўқ эрди. Мунча мамлакат нечук анинг тасарруфи қўлига кириб, салтанат анга муқаррар бўлди?

Подшоҳ деди:

— Кўп халқ таассуб ва ғайрат юзидин анинг атрофиға жамъ бўлуб, анга қувват ва мадад еткурур эрдилар, то ул подшоҳлиққа етти.

Вазир деди:

— Чун халқнинг жамъ бўлмоқи подшоҳлиқға сабаб бўлса сен халқни недин паришон қилурсан, магар сенда подшоҳлик сурмак орзуси йўқтурурму?

Б а й т:

Сипаҳ ҳолидин қилғил огоҳлиқ,
Ки шаҳ лашкар ила қилур шоҳлик.

Подшоҳ сўрдиким:

Сипоҳ ва раият жамъ бўлмоқиға сабаб недур?

Вазир деди:

— Подшоҳға қарам қилмоқ керакдур, то халойиқ атрофиға жамъ бўлуб келгайлар ва адл этмак керакдур, то сояи давлатида фароғат била ором қилгайлар. Сенда бу икки шарофатлиғ иш йўқтур.

М а с н а в и й:

Айлагай жавр пеша султонлиғ,
Гар бўри қўйға қилур чўпонлиғ.
Подшоҳеки зулм этар бунёд,
Қилгай ўз мулку давлатин барбод.

Подшоҳ ул давлатхоҳ вазирнинг насиҳати мақбул бўлмай олдидин қувди ва кўп муддат ўтмасдин бурун амакилари анга хусумат пайдо қилиб, урушмоқ учун лашкар ораста қилдилар. Подшоҳнинг жафоси шиддатидин жониға етиб, атроф — жавонибға кетиб паришон бўлгон эл амакиларининг хизматиға жамъ бўлуб ихлос била мадад ва қувват еткурдилар, то мулк подшоҳнинг қўлидин кетиб, амакилариға муқаррар бўлди.

Ҳикоят.

Подшоҳеким раво кўргай раиятға ситам,
Бошиға тушса қатир иш дўсти душман бўлур.
Хасмидин эмин бўлай десанг раиятпарвар ўл,
Ким шоҳи огоҳға ҳисни ҳасин бу фан бўлур.

Ҳикоят.

Бир подшоҳ бир ажамий ғулом била кемага минди. Ғулом кемани ҳаргиз кўрмамиш эрди ва кема ҳайбатин ва меҳнатин билмамиш эрди. Ваҳм била кўп йиғлаб ва зорлиғ қилиб, аъзо ва андомиға ларза ва беқарорлиғ етишти. Ҳар нечаким мулофат кўргузуб, тадорукин қилур эрдилар, асло ором топмас эрди. Бу жиҳатдин подшоҳнинг айши тийра бўлди. Ҳеч чорасин топмас эрдилар.

Аммо ҳамул кема ичинда бир ҳаким бор эрди. Подшоҳға деди:

— Агар рухсат берсанг, мен бир иш қилиб, ани хомўш қилурман.

Подшоҳ айди:

— Агар мундоқ қилсанг, бизнинг ҳаққимизда ниҳоятсиз карам қилмиш бўлғайсан!

Андин сўнг ҳаким буюрди, то ғуломни сочидин тутуб, дарёға ташладилар. Уч навбат чўмгондин сўнг тортиб, кеманинг олдиға ёвуқ келтурдилар. Ғулом жон ҳавлидин икки қўли бирла кемадаги кишиларнинг қўлиға ёпушуб, зўр била ўзин кема ичига олиб, бир ғўшада ўлтуруб ором тутди.

Подшоҳға бу ҳол таажжуб кўрунуб, сўрдиким: «Мунда на ҳикмат бор эрди?»

Ҳаким деди:

— Ғулом бурундин ғарқ бўлмоқ меҳнатин кўрмамиш эрди, ложарам кема ичининг саломатлигин қадрин бил-

мас эрди, эмди билди. Андоқким, офият қадрин бир му-
сибатға гирифтор бўлгон киши билгусидир.

Қ и т ъ а:

Қорнинг тўқ эрса арфа нони яхши кўрунмас,
Гар оч эсанг ой қурси киби хўб эруру соф.
Аъроф биҳишт ўлгусидур дўзох элига,
Жаннат элига бўлгуси дўзах вале аъроф.

Ҳ и к о я т.

Келтурубдурларким, бир кун Ануширвон шикоргоҳда
эрди. Анинг учун бир сайдни кабоб қилмоқ тиладилар.
Аммо туз йўқ эрди. Бир ғуломни туз келтурмак учун
бир кентга юбордилар. Ануширвон ул ғуломга деди:

— Зинҳор тузнинг баҳосин бермай олмағил, подшоҳ-
лар орасида бу иш расм бўлиб, кентга хароблиғ етмасун.

Ул чоғда муқарраблари дедилар:

— Бир овуч туз била бир кентга не зарар етгусидур?
Ануширвон деди:

— Бурун зулм бунёди жаҳонда бағоят оз эрди, ҳар
кишиким келди, анга бир нимарсани зиёда қилди, то бу
роятга етти.

Қ и т ъ а:

Гар еса бир олма шаҳ олиб раият боғидин,
Туғмаси чолиб дарахтин боғни айлар хароб.
Йўқ эса бир байза олса халқдин султони мулк,
Лашкари борча товўқларни егай айлаб кабоб.

Ҳ и к о я т:

Эшитдимким, бир омил султон хазинасин обод этмак
учун раиятнинг уйин хароб қилур эрди. Ҳакимларнинг бу
сўзидин ғофил эрдиким, дебдурлар: «Ҳар киши бир мах-
луқнинг кўнглин олмоқ учун ҳақ таолонинг бир бандаси-
га озор еткурса, ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳамул бандани
мусаллат қилур, то анинг рўзгоридин дамор чиқорур.

Айтурлар ҳайвонот сарвари шердур ва жонворлар-
нинг залили эшакдур. Ҳама иттифоқи била мардум озор
шердин бор бардор эшак яхшироқдур.

М а с н а в и й:

Гар эшак хору бетамиз ўлди,
Юк кўтармак била азиз ўлди.
Гарча ҳайвонлар ичрадур адно,
Лек золимдин афзалу аъло.

Ул омилнинг халойиққа зулм-ситам қилғони подшоҳ-
га маълум бўлуб буюрди, то юз турлук азоб-уқубат била
ўлтурдилар. Ул ҳолда ситам кўрганларнинг бири анинг
устига келиб, юзига боқиб деди;

Қ и т ъ а:

Ҳаркиши топса қавий бозу била мансабга даст,
Салтанат бирла улус молин емак осон эмас.
Зўр ила синғон сўнтакни гар ўтурса бўғзидин
Йиртмай қўймоқ етишгач қорнига имкон эмас.

Ҳ и к о я т.

Луқмони ҳакимга дедиларким: «Адабни кимдин ўр-
гандинг?» Луқмони ҳаким деди: «Беадабдин ўргандим.
Нединким, аларнинг ҳар ишиким кўзимга ёмон кўрунди,
андин эҳтироз қилдим».

Қ и т ъ а:

Эшитган сўз агар бозича эрса,
Олур панд андин аҳли ҳуш жони,
Уқусанг нечаким нодонга ҳикмат
Билур ул ҳазл ила бозича они.

Ҳ и к о я т.

Айтурларким, бир обид бир кечада ўн ботмон таом
ер эрди ва тонт отғунча қуръон хатм қилур эрди. Ани
бир соҳибдил эшитиб деди: «Агар ярим нон еб тонт
отқунча уйқуласа эрди, ул миқдор таом еб қуръон ўқу-
ғондин афзал ва яхшироқ эрди».

Қ и т ъ а:

Луқмадин ични айла холи то,
Маърифат нури билан тўлғайсен.

Маърифат кўнглунга нечук кирсун,
То бурун туъмадин пур ўлғайсен.

Ҳ и к о я т.

Шом обидларидин бири бир гўшада ибодат қилур эрди ва таом ўрнига дарахтлар яфроғин ер эрди. Бир подшоҳ зиёрат тариқаси бирла анинг олдиға бориб деди:

— Агар маслаҳат кўрсанг шаҳарда сенинг учун бир мақоми олий муҳайё қилурман, токим санга фориғболлиқ била мундин яхшироқ ибодат даст бергай ва ўзгалар ҳам сенинг нафасинг баракатидин фойда олғайлар.

Баъдаз ул зоҳид подшоҳнинг сўзин қабул қилмади. Вазирларнинг бири анга деди:

— Подшоҳнинг кўнгли учун бир неча кун шаҳарга бориб турғил ва мақом кайфиятин маълум қилғил. Агар вақтинг сафосига ағёр суҳбатидин кудурат етса, ихтиёр ўзингда туруп.

Не илож, зоҳид қабул қилиб шаҳарга келди. Подшоҳнинг хос бўстонсаросинким, бағоят дилкушо ва роҳат афзо эрди, анга таъйин этдилар.

М а с н а в и й:

Гулидур дилраболарнинг юзидек,
Эрур наргислари хўблар кўзидек.
Фазоси равза боғидек мусаффо,
Ҳавоси дилкушоу ҳам роҳатафзо.

Подшоҳ дарҳол бир хўбрўй ва мушкбўйи канизак обиднинг хизматиға юборди.

Н а з м:

Ажаб маҳпораи обидфиребе,
Фаришта манзари товус зебе.
Ани кўрган замон мумкин эмастур,
Ки қолғай порсоларда шикебе...

Алғараз, обид лазиз таомларни еб, хилъатларни кийиб, ва турлук қандолат ва мевалардин ҳаловат топиб, нафс тақозоси била ғулом ва канизакнинг ҳусни тамошосига машғул бўлди. Андоқким, хирадмандлар деб-

дурурлар. «Хўбларнинг зулфи ақл аёқининг занжири ва зийрак қушнинг тузоқи турур».

Алқисса, шайхнинг вақти жамъияти давлатининг ка-молига завол етти. Андоқким, шоир дебдур:

М а с н а в и й

Даҳр аро гар пир бўлсун, гар мурид,
Софдил бўлса нечукким Боязид,
Чунки дунё сори майл этди аён,
Сўнг халос ўлмоқ анга қилма гумон.

Подшоҳ бир кун обидни кўрмакка борди ва кўрдиким, бурунги ҳайати бузулбдур, ранги қизил ва бадани семиз бўлиб турур, ва нафис такияга суяниб ўлтурубдур ва ғулом унинг олдида қўл қовуштуруб, таъзим била турубдур ва анинг ҳоли саломатиға шодмон бўлуб деди:

— Мен жаҳонда икки тоифани дўст тутармен, бири олимлар ва бири зоҳидлар.

Ул ҳолда подшоҳ қошида бир доно вазири бор эрди, ул деди:

— Эй подшоҳи олам, дўстлиг шарти ул турурким, агар бу икки тоифага яхшилик қилмоқ тиласанг, олимларга зар бергил, то илм ўқусунлар ва зоҳидларга ҳеч нимарса бермагил, то зоҳидлиқдин айрилмасунлар.

Б а й т:

Қимки зоҳиддур анга ҳожат эмас дунёу зар,
Зоҳид эрмас ул кишиким, қилса дунёга назар.

Ҳ и к о я т.

Ардашир Бобаконнинг сиратида келибдурким, бир араб ҳакимдин сўрдиларким: «Ҳар кун на миқдор таом емак керакдур?»

Анда ҳаким деди: «Юз танга оғирча таом емак кифоя қилур».

Ва яна сўрдиларким: «Бу миқдор емак баданга қувват берурму?»

Ҳаким деди: «Бу миқдор таом есанг, сени кўтарур, мундин зиёда есанг, сен ани кўтарурсан».

Б а й т:

Билким тирик юрмак турур лужма емакингдин мурод,
Сен жаҳлу гафлатдин муниг аксига қилдинг эътиқод.

Ҳ и к о я т.

Бир аъробийни кўрдимким, Басра жавоҳирийларининг орасида ўлтуруб ҳикоят қилурким, «Бир вақт бир биёбонда йўлдин адашиб эрдим ва озукдин ҳеч нимарса қолмамиш эрди, ўлумга кўнгул қўймиш эрдим, ногоҳ бир инжу тўла харита топиб, қовурмоч хаёл этиб, ниҳоятсиз шод бўлдумким, ҳаргиз ул шодлиқ ёдимдин чиқмағусидур. Сўнгра анинг инжу эрканин билиб, андоқ ноумид бўлдимким, ҳануз ул ноумидлиқнинг талхлиқи хаёлимдин кетмағусидур.

Қ и т ъ а:

Ташнанинг оғзида сувсиз дашт аро
Тенгдурур гар бўлса дур ёхуд садаф.
Тўшасиз қолғон кишига бирдурур
Белида гар сийми бўлсун, гар хазаф.

Ҳ и к о я т.

Эшитдимким, бир бозургоннинг юз эллик тева моли ва қирқ банда хизматгори бор эрди. Бир кеча Киш жазира-сида мени қошига чақирди. Баъдаз тонг отқунча тинмай паришон в малол ангиз сўзлар айтти.

Андоқким: «Туркистонда фалон миқдор анборим бордур ва Ҳиндистонда фалон чоғлиғ молим бордур. Бу хат фалон ернинг хатидур. Фалон нимарсага фалон киши зомин турур». Ва гоҳ дер эрдимким: «Искандария ҳавоси кўнгулумга тушуб турур». Ва яна дер эрдиким: «Дарёнинг ҳавоси дилқаш эмастур». Яна деди: «Эй Саъдий, олдимда бир сафарим бордур, агар андин фориг бўлсам, қолғон умримни бир гўшада ўтқарурман». Ман дедим: «Ул на сафардур?» Ул деди: «Гўгирдни Форсдин Чинга олиб борурман. Нединким, қиймат анда баланд эрмиш турур. Андин чиний косаларни Румға элтарман. Ва андин Рум деболарин Хиндустонға етқурурман ва андин Ҳиндувий фўлодларни Ҳалабга келтурурман. Ва андин Ҳалабий шишаларни Яманга дохил қилурман. Ва андин сўнг Яманий дурларни Форсға элтурман. Андин сўнг тижоратни тарк этиб дўконда ўлтурурман».

Мундоқ молихулё ҳарзалардин ул миқдор сўз айтди-
ким, менда эшитгудек тоқат қолмади.

Сўнгра деди: «Эй Саъдий, сен ҳам бир сўз дегил, қа-
чонгача бу сўзларга рози бўлуб ўлтурурсен?»

Ман дедим:

Қ и т ъ а:

Бир кишининг тушти маҳмилдин юки
Бир биёбондин қилур чоғда мурур,
Деди дунёдорларнинг оч кўзин
Ё қаноат тўлдурур ё хоки гўр.

Ҳ и к о я т.

Бир порсоға амакилари авлоди тарикасидин кўп мол
ва неъмат етишти ва мол ва неъмат кўплигидин фисқ
ва фужур ва бебоқлик тариқасиға тушти, андоққим, жа-
ҳонда ичмаган шароби ва қилмаган исёни қолмади.

Фақир бир кун анга дедим:

— Эй фарзанд, дахл оби равон ва харж осиейи гар-
дондур, фаровон харж этмак андоқ кишиға мусалламдур-
ким, фаровон дахл анга муайян бўлмиш бўлғай.

Қ и т ъ а:

Чу дахл оз ўлса харжинг оз қилғил,
Ки айтурлар кемачилар суруде,
Ки гар ёғмас эса тоғ узра ёмғур
Бўлур ҳар йилда Дажла хушк руде.

Бир неча муддатдин сўнгра кўрдимким, яна бурун-
гидек фисқ-фужурға машғулдур. Мен яна анга дедим:

— Ақл ва адаблик бўлғил ва лаҳв ва лаъбни тарк
этгилким, чун мол тамом бўлса, қаттиқлиғ чеккунг турур
ва пушаймонлиғ этгунгдур, аммо фойда қилмоғусидур.

Порсо ноз ва найм ва ҳаво ва ҳавас лаззатиға машғул
ва мустағрақ бўлмиш эрди. Бу сўзларни эшитмай манди
юз эвурди ва деди:

— Бу куннинг роҳатин сўнғи куннинг ташвиши била
тийра қилмоқ хирадмандлар райининг хилофидур.

Маснавий:

Кишиким бор эса яхши қилиқлиқ,
Қатиглиқ биймидин қилмас қатиглиқ.
Тараб қил ончаким бор эрса матлуб,
Емак тонгла. гамин бу кун эмас хуб.

Кўрдимким, менинг насиҳатимни қабул этмагусидур ва охир суҳбатни тарк этдим ва саломат гўшасида ўлтурдим. Бир оз муддатдин сўнгра кўрдимким, менинг айтғонимдек моли тамом бўлуб, сурати тағйир топиб, бенаволикдин руқъа устига руқъа тикадур ва луқма устига луқма йиғадур. Кўнгулум анинг ҳолига куйди ва ул ҳолда анинг кўнгли жароҳатиға маломат била харош еткуруб, намаклошлиғни мурувват кўрмадим ва ўз кўнгулума дедим,

Маснавий:

Чу сифла маст ўлуб ўзини билмас,
Сочар нақдин сўнгин андиша қилмас.
Хазон баргин шажар сочғуси ҳар ён,
Қолур мундин зимистон ичра урён.

Ҳикоят.

Бир киши Синжор шаҳрининг масжидида тавъ ва рағбат била азон айтур эрди. Андоқ бад овоз эрдиким, эшитган халқ андин нафрат қилиб қочар эрдилар. Ва масжид соҳиби бир амир эрдиким, бағоят одил ва нек сират эрди, ҳеч кўнгулга озор бермақ тиламас эрди. Охир деди:

— Эй жувонмард, бу масжиднинг бурундин бир неча муаззини бордур ва аларнинг ҳар бирин беш тилло муқаррар қилиб тутмишман. Сенга ўн тилло берурмиз, то сен бошқа жойға борғил.

Ул киши бу сулҳни қабул этиб, ҳамул масжиддин кетти ва оз муддатдин сўнг қайтиб, амирнинг олдиға келиб деди:

— Эй амир, менинг ҳаққимға жабр қилмишсен. Нединким, мени ўн тилло бериб масжиддин чиқориб юбординг. Ҳоло борғон еримда жойимдин бошқа жойға кетгил, деб йигирма тилло берурлар. Мен қабул қилмасман. Амир хандон бўлуб деди:

— Зинҳор қабул қилмағилким, эллик тиллоға рози бўлурлар.

Б а й т:

Унинг анингдек этар халқға хароши дил,
Ки теша онча йўна олмағуси тошдин гил.

Ҳ и к о я т.

Бир хандон ва латифи ширин забон йигит бизларнинг аширатимиз ҳалқасида эрдиким, ҳеч вақт ғамгин бўлмас ва лаб кулгидин бир нафас юмулмас эрди. Иттифоқо кўп йиллар биров-бировдин йироқ тушуб, аҳволимизни билмадук. Бир неча йилдин сўнг ани кўрдимким, ҳотун олиб, бир неча фарзанди бўлубдур, нишоти нахли маъмури кесилиб, ҳаваси гули пажмурда бўлубдур. Андин сўрдимким: «Нечуксен, ва ҳолинг нечукдур?»

Ул дедиким: «То бир неча ёшларни пайдо қилдим, сўнгра ёшлиқ қилмадим».

Қ и т ъ а:

Кетти илгимдин йигитлик мавсими,
Оразимдин борди ранги дилфуруз.
Шерлик сарпанжасидан айрилиб,
Шодман бир луқмаға андоққи юз».

Ҳ и к о я т.

Бир бахил бойнинг бир касалманд ўғли бор эрди. Анинг некхоҳ дўстлари анга дедилар: «Маслаҳат улдуким, ўғлунг касали сиҳҳати учун ё хатми қуръон ё бир қўй қурбон қилғил. Бой бир оз муддат чуқур фикрга чўмуб кетти. Сўнгра бош кўтариб деди: «Хатми қуръон қилмоқ авлодур. Нединким, қўйларимиз узоқда турур». Бир соҳибдил ани эшитиб деди: «Хатми қуръон тилнинг учидадур ва мол-зар жоннинг ичидадур».

Н а з м:

Дарифоки тоатға қўймоқ бўлон,
Бахил олдида яхши бўлмас ўюн.
Эшакдек чекар юкни бир фулс учун
Юз «алҳамд» ўқур бер десанг тортиб ун..

Ҳикоят.

Бир ҳақим ўғуллариға мундоғ панд берур эрдиким, эй жон фарзандларим, ҳунар ўрганинглар. Нединким, мулку давлатға эътимод йўқтур, сийму зар хатар маҳалидадур, ё ўғри барчасин бирдан олур ва ё ҳожим оз-оз олиб йўқ қилур. Аммо ҳунар чашмаи равон ва давлати бепоён турур. Агар ҳунарманд киши давлатдин тушса, ҳеч гами йўқтурур. Нединким, ҳунар анинг зотида улуг давлат турур. Ҳар ерга борсаким, соҳиб қадр бўлур ва мажлисининг юқорисида ўлтурур ва ҳунарсиз киши гадойлиқ қилур ва ҳар жойгаким борса, беқадр ва беэтибор бўлур.

Байт:

Ато меросини гар истасанг ўрган ато илмин,
Қи қолгон мол атодин саҳл муддатда тамом ўлғай.

Ҳикоят.

Мағриб диёрида бир муаллимни кўрдиким, бағоят турш рўй ва талх гўй ва бадхўй ва мардум озор ва гадо табъ ва нопархезгор эрди. Ва мусулмонларнинг айши ани кўргач, тийра бўлур эрди ва қуръон ўқуб халқнинг хотирин тийра қилур эрди. Ва бир жамоа покиза ўғуллар ва душиза қизлар анинг жафоси қайдиға гирифтор бўлуб, асло бир ханда ва бир гуфтор зоҳир қила олмас эрдилар. Гоҳо бирининг сиймин оразиға тапонча урар эрди. Ва гоҳо бирининг билурин соқин исканжага солур эрди.

Алқисса, бир кун эшитдиким, андин бир хиёнат топиб, уруб қовдилар. Андин сўнг анинг мактабин бир солиқ ва порсо ва ҳақим кишига топшурдиларким, зарурат бўлмай сўз демас эрди, ва ҳеч кишига озор бермас эрди. Чун ўғлонлар анинг ҳалимлигин ва мулойимлигин кўрдилар, бурунги устоднинг ҳайатини ёддин чиқордилар. Сўнги устоднинг ҳилмиға эътимод қилиб, бурунги устоддин ўрганган илмларин фаромуш қилдилар. Ва ҳар бири девдек бўлуб ўюнга машғул бўлуб, бир-бирин урдилар ва тахталарин бир-бирининг бошида синдурдилар.

Байт:

Муаллим бўлса беозору хушқол,
Урарлар бир-бирига мушт атфол.

Фақир бир-икки ҳафтадин сўнг йўлум тушуб, ҳамул масжиднинг эшигининг юрдум. Бурунги муаллимни кўрдимким, хушҳоллиқ била ўз жойида ўлтурубдур. Ранжида бўлуб дедимким: «Бу иблиси лаинни яна недин малонкага муаллим қилмишлар?».

Бир жаҳонгардлиқ қилгон зарофатлиғ қари киши ул ҳолда ҳозир эрди. Менинг бу сўзим эшитиб, кулуб деди,

Б а й т:

Юборди ўғлини мактабга бир шоҳ,
Кумуш тахта бериб ул навъким моҳ.
Ҳамул тахта бошига ёзди заррин,
Муаллим жаври беҳ меҳри падардин.

Ҳ и к о я т.

Бир подшоҳ ўғлин устоди адибга топшурди ва деди: «Бу сенинг фарзандинг турур. Ўз фарзандларингнинг биридек мунга дағи тарбият қил».

Устод қабул қилиб, кўп муддатлар саъй ва кўшиш кўргузди. Аммо шаҳзодага таъсир қилмади. Ва устоднинг ўз ўғлонлари фазл ва балоғат камолига етдилар. Бу жиҳатдин подшоҳ муаллимни муоҳаза ва муотаба қилиб деди: «Ваъдага хилоф қилдинг, вафо шартин бажо келтурмадинг».

Муаллим деди: «Подшоҳнинг хотирига пўшида қолмасунким, тарбият баробар ва яксондур, аммо табойиъ мухталифул-алвондур».

Қ и т ъ а:

Сийму зар гар чиққусидур тошдин,
Борча тошдин чиқмағуси сийму зар.
Чун қуёш ер юзига партав солур,
Борча ерда лола бўлмас жилвагар.

Ҳ и к о я т.

Бир дарвешни кўрдимким, барча умрида бир фарзанди бўлмомиш эрди. Сўнгроқ кўп дуо ва зорлик қилгондин сўнг хотуни бўғоз бўлди. Дарвеш дедимким: «Агар ҳазрати воҳибул-атоё манга бир ўғул берса, энгим-

дағи хирқамдин ўзга борча молимни дарвешларга нисор қилурман».

Иттифоқо, ўғли бўлди ва ваъдаси мужиби била дарвешлар олдиға суфра ёзиб, таом бериб, бору йўқин нисор қилди. Фақир ул ошонда Шом сафарига кетдим. Бир неча йилдин сўнг қайтиб келиб, ул дарвешнинг маҳалласига бордим ва ани ахтардим. Топмай, ул ердаги ҳозир одамлардин сўрдим. Алар дедилар: «Ул дарвеш зиндонда турур».

Фақир анинг сабабин сўрдим. Алар дедилар: «Ўғли арақ ичиб, мастлик ҳолида бир кишини ўлтуруб қочти. Эмди анинг учун отасин зиндонга солдилар ва аёқин банд этиб занжир била боғламишлар».

Ман дедим: «Бу балони худодин ўзи тиламиш эрди».

Қ и т ь а:

Бўғоз хотун, аё донойи ҳушёр,
Туғар вақтида гарчи мор тукқай.
Басе яхшидур ул фарзандинким,
Ани нодону ноҳамвор тукқай.

Ҳ и к о я т.

Бир нодон кишининг кўзи оғриди. Ул байторнинг, яъни чорполар дарди табибининг олдиға борди, то анга даво қилғай. Байтор чорполар кўзига суртадургон дорудин анинг кўзига суртуб, кўр қилди. Ани ҳокимнинг олдиға олиб бордилар. Ҳоким деди: «Анга ҳеч товон йўқтурур. Нединким, агар бу эшак бўлмаса эрди, кўзи дардининг иложи учун байторнинг олдиға бормас эрди».

Бу сўздин мақсуд улким, ҳар киши имтиҳон этилмаган ва иш ҳақиқатин билмаган кишига улуғ ишни буюрса нодим ва пушаймон бўлур. Ва хирадмандлар анинг раъйин енгилликка ҳамл этиб, нодонлиққа мансуб қилурлар.

Қ и т ь а:

Хушманд ўлғон эл кичикларга
Улуғ ишлар ҳаволасин қилмас.
Бўрёбоф агарчи моҳирдур,
Лек нақши ҳарирни билмас.

Ҳикоят.

Баданимда либосим остида бир пинҳон ярам бор эрди. Шайх ҳар кун андин сўрар эрдилар ва қайси узвимида эрканин сўрмас эрди, андин эҳтироз этар эрдиким, ҳар узви зикр этмоқ раво эрмастур. Ва хирадмандлар дебдурлар: «Ҳар киши саволидин ранжида бўлсалар, жавобидин ҳам ранжида бўлурлар».

Байт:

Норостлигин сўзни агар билмас эсанг, хўб,
Айтурға ҳамул сўзни оғиз очмағил асло.

Насиҳат.

Мол умр осойиши учундур. Умр мол жамъ этмак учун эрмастурур. Бир оқилдин сўрдиларким: «Некбахт кимдуру бадбахт кимдур?»

Ул деди: «Некбахт улдурким, еди ва бағишлади, ва бадбахт улдурким, у ўлди ташлади».

Байт:

Ниёз андоқ кишига қилма зинҳор,
Ки кўн мол этти жамъу қилмади хайр.

Ҳикмат.

Икки киши беҳуда ранж кўрдилар ва бефойда саъй зуҳурға етқурдилар. Бири улким, кўп мол йиғнади ва емади. Ва яна бири улким, кўп илм ўрганди ва амал қилмади.

Маснавий:

Илм аро гар ваҳиди давронсан,
Амалинг бўлмас эрса нодонсан.
Топмағунг дониш аҳли ичра ҳисоб,
Бир эшаксан — санга юк ўлди китоб.
Бўлмағай ҳаргиз ул эшакка хабар,
Ўтун устида бор, ё дафтар. . .

Б а й т:

Илм сотмоқға кимки юз урди,
Жамъ этиб хирман ўтға куйдурди.

Ҳ и к м а т.

Парҳезгор бўлмагон олим машъаладор бўлгон кўр-
дур: ўзгани йўлға солур, ўзи йўлдин қолур.

Б а й т:

Илмдин ҳар кишики олмади ком,
Бир матоъ олмай этти зарни тамом.

П а н д.

Емонлар ҳолиға раҳм этмак яхшиларға ситам ет-
курмакдур. Ва золимлар гуноҳин афв этмак мазлумлар-
ға жаврни раво кўрмакдур.

Б а й т:

Хабисни агар эҳсонла парвариш қилсанг,
Сўнгида молингга айлар шариклик даъво.

Ҳ и к м а т.

Чун душманнинг агарчи хийласи таъсир қилмай,
макр этмакдин ожиз бўлса, хийла била дўстлиғ мақоми-
ға келур. Андин сўнг дўстлиғ сурати била андоқ ишлар
қилурким, ҳеч бир душман қила билмас.

Бас, йилоннинг бошин душманнинг қўли бирла янч-
ғилким, мунда икки нафънинг бири бор турур. Агар бу
ғолиб бўлса, йилонни ўлтурмиш бўлғайсан. Агар ул ғо-
либ келса душман қўлидин қутулмиш бўлғайсен.

Б а й т:

Урушда бўлмағил эмин заиф душмандин,
Ки шер мағзин оқизғай гар узса жондин умид.



ВОСИФИЙ





Б

«БАДОИИУЛ-ВАҚОИИЪ» ДАН

у фақирининг мағлоуби Соҳиб Дорони билан волида жонибидин яқин қариндошлиғи бор эрди. Бир кун волида бузургворим билан Мағлоуби уйларига бордук, эрса аксар аҳли камол ва арбоби фазл анда ҳозир эрдилар. Бу фақир волидига хитоб қилиб дедиларким: «Муддати мадид ва аҳди баиддин бери эшитиладурким, сизнинг ўғлингиз толиби илми муважжаҳ ва ҳофизи хушхон ва шоири паҳлавон бўлубтур ва шуҳрати тамоми борким, ҳар муаммосеки ғоят ишқал ва ниҳоят диққатда бўлса исмин айтмай очар эрмиш», деб бу муаммони ўқидилар. Муаммо:

Он шоҳи ҳусн аз дили мажруҳи ҳар касе,
Бинад сипоҳи бе сару по ҳар тараф баса.

Андак таамули билан дедимким, бу байтдин «Поянда» исми зоҳирдур. Мажлис ҳуззориға таажжуби ғарибе юзланди ва Мағлоуби Соҳиб буюрдиларким, «Бу муаммони ўтқан кун деб эрдук ва бир кимсага ўқуғонимиз йўқ эрди ва илло анга ҳамл қилур эрдимким, шояд эшитмиш бўлғай, ҳиддати фитрат ниҳояти ва закон табъ ғояти бу бўлур, мундин ўтмас».

Вақтиким ўз маконимизға мурожаат кўргузуб эрдук. Лаҳзадин сўнгра Мағлоуби Соҳиб Доронинг мулозими келиб дедимким: «Ҳожам сизни истайдур». Чун хизматгаким етуштим, эрса Мағлоуби жаноблари буюрдиларким, Амир Алишер мулозаматларига бориб эрдим, Амирнинг даъб ва одатлари улдурким, ҳар кун бу фақирдин сўрай-

дурларким: «Бу кун бу шаҳрда ажойиб ва ғаройибдин нима кўрдунг ва нима эшитдинг?» Дедимким: «Бир кимсани кўрдум, ўн олти ва ўн етти ёшинда, ҳар муаммойи мушкилеким ўқусалар, исмин айтмай топадур. Толиби илмлиқ ва ҳофизлиқ ва шоирлиқға дағи шуҳрати тамоми бор». Мир мутаажжиб бўлуб таҳсинлар қилдилар. Андин сўнг дедиларким: «Они имтиҳон қилдингму?» Дедим: «Бале, мен мушкил муаммони анга ўқудим, мужарради ўқумоқ била топди». Бу сўзни эшитгач ҳазрати Мир бу фақирға эътироз қилдиларким: «Не учун келтурмадинг?» Мен худ айтқонимдан пушаймон бўлдим, анинг учунким, ҳазрати Амирнинг суҳбатлари ҳайрат афзо ва даҳшатангиздур. Фил мисол агар кишининг отин ул мажлисда сўрсалар ҳар чанд билмиш бўлса ҳам ба эҳтимолким айта олмағай ва менинг мужиб шармандалигим бўлуб инфиол тортмағаймен. Эмди бори ҳозир бўлгил ва эртароқ анда боргил.

Ҳазрати Мир сенга кўп мутаважжиҳдурлар ва интизори мулоқотинг чекадурлар». Чун уюмга ким келдим манга ғариб кайфият юзланди ва йилон чоқғон киши каби ул паҳлудин бу паҳлуға айланур эрдим ва бир соат ором ва қарорим йўқ эрди. Бу фақир изтиробидин отам хабардор бўлди. Деди: Байт:

«Эй жони падар чи ҳол дори,
Аз руйи чи дард беқарори?»

Эй отангинг жони не ҳолинг бор ва қайси дард ва андуҳ сабабидин беқарордурсен». Дедимким: «Эй ота не ҳол сўрайдурсан. Эртонг Амир Алишер мажлисиға бородурмен билмайменким ҳолим не минволда ўтадур». Бу сўзни отам мендин истимоъ қилғоч гирён бўлуб дедимким: «Эй отанги жони сенга маҳлуқининг суҳбатидин бу миқдор ҳарос ва қўрқунч юзланур: вой менинг ҳолимға ҳашр кунинда халлоқи акбар ҳузуринда номаи аъмолимизни элчимизга бергайлар ва раббул-арбобнинг хитоби мустатоби етушкайким икраъ китобака кафо би-нафсика ал-явма алайка ҳасибо¹.

Буюрғайларким асроримиз муаммосин изҳор этинглар яъни яшурун сирларингни ошкор қилинглар. Вой ул ма-

¹ Мазмуни: ўқи китобингни, бу кун сени зарарингга ҳисоб беришга ўз нафсинг кифоя қилади.

қом ташдидиғаким агар таҳқиқи воқеъ бўлмаса ҳайбат силсиласининг таҳриқи вақтида қаҳрининг таскини зухурға келмагай.

Алқисса, алас-сабоҳ Мавлоно Соҳиб Доро уйларига ҳозир бўлдим. Эрса кўрдимким, бу фақир била ҳамбаст уч толиби илм Мавлоно Соҳиб қошида ҳозир эрдиларким: «Яхши маҳалда келдинг, бу уч йигитни ҳам Мир ҳазратида таъриф қилиб эрдим. Аларнинг бири муаммой эрди, андоқким они Амир Хусайн Нишопурийи Адиллий дер эрдилар ва бу муаммо «Илёс» исмиға андиндур. Муаммо «Илёс» исмиға:

Чи хуш бувад ки ду зебо хироми зебо чеҳр
Яке ду бо лаби ҳам бўсаи зананд аз меҳр.

Ва яна ҳам қасидагўйлиғда шуҳрати бор эрди. Ва бу матлаъ андиндур.

М а т л а ъ:

Ферўзани сипеҳр дар ангуштарини туст,
Руйи замин тамом ба зиринигини туст.

Ва яна ҳам маснавийни хўб айтур ва бу тавҳид байти андиндурким, авроқ узра сабт бўлди.

М а с н а в и й:

Бар афрозандаи гардуни гардон,
Бар афрузандаи хуршеди тобон.

Вақтеким ул мажлиси олий ва маҳфили мутаолийғаким етиштук, ҳазрати Мир ҳозир эрдилар. Мир жаноблари бизнинг сори қараб, фақирға ишорат қилиб дедиларким: «Ҳарифеки Муаммойи дерлар будур». Мавлоно Соҳиб деди. «Бале, Маҳдумо, будур». Ул учурда Мавлоно Муҳаммад Бадахший дедиким:

«Маҳдумо ва худовандигоро, сизнинг муаммошикофлигининг нисбати йўқ, анинг муаммошикофлиғига». Мир буюрдиларким, мен анинг кўзи мушоҳидасидин топдим. Анинг учунким фикр асари анда зоҳир эрди. Андин сўнгра бу муаммони ўқумоқ бунёд қилдилар.

Муаммо:

Боғро бин аз хазон бефрру сарв аз жо шуда.
Булбулаш барҳамзада минқору но пайдо
шуда.

Иттифоқан ман бу муаммони ёд билур эрдим. Таам-
мулда бўлдимким, аё тағофил қилиб мажлисийни ўткар-
гаймен ё ростлиғ тариқин тутқаймен. Оқибат, ростлиғ
атрофи рожиҳ қелди. Дедимким: «Махдумо, мен бу
муаммони ёд биладурмен». Ҳазрат Мир муддате бошлар-
рин туман солдилар. Андин сўнгра дедилар. «Эй азизлар
биладурсизлармуким, анинг сўзини маъни адо қиладур
ва қудрат изҳорин қиладур ва айтадурким бу бўлмаса
ўзгаси». Хомул мажлисда Ҳазрат Мир ўзга муаммо ўқу-
мадилар ва Мавлоно Соҳибға дедиларким: «Биз анинг
даъвосин мусаллам тутдиқ».

**ГУФТОР АМИРИ КАБИР АЛИШЕРНИНГ НАЗОКАТИ
МИЗОЖ ВА ЛАТОФАТИ ТАБЪЛАРИ ЗИКРИДА.**

Амир жанобларида Шайх Баҳлул отлиғ мулозимла-
ри бор эрдиким, ул ҳазратға мусташору муътаман ва муъ-
тақиду муътамад эрди. Ўз силсилаларининг жуъви ва
қуллий муҳиммотларин қалилу касир, нақиру қитмирдин
анинг кафи кифояти ва яди диroyятиға муфавваз ва му-
ваккал эрди. Они «Мирнинг ақли мудир ва нафси ноти-
қаси» дер эрдилар.

... Мавлоно Соҳиб дер эрдиларким иттиҳод ва мусода-
қат ва якжиҳатлик ва муҳаббат ва ягоналик менинг
била Шайх Баҳлул орасида масобаида эрдимким, ҳар
биримизнинг вирди забон ва субҳаи жонимиз бу каломи
ҳақиқат анжом эрди.

Фард:

Гар бувад рўзе маозоллаҳ, ки натвон диданат,
Дойи бечораро он рўз жон дар тан мабод¹.

... Кечадин икки пос ўтуб эрдиким, Шайх Баҳлул хиз-
маткори эшик ҳалқасин тебратди. Дедиким: «Бир ҳи-
қоятим бор, Мавлоно ҳазратларидин ўзгага айтмайдур-
мен ва бу роз маҳрами ҳеч бир кимса эрмасдур». Они
ичкарига ундаб ҳол сўрадим. Эрса дедиким: «Мир Ҳо-
жамни эшак бирла бир охурда боғладилар ва хархона

¹ Худо кўрсатмасинки, агар бир кун ҳам сени кўриш имкони-
яти бўлмай қолса, ўша кун бу бечоранинг танида жони бўлмайди.

эшикин муқаффал қилдилар ва онинг жиҳати ҳеч маълум эрмас». Мавлоно Соҳиб дедилар: «Бу сўзниким эшитдим, эрса ўзумни ул кишидек кўрдумким, давлат отидин тушурган бўлғайлар ва шухрат учун эшакка терс миндирган бўлғайлар».

Вақтеким қирфом кечанинг қаро дарозгўшин сипехр чарогоҳидин ташқари сурдилар ва субҳи содиқ ашҳабин ул марғзорда жавлонға киргуздилар, Амир мулозиматлариға мутаважжих бўлдим. Чун Амир кабирнинг назарлари бу фақирғаким тушти, дедиларким: «Мавлоно Соҳиб, келгил, менинг бирла мусоҳибинг Шайх Баҳлул ўртасида муҳокима қилгил. Агар беэътидоллиқ ва белуфтлик менинг тарафимдин бўлса, узрхоҳлиқ кўргузурмен ва агар сизнинг ёрингиз жонибидин бўлса, на сўз айтадурсиз?»

Фақир дедимким: «Ҳошо! Раво бўлғаймуким сиз тарафдин бўлғай. Муқаррар ва муайяндурким ҳар не сиз қиладурсиз, айни ҳикмат ва маслаҳатдур. Яқиндурким қусур ва нуқсон анинг тарафидин бўлғусидур». Мир буюрдилар: «Кишиким фатин ва зийрак бўлса, агар ўн кун бир кимса бирла ҳамроҳ ва мусоҳиб бўлса тамоми аҳволу авзоъ ва ахлоқу мизожин билур. Шайх Баҳлул ўн икки йил муддатидурким, кеча ва кундуз бу фақир бирла жузви лоянфакдурур. Ўтган кеча китоб муталаа қилур эрдим. Олдимда шамъ ва давоте ва қаламе ва бир коса сув туруб эрди. Мен Шайх Баҳлулға дедимким: «Кўтаргил». Сўрадиким: «Қайси бирини кўтарайин». Анга дедимким: «Магар эшак бўлубдурмусен». Филҳол эъроз юзидин тиз букуб дедимким: «Маҳдумо, мен илми ғайб билмайдурмен, сизнинг айланангизда мутааддида ашё кўбдур. Мен на билайким, сиз қайси бирин айтадурсиз». Мавлоно Соҳиб, худо учун инсоф қилгил, бу худ Шайх Баҳлул қошида яқиндурким, менинг олдимда шамъ тонг отқунча ёнадур, давот ва қалам ҳамиша оллимда даркордур. Агар маъние хотирға етушса, филҳол они китобат қайдиға чекадурмен ва кеча ичра ҳаргиз сув ичмайдурмен. Бас худ кўтаргулик нимарса сувдин ўзга бўлмағусидур. Мунча ноҳамворлиқ бирла ул миқдор инод ва жаҳд ва таъриф нега керак?»

Мавлоно Соҳиб Шайх Баҳлул тарафидин узр хоҳлик қилғонидин сўнгра Ҳазрат Мир маъзарат изҳорин қилиб, муносиб сарупое ва от эгар, югани бирла анга июянт қилдилар.

Мавлоно Соҳиб Дородин нақлдуким, бир кун Ҳазрат Амир Алишер суҳбат ангизин қилдилар. Ва шуаро ва зурафо ва нудамодин жама ҳозир эрдилар. Бу каминага буюрдиларким: «Эй Мавлоно Соҳиб, Ҳазрат маҳдуми Устоди (мадда зиллаҳул олий) муддатедин бери касал ва соҳиб фарошдурлар. Бу фақир иёдатиға етуша олмади, керакдурким, бориб, биз тарафдин узрхоҳлиқни тақдимға етуштуруб, иёдат расмин бажо келтургайсен». Бу фақир кетгандин сўнгра таоме тортилибдур. Таомдин сўнг ҳуззори мажлисининг хотирлариға етишмиш бўлгайким, шоядки Ҳазрат Мирға касрат хуш келмагай ва ваҳдат матлуб бўлгай. Биров бировига қарашиб, ўрунларидан туруб, ташқори чиқибтурлар. Мирға худ ҳамул кун суҳбат доияси бор эркан, мусоҳиб ва мухолитат қилмоққа таълари роғиб эркан. Ул жамоатким ташқари чиқғач, Мир эърозға келиб дебдурким: «Ҳар ойна Алишернинг уйи ошпаз дўконимудур ва Алишер ошпазмудурким ҳарифлар келадурлар, ошин тановул қилғач кетадурлар».

Айни ғазабда эрдиларким фақир келдим. Камоли эъроздин Мирға фаромуш бўлуб эрдимким, мани Мавлоно Фасиҳаддин иёдатиға ирсол қилиб эрдилар. Дедиларким: «Ҳоло, эй Мавлоно Соҳиб, сенга нима бўлдиким, ошдин сўнгра бир замон менинг қошимда ўлтурмайсен ва сен ҳам ишкампараст мардаклар тақлидин қилурсен». Фақир тавозеъ била тиз букуб дедимким: «Маҳдумо, тозамонеким одами бадаи мавриди сиҳат ва мараздур, зоти малакий сифотингиз тани сиҳат ва саломат бўлгай ва замири мунири офтоб танвирға пўшида қолмасунким, сиз фақирни Охунд иёдатиға равона қилиб эрдингиз».

Бу сўзниким деб эрдим, Мир шуълаи оташ бўлуб, туруб ўлтурмоқ била бўлди. Эърозға келиб дедимким: «Лаънат бўлсун ул кишигаким, бу янглиғ мардум била ошнолиғ қилгай ва мусоҳиб бўлгай». Бу эъроз била туруб ҳарам сароға кирди. Баъзи кишиларким анда ҳозир эрдилар, фақир аларға дедимким: «Эй ёрон, ҳеч биладурмусизларким, на бало менинг олдимға келибдур!»

Б а й т:

Бадаст оҳаки тафтра кардан хамир
Беҳ аз даст бар сина пеши амир.

! Мазмуни: Овқатланиб бўлғач, бирон сўзга қотишмай тарқалишинг.

Таржима:

Қизиқ оҳакни қўл бирла хамир этмак эрур осон,
амир олдида кўкси узра қўл қўймоқ эрур мушқил.

Ҳосилким, умримдин безор бўлуб ўз уйимга ёндим. Пешин намози вақтида тариқи маъхўд била мулозиматга бордим. Эрса Амирни бинафшазорда топдимким, оёқ устида эрқандурлар. Вақтеким, мени кўрди, эрса бинафша киби бўйнин тоб берди ва ҳар мартабаким мавожиҳга мутаважжиҳ бўлдим, бу муомила кўргузуб юз қайтарди. Висоқимга ёндим. Ўзумга азми жазм қилдимким, бориб қайтиб келгайман. Вақтеким бу маъни хотирга ўтди, арбобуд-дували мулҳамуна¹ ҳукми била мулҳам бўлуб, бу маъни бирла мени ундаб дедиким: «Эй Мавлоно Соҳиб, кишики анга ғалат ва хато раво эрмасдур— зоти вожибул-вужуддин ўзга кимдур; мен камоли эъроздин фаромуш қилиб эрдимким, сени Охунд иёдатига юбориб эрдим, беҳуда сенга эъроз қилмиш бўлғаймен, на лозим эрдиким тиз букуб муноди қилғайсенким, Алишер турфа мабхўт бўлуб, ақл ондин бегона бўлубдур ва мани фаргут бўлубдур, деб халойиқ назарига шарманда ва хижил кўргузгайсен, олами ёрлиқда на бўлғай эрдиким, тағофил қилиб, менинг хатомни зоҳир қилмасанг эрди ва мени мабхўтлик сифати била элга кўргузмасанг эрди». Бу сўздин Мавлоно Соҳиб Доро инсоф қилур: «алҳақ ҳақ Мир жонибидиндур ва хато биз тарафдин. Мисраъ: Хатойи бузургон гирифтан хатост».

**ГУҒТОР АМИР АЛИШЕР БИРЛА ХОЖА МАЖДУДДИН МУҲАММАДНИНГ
МАЖЛИСЛАРИ ТАЪРИФИДА БИР БЕЧА СЎЗ СУРМАК ВА
АФОЗИЛНИНГ МАВЛОНО АБДУВОСЕЪ МУНШИ БИЛА ҲАЗИЛ ВА
МУТОЙИБА КЎРГАЗМАҚЛАРИ.**

Боғи Пурза ичра Мавлоно Соҳиб Доро буюрдиларким: «Бир кун Амир Алишер Хожа Маждуддин Муҳаммадким «Мири Калон»га машхўрдур, алар била Боғи Жаҳонорода мулоқот қилиб дедиким: «Сизнинг фирдавсойини сипеҳртаэийн шариф мажлисингиз таърифи кўплар қулоқиға етушадурким, зурафо ва фузало ҳамул мажлисда Мавлоно Абдулвосеъ мунши била ҳазл ва мутуйиба қилур эрмишлар ва Мавлонои мушорун илайҳ аларнинг муқобилиға кириб борчаға фойиқ ва ғолиб келур эрмишлар ва бу навъ иш ғаробатдин холи эрмастур.

¹ Мазмуни: давлат эгалари илҳомланган бўладилар.

Хотирға етушадурким, ул суҳбатға мушарраф бўлғай-
миз». Хожа қўл кўксиларига қўйиб дедиларким:

Мисраъ:

зин тафохур шояд ар сарбар фалак сояд маро.

Хожа Маждуддин Муҳаммад бир ҳафта ул мажлис яроғи учун муҳлат тиладилар ва ул суҳбат ва мажлис тарҳи Барза қарясиким Ҳирот шаҳрининг ярим фарсахлигида эрди, анда Хожа чаҳорбоғе тузуб эрдиким Эрам бўстони анинг назоҳат ва ҳушнамолиғидин таҳайюр бармоғин тафаккур тиши била тутубдур ва андиша меъморининг анинг вазъи латофат ва ғаробатлиғидин шигифтға қолибдур, анда муқаррар бўлди; ҳам ул боғ ичра кўшке бор эрдиким мисли чархи қаворин Хаварнақ обрўйин елга берур эрди, . . . Ва ул боғ саҳнида ҳавзе бор эди. . . Ва ариқлари канорида сарвлар бош чекибдурким гўё маъшуқлар қомати хиёли киби ушшоқ дидаси жуйборида ер тутубдурлар. Ва ҳар гулбун узра булбуллар бедиллар янглиғ гуландомлардин ҳижрон шикоятин дастондастон баён қиладилар. Ва ҳар худрўй лола этокида сабзалар дилфириб хўбларнинг райҳони хатидек бош чиқаргон ва райҳони пок домон тол соясиде парварини топгон ва бинафша чаман юзида маҳбублар зулфи паришони киби ҳар тарафда жой тутубдур ва наргис махмурлардек ариқ канориға кўз тикибдур. . .

Хонандалардин Ҳофиз Басир ва Ҳофиз Ҳасан Али ва Ҳофиз Ҳожи ва Ҳофиз Султон Маҳмуд Айши ва Шоҳ Муҳаммад Хонанда ва Сиёча Хонанда ва Ҳофиз Убаҳи ва Ҳофиз Турбати ва Ҳофиз Чирогдон ва созандалардин Устод Ҳасан нойи, Устод Қўл Муҳаммад Удий ва Устод Ҳасан Балабоний ва Устод Али Хоний ва Устод Муҳаммадий ва Устод Ҳожи нойи ва Устод Саид Аҳмад гижжаки ва Устод Кучек Али танбури ва шоирлар жамоасидин Мавлоно Биноий ва Хожа Осафий ва Амир Шайхим Суҳайлий ва Мавлоно Зиёиддин Хоразмий ва Мавлоно Сайфи Бухорий ва Мавлоно Қомий Туршези ва Мавлоно Ҳасан шоҳ ва Мавлоно Дарвеш Равғангар Машҳади ва Мавлоно Муқбили ва Мавлоно Шавқий ва Мавлоно Завқий ва Мавлоно Халаф ва Мавлоно Ҳилолий ва Мавлоно Риёзий ва зурафо жумласидин Мир Сарбараҳна ва Мавлоно Бурҳони Ланг ва Мирхонд муаррих ва Мавлоно Муин Сабзавори ва Мавлоно Ҳусайн Ҳофиз ва Мавлоно Ҳусайн Воиз ва Саид Фиёс Шарфа ва

Мавлоно Муҳаммад Бадахший ва Мавлоно Халил саҳ-
ҳоф ва Муҳаммад Хофи хаттот ва Хуросон йигитлари-
нинг саромадларидин Мираки Заъфарони ва Шоҳ Му-
ҳаммад Мирак ва Хожажон Мирак ва Султон Саррож ва
Мирзойи наътдӯз ва Ҳусайн зардӯз ва Сарви лабиҷӯй
ва Шамшоди сояпарвард Мулло Хожа Хонанда ва Мир-
зо Юсуф Мазори Чехлгази ва Юсуфи Соқий ва Моҳи
Симноний ва Соқий ва Боқий Ироқи ул мажлисада ҳозир
қилдилар.

Ва ул иморати олийда мармар тошидин ҳавзе бор
эрдиким, рашқи салсабил ва ғайрати ҳавзаи кавсар
эрди, они қанд шарбатидин тўлдурдилар. Ва машҳур-
дурким, ҳамул баркага саккиз юз калла қанд ташлаб,
нодиракор қаннодлар, шарбатлар ва баршлар ва очар-
лар ва маъжунлар ва қандлиғ мевалар ва полудажот ва
наботлиғ фулунаботларни лоюад ва лоюҳса андин тар-
тиб бердилар ва Султон Ҳусайн Мирзонинг Абулмалиҳ
отлиғ таббохи бор эрди, шуҳрати тамоми борким, ўшул
мажлисада қирқ турлук таом табх қилиб эрдиким, ҳеч
бир кимса онинг отин билмадилар. Ва Мавлоно Халил
саҳҳофким, мажлисининг авроқ ва ажзоси онинг ширин
каломи латофат анжомига вобаста эрди ва Мир маҳфил-
нинг ноҳамвор беандомлигин ислоҳ қилур эрди.

Манҷулдурким, чаҳоршанба кунининг намоз дига-
рики тонгласи мажлис инъиқоди муқаррар бўлуб эрди,
Ҳожа Маждуддин Муҳаммад ва Мавлоно Абдулвосеъ
ва фақир гўшаеда ўлтуруб эрдуқ ва баъзи мажлис уму-
рининг мутораҳа ва саранжомин қилур эрдуқ. Мавлоно
Абдулвосеъга Хожа дедиларким: «Махдумо, истезҳоран
ўз воқифи ҳол ва ҳозир вақтингиз бўлунгким, тонгла
таҳаттуқ сийрат ҳарифлар ва аждар табиат зарифлар-
ким ҳар бирлари мухосама баҳри заххори ва мужодала
дажлаи хунхоридурлар, сизга мутаважжих бўлурлар ва
сизга мундоқ маъракаи ажиба ва масофи муҳиба ҳар-
гиз юзлангани йўқтур. Мундин сўнгра ҳам юз кўргуз-
мас. Иншоолло хайрият била ўткай. Мавлоно Абдул-
восеъ дедиким: «Замири мунири офтоб — танвинингизга
маҳфий ва яширин қолмасин тонгла мен бу мажлисада
ҳозир бўлмасмен.

Б а й т:

Чи хуш базмесат дилкаш суҳбати жонон, чи суд аммо
Қи натвон шуд сафид аз шумин бахти сиёҳи ман.

Хожаким бу сўзни андин эшитдилар, эрса музтариб бўлуб жойларидин туруб, таҳайюр бармоғни таажжуб дандони била тишладилар. Мавлоноға дедиларким: «Бу не дилқўб сўз ва пур ошўб ҳодисдур, эй махдуми! Амир Алишер мақсуди сиздурсиз ва бас ўзгалар туфайлийдур, Агар бу мажлисға келмасангиз ҳуззорнинг хотирлари жамъ бўлмас...

Ва бу мажлисға юз минг тангага яқин сарф бўлубтур. Сиз бўлмасангиз Амир Алишер бу хизматдин бир зарра мамнун бўлмас. Бу миқдор менинг молим зойиъ бўлғусидур. Бу сўздин ғараз недур?» Ул деди: «Жиҳат булдурким, муддатларедур сиз бирла Амир Алишернинг оросинда мавадат ҳавосиға ғуборе ва ниқоре мутароқим эрди. Алҳамдулиллоҳким, авни июноти илоҳий била макрамати номутаноҳи саҳобидин ул ғубор муртафиъ бўлди. Бу мажлис вазъи ва бу маҳфил биноси ракик ҳазл ва шаниъ мутойиба била бўлғусидур. Амир Алишер ўзини оламнинг хуштабъ ва зарифларидин тутадур. Имкони йўқтурким бу мажлисда бу фақирға даҳл қилмағай ва маҳолотдиндурким мен анинг сирфа ва мулоҳазасин қилғаймен ва таарруз новакини очмағаймен ва мизожининг нозуклиги сизга худ маълумдур... Филжумла ярашиғлиг суратидин сафоеким арода пайдо бўлубдур менинг воситам била мабодо бартараф бўлғай ва сафо кудуратға мубаддал бўлуб, вифоқ нифоқға айланғай ва Султон Хусайн Марзо худ бу орзуда эрди. Ва бу маънини даргоҳи мужибуд-даъвадин ниёзи тамом била масъалат қилур эрди — муяссар бўлмас эрди. Мулоҳаза қилинғким ул ҳазратнинг менинг била не нисбатлари пайдо бўладур ва мени ҳалок қилиб оламға ибрат қилур ва ё ғазаб фалохуниға солиб мамолик арсасидин ихрож қилур».

Мирак буюрдиларким: «Ҳарнимаеки бу амир лавозимидин бўлса ўзунгизга лозим тутунг, бу янглиғ сўзларни деманг». Алқисса, панжшанба кунининг алассабоҳи жумодилохирнинг ғуррасида сана секиз юз тўқсон еттида эрдиким, Амир Алишер, умаройи изом ва аъёни завил-эҳтиром, ҳавас ва авом, акобир ва аолий, ашроф ва аҳоли била Чаҳорбоғ сори мутаважжих бўлдилар. Соатдаким, айём анга тафоҳур қилур эрди — ул манзили арш эҳтиромға наҳзати таназзул ва ижлол кўргуздилар. Вақтеким, ҳар киши ўз ўрнида қарор тутди, эрса Амир Алишер буюрдиларким, Мавлоно Абдулвосиъ мунши

жаноблари бу мажлисда кўрунмайдилар дегач, Хожа Маждуддин Муҳаммадга изтироби ғарибе юзланди. Тафаҳхус қилдилар, эрса дедиларким, намози шом бу мажлисда бор эрдилар, шаҳр сори мутаважжих бўлдилар. Жамоатени равона қилдилар. Мавлонони топиб, Чаҳорбоғ тарафига таважжух кўргуздилар. Вақтеким, шитоб била Чаҳорбоғ кўчаларига етуштилар. Хабар еттиким, Мавлонони топиб келтурадурлар. Мирак дедиларким, то они эърозга келтуруб ошуфта қилмағунча андин маҳзуз бўлуб бўлмас. Миракнинг Шер отлиғ пиёдарави бор эрди. Бағоят қавий ҳайкал ва тавил қомат, шери жаёнга анинг ҳайбатидин ярақон ранжи пайдо бўлур эрди ва фили дамон салобатидин ажз хартумин ерга қўяр эрди. Анга буюрдиларким, вақтеким, Мавлоно истасаким Чаҳорбоғ остонасиға қадам қўйғай, асони ани олдиға тутуб дегилким: Мирак ҳукмидур: то ижозат бўлмағунча бир кимсани ўтқармайдурмен.

Вақтеким Мавлоно етушти эрса Шер асосин олдиға тутуб дедиким: «То Мирак ижозати бўлмаса ҳеч кимни қўймасменким, ичкарига киргай» Мавлоно деди: «Қайси Миракни айтадурсен?» Шер деди. «Эй мулло, не бежо сўздурким айтадурсен, Мирак бирдур ва ўзга эмасдур». Мавлоно деди: «Ул Миракниким, дерсен. . .» Бу янглиғ сўзни муллодин эшитгач, Шер хашмгин бўлуб дедиким: «Ҳай Мавлоно сўзни иззат била айтинг ва Мавлоно қаҳр била Шернинг буғзига бир юмруқ урди. Шер ҳам қўлин анинг кўксига тегурди, андоқким, Мавлоно дастори ерга тушти. Мажлисга хабар еткурдилар, эрса мажлис аҳлидин фиғон ва ғирив чиқди. Дедиларким: «Истадугимиз муяссар бўлди». Ва Мавлоно хашмгин аждаҳо каби мажлис сори мутаважжих бўлди. Вақтеким етушти, борилари таъзим ва тақрим шаройитин бажо келтурдилар. Амир Алишер муллони қошларида ўлтурғуздилар. Хожа Маждиддин тағофил кўргузуб дедиким: «Махдумо, муддати мадид ва фурсати тавилдурким хабар келтурдилар, Мавлоно боғ қопусида ташриф келтурубдурлар, магар анда максе воқия бўлдимуким, кечроқ мажлисга ташриф келтурдингиз». Мавлоно буюрдиларким: «Оре, ул Шераки хўк ниҳод, хирс табиатким эшикда қўйибдурсиз бизга шағол дандонлиғ бунёд қилди. Эрса бизнинг ҳам хашмимиз паланги бир масаллик ғазаб чанголлиқ қонин тўкмагига тез қилиб эрди, маълум бўлдиким бу ҳамма сизнинг тилкулигингиз ўюни эрмиш». Мирак бу-

юрдиларким, Шерни ҳозир қилиб муллонинг хотирлари тасаллиси учун бир неча гардани урдилар ва дедиларким, «домло, маъзур тутунгким бу мажлисда мундин ортуқ сифмай дур. Аммо керакдурким тиғи забон била анга сиз жазо бергайсиз». Мавлоно кўрдиларким Миракнинг қўрчилари қиличин ҳамойил осиб турубдур.

.....

Амир Алишер Мавлононинг китфи узра илкин қўюб дедиким: «Эй рўзгор бебадали ва эй даврон беназири, ҳамиша зоти хужаста сифоти бобаркотинг рўзгор арозилнинг мажлис оройи ва салотини комгор маҳфилининг зийнатафзойи бўлгай.

Мундоқ дерларким, ҳамул мажлисда уй, тўпчоқ от муғаррақ эгар ва лагоми бирла ва йигирма ботмон сақарлоти амал набот ва ўн минг танга Мавлоно Абдулвосиъга инъом бўлуб эрди.

* * *

... Кундин кун, балким соат басоат Мавлоно Беҳзод устод наққошнинг ҳунар ва мартабаси тараққий ва тазойидда эрди ва ҳар нақшеким, чекар эрди анга пардаи ғайбдин фатҳ ва рушд сурати юз кўргузур эрди. Машҳурдурким, Амири кабир Амир Алишернинг фирдавсойин сипеҳртазийин мажлисига мусаввар саҳифае келтурди. Сурати ҳол андоқ эрдиким, боғчае ораста қилиб эрдиким, неча гуногун дарахтларга муштамил ва анинг шохларида хуш сурат қушлар сурати тортилған ва ҳар тарафда жўйборлар жорий ва гуллар очилған ва Мирнинг марғуб сурати андоқким: асоға такая қилиб турған, зару-сим табақлар сочиқ учун ҳузурида турған. Чун ҳазрат Мир ул суратларни мушоҳида қилди, эрса ул саҳифаи латиф ботини риёзи беҳжат ва сурур гуллари била ораста ва хотири фарруҳ сарв ашжори, била пийроста кўрди ва табъи андалибидин завқ ва шавқ шохларида ҳусн-алҳусн навоси турди ва бу байтни муносиби ҳол иншо қилди.

Б а й т:

Нақшкор гар ин сафҳа мунаққаш карди,
Эй вақти ту ҳуш ки вақти мо ҳуш карди.

Андин сўнгра мажлис ҳуззориға юз келтуруб дедиким: «Сизларнинг бу лозимат-ташриф саҳифанинг таъриф ва тавсифида хотирлариға на мазмун етишур?» Мавлоно Фасиҳиддинким, Мирнинг устоди ва Хуросон аҳлининг машҳур ва маъруфларидиндур дедиким: «Махдумо, мен бу раъно очилған гулларни кўрдим, истадимким, қўл узатиб гуле узгаймен ва дасторим узра санъгаймен». Мавлоно Соҳиб Дороким, Мирнинг рафиқ ва мусоҳиби эрди дедиким: «Менга доғи бу доия пайдо бўлуб эрдиким андиша қилдиким, мабодо илик узатсам бу қушлар дарахт шохларидин парвоз қилгайлар». Мавлоно Бурҳонким, Хуросон халқининг саромади зурафоларидин эрди, лоянқатъ Мир хубобида таарруз ва зарофат кўргузур эрди дедиким: «Мен мулоҳаза қилиб илик ва тил соқлаб дам ура олмадим, анинг учунким мабодо Ҳазрат аърозға келиб жабинлариға чин солиб юз ўйургайлар» Мавлоно Муҳаммад Бадахшийким, Хуросон зурафолари они «Латифа тарош» лақаб қилиб эрдилар дедиким: «Эй Мавлоно Бурҳон, агар густохлик ва беадаблик бўлмаса эрди, бу асони ҳазрат Мир илгидин олиб сенинг бошингда синдирур эрдим». Ҳазрат Мир буюрдиларким: «Азизлар хўб сўзлар деб маъни дурларин сўфта қилдилар. Агар Мавлоно Бурҳон ул дуруштлик ва ноҳушлиқ қилмасалар эрди бу сочиқ табақаларни ёронлар бошиға нисор қилур эрдим». Андин сўнгра Устод Беҳзодга муғаррақ эгар ва лажом ва сарпойи муносиб ва мажлис аҳлиға дағи фохир либослар инъом қилдилар.

* * *

Мавлоно (Ҳасан шоҳ)нинг зарофатларидин бири ул дурким, бир қишни камол қаллошлик била ўткарди, эрса ўғлиға дедиким, бошингға кўк чирмағил ва қаро тўн эгингга солғил ва Амир Алишер уйига борғил. Сени кўргач савол қилур. Дегайсенким:— Отам дорулфанодин дорулбақоға риҳлат кўргузди. Мир такфин жиҳатидин нимарса берур. Андин сўнгра бозорға бориб маош асбобин тутғил, барчасини уйга келтурғил. Чун ҳам ул

сурат била ўгли Мир қошига келди. Эrsa Мир андин ис-
тифсор қилдиким, не воқиадур. Деди: «Отам вафот қил-
ди ва умрин сизга бағишлади». Муни эшитгач Мирга
риққате пайдо бўлди. Деди: Дарег Мавлоно Ҳасан шоҳ-
динким наводири рўзгордин эрди». Уч юз хони маблаге
анга инъом кўргузди. Мавлононинг ўгли бозорға бориб
ул нимаким Мавлоно деб эрди, барчасин сотқун олиб
уйга келтурди. Сўнграғи кун Мулло Мир ҳузурига кел-
ди. Амир кўзи анга тушгач кулгудин суст бўлди. Деди-
ким: «Мулло Сиз худ ўлиб эрдингиз, бу не ҳолатдур?»
Деди: «Эй Мир агар ул инъом етмаса эрди ўлуб эрдим».
Мир хандон бўлиб анга муносиб сарупо, маблағ минг
динор кебаки инъом қилди.





Э

МУШУК ИЛА СИЧҚОН ҚИССАСИ.

шитинг, айтайин ман турфа дoston,
Таажжуб қиссадур бу қисса, ёрон.
Қизикдур бу ҳикоят бениҳоят,
Бўлур ҳар ким эшитса шоду хандон.
Мушуклар бирла сичқонлар қилур жанг,
Қолур одамни ақли мунга ҳайрон.
Этай сизларга қисса назм ила ман,
Бўлур ҳар қисса ширин назм бирлан.
Қазаро, илгари ўтган замонда,
Бор эрди, бир мушук гўёки султон.
Ўзидур кадхудо ҳам бодиёнат,
Мақому манзил эрди шаҳри Қирмон.
Осилгон эрди қорни, кўкраги кент,
Шикор айларда эрди шери ғаррон.
Эди ҳар бир аёғи мисли устун,
Ики кўзи чароғдек эрди ёнгон.
Узун думдур ўзи йўлбарс монанд,
Қи, тарғил пўстунни устига кийгон.
Ёзиб олдиға турлук меваларни,
Уйида ўлтурур меҳмон бўлубон.
Бу савлат бирла ўлтургонини
Дегай чун аждаҳо кўрганда сичқон.
Ўзи макжору ҳам айёр эди хўб,
Тутарға эрди сичқонларни чаққон.
Бу кун сичқон тутуб мен еб тўяй деб,
Қўпуб сайд этгали борурди, эй жой.
Босиб кўп йўлни юрди топмайин сайд,
Кўрунди бир шаробхона очилгон.

Келиб ўлтурди босиб аста-аста,
Ўзини айлабон ул ерда пинҳон.
Ичур эрди шаробни тўйтанича,
Чиқиб бир хумни офзи узра сичқон.
Ўзин чоғлаб мушук бир хум тагида,
Турарди ўйлабон олурни чандон.
Ўшал сичқон ўзин билмай бўлуб маст,
Ўрарди лофи беҳуда фаровон.
Турарди ул мушук сўзни эшитиб,
Муни кўрмас эди бечора сичқон.
Мушукларни мазаммат айлар эрди,
Ўзум деб паҳлавони марди майдон.
Қирай бул кун чиқиб барча мушукни,
Бўлай Рустам каби оламга дoston:
Мушук бул сўз эшитиб қаҳр бирлан,
Ўшал сичқонни сакраб олди ул он.
Тушуб чанголига сичқон мушукни,
Иложини тополмай бўлди ҳайрон.
Ширин сўзлар билан айлаб хушомад,
Қилиб тавсиф ани ёлборди чандон.
Юрмайин давлатингнинг соясида,
Бўлуб бир неча кун хушнуду хандон.
Мушук айдики, сан бир жон эурсан,
Қутулмайдуз қўлимдин бўлса минг жон.
Ўюб ерман кўзингни ҳам ўзингни,
Эшитгим хўб сўзингни боя айтгон.
Мушук олмай қулоққа ноласини,
Еяберди тириклай чиқмайин жон.
Ўшал сичқонни еб, оч қорни тўйди,
Туруб бир-бир босиб бўлди хиромон.
Таҳорат айлабон ул юз-қўлин юб,
Ибодат қилди масжидга кирибон.
Дер эрди қилмишам қаттиғ гуноҳи,
Кечиргил, тавба қилдим эмди, субҳон.
Этиб ҳақ зикрини қўлида тасбиҳ,
Қилурди оҳу зори бирла афғон.
На бўлди манга қилдим хуни ноҳақ,
Дебон айлар эди беҳад пушаймон.
Гуноҳини тилаб дойим худодин,
Ки тинмай йиғлабон ўлтурурди гирён.
Пўта боғлаб, ўгуруб тасбиҳини,
Тараҳҳум айлагил дер эрди Яздон.
Мушукнинг ноласин минбар тегида,

Турарди эшитиб бир бачча сичқон.
 Ушал кичкина сичқон тез югуруб,
 Суюнчи деб элига борди чаққон.
 Олиб келдим си(э)ларга хуш хабарни:
 Қилиб тавба, мушук бўлди мусулмон.
 Угуруб тасбиҳин кўздин тўкуб ёш,
 Қилур масжид ичида оҳ нолон.
 Ушал кичкина сичқоннинг сўзини,
 Эшитиб бўлди хуррам барча сичқон.
 Бу сўзни етти сичқон хўб эшитти.
 Эдилар ҳар бири бир катта деҳқон.
 Суюниб қилдилар кўп айшу ишрат,
 Бўлубдур деб мушук бул кун мусулмон.
 Қилиштилар ўюн, рақсу самолар,
 Алар чун ҳой-ҳуй беҳад этибон.
 Мисоли баччадек ўйнаб бириси,
 Чолур гижжак бири, иккиси хушхон.
 Бириси косагул, бири ичар май,
 Йўқ эрди дилларида зарра армон.
 Қилурдилар олиб фатнус ўқушлар,
 Бўлубон иккиси ҳофиз хуш алҳон.
 Бири нашъа чекиб, бири ичар чой,
 Эди ўз ҳолига ҳар қайси сичқон.
 Чолурди баъзи чанг, баъзиси дугор,
 Чу жамшид базм бўлди базми мушон.
 Қилайлук деб мушукнинг хизматини,
 Ушал кун эртаси ул барча сичқон.
 Қилиб таърифу тавсиф ҳаддин афзун,
 Дер эрдилар: атоси эрди эшон.
 Мушукни кўргали олиб борурга
 Таомлар қилдилар кенгаш бирлон.
 Таомларни солиб ҳархил идишга,
 Жўнадилар кўтариб барча сичқон.
 Келурдилар кўтариб қўлларида,
 Солиб фатнусга қанду обидандон.
 Бири қўлда кўтариб ниста, бодом,
 Бири бошда кўтарган гўшти бирён.
 Ки бир-бир йўлга туштилар кўтариб,
 Таому мевалар алвону алвон.
 Бирисин бошида баркашда юпқа.
 Бирисин бошида сер қийма лағмон.
 Кабобу ҳам яна турлук таомлар,
 Қилиб тухфа анга алвону алвон.

Бирин бошида норин, қўлда шўрбо,
Биридадур палов ош қарта солган.
Келур олиб бири қуштил, бўғурсоқ,
Бири олиб келур манти пишургон.
Бири солиб шаробни шишаларға,
Келур чарчаб, ҳориб бошга кўтаргон.
Келибон турдилар бас рўбарўда
Салом айлаб мушукка ул неча жон.
Адаб бирла ўлуб ерни, букуб тиз,
Мушукка таъзим айлаб барча сичқон.
Дедилар қилғали сизни зиёрат,
Келибдурмиз, аё бизларға султон.
Тановул айлангиз ҳар қайсисидин,
Олиб келдук таомларни фаровон.
Ичиб майни букун сиз бирла бизлар,
Қилурмиз сўнг тамошо боғу бўстон.
Мушук кўрди буларнинг туҳфасини,
Келубдурлар бари ихлос бирлон.
Мушук айди: ажаб сизларни бу кун,
Қарам айлаб манга еткузди Яздон.
Неча кундин бери ман рўзадорман,
Яна эрдим си(з)ларни хўб соғингон.
Қилайлук бирга ифторни, келинглар,
Букун қилди худо ризқим фаровон.
Қимики оч қолиб қилса қаноат,
Кўрар албатта ул роҳатни чандон.
Келинглар барчангиз олдимға эмди,
Қилайлук бирга суҳбат борида жон.
Мушук олдиға сичқонлар келолмай,
Турардилар йироқда қўрқушубон.
Мушук ҳийла била алдаб аларни,
Бешини сакраб анда олди чаққон.
Босиб иккисини икки аёгда,
Бири оғзида, икки қўлда, эй жон.
Амон қолгонлари жон аччиғидин
Қочардилар чунон ҳар қайси ҳар ён,
Ки асло бир-бириға боқмас эрди,
Бўлуб ўз ҳолиға ҳар қайси сичқон.
Кирибон ҳар қаюси бир тешукка,
Қиларди ўзларини зўрға пинҳон.
Ки бир-бир анда қочганлар бариси,
Борибон айди сичқонларға ул он.
Мушукни кўргали бизлар дедилар,

Олиб бордук таом алвон-алвон.
Қилиб кўп ҳийлалар бизларни алдаб,
Келинглар деб бери, эй барча меҳмон.
Езиб чангалини бизларга бирдан,
Ўзин отти мисоли шери ғаррон.
Бири оғзида, иккиси қўлида,
Аёғида икиси бердилар жон.
Бу сўзни барча сичқонлар эшитиб,
Тўқуб ёш айладилар оҳу афғон.
Ўлубдур деб дариг ўлганларимиз,
Тутуштилар азо жумла паришон.
Дер эрдилар азоблар бирла бул кун,
Берибдурлар мушук чанголида жон.
Мушукни ким жазосини берур деб,
Кенгашлар қилдилар ҳўб барча сичқон.
Дедилар ул мушукнинг қилганини
Этайлук барчамиз шаҳга борибон.
Бу сўзга ҳўб дебон ёшу қариси,
Жўнаштилар бори чий-чийлашибон.
Келур баъзиси боғлаб бошни маҳкам,
Келур баъзиси оқсоқлаб қоқилгон.
Эшитти шаҳ буларнинг ноласини,
Олиб кел, деб қулига қилди фармон.
Чиқиб, ўлтурди шоҳи тахт узра,
Келибон турдилар таъзим бирлон.
Этайлук арзимизни сиз эшитинг,
Ки рўхсат берсалар, эй шоҳи мўшон.
Мушукка яхшилик қилсак, аё шоҳ,
Мушук бизларга қилди зулм чандон.
Олинг андин букун сиз ўчимизни,
Агар сиз бўлсангиз бизларга султон.
Мушук тавба қилибдур деб баримиз,
Суюнуб, шоду хуррам, барча хандон.
Тутубдур рўза деб ифториға биз,
Олиб бордук таомлардин пишурғон.
Бориб кўрдук мушукни ўлтурадур,
Килиб тавба, тилида зикри субҳон.
Қилиб кўп макру ҳам бизларга ҳийла,
Этай сизларни деб кулбамга меҳмон.
Мушук олдиға чун бизларни чарлаб,
Таом енг ман била, эй борча сичқон.
Йиғиб бизларни бирдан солди чангал,
Бешимизни босиб олди ўшал он.

Босиб икки қўлида иккимизни,
Аёғида икки, бир тишлаб олгон.
Аларни ўлдуруб ул дамда еди,
Ки асло раҳм қилмай бағри сандон.
Етим айлаб боласин, хотинин тул,
Қилиб бечораларни хонавайрон.
Мушук бизларга мундоғ ишни қилди,
Дебон айлаштилар фарёду афгон.
Ғазабнок ўлди, урди ғайрати жўш,
Эшитиб сўзларини шоҳи сичқон.
Аларға шаҳ деди ул бир мушукдур,
Қутулмас эмди мандин бўлса минг жон,
Етур эрди бўлуб бемор бириси,
Мушук чанголида жисми эзилган.
Ўшал сичқон билинг ўлди ўшал кун,
Кетуруб солдилар тобутга бежон.
Кўтариб неча байроқ, неча ҳалво,
Борадур тўрти тобутни кўтаргон.
Бири ушлаб асо, боғлаб белини,
Борурди йўлда бағримлаб бақиргон.
Тутуб баъзиси мотам ҳам эгиб бош,
Борур баъзиси йиғлаб қарс урубон.
Алар воҳасрато бирла ўлукни,
Кетуруб кўмдилар гўрга ўшал он.
Келиштилар бори уйга ёниб боз.
Шаҳардин ташқари эрди гўристон,
Ки бир ҳафта ўтгунча ародин,
Азо туттилар анга барча сичқон.
Қилиб ҳалвойитар ўлган ўлукка,
Обордилар гўристон сори, эй жон.
Едилар ўртада ҳалвойитарни,
Тутиб мотам ўлукка барча гирён.
Гўристондин келиштилар ёниб боз,
Бори шаҳ олдиға гардан эгибон.
Дедилар шаҳлариға жанг қилурмиз,
Мушуклар бирла то етгунча дармон.
Эшитиб сўзни сўнгра элчиларга,
Йиғинг лашкар дебон, шаҳ қилди фармон.
Борибон элчилар ҳар қайси ҳар ён,
Йиғибон келдилар лашкар фаровон.
Ўзи билмас эди асло ҳисобин,
Ўшал кун тўлди лашкарларга майдон.
Турурда барчаси отлиқ пиёда.

Чиқиб лашкарни кўрди шоҳи мушон.
Насиҳатлар қилиб лашкарлариға,
Деди ҳозир бўлинглар барча сичқон.
Мушук айёрлигин билмайки сизлар
Деюрсизлар ани: бўлди мусулмон.
Яна айди боқиб аскарлариға:
Боринглар барчангизлар шаҳри Қирмон.
Эшитган шаҳ сўзини барча лашкар,
Эди ўттуз юзу ўттуз минг, эй жон.
Чолиб карнай, кўтариб туғу байроқ,
Жўнади барча лашкар шаҳри Қирмон.
Кўтариб гурз, шамшер белларида,
Туфанглар қўлларида ўқ солингон.
Талотўплар қилиб Қирмон йўлини
Борурлар тўп-тўп лашкар фаровон.
Деди шоҳи керак бир яхши элчи,
Ўзи бўлсун зийрак, оқил, суҳандон.
Йиғилгон барча аскарлар ичида
Бор эрди кўрбоши бир дона сичқон.
Мушукларга боринг деб элчиликка
Ўшал кўрбошига шаҳ қилди фармон.
Ўпуб шаҳни аёғин таъзим айлаб.
Жўноди элчи улдам шаҳри Қирмон.
Шамолдин ҳам юруб тез элчи йўлда,
Ки етти шаҳри Қирмонга ўшал он.
Деди: бу кун юборди, эй мушуклар,
Мени элчи қилиб сизларга сулгон.
Келур шаҳ лашкар олиб жанг қилурға,
Қилинглар эҳтиётингизни чаққон.
Мушуклар хўб дебон кўп йиғди лашкар,
Тўлуб тошти ўшал кун шаҳри Қирмон.
Уйиб жанг асбобин барча мушуклар,
Турардилар урушга бодилу жон.
Тонг отган сўнг ўшал кун эртасига,
Мушуклар айладилар азми майдон.
Кўтариб туғу байроқ, гурзу найза,
Буёндин кирдилар майдонга мушон.
Мисоли оч бўридек икки ёқдин,
Баробар қўйдилар от паҳлавонон.
Ки сичқону мушуклар бир-бирини,
Урардилар қиличу найза бирлон.

Бу ён турур мушуклар,
Ул ёнда муши бисёр.
Майдон аро кирибон
Қилди урушлар, эй ёр.
Ҳар соридин кирарди,
Майдонга паҳлавонлар.
Баъзи бўлуб сувора,
Баъзи бўлуб жилавдор.
Ул кунки тўлди беҳад,
Майдонга туғу байроқ.
Ушлар келиб бири зуд,
Бўлса қалам аламдор.
Қўлга олиб камандин
Ҳозир бўлуб турарди.
Душманни банд этарга
Жанг ичра неча айёр.
Баъзи урарди шашвар,
Баъзи тутарди қалқон.
Баъзи отарди ўқ-ёй,
Баъзиси найза санчар.
Майдон аро ботирлар
Ўққа учуб ётурлар.
Баъзи бўлуб чала жон,
Баъзи бўлуб ярадор.
Чий-чийлашибки сичқон,
Мунғуллашиб мушуклар.
Тоқат ётолмай ул кун,
Айларди нолау зор.
Хирмон бўлуб ётарди,
Майдон аро ўлуклар.
Зўрға юрарди отлар,
Босиб ўлукни ночор.
Хар қайси ўз ҳолига,
Жон ваҳмин айлар эрди.
Бечоралар бўлолмай,
Бир-биридин хабардор.
Ул кун аларни жонин,
Қилмай олурға нася.
Даллол эди қазо чун,
Эрди ажал харидор.
Майдон бўлуб талотўп,
Оламга тўлди шовқун.
Ул кунда бўлган ишни,

Қайсини айлар изҳор.
Охир мушук ботирлар,
Сичқонга бўлди мағлуб.
Топти зафарни чунким,
Сичқонлар эрди бисёр.

Шикаст еб келдилар ул кун мушуклар,
Бориси шаҳри Қирмонга ёнибон.
Тутуб эрди мушукдин бирни зўрға
Каманд солиб йиғилиб барча сичқон.
Уруб туртуб, тепиб ҳам кетларига,
Мушукни келдилар шаҳга олибон.
Чиқиб ўлтурди ул дам тахтига шаҳ,
Бўлуб хушнуду хуррам, шоду хандон.
Кўрубон ул замон банди мушукни,
Ниҳоятда суюнди шоҳи мушон.
Боқиб ул он ҳама лашкарларига,
Чолинг деб шодиёна қилди фармон.
Кетурунглар деди мунда мушукни,
Солай бошига кулфатларни чаңдон.
Мушуклар барчасига бўлсун ибрат,
Кесиб бошини ман бул кун тўкай қон.
Чолиб карной ила наққораларни,
Мушукни келдилар шаҳга олибон.
Мушук бечорани гул гарданида,
Аёғу қўлига занжир урулгон.
Ғазаб бирла боқиб айди анга шаҳ,
Қалайсен, эй мушук бадбахт, нодон.
Мушук йиғлаб деди душман қўлида
Қи мендек бўлмаюун ҳеч кимса ҳайрон.
Деди шаҳ лашкарига: бул мушукни
Осинг дорга ҳаял қилмай, шитобон.
Азоблар бирла бул кун ўлганини
Мушуклар эшитиб қилсун пушаймон.
Мушукни судрадилар дор сариға,
Уруб йўл-йўлда мушлаб барча сичқон.
Қи бир жаллодни шаҳ олдиға чарлаб,
Мушукни дорга ос деб қилди фармон.
Миниб филга жўнади дор сариға,
Қи жаллод орқасидин шоҳ сичқон.
Келиб шаҳ ул замон қурдурди доре,
Мушукни ос деди жаллода чаққон.

Улуги токи уч кун дорда турсун,
 Қилинглар сўнгра они ўтқа сўзон.
 Осиб дора қалам айланг бошини,
 Булоқдек бўйнидин ётсун оқиб қон.
 Турарди сўзлабон сичқонни шоҳи,
 Югуруб бир мушук келди шошилгон.
 Деди: сиздин тиларман бул мушукни
 Гуноҳини кечинг, эй шоҳи мушон.
 Аё шаҳ, олдингизда тавба қилсун,
 Емасман дебки мундин сўнгра сичқон.
 Мушукни илтимосин ҳаргиз анда
 Қулоққа олмадилар шоҳ сичқон.
 Ғазаб бирла буюрди лашкарига,
 Осинглар, деб мушукни дора альон.
 Булар қўрқуб ўшал келган мушукдин,
 Осарға барча сичқон бўлди ҳайрон.
 Билиб лашкарларини шул замон шоҳ
 Мушукдин турганини қўрқушубон.
 Яна сичқонларига айди шоҳи
 Қилинглар деб мушукни тир борон.
 Олиб шаҳ амрини улдам қулоққа
 Йиғилиб майдон ичра барча сичқон.
 Қозуқ қоқиб мушукни ўтқузубон
 Қилурдилар бориси тир борон.
 Урубон ғайрати жўш ул мушукни,
 Ўзини отти шоҳи мушга чаққон.
 Олиб тушти белидин ерга тишлаб,
 Ки қўрқуб бўлди беҳуш шоҳи мушон.
 Кўруб бу ишни бу боғлиқ мушук ҳам,
 Ки узди бандини ғайрат қилибон.
 Ғазаблар бирла сичқонлар тўпиға,
 Ўзини урди икки шери ғаррон.
 Босиб, янчиб, эзиб чангалларида,
 Қилардиларки, сичқонларни яксон.
 Муқобил бўлса ҳар сичқон мушукка
 Қиларди чанг узуб жисмини талқон.
 Мушук чанголидин чиққон саломат,
 Қутулмас эрди тутқон бирла қалқон.
 Мушуклардин халос айлаб ўзини
 Қочардилар сабо янглиғ шитобон.
 Ки боқмай бир-бирига барча сичқон.
 Чопарди ҳар қаюси борича жон.
 Мушукдин ончунон қўрқушта шошиб.

Тополмай ҳеч тешукни бўлди сарсон.
Қира олмай тешукларни ичига
Чопар бечоралар турфа шошилгон.

Эшитса, ё ўқуса ким бўлур шод,
Ки бўлмишдур ажойиб ушбу дoston.
Агар бўлса хато этган сўзумда
Кечургайлар завил-абсор ёрон.
Ки қолсун деб жаҳонда ёдгore
Анингчун назм қилди Хислат эшон.





II. РУС АДАБИЕТИДАН ҚИЛИНГАН ТАРЖИМАЛАР ҲАҚИДА

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон территориясининг Россия составига қўшилиши ўзбек халқи ҳаёти ва истиқболида муҳим прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Бу воқеа иқтисодий ва сиёсий соҳалар билан бир қаторда, халқимизнинг маънавий-маданий ҳаётида ҳам катта силжишларга олиб келди.

Бу даврда ўзбек прогрессив адабиёти илғор рус адабиёти билан алоқага киришди, бу алоқа тобора мустаҳкамлана борди. Рус адабиёти намуналарининг ўзбек тилига таржима қилиниши ана шу алоқанинг бир кўринишидир.

Рус бадий адабиёти намуналаридан қилинган биринчи таржима XIX асрнинг 80-йилларига тўғри келади. «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида 1887 йилда Л. Н. Толстойнинг «Чем люди живи?» асари «Одамлар нима бирлан тирик?» номи остида ўзбек тилида босиб чиқарилади. Бу таржима асар шу йилнинг ўзида ва кейинчалик 1901 йилда Туркистон ўлкасидаги рус-тузем мактаблари учун алоҳида китобча шаклида нашр этилади.

Бу асар газетада эълон қилинганида таржимоннинг номи кўрсатилмаган, алоҳида чиқарилган китобчада эса газетанинг муаллифи Н. П. Остроумов томонидан нашр этилган деб кўрсатилади. Бу давр Туркистон маданий ҳаёти билан яқиндан таниш бўлган академик В. В. Бартольд ўзининг «История культурной жизни Туркистана» номли китобида (Ленинград, 1927 й.) шу асарнинг таржимаси Н. П. Остроумов томонидан бажарилган деб

кўрсатади. Бу асар Л. Толстойнинг «ёмонликка куч билан қаршилик кўрсатмаслик» таълимоти руҳида ёзилган.

Таржиманинг сифати тўғрисида гапирар эканмиз, биринчи навбатда, унинг жуда примитивлигини, сўзмасўз бажарилганлигини, ўзбек тили грамматикасига ёт бўлган жумла тузилишларининг кўплигини кўрсатиб ўтиш керак. Кўп ўринда рус жумла тузилишлари ўз ҳолича сақланиб қолинган, натижада маънони англаш оғирлашган, баъзи жойларда эса тамоман бузилган. Таржимада пунктуацион белгиларни қўйилмаганлиги ҳам асар мазмунининг тўла очилишига халал беради. Ана шу камчиликлардан қатъи назар шу давр рус адабиётининг энг йирик намояндаси Л. Толстой асарининг таржима қилиниши фактининг ўзи ижобий ҳодисадир. 1902 йилга келиб Л. Толстойнинг иккинчи бир катта ҳикояси таржима қилиниб, газетада эълон қилинади. Ҳикоянинг номи таржима қилинмаган ва оригиналдаги «Бог правду видит, да не скоро скажет» номи остида текст таржимаси берилади.¹ Бу таржиманинг ҳам ким томонидан бажарилганлиги кўрсатилмайди. Аммо таржима қилинган асарнинг характери (бу асар ҳам ўзининг нояси ва кузатган мақсади жиҳатидан юқоридаги асар билан ҳамоҳангдир) ва таржиманинг стилига қараб Н. П. Остроумов томонидан қилинган, деган фикрга келиш мумкин.

Иккинчи таржима «Одамлар нима бирлан тирик?» асарининг таржимасига нисбатан анча пишиқ ишланган бўлса ҳам, асосан, ундаги камчиликлардан батамом қутула олмаган.

Рус адабиётининг прозаик намуналаридан қилинган бу таржималар билан бир қаторда, шу даврда Пушкин ва Криловнинг шеърий асарларидан ҳам таржималар қилина бошланди.

1899 йилда улуғ рус шоири А. С. Пушкиннинг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан унинг қатор асарлари ўзбек тилида босиб чиқарилди. Бу таржималарни ким қилгани ҳозирча маълум эмас.

1899 йилнинг май-июнь ойларида «Боқчасарой фонгани», ҳамда «Шоир» шеъри прозага айлантирилган шаклда «Туркистон вилоятининг газети»да босиб чиқа-

¹ Биз ҳикоя номини шартли равишда «Олло билади, илло айтмайди» шаклда бердик.— (А. А.)

рилади. Агар Л. Толстой асарларидан таржималар, айтилганидек, сўзма-сўз қилинган бўлиб, хатто рус жумла қурилиши кўп ўринларда зўрма-зўраки сақланиб қолинган бўлса, бу асарлар, аксинча, кўпроқ эркин таржима характериға эға бўлиб, уларда оригиналдан четлашиш ҳоллари анчагина учрайди, асарларнинг фақат мазмуни-нигина берилади.

А. С. Пушкин асарларидан қилинган таржималар орасида энг мукамал ва муваффақиятли чиққани «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртақ»нинг шеърий таржимасидир. Халқ эртақлари асосида ёзилган бу асар ўзбек тилиға икки вариантда — прозаик ва шеърий формада таржима қилинган. Прозаик таржима асар мазмунини баён қилиш тартиби ва тўлалиги, оригиналға мувофиқлиги билан шу вақтларда қилинган бошқа таржималардан фарқ қилади. Жумлалар пишиқ, жуда енгил ва тунуарлидир.

«Балиқчи ва балиқ ҳақида эртақ»нинг прозаик таржимаси босилганидан йигирма кун кейин таржиманинг шеърий варианты ҳам шу газетада нашр этилади. Ҳар иккала таржимани солиштирганда бу давр ўзбек шоирларидан бири ана шу прозаик таржимани қайта ишлаб, унинг асосида асарнинг шеърий вариантыни тиклаган, деб айтиш мумкин.

Шу вақтлардан бошлаб шеърий асарларни таржима қилиш ишлари анча жонланиб кетади. 1900 йилларда Криловнинг бир неча масаллари таржима қилиниб, газетада ҳамда баъзи дарсликларда босилиб чиқади.

1905 йил революциясидан Октябрь революциясигача бўлган қисқа даврда ҳам кўп муҳим асарлар таржима қилинган. Биз бу тўпламға XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида қилинган таржималардан намуналарни ҳеч бир ўзгаришсиз киритдик. Рус тили орқали Фарбий Европа адабиётидан қилинган таржималардан намуна сифатида немис халқ эртаги таржимаси ҳам тўпламға киритилди.





А. С. ПУШКИН





Б

БАЛИҚЧИ ВА БАЛИҚ ҲАҚИДА ЭРТАК

ир ҳикоят экан бидоятдин,
Ҳар киши фаҳм этар диroyатдин.
Пир мардеки ул қилурди сайд,
Моҳилар йўлиға солурди қайд.
Манзил эрди анга лаби дарё,
Хафар кухи эди анга маъво.
Сайд чун иттифоқ чиқмиш эди.
Қутини сайд ила қидирмиш эди.
Кўк денгиз дер, анга солуб тўрин,
Қилди саъй-у тараддуду зўрин.
Олибон кўрса тўрга тўлмиш лой,
Ул малул ўлди, қилди боз бажой.
Кўрди иккинчисида тўр кўториб,
Хас-хашак экан, они чиқориб,
Солди тўрин учинчи мартаба ул,
Сариғ олтун балиғ чиқорди бу йўл.
Пир они забтиға қилурди саъй,
Балки ўлдурмака қилурди раъй.
Шул замонда балиғ забонға келиб,
Пирга арз айлади баёнға келиб.
Дедиким: — «Манга бермагил озор,
Ҳарна амр айласанг, қилай тайёр.
Дунялиғда (на) хожатинг бўлса,
Ойгил, эй пир, агар начук бўлса,
Ман они ҳозир айлаям фил алҳол,
Лек бу ерда қилмагил мани лол!»
Пир они холиға тараҳҳум этиб,
Балки ўз бошидин тасаддуқ этиб.

Дедиким: — «Ҳақ йўлига сан озод,
 Борғил эмди, сув ичра бўл дилшод».
 Пир уйига қараб ружуъ этди,
 Жумласин хотунига арз этди.
 Анда ул пира зан жаҳолатдин,
 Фазаб этди анга ниҳоятдин.
 Айтдиким: — «Бул нечук балоҳатдур.
 Халқ аро тушмаган балодатдур.
 Уйламасму киши надир ҳоли,
 Кимга қилмиш зиён жаҳон моли.
 Гарчи шоҳ ўлса ҳам йиғар амвол,
 Тарк қилмас хирожини бир сол.
 Сан агар шоҳдин баланд ўлсанг,
 Айб эмас қут учун агар сўрсанг.
 Хонамиз ичра йўқ бир асбобим,
 Бу чуқурда турарга йўқ тобим.
 Бул кунни бир хусус олотим,
 Синдию ўртади дили чоким.
 Жомашувдурки, ул керак бизга,
 Сўрагайсан, агарчи йўқ ўзга.
 Пирмард ул замон бўлуб ночор,
 Эндилик умридин бўлуб безор.
 Кўк денгиз суйига равон ўлди.
 Анга бул иш ажаб гарон ўлди.
 Лаби дарёга борибон ул пир,
 Кўрдиким сув қилурди мавжи касир.
 «Эй, балиғ!» — деб қилур эди нола,
 Ҳар нафасда тушарди бир ҳола.
 Шул замон ул балиғ бўлуб зоҳир,
 Пир ҳолин сўраб ул охир.
 Пир анга ҳолини баён қилди,
 Жабри хотун анга аён қилди.
 «Жомашуви керак эмиш анга, — деб,
 — Мумкин ўлса беринг они манга», — деб,
 Арзини пир анга тамом айтди,
 Мунтазирлик паёмини тутди.
 Балиғ анга жавоби хуш берибон,
 Пир ҳолига марҳамат қилибон.
 Дедиким: — «Ҳавлингизга боргайсиз,
 Лутфи ҳақдин нишона кўргайсиз.
 Жомашуви янги бўлур ҳозир,
 Табъингиз ғўссадин бўлур тоҳир».
 Пирмард ул замон келиб уйга

Кўрди бир жомашувини мунга.
Бўлди хурсанд они кўруб, филҳол,
Пира зан боз анга қилиб жанжол.
Айдиким: — «Найларам муни таиҳо,
Бизга лозим эди янги маъво!»
Бул сўз айтиб, анга итоб қилиб,
«Қайта бор!» — деб, яна хитоб қилиб.
Пирмард ул замон бўлуб ночор,
Бу тирикликдин ул бўлуб безор.
Суйи дарё қараб равон ўлди,
Қичқуруб онда бир замон турди.
Балиғ ундан чиқиб сўроб ҳолин,
Қилди фаҳм пирмардни аҳволин.
Баъд аз ин айди: «Борғил, эй бобо,
Ҳар надур хоҳишинг бўлур пайдо»
Пир уйиға келиб бўлуб хайрсн,
Бўлмиш ул дамда қасри шоҳи жаҳон.
Хотунин қаср манзарида кўруб,
«Хўш, нечук?», — деб келур эди югуруб.
Жаҳли хотун аввалгидин кўброқ,
Қаҳр этарди они батаври сибоқ.
«Бул нечук? — деб, — иморати олий,
Лойиқ эрмас анга туран волий,
Манга кўб ҳуллаи ғариб керак,
Ҳеч киши кўрмаган ажиб керак.
Бир неча ходими диловарлар,
Ҳам яна неъмат саросарлар»,
Деб яна пир мардга жабр этди,
Пир ҳам бул ишига сабр этди.
Шул куни ҳам бориб батаври сибоқ,
Масъалат айлади балиғ била тоқ,
Балиғ айди: «Бориб кўринг бул он,
Ҳарна мақсудингиз берур яздон».
Келибон кўрса ул ажузаки пир
Фаҳри содот этарди ул кампир.
Эгнида шол ҳам зарафшонлар,
Хизматини қилурди жононлар.
Ваъзи жононлара адоватлик,
Баъзиларга бўлуб сиёсатлик.
Шул замон пир анга салом қилиб,
Арз атарди анга қиём қилиб:
— «Бўйла давлат билан табиат чоғ,
Қолмоғондур кўнгул аро бир доғ».

Фахр илан ул ажуза пирга боқиб,
 Неча олтун исирғаларни тоқиб.
 Пира мардин жазога лойиқ деб,
 Хабси матбах буюрди фойиқ, деб.
 Бир-икки ҳафта шул тариқа ўтуб,
 Пира мардин кетурди боз тутуб.
 «Шул кун олтун болиғга боргайсан,
 Онга бул сўзларимни айтгайсан:
 «Буйла давлат нетай фароғат йўқ,
 Ғайра тобиъ бўлурга тоқат йўқ.
 Хоҳларман малика бўлмоқни,
 Арзу доди раия сўрмоқни!»
 Пир анга илтимос этиб оғоз,
 Зикр этарди авалпидин бир оз.
 Онда аччиғланиб ажуза туриб,
 Пир юзиға тапонча урди келиб.
 «Сан манга қаршилиқ қилиб бир оз,
 Рад қилурсан, сўзимни дури-дароз?
 Энди турмай, бу ердин айла ружуъ
 Боруб олтун болиғга айла хузуъ!»
 Деб анга рухсати тамом этди,
 Пира мардин мисли ғулом этди.
 Пир анинг жабридин қилиб афғон,
 Борди денгиз сорига ул нолон,
 Масъалат айлади батаври қадим,
 Балиғ анга қилурди лутфи амим.
 Айдижим:— «Мақсудинг бўлур ҳосил,
 Лутфи яздон ила бўлур восил».
 Баъд уйига ружуъ этиб ул пир,
 Кўрур эрди ажуза фавқи сарир.
 Келиб оҳиста анда пири ғариб,
 Хизматиға бўлолмас эди қариб.
 Пира зан хизматида жононлар,
 Неча марди сипоҳу ғулмонлар.
 Бир неча ҳур ила пари-пайкар,
 Май кетурмиш сақоясунди олар.
 Баъзиларга ҳуш илтифот қилиб,
 Баъзини зажр этиб итоб қилиб.
 Ўлтурур эрди мисли шоҳи жаҳон,
 Олдида пур эди гулу райхон.
 Пир ўшал дам кирурга бел боғлаб,
 Қирди бир гўшадин ўзин чоғлаб.
 Кўрубон ул маликай даврон,

Қилди ихрожиға они фармон.
Шул замонда келиб неча хуДДом,
Яқосидин тутуб қилиб илзом.
Зажр этиб тошқари чиқордилар,
Неча танбиҳ ила юбордилар.
Они ҳолиға таън этиб мардон.
«Шоҳ уйиға кирар нечук нодон!»
Ҳам тамасхур била кулардилар,
Баъзилар буйниға урардилар.
Пира зан буйла ҳукмрон бўлуб,
Турди бир-икки ҳафта хон бўлуб.
Баъд аз ин пири мардин кетуруб,
Бир неча сўз буюрди анга туруб.
Айди: «Олтун балиғга боргайсан,
Буйла сўзларни арз қилгайсан.
Ман малика бўлурға тобим йўқ.
Кечаларда кўзумда хобим йўқ.
Баҳрга шоҳ ўлмағим билсун,
Ўзи хизматларим қилиб турсун»,
Деюб амрин анга тамом этди,
Пира мардини талхком этди.
Пир анинг амрини қилолмай рад,
Юрди дарё сари бўлуб пур дард.
Борибон ул кун лаби дарё,
Чоқириб айди ул балиғга «сано!»
Мавжи сув бирла ул балиғ кўрунуб,
Келди пир олдиға яқин сурунуб.
Айдиким: «Эй падар, нечук ҳолинг,
Бўлса айғил на турлук аҳволинг».
Пир анга сўзларин баён этди,
Пира зан ҳукмини аён этди.
Балиғ улдам такаллум этмасдин,
Сувға қайтди кириб, кўрунмасдин.
Пир ани бир неча замон пойлаб,
«Чиқмади», деб келур эди ўйлаб.
Музтариблиқ била келиб уйга,
Назар айлаб турурди ҳар суйга
Ул синиқ жомашув била кампир,
Ултурурди фақир назди ҳафир.





Б

БОҚЧАСАРОЙ ФОНТАНИ

оқчасарой шаҳрида мармардин қилинган алоҳида ҳавузни ўртасида сув кўтарган хусусида Пушкин номилиқ Русия шоири ёзган абъётнинг мазмуни ушбудур.

Гарой хон кўзини қуйи қаротиб ўлтуруб ва садафдин қилинган чилимни тортиб оғзидин тутунни чиқориб, ул вақтда аччиғлиғи келиб тургонда хонни атрофида тургон аркони давлатлари яқинроқ келмоқни хоҳлаб бир-бирларини сурубдур ва хоннинг ўрдасида кўп оҳисталик бўлуб хоннинг юзида хафалик ва қаҳру ғазаб асарини фаҳмлабдурлар. Ва бир дафъа ул такаббурлик хон тезлик илан қўл бирлан ишорат қилганда мазкур тамоми аркони давлатлар тўғри қуллуқ қилиб ўрдадин чиқибдурлар. Ва хон ўз ўрдасида ёлғуз қолиб хурсандлик илан дам олиб ва онинг юзидин қаҳрнинг асорати кетадур. Зероки, анинг кўнглида табдиллик бўлди. Ва нима сабабдин хоннинг такаббурлик кўнглида мундай табдиллик бўлди ва онинг ақлида нечук фикр ва хаёл бўлди? Душманларга янгидин қўшун қилиб бормоққа хаёл қиладурму ва ёки интиқом олиши онинг кўнглида сўзиш қиладурму? Ва ё аскарлари ичидағи ҳуфия иғвони биладурму ва бўлак халқларнинг тарафидин ҳар хил макру хийладин қўрқадурму?

Йўқ! Бундоқ эмас. Ул хонга ўзининг баҳодирлиги оғирлик қилди. Ва онинг душманларга кўрқунч келтирадурган қувватли илки чарчаб урушни ҳеч хоҳламайдур ва мазкур аҳволатга сабаб нима экан? Онинг ичкарасидаги зуафолар орасида бир жанжал йўқму. Чунончи бир хотуни шариатга муҳолиф бўлак бир кофирга ўз

кўнглини солубдурму? Йўқ, мундоғ эмас. Гарой хоннинг кўрқоқ хотунлари бўлак эркакларни хоҳламай ва ўйламай хафалик ва тинчликда туруб қизил гулга ўхшаш чиройлик бўладур, қаттиқ қоравул ходимларни олдида иш қилмай ёрни соғиниб нохурсанд туруб бевофоликни хоҳламайдур. Турмадагидек туруб аларнинг чиройликларини ҳеч ким кўрмай кун ва ой ва йиллар навбатбанавбат хафаликда ўтадур. Ва хотунларнинг ёшлигини ва ишқини ўзлари тортадур. Ул хотунларнинг турмуши ҳар кун бирдек бўладур ва ҳар қаю соат муддати оҳисталик илан ўтадур. Мазкур ҳарамда ҳечбир қайғурғудек ишлари бўлмай ялқовлик ва лавандлик аларнинг одати бўлуб хурсандлиги ниҳоятда камроқ бўладур ва бул важдин ёш хотунлар ўз кўнгулларини овлаб қиймат баҳо ва нақшлик либосга табдил бериб ўз ораларида ҳар хил ўйин чиқориб ва ҳар тариқа нимарсаларни сўзлашиб ва ёки ҳовузни ёнида чинор дарахти соясида ариқлардин оққан сув овозини эшитиб тўп-тўп бўлуб сайр ва тамошо қиладурлар.

Ва лекин аларнинг орасида жаҳллик ахта қилинган ходим — хизматкор юрадур ва онинг кўзи олдиндин бошқа жойга кетмакка имкон йўқ, ҳар вақт ҳар қаю хотунни кетидин мазкур ходим ҳам борадур ва онинг қўюлғон тартиби доимо табдилсиз турадур. Ул ахта ходим хоннинг хоҳишидин бошқа ҳеч бўлак низомни билмай, қуръоннинг буйруғини ҳам бир тарафга қўядур. Ул ахта ходим ишқини хоҳламай ва тошдин қилинғон бетдек ҳархил ҳақорат ва ихонат ва мунга ўхшаш хотун тарафларидин чиққан хоҳ илтимос, ва хоҳ дод, ва хоҳ оҳу воҳларини эшитса қулоқ ва мулоҳаза солмайдур.

Зероки, ул ахта ходимга хотунларнинг хулқлари маълумдур. Чунончи, хотунлар ўз ихтиёрида бўлса ва ёки ҳарамда турса ва хоҳ кўз бирлан яхши ишорат қилса ва ёки кўзидин ёш чиқорса ул ходимни кўнглига таъсир қилмай мазкур хотунларга ҳеч бовар қилмайдур.

Агар ёш хотунлар ўзларининг кокулларини ешиб ва паришон қилиб иссиқ вақтда ҳовузга тушуб аларнинг чиройлик баданларига сув қўйган вақтда ва ёки ўйнаган вақтда ул ходим ҳозир турадур. Онинг кўнгли муздек бўлуб яланғоч хотунларни кўрса ҳам ҳеч нима ишқи келмайдур ва кечаси қоронғу вақтда ул ходим оҳиста қадам илан тиламни устига юруб эшикларни мўралаб бир тўшакдин бўлак тўшакка бориб қараб хонларнинг ухла-

ган хотунларини кўруб баъзиларининг ҳуфия сўзлашганини эшитадур ва аларнинг дам олгани ва хуррак тортгани ва ҳар қаюларини аъзоси титраганини тамом ҳаракатига ул ходим мулоҳаза соладур ва агар ҳар қаю хотун уйқу вақтида бўлак одамни отини атаса ва ё бўлак ўртоқ хотунга ўз-сирини тобшурса ул вақтда мазкур хотунга жазо текса керак.

Ва нима сабабдин Гарой хоннинг кўнгли кўб хафалиқдур ва анинг қўлидағи чилим тамом бўлубдур. Ходим ўзи ҳеч қимилламай ва дам олмай эшик олдида туруб хоннинг ишоратини кутуб турадур. Ул вақтда хон кўб оғир хаёл илан фикр қилиб ўрнидин тик туруб ва ҳарамнинг эшиги бир дафъа очиладур ва хон ўзининг марғуб хотунлари туратурғон ҳарамга кирадур. Ва мазкур хотунлар ўшал ҳовузни атрофида ипак кийимни устида ўлтуруб мармар остида балиқ юрганни боладек хурсандлик илан кўрубдурлар ва баъзилари ўйнаб бўйнидағи марваридидин олиб мармар тагига ташлабдурлар.

Ул вақтда чўрилар шарбат келтуруб ичируб ва дафъатан ҳарамдағи тамоми хотунлар яхши овоз илан ашула хониш қилишиб ҳовузни орқасида кўб хурсандлик қилиб тарқашибдурлар.





Ш О И Р

*М*азкур Пушкин шоир(нинг) шоирлик хусусида бул тариқа мазмунлик назм этибдурлар:

Ҳар қаю баланд даражадаги шоир шоирлик хусусида фикр ва хаёл айламаган вақтда бўлак одамлардек умр ўтқарадур. Ул вақтда мазкур шоир назм айламай индамай уйқудагидек турадур. Ва шул вақтда шоир ўзи кўп зеҳнлик бўлса ҳам ер юзидаги бўлак одамлардин бечора пастроқ кўрунадур.

Ва лекин шоирнинг кўнгли(да) худонинг илҳоми бўлса ул шоирнинг жони жунбишга кириб уйқудин уйғониб турган бургутдек осмон тарафига ўз фикрини парвоз қилдирадур. Бул тариқа шоир бул фоний дунёнинг тамошосида хафа бўладур ва халқ орасидаги ҳархил сўзларға қулоқ солмай ва мазкур халқлар марғуб кўрган ишларға ва нимарсаларға ўз бошини тубон қилмай, кўнглида ҳар хил баланд фикру хаёлни ўйлаб девонадек одамлар турадурган жойдин саҳрога ва ёки қалин тўқайга ва ёким ҳеч ким турмайдурган дарёнинг лабига қочиб кетмоқни хоҳлайдур.

Эй шоир, халқнинг махтаганига кўп кўнгили қўйма, зероки, мазкур махтаган сўзларнинг хурсандлиги ва асорати бир дақиқадаги гавғодек ўтуб кетадур. Ва анинг ўрнига аҳмоқни сўзини ва бекор тоифани ҳақоратини эшитарсан.

Шундоқ бўлса ҳам, сан шоир, ўз кўнглингни қимиллатмай тинч бўл(уб) ва хафа бўлма, зероки, сан подшодек ёлғиз турсанг бан(д)да бўлмаган ақлинг санга кўрсатган кенг йўл бирлан сафар қил, санинг ўз кўнгли

лунга марғуб бўлгон хаёл ва фикрларни қамолға еткур
руб ҳеч кимдин инъом тилама! Мазкур инъом санинг ўз
кўнглунгдадур ва ўзунг учун ҳукм қил, ўз абъёт ва шеър
рингни мазмунини ва қадрини бўлак одамдин яхшироқ
ва дурустроқ қиласан, (деб).





И. А. КРИЛОВ





МАЙМУН БИЛАН КҮЗОЙНАК

Б

*Крилов номлиқ катта Русия шоир —
мусаннифининг ёзган тамсили.*

Бир маймун қортайғонда кўздин қолди,
Олмоққа кўзойнакни хаёллабди.
Кўнглига ўйлоғонин маҳкам тутиб,
Бир жойдан — оптекдан ойнак олди.
Ойнакни айлангирди улай-булай,
Кўрсун деб кўзи, қўйди тубисинай.
Тубисинон фойдаси бўлмағоч сўнг,
Ойнакни қисдирибди куйриғинай.
Онданда ҳеч яхшилиқ кўролмабди.
Босасолиб кўз ойнакни эзғилабди.
Мунонда кўзи равшан бўлмағон сўнг,
Тил билан ул ойнакни хўб ялабди.
Меҳнат қилиб муддаога етолмабди.
Хафаланиб ул бойқушға куюнибди.
«Сўзина ҳар кимсани қулоқ солса,
Шул одам бу дунёда аҳмоқ» дебди.
«Фойдасин кўзойнакни эшитиб эдим,
Бўлар деб жонга роҳат олиб эдим.
Бир қилдек ондин фойда ҳеч бўлмади,
Одамнинг ёлғон сўзин эмди билдим»
Кўюниб маймун қаттиғ аччиғланди,
Хафаликдан кўзойнакни олиб урди.
Кўзойнак ерга урғонда тошқа тейиб,
Ердаги тупроқдин ҳам майда бўлди.
Мунга ўхшаш бу дунёда одамлар кўб
Сўйлайдур ўзи билмай кўторилуб.
Нарсанинг кўб фойдаси бўлса доғи,
Етмайдур ақли онга аслин билиб.



АРСЛОН ОВДА

Бир бұри, бир арслон, ит ҳам тулки,
Тұртови яқин туруб қўшни бұлди.
Қандайин ұлжа бұлса бир кўрмакка,
Барчаси қўл олушуб ҳовлиқибди.
Кўрунғлар, эй одамлар, на бұлғонун...
Сизлардин ман сўройин билсангизлар.
Сўнгидин бу дўстликдан на чиққанун,
Тўхтанғлар на чиққонун ман айтайин.
Аларнинг сирин эмди ёшурмойин,
Бул турлик яқинликдан на бўлади.
Келтуруб ўрнуминон англатайин.
Ўлжаға энг олдавдан тулки ботди,
Бир семиз улкан морол овлаб олди.
«Ўлжамиз ўртоқ бўлсун» деган сўз бор,
Қувониб шерикларға хабар солди:
«Ов қилуб морол йиқтум, келунгизлар
Бир келиб кўзларингнон кўрунғизлар.
Ололиқ ҳар қаюмиз ҳиссамизни,
Ўлжани бирдай қилиб бўлунгизлар».
Бул сўзни бұри, тулки эшитади,
Суюниб хурсанд бўлуб кулушади.
«Фойда бор» деганидан сўнг чидаб турмай,
Югуруб бўлум ерга келушади.
Келди арслон ҳам хабарлануб,
Кун ёғмай, қош-қабогин булут олуб.
Чанголин учовиға ёзуб юуб,
Қарайди ёмон кўзин бир-бир солуб.
Ириллаб ул учовин кўзга илмай,

Келган сўнгишни ўзи биллой берди.
Шимориб икки қўлин ўмровланиб,
Моролди тўрт тақсимга бўла берди.
Сўқумни тўрт тақсимга бўлгондин сўнг,
Кўрсатди ҳаром феълин ичиндоғи.
Хиссасин халқ қатори чиқориб қўюб,
Шундай деб бояқишларга ёқундоғи:
«Яратгон ортиқ қилиб — арслон ман,
Бул учун бир шабоға тоғи оломан,
Зўрунган ичдерунгда борлуғунгон,
Бир тақсим бул ҳақума ҳам олсман.
Ол энди, бир шабоға ортиқ қолгон,
Тийишли ўйлаб турсам ул ҳам мағон»...
Шундайин деб барчасини олди йиғуб,
Оролаш зувлиғидон йўлун қилуб.
Ит, бўри, тулки бари бўшқа қайтди,
Шумрайиб икки бурнуна қўлун тиқуб.





Б

ТУЛКИ БИЛАН УЗУМ

Бир куни тулки боғга кирди келиб,
Қаради ўнгу сўлга ул эгилиб.
Ишком устида кўрди бир бош узум,
Яхши пишган, қизил эди етилиб.
Тулкининг егуси келиб они,
Келди оғзин суви анга тикилиб.
Бир неча соат айлади ҳаракат,
Ирғиб-ирғиб нафаслари тиқилиб.
Бўлубон ноумид зор анга,
Жўнади ул ололмасини билиб.
Дер эди кетаётиб узумга қараб,
Кўксану ғўрасан бўлмайди тегиб.
Негаким тишласам тишим қамашур,
Арзимади санга қараш, чўзилиб.
Ул узум ишкомин баландлигинин,
Чиқди новмид юраклари эзилиб.





Л. Н. ТОЛСТОЙ





БОЛЛО БИЛАДИ, ИЛЛО АЙТМАЙДИ.

Владимир шаҳрида Иван Аксенов деган бир ёш купец истиқомат қилиб турғучи эди. Анинг икки дўкони, бир ҳовлиси бор эди. Аксенов кўп чиройли, оқ кўнгулли ва ҳам ўлангчи эди. Ёш кезинда Аксенов кўп ароқ ичар ва ароқ ичганидан кейин шовқин қилиб одамларнинг мазасин олар эди. Шундоқ бўлуб юруб хотун олғондин кейин ичгонин кўйди. Лекин онда-сонда бирли-яримли ичор эди.

Бир мартаба ёз куни Аксенов Нижний Новгороднинг ярманкасига бормоқчи бўлиб нарса қароларини ёпиб, бола-чақалари билан омонлашиб бораётқонида хотуни айтди:

— Иван, ушбу йўли борма, ман санинг тўғрингда бир ёмон туш кўрдум.

Аксенов кулиб туруб айтди:

— Сен бекорга қўрқаберасан, мени ярманкада тамошо қилиб кетмасин, деб.

Хотуни айтди:

— Рост, ўзим билмайман нега қўрққанимни. Тушимда кўрибман, сен шаҳардан келиб бошингдан телпагингни олсанг, сочларинг оппоқ оқоруб қолубди.

Аксенов кулиб айтди:

— Бул фойдадур. Санга кўринган шаҳарга бориб яхши савдо қилиб, қайтаримда санга қимматбаҳо совғалар келтураман, — деб бола-чақалариман омонлашиб уйидин ярманкага чиқиб кетди.

Ярим йўлда Аксенов бир таниш купецга йўлиқиб, иккиси кечқурун бир саройга келиб тушдилар. Емоқ учун ул иккиси бирга чой ичдилар. Аммо ётарда иккиси қатор солғон икки уйга ётдилар.

Аксенов кўп ухламоқни ёмон кўргучиди. Шул сабабли эртанги салқин билан юриб кетайин деб, эртароқ туруб отларин жеккизиб саройбонга ҳисоб қилиб пулни бериб ўйнаб кетди. Шундан юруб 40 чақиримдай йўлда пешин вақтинда бир саройга келиб тушди. Отларини ўтқа қўюб, ўзи-да ором олайин деб. Бир оздан кейин эшикка чиқди, самовар қўйдирайин, деб.

Ондин сўнг дўмбрасин қўлига олиб ўйнаб ўтурса уч от жекган пўшта араваси қўнғироғин шилдиратиб саройга кириб келди. Араба тўқташиминон бир чиновник икки саллот билан арабадан чиқиб Аксеновнинг қошига келиб, чиновник (айтди) сўради:

— Сиз кимсиз? Қайдан келаётибсиз? — деб.

Аксенов қайдан келаётқонин, қайда бораётқонин, нима кўргонин — борин яширмай айтди. Ондин кейин аларга қараб айтди:

— Чойга марҳамат қилингиз! Бирга ўлтириб чой ичелик, — деб.

Чиновник яна Аксеновдан сўради:

— Қайда ётдингиз бу кеча? Ёлғузмидингиз ёки купец билан биргамидингиз? Эрта билан нимага саройдан чиқиб кетдингиз? — деб.

Аксенов ҳайроң қолиб ўйлаб: «Ҳамма кўргонин ҳам қилгонин айтдим. Нима сабабли қайта-қайта сўрайберади» деб чиновникка айтди:

— Нимага сиз мандан қайта-қайта сўрайберасиз? Ман ўғри эмасман ва ёки қароқчи эмасман. Ўз ишим минон келаётқон одамман. Бундай кўп сўрайбермоқ тузук эмас, — деб.

Чиновник мунинг сўзин эшитиб айтди:

— Қувғинчимен! Сўроғоним сабаби шулки, сани билан ётқон купецни биров сўйиб кетибдур, — деб. Соллатларин чақириб олиб Аксеновга айтди:

— Нарсаларингизни кўрсатинг, бизлар ақтаруб кўра-миз, — деб.

Уйга бориб кийим солғон сандуқларин ҳам қопларини ақтариб ётиб чиновник қопдан бир пичоқни топиб олиб Аксеновга айтди:

— Бул кимнинг пичоқи? — деб.

Аксенов пичоқни кўрса пичоқ қон экан. Муни кўриб ёмон кўрқуб кетди.

Чиновник айтди:

— Бул нимага қон, — деб.

Ушанда Аксенов жавоб берайин деса гапуролмайт:

— Ман... бил... майман... Пичоқ меники эмас,— деб зўрға айтди:

Чиновник айтди:

— Бу кун купецни тўшакинда топдик. Улиб қолгон. Ҳеч ким сўйгон йўқдур, зероки уй ичидан илгак илувли эди ҳам яна уйда сандин бошқа ҳеч ким йўқ эрди. Муни устига сандин пичоқни топдик. Қон бўйинча ҳам яна юзингдан-да билгулик бўлиб турубдур. Сан эканлигинг мўйни(нгга) ол! Қайтиб ўлдирдинг? Қанча молин олдинг?— деб.

Аксенов қарғанди:

— Муни мен қилгоним йўқ. Купецни чой ичгандан сўнг кўрганам йўқ. Уз пулим халтамда 8000 сўмдур. Пичоқ меники эмас,— деб.

Ушал вақтда Аксеновнинг довуши бузилиб, юзи сурипдай бўзориб ҳам қўрққонидин қалтираб айбдор одамдек бўлиб кетди. Муни сўзига қарамай чиновник саллотларни чақириб айтди:

— Буни бойлаб аробага солинглар, — деб.

Қачон қўл-оёғини бойлаб арабага солгоннон кейин Аксенов хафа бўлгонидан йиғлаб қўяберди. Аксеновнинг барча молларини ҳам ақчаларини олиб, ўзини ўшал ушланган жойга яқин шаҳарнинг турмахонасига юборди. Андин кейин Владимир шаҳрига хат юбордилар. Ушал шаҳардаги фуқоралардан ҳам купецлардан сўрамоқ учун «Аксенов қандай одам?» деб. Анда улар гувоҳлик бериб юбордилар: «Аксенов ёз кезида ароқ ичиб ўйнаб-кулиб юргучиди. Аммо шундоқ қилиб юрса ҳам ўзи кўп яхши одам эди»— деб. Бу кўрсатгонига қарамай Аксеновни айбдор қилдилар:—«Рязанский купецни ўлдуруб 20 минг сўм ақчасини олди»— деб.

Бу воқеани хотини эшитиб Аксенов эрининг бундоқ бўлгонин ва найтарин билмай кўп хафа бўлди. Болалари ёш эди, бир боласи эмчак эмар эрди. Шундоқ бўлиб туриб хотини бечора болаларини олиб эрининг турмада ётқон шаҳрига келди. Аввал келгониди Аксеновнинг хотинини эрига қўймадилар. Андин кейин хотин бориб турманинг ҳокиминон: «Кўрушмоққа жавоб берингиз» деб илтимос қилгонидин сўнгра турманинг ҳокими жавоб берди.

Аксеновнинг хотини келиб ул эрининг бандиларининг кийиминда, оёғидати кишан ҳам бошқа ўвриллар билан турганини кўриб толиб йиқилиб, бир озга довур ўзига

келмай ётди. Бирнеча вақтдан кейин ҳушига келиб, болаларини қошина олиб эрина ўйининг жойига этиб сўради. Шунда Аксенов ҳаммасини нима бўлганин бирин қолдурмай айтди. Хотини айтди:

— Энди нима қиламиз?

Эри айтди:

— Подшодин илтимос қилмоқ керак. Гуноҳсиз бекорга куйиб кетаберамизми? Мунинг ўзи тузук эмас,— деб.

Хотини айтди:

— Ариза бериб эдим, подшонинг отиға. Аммо ариза етмабди,— деб.

Шуни эшитиб Аксенов бир озга давур бир оғиз сўзламай соқов одамга ўхшаб қолди.

Хотини айтди:

— Мен санга айтмабмудум, чочинг оқариб қолибди, деб. Менинг айтконим келди. Санинг хафалиқдан чочинг оқариб қолибдур. Агарда бормасанг ҳеч бало бўлмас эди,— деб ўтуриб Аксеновнинг чочин ушлаб туриб айтди:

— Иван, чироғим, ростингни айтчи, сен қилғонинг йўқми? — деб.

Аксенов айтди:

— Сен ҳам ўйладингму бу ишни мани қилди, — деб. юзин ёпиб йиғлаб қўяберди.

Мундин кейин қоровул саллот келиб Аксеновнинг хотиниға айтди:

— Болаларингни олиб қай (т)иб кет, — деб.

Шу ерда Аксенов бола-чақаси билан омонлашди. Шундан сўнгра Аксенов болаларини кўргани йўқдур. Аксенов хотини кетганидан кейин хотини билан сўзлашгонин бир-бир кўнглиға олиб, аммо хотинининг «ростму санинг қилмоғонинг?» деган сўзи ёдига тушуб айтди:

— Шундан билса бўладур, худои таолодан бошқа ҳеч ким ростни билмас экан. Шул сабабли керак худонинг ўзига сизиниб, ўзидан раҳм тилойин—деб. «Ариза бермоғини ҳам қўюб, бандадан ёрдам сўрамайин» деб тақдирга ризо бўлиб дуо қилмоқдан бошқани кўнглиға олмади.

Ондин кейин сўров бўлиб, Аксеновни катружной рабўтияға¹ ҳукм қилдилар. Сибирда Аксенов 26 йил истиқомат қилиб турди. Ўзи қортайди, чочлари оппоқ қордек бўлди. Барча илгариги вақтхушлиги кетди, юрса яғирини букрайиб, оёғларини оҳиста-оҳиста босиб юрадурғон

¹ Рус сўзлари; каторжная работа.

бўлди. Илгаригидаги хурсандликни ташлади, шунча йилнинг бадалида бир мартаба вақтихуш бўлиб кулмади. Аммо бир вақтхушлиги шул бўлди: ҳар вақтда худоға муножот қилғувчи эди.

Шундоқ бўлиб юриб турмадаги бировдан этик тикмоқни ўрганди. Аммо топқон пулиға авлиё одамларнинг қандоқ қилиб умрини ўтказган китобларини олиб, қачон турманинг ичи ёруғ бўлгон вақтида ўқувчи эди. Ҳар байрам вақтларда турманинг ибодатхонасига бориб ибодат қилғувчиди. Турма ҳоқимлари Аксеновни шундоқ мўмин эканини билиб кўп яхши кўрар эди ва барча турмадаги жўралари ҳам кўп иззат қилар эдилар, «бобо, бобо» деб, «бул бир худонинг суйган қули» деб. Ва агар турмада бир иккиси урушиб қолса мунга келиб бизларга қозилик қилингиз, деб айтувчиди. Аксенов шунча йилнинг бадалиға уй ичининг тирик эканлигидан ёки ўлук эканлигидан бирор хабар билмади.

Бир марта кечқурун буларнинг қошиға олиб келди бирнеча котуржной рабутияға ҳайдагон бандиларни. Бу янги келган бандиларнинг қошиға барча турмадаги бандилар келиб сўрадилар:

— Сизлар кимсиз? — деб, — қай шаҳардан ёки қай қишлоқдансизлар? Нима иш билан мунда ҳайдалиб келдингизлар? — деб.

Булар илан бирга Аксенов-да келиб кароватга ўтирди. Бошин солиб уларнинг айтқон сўзларини тинглаб ўтурди. Янги келган бандиларнинг бирови миҳти узун бўйли, ёши 60 келган қарт эрди. Ул барчаларига айтди. «Нима сабабли катуржной рабутияға ҳайдалгон экан» деб ондин бир банди сўради:

— Сиз қаерликсиз? — деб.

Ул айтди:

— Владимир шаҳрининг фуқаросимен, менинг отим Макар, отамнинг оти Семен, — деб.

Бул сўзни Аксенов эшитиб бошин кўтариб олиб Макарга айтди:

— Сен эшитмадингму Владимир шаҳринда Аксенов купец тўғрисинон бирор нимарса? Улар тирикмикан ёки ўликмикан, — деб.

Шунда Макар туруб айди:

— Нега эшитмаймиз!? Алар бой ва купец одамлардур, отасин Сибирга ҳайдаб юборсалар ҳам, уларнинг отаси бизға ўхшагон гуноҳлик бўлгон эди, — деб.

Туруб айтди:

— Бобо сиз ўзингиз нима иш билан мундоқ бўлдингиз,— деб.

Аксенов анинг саволига айтди:

— Мани шунда юборишибдур, албатта, қилгон ишимга яраша чиқар,— деди.

Бошқа сўз айтмади. Аммо турмадаги бошқа бандилар айтди:

— Йўлда келаётқонида бир одам они билан бирга шаҳарга бораётқон купецни ўлдириб пичоқнинг қопига тиқиб кетган экан. Шул сабабли хатодан бегуноҳ Аксеновни Сибирга ҳайдаган,— деб.

Муни эшитиб Макар Аксеновга қараб қўли билан сонига уруб туруб айтди:

— Муна ажойиб... муна ажойиб... бобо қартайибсан,— деб.

Мунинг бул сўзига бандилар ҳайрон бўлуб туруб сўради:

— Аксеновни илгариде кўрганмидинг? Нимага мунча тонг қолдинг,— деди.

Макар ҳеч нимарса демай уларнинг сўзига айтди:

— Ажойиб йигитлар, бу ерда бизларга кўришмоқ душвор келди,— деб. Аксенов Макаarning сўзини эшитиб кўнглига «бу одам купецни ўлдирган одамдан бирор хабарни билмайдурмикин,— деб, унга қараб айтди:— Макар, сең илгариде эшитиб эдингму бул иш тўғрисида ва ёки мани кўруб эдингму,— деб.

Шунда Макар айтди:

— Эшитмай бўладурму? Ер юзи ҳар хил хабарга тўлгон. Бул ишнинг ўзига кўп йилда нима эшитган бўлсам ҳам эмди унутдим,— деб.

Аксенов яна сўради:

— Ким билади, эшитган чиқарсиз, купецни ким ўлдурганин,— деб.

Мунинг саволига Макар кулуб туруб айтди:

— Албатта, шул одам ўлдурғондур, кимнинг қопидан пичоқни топқон бўлсалар. Агарда биров ўлдуруб пичоқни сенинг қопингга тиққан бўлса, борибир ул одам тутулмади. Аммо тутулмоғондан кейин ўғри бўлсун, хоҳ бўлмасун бойни ўлдурган одам пичоқни санинг қопингни ичига тиқди. Қоп санинг бошингни остиде эди. Агарда пичоқни қопга тиқаётган бўлса ушлар эдинг,— деб.

Ушбу сўзларни эшитгандан сўнг Аксенов ўйлади: «Ўлдирган шул экан» деб. Жойидан туруб кетаберди. Шул кеча Аксенов туни билан ухлаёлмади. . . Узининг илгариги вақтхуш бўлиб юрадурганлиги ёдиға тушуб болаларини (эслаб) ҳам саройнинг эшигининг олдинда дўмбирасин олиб ўйнаб ўтурғони ва чиновник келиб муни боғлаб олгани, 26 йил Сибирда юрғони ва қошиндағи бандилар илан нима иш қилғонлари барчаси ёдиға тушуб кўп хафа бўлуб айтди:

— Шунинг барчаси бир одамнинг касофатидан бўлди, — деб.

Макарга шундоғ аччиғланиб ўйланди: «Дунёда йўқ бўб кетсам ҳам бирор нимарса мунга қилойин», — деб ётди.

Аммо ётқони билан тонг отқунча яхши ухлаёлмади. Эртаси Аксенов Макаarning юзига қарамади, қошиға ҳам бормади. Шундоқ бўлуб орадан икки ҳафта ўтди. Кечалари Аксенов хафаликдан ухлаёлмайтурғон бўлди ҳам нима қиларинда билмади.

Бечора Аксенов шул аҳволға келди: ўзини қўярға ер топмади. Шундоқ бўлиб юруб бир кеча Аксенов турмада келаёса тўшак қилғон тахталарнинг остига қум тўжилди. Они кўруб турса тўшак тахтасининг остидан Макар югуруб чиқиб, ранги ўчиб Аксеновга қаради. Аксенов анга қарамай кетмоқчи эди, Макар онинг қўлидан тутуб олиб айтди:

— Ман деволни тешиб йўл қилмоқчи эдим. Мундан чиққан туфроқни этигимни қўнжига солиб бизларни ишга ҳайдаган вақтда далата чиқариб ташлағучи эдим. Энди сен ҳеч кимга айтма, сани ҳам чиқариб олиб кетаман. Агарда айтсанг сани тирик қўймайман — ўлдираман, — деб.

Муни сўзини эшитиб Аксенов аччиғлонғонидан қалтираб, қўлин Макаarning қўлидан юлиб олиб айтди:

— Энди манга турмани ташлаб кетмоқнинг даркорлиги йўқдир. Ҳам сенинг ўлдурадурғон ва ўлдурмайдурғонингни даркорлиги йўқ. Сан мени қачон [лар] ўлдургансан. Аммо сенинг тўррингда айтаманму-айтмайманму они худо ўзи менинг кўнглимга қандай соладур, — деб кетаберди. Эртасига бандиларни ишга ҳайдаб чиққанида саллотлар Макаarning тупроқни тўкиб ётқони кўзларига тушуб турма жонибини излаб тешикни топдилар. Аммо муни турмани ҳокими эшитиб келиб ҳамма бандилардан сўради:

— Муни ким қилди?— деб.

Бандилар бўйинларига олмадилар. Макарни қилғонин биладурғонлар айтмади. Анда ҳоким Аксеновнинг яхши одам эканлигини илгаридан билар эди.

Шул сабабли унга қараб айтди:

— Сен чол кўб-одил киши эдинг, шуни ким қилди, худо ҳақи учун айт!— деди. Шул ерда Макар ҳам туруб эди. Шунда Аксенов ҳеч нарса кўрмаган одамдек бўлуб тўғри ҳокимнинг юзига қараб бирор назар солмади. Аксенов ҳокимнинг саволини эшитиб бир оз қараб туруб бир оғиз сўзламади. Тамом аъзоси титраб туруб ўйлади. Агарда Макарнинг қилғон ишини яширсам қаю бир манга қилғон яхшилиғи учун яшираман. Қайта бул касофати билан мани куйдирди. Қўй айтайин, бул ҳам манинг сабабимдин азоб тортсун,— деб, яна ўйлади: айтсам муни дафъатан ўлдирадур. Андин манга енгиллик бўладурму? деб турғонида ҳоким яна айтди:

— Айтгин чол ростингди ким қозғонин, — деганда Аксенов Макарга қараб туруб айтди:

— Ман кўрганим йўқ, билмайман ким қозғонин, — деб. Шул сабабли турманинг ким қозғонин билмай қолдилар. Эртаси кечқурун ётиб энди кўзи уйқуга борган чоғнда бир одам онинг қошига келиб оёқ тарафига ўлтурди. Аксенов бу ким, деб қараса Макар экан. Муни кўриб айтди:

— Мандин бирор нимарса даркорму? Нима қилиб юрубсан?— деб. Макар ҳеч дам урмай турди. Аксенов жойдан кўтарилуб туруб айтди:

— Кет, агар кетмасанг саллотни чақираман, — деб. Макар Аксеновга қараб шибирлаб айтди:

— Иван, менинг айбимни кечгил, — деди.

Аксенов айтди:

— Санинг қандоқ айбингни кечаман, — деб.

Макар айтди:

— Кулецини ман ўлдуруб пичоқни санинг қопингга тиқиб қўлуб эдим. Ман сани ҳам ўлдурайин деб эдим. Аммо шул вақтда эшикда одамларнинг овози чиқди. Шул сабабли ўлдурулмай пичоқни қопқа тиқасқилиб деразадан чиқиб кетиб эдим, — деди.

Бул сўзни эшитиб Аксенов бир оғиз сўз айта билмади. Аммо Макар каравотдан тушуб қўлин қовуштириб туруб айтди:

— Мани гуноҳимни кечгил, худо ҳақи учун! Ман ўзим ҳокимнинг олдида купецни ўлдирганимни бўйнимга олайин. Ондин кейин сани қўйборади. Уйингга қайтасан,— деб.

Аксенов мунинг сўзига айтди:

— Бул сўз санга айтмоққа осон, аммо манга қандайдур, энди ман қайда бораман, хотиним бўлса ўлди, болаларим мани унутди. Манга борадурган жой ҳам йўқдур, — деб.

Макар боз қўлини қовуштириб, оёрига йиқилиб, юзин ерга уруб айтди:

— Исо пайғамбар ҳақи учун мани гуноҳимни кечгил! Сан мани холо ҳам бўлса аядинг, ҳокимни олдида мани қилғон ишимни айтмадинг. Ман бир худонинг хор қилғон бандасидурман, — деб йиғлаб қўяберди.

Мунинг йиғлоғонин кўруб Аксенов муни билан бирга қўшиллуб йиғлаб туруб:

— Хафа бўлма, худон таоло ўзи гуноҳингни кечар, ким биладир ман сандан юз мартаба ёмон одам чиқарман, — деб.

Шундан сўнг Аксеновнинг кўнгли кўтарилуб яхши бўлуб илгаридай уйни ҳам ўйламади, турмадан бошқа тарафга чиқиб кетгуси келмади. Яна ўйлоғони шул бўлди: «Худо ўлганимда имонимни йўлдош қилсун» деб.

Макарга: «Қўй, бул ишни этма», деганига бўлмай, ҳокимларнинг олдида Макар қилғон ишни бўйнига олди: «Ман купецни ўлдуруб эдим», деб.

Макар бўйнига олганидан сўнг ҳоким буйруқ чиқорғон экан «Аксеновни уйга қайтсин» деб. Худонинг қудрати билан Аксенов ўшал вақтда дунёдан ўтуб вафот толибдур.





ОДАМЛАР НИМА БИЛАН ТИРИК

Граф Лев Толстой номлик Русиянинг машҳур мусаннифининг тасниф қилгон ҳикоят.

Семен номли бир этикчи хотуни ва болалари бирлан бир деҳқоннинг уйда ижарага турар эрди. Ул этикчининг на уйи ва на ери йўқ эрди. Этикчилик бирлан ўз бола-чақасига овқат топиб берур эрди. Галла қиммат ва иш арзон: ишлаган пули овқатидин ошмас эрди. Хотуни бирлан ул этикчини ўртасида биргина пўстунни бор эрди. Ул пўстун ҳам парча-парча йиртилгон эрди ва этикчининг икки йилдан бери янги пўстун қилмоқ учун қўй териси сотиб олурға хаёлида бор эрди.

Этикчининг кузгача жамъ қилгон уч сўмлик қоғоз хотунининг сандуқида солиб қўюлгон эрди. Яна беш сўм йигирма тийин қишлоқдаги деҳқонларнинг гарданида бор эрди.

Этикчи эрта билан пўстун сотиб олмоқ учун қишлоққа бормоқға тайёрланиб ичидан хотунининг пахталик эски пўстунини, онинг устидин мовут камзул кийиб, уч сўмлик қоғоз ақчасини чўнтагига солиб, ёғочдин синдургон таёқни қўлга олиб нонуштадин кейин жўнади. Уйлади: деҳқонлардаги беш сўмни олурман, ўзимнинг уч сўмимни қўшуб пўстун учун қўй териси олурман, деб.

Этикчи қишлоққа келди. Бир деҳқоннинг уйига кирди. Деҳқон уйда йўқ, хотуни ваъда қилдиким, ушбу ҳафтада эримни олдингизга пул бирлан юборурман, деб. Лекин пул берган(и) йўқ. Яна бир бошқасига кирди. Ул онт ича-бошладиким, они пули йўқдур. Лекин йигирма тийингина. Этик ямоғони учун берди. Этикчи қўй терини қарзга

олмоқчи бўлди. Қўй терисини соткувчи қарзга бермоққа ишонмади.

Айтдиким,— пул олиб кел, ул вақтда хоҳлагонингни олурсан. Қарзни қандоқ ундуришни биз биламиз, деб.

Шул тариқада этикчи ҳеч иш қилолмади этик ямоғони учун йигирма тийингинани олиб яна бир деҳқондин эски кигиз пойпоқ устига тери қўймоқ учун олди.

Этикчи хафа бўлиб пўстунсиз уйга жўнади. Этикчи бир қўлидаги таёқ бирлан музлагон йўлни тақиллатиб ва бир қўли бирлан кигиз этикни кўтариб қимиллатиб ўз-ўзи бирлан сўзлашади.

«Эмди сан қараб тур, агар сан пулни олиб келмасанг тўппингни бошингдин олурман, худо ҳақи олурман. Бу қандақа, бир тангалабгина беради. Бир танга бирдан нима қилурсан, деб. Деҳқон айтадиким: «Менинг рўзгорим бордур». Санда рўзгор бор, манда рўзгор йўқму? Санда уй ва қорамол ва ҳама нима бор, мани бўлганим шулдур. Санда ўз ғалланг бор, — мен сотиб оламан. Қандоқ қилсанг ҳам бир ҳафтада уч сўм нонгинага бермоқ керак. Уйга келаман, нон соф бўлғондур. Яна бир ярим сўм нонга чиқармоқ керак. Сан ўзимникини ўзимга берсангчи», деб.

Шул тариқа сўзлаб юруб этикчи кўчанинг айланасидаги ибодатхонанинг олдига етди. Ул ибодатхона орқасида бирнима оқариб кўринади. Кун қораябошлади. Этикчи қарайди, лекин нима эканини ажрата олмайди ва ўйлади: шундоқ тош анда йўқ эди, қорамолму? — деб. Қорамолга ўхшамайди. Боши одам бошига ўхшайди, лекин ўзи оқдур ва ҳам одам мунда нимага бўлади, — деб. Яқинроқ келди, ул тамом кўрунди. Қандақа таажжуб нарса бу — тирикму-ўлукму? Яланғоч одамдек иморатга суяниб ўлтуруб ҳеч қимилламайдур. Этикчи яна қўрқуб ўйландиким, — қандақа одамни ўлдуруб тунаб мунда ташлабдурлар. Олдиға яқин борсанг осонгина қутула олмасан, деб.

Этикчи ул иморат олдидин ўтуб иморат орқасиға киргач ул одам кўрунмай қолди. Кейин бориб орқасиға қараб кўрдиким, ул одам иморатга суянмасдан қимиллаб этикчиға қараб турғондек кўрунди. Этикчи яна кўпроқ қўрқуб ўйландиким, «онинг олдиға борайму ё ўтуб кетаберайму» деб. Олдиға борсам бир фалокат бўлмасун, они ким эканини ким биладур, деб. Албатта яхши ишлар учун мунда турмасдур. Агар борсанг ул секраб турар, мани

босар. Ондин қутулмосман, босмаса ҳам они бирла овора бўлурман. Ул тарихқа яланғоч бирлаң нима қилурман. Узумнинг охирғи кийимини ешиб онга берайму? Худо мани мундин қутқорсун» деб.

Этикчи қадам қўйуб мазкур иморатдин ўта бошлаб эрди, онга уётдек бўлди ва этикчи йўлда тўхтади. Ул ўз ўзига айтди. «Эй Семен, нима қиласан бир одам балоға қолиб ўлуб бораётибдур, сен қўрқуб они ташлаб ўтуб борасан. Магар сан жуда бой бўлдингму, сани бойлигингни зўрлаб оладурлар деб қўрқасанму, эй Семен, огоҳ бўл, хаёлинг ярамайду»— деб.

2

Семен айланиб келиб ул одамға яқинлашиб яхши қараб кўрдиким, ул одам ёш, кучи бор, бадан устида урулғон жойи йўқ. Аммо жуда совуқ еб ва қўрқуб ибодатхонаға суяниб ўлтуруб Семенға қарамайду. Қуввати кетганидек кўзларини очолмайду. Семен онинг олдиға яқин келди ва ногоҳ ул одам уйғонгандек бўлуб бошини айлантуруб кўзини очиб Семенға қаради ва кўзини кўруб Семен ул одамни кўп яхши кўрди. Семен қўлидағи кигиз этикни ерга тошлаб, белбоғини ешиб кигизга солиб, чакманни ешиб ул одамға айди: «Турғил, мана чакманни кийгил»— деб.

Семен ул одамнинг тирсагини тортиб кўтара бошлади, ул одам турди. Семен кўрдиким, онинг бадани яхши, тоза, қўл-оёқи синмағон ва юзи болаға ўхшағон чиройлиқдур. Семен унинг киптиға камзулни ёпди, ул ениға қўлини суқолмайду. Семен қўлини олиб енгини кийдурди, камзулни оядини ёпди ва белбоғини бойлади. Семен ўз бошидан эски йиртилғон телпакни олиб яланғоч одамнинг бошиға кийдурмоқчи эди, лекин ўзининг боши совуқ еди. Ул ўйлади: менинг тамом бошимда сочим йўқ ва онинг сочи кўп, жингалак ва узундур деб, телпакни ўз бошиға кийди. Узи хаёл қилди: ман онинг оёқиға этикни кийдураин, деб онинг ўтқузуб кигиз этикни кигизди ва айтди:

— Мана шундоқ бўлсун биродар, турғил ўзингни қимирлатиб қиздир ва бошқа иш хусусида бизга ўйламак керак эмас. Йўл юришға қувватинг борми?—деб сўради.

Ул одам туруб Семенға телмуруб қараб ва ҳеч нимарса гапираолмади.

— Нима сабабдин гапирмайсан? Бунда қиш вақтида турмоқ мумкин эмас. Уй ичиға кирмоқ керак. Эмди тургул агар кучинг йўқ бўлса меннинг таёғимға таянгил, ўзингни қимирлат деб, эди ул одам юрди.

Яхши юруб Семеннинг кейинидин қолмайду. Юришган вақтда Семен сўради:

— Сан эмди қайси жойдаги одамсан?

Ул айди:

— Мен бул жойнинг одами эмас.

Семен айди:

— Бул жой одамларини мен биламан, ибодатхона олдига не тариқа бирлан келиб қолдинг?

Ул одам айтди:

— Бул хусусда айтмоқ мумкин эмас.

— Санга ёмон одам зулм қилғондур.

Ул айтди:

— Ҳеч ким менга зулм қилғон йўқ. Менга худо жазо берган.

Семен айтди:

— Ман биламан, ҳар бир жазо худодандур, шундоқ бўлса ҳам барибир жойға кетмоқ керак. Санга қайси жойға кетмоқ керак,— деди.

Ул одам айтди:

— Манга барибир,— деб.

Семен таажжуб қолиб, ўзи хаёл қилди: «Омон одамга ўхшамайду ва онинг сўзи ҳалим мулоимдур ва ким эканин айтмайду». Семен янадин ўйланди. «Ҳархил воқиалар бўладур» деб. Ул одамға айтди:

— Менинг уйимға кир, онда оз-моз иссиқ бўлу.

Семен юра берди ва ул одам онинг кейинидин қолмай яқинлашиб борди. Алар юрган вақтда шамол бўлиб Семенни кўйнак ичиға киради ва Семен совуққа тўннга бошлади. Юруб бурнининг сувини тортиб, ўз устидаги хотунининг эски камзулини ўраб хаёл қилди: «Мана янги тўн сотиб олмоқ учун бордим ва камзулсиз уйга қайтаман ва бундин бошқа яланғоч одамни ўзим билан бирла олиб келаман. Матрёна хотуним мани мақтамас» деб.

Матрёна хусусида ўйлагон вақтда Семен кўнглида хафа бўлади. Ул одамнинг юзиға қараб ул одам ибодатхона яқинида ўлтурғони вақтда ҳалим ва мулоимлиги эсига тушса Семеннинг кўнгли хурсанд бўлади.

Семеннинг хотуни эртароқ ўз ишларини тамом қилиб, чунончи ўтулларни ёрди, сув келтурди, болаларни едирди ва ўзи еди, ондин кейин ўйлади: «Нон хамирини қачон тайёрлайин, букунму ё эртаму. Бир ноннинг ёрмидин кўпроғи бор», деб ва яна ўйланди: «Агар Семен анда таом еса, уйда кечқурун кўп эмас ва эртага етар» деб, нонни айлантуруб-айлантуруб кўриб Матрёна ўйланди: «Бу кун нон хамирини тайёрламайман, бир ёпишлик унум қолубдур. Яна жумагача еткурармиз» деб нонни ўз жойига қўйиб, стулнинг олдиға ўлтуруб, эрининг кўйлагини ямамоққа тутуна бошлади.

Тикиб туруб Матрёна эри хусусида ўйланадими, «ул-нечун қўй терисини пўстун учун сотиб оладур. Қўй териси сотқучи они алдамоғай эрди, нечукким менинг эрим жуда ҳам ювошдур, ўзи ҳеч кимни алдамайдур, они лекин кичкина бола алдайоладир. Саккиз сўм озғина пул эмас, яхши пўстун олса бўладур. Агар чандики кўп маҳкам ва яхши бўлмаса ҳам пўстундур. Утган йили пўстунсиз ҳолимиз нечук кечди. На ариққа ва на бошқа тарафларға боролмадуқ. Эмди ул уйдин чиқди. Ҳамма кийимни кийиб кетди. Манга киймоққа ҳеч нима йўқ. Яна ул эрта кетган эди. Келадурғон вақти бўлди. Менинг лочиним бир ёққа тентираб кетмадиму» деб ўйланди вақтда пиллапоя ёжиллади. Биров кирди. Матрёна игнасини суқуб қўйиб олдинги уйга чиқди. Икки одамни кирганини кўрди. Бири Семен ва бири телпаксиз, оёғида кигиз этиклик эркак.

Матрёнага дафъата эридан мусаллас иси келди. Ўйланди: «Мен ўйлағондек тентирагон экан». Они камзулсиз ич кийими бирлан ва ҳам ҳеч нима олиб келмай жимжит сиқилиб турганини кўруб Матрёнанинг юраги ёрилди. Ўйландиким, «пулларни ичкиликка йўлдин топқон одам бирлан йўқотиб яна они ўзи бирлан бирга олиб келибдур», деб. Аларни уй ичига киргузди ва ўзи ҳам кирди. Кўрадурким ул одам бегона, ёш ва ориқ. Анинг устидаги камзул аларники. Камзул остида кўйлак кўринмайди ва телпаги йўқ. Ул кириб шул замон типпатик қимилламай туруб кўзини кўтармайдур. Матрёна ўйланди: «Бул яхши одам эмас, деб, зероки ул кўрқуб турадур».

Матрёна ғазаби келиб ўчоқ бошиға бориб олардин

нима чиқадур, деб қараб турди. Семен телпагини олиб яхши одамлардек супага ўлтуруб айттиким:

— Матрёна, кечқурунги таомни олиб кел, деб.

Матрёна ўз-ўзича бурни бирлан мингиллади. Ул ўчоқ олдида туруб қимилламай гоҳ бирига ва гоҳ бошқасига қараб, бошинигина қимиллатади.

Семен кўрадурким, Матрёна ўз ҳолида эмас, ҳеч нима қилиб бўлмайду. Гўёки билмагандек бўлиб мусофирни қўлидан тутуб, биродарим ўлтурғил, таом еймиз, дейди. Мусофир ҳам супага ўлтурди. Семен сўради:

— Таом пиширганинг йўқму, — деди. Матрёнани аччиғи келиб айтди:

— Пиширсам ҳам сенга бермасман. Кўраманким, ақлингни ҳам йўқолдуруб қўюбсан. Пўстун учун бориб камзулсиз келдинг. Яна бир яланғоч тентирагани йўзинг бирлан бирга олиб келдинг. Сизлардек мастларга манда кечқурунги таом йўқ, — деди.

— Эй Матрёна, бас. Матрёна бемаъни билжирағондин нима чиқади. Аввал сан сўрағил, бул ҳақида қандақа одам деб.

Матрёна айтадур: — аввал айтгил пулни нима қилдинг?

Семен камзулнинг чўнчагига қўлини солиб, пулни олиб қоғоз ақчани кўрсатди.

— Мана пул, аммо Трафимов пулни бергани йўқ, эртага деб ваъда қилди.

Матрёнани яна аччиғи кўпроқ келди.

Пўстун сотиб олмадинг, энг охирги камзулни мундақа бир яланғочга кийдуруб бирга олиб келдинг, — деб. Қоғоз ақчани олиб беркитиб қўйиб айтадурким: — Манда таом йўқ, барча мастларга ва яланғочларга таом бериб еткуролмасман, — деб.

— Эй Матрёна, тилингни сақла. Аввал нима этганимни эшитгин, — деди.

— Балли, маст аҳмоқдин ақлли сўз эшитмассан. Мен шул сабабдин сан мастга хотун бўлмоқни хоҳлаган эмас эрдим. Менинг онам санга қанча юз берган эди. Сан они ҳаммасини ичкуликка юбординг. Пўстун оламан деб, бор пулни йўқотдинг.

Семен хотунига йигирма тийингинани ичкуликка юбордим, деб тушунтирмоқни ва ул одамни қайси жойда топқонини айтмоқни хоҳласа ҳам Матрёна сўз айтдургони қўймайду. Бир сўзга — икки сўз айтади, сўз-

ларни қайдин топадир: ўн йил илгари ўтган сўзларни эсга оладур. Гап уруб-гап уруб сакраб туруб Семенни енгидин ушлаб:

— Менинг кийимимни бер мунда биргина қолди, уни ҳам сен кийдинг, эй ит, кийимимни бер, ер юткур, — деб.

Семен ул кийимини устидан ешиб тошлади, енгини чиқарди. Матрёна ул кийимни шул тариқа тортиб олди — чокидин йиртилмоқчи бўлди. Ул кийимни Матрёна тутиб олиб ўз бошига ташлаб эшикка чиқмоқчи бўлиб тўхтади. Анинг юраги ўйнаб ўч олмоқни хоҳлайди ва ҳам ул қандоқ одам эканини билмоқни хоҳлайди.

Матрёна тўхтаб ўз эрига айтди:

— Бул яхши одам бўлса яланғоч бўлмас эди. Лекин анинг устида кўйлаги ҳам йўқ. Агар ул яхши иш учун борғон бўлса, шундоқ чапани одамни қайдин топиб олиб келдинг, сан манга этсанг эди, — деди.

Эри айтди:

— Мен санга этаманким, мен уйга қайтғон вақтда ибодатхона ёнида кийимсиз ўлтуруб тамом тўнгғубдур. Албатта ёз вақти эмас. Яланғоч ўлтуруб бўлмайду. Мани анинг олдига худо келтурди. Бўлмаса ул ўлуб қолса керак. Нима қиласан, алланечук вақт бўлади. Мен ани кийинтируб ўз уйимга олиб келдим. Сан Матрёна ўз кўнглингни тинчлантур, бўлмаса гуноҳ бўлур. Биз ҳам ўлурмиз, — деди.

Матрёна урушмоқни хоҳласа ҳам мусофирга қараб ҳеч сўз этмади. Ва мусофир ўлтуруб ҳеч қимилламайдур. Супага ўлтурғондин кейин бир аҳволда бўлди. Чунончи, қўлларин тиззаларига қўйғон, бошини кўкрагига тушурғон, кўзини очмай бўғзига бир нарса тиқилғондек сесканиб ўлтурди.

Матрёна жим турди. Семен анга айтди:

— Эй Матрёна, магар сан худодин қўрқмайсанми? — деб.

Матрёна бул сўзни эшитиб мусофирга қаради ва ногоҳ они кўнгли тинчланди. Матрёна эшикдан қайтди. Печ бўлғон бурчакка келди ва таомни олди ва устул устига тавоқни қўйиб нонни қолғонини қўйди. Пичоқ ва қошиқберди ва айтди:

— Энди ейингиз, — (деди).

Семен мусофирга:

— Эй йигит, таомга яқинроқ ўлтур, — деди.

Семен пичоқ бирла нонни кесиб андин кейин қўл бир-

лан ушотиб товоққа солди ва иккиси ея бошлашдилар. Лекин Матрёна стулнинг бурчагига ўлтурди. Қўлига суяниб мусофирга қарайдур ва Матрёна мусофирга раҳми келди ва ногоҳ мусофир хурсанд бўлуб сесканиб (тўхтаб) Матрёнага кўзини очиб қараб табассум қилди. Таомни еб бўлдилар.

Матрёна дастурхонни олди ва мусофирдин сўрай бошлади:

— Сен қайси жойдин сан?

Мусофир айтди:

— Мен бул жойлик эмасман.

Матрёна айтди:

— Нечук сан йўлга келдинг.

Мусофир айтди:

— Муни айтиб бўлмайдур.

Матрёна сўради:

— Санга ким зулм қилиб кийимингни олди.

Мусофир айтди:

— Манга худо жазо берди.

Матрёна сўради:

— Шул тариқа бирлан сан яланғоч ўлтурдингму?

Мусофир айтди:

— Шул тариқа бирлан ман яланғоч ўлтурдим, тўннга бошладим. Семен кўруб раҳм қилиб ўз ўстидин камзулини ешиб манга кийдуруб мунда келмоққа буюрди ва мунда сан мани тўйдурдинг, раҳм қилдинг, худо сақласун сизни,— деди.

Матрёна супадин турвб ўзи ямағон Семеннинг эски куйлагини олиб мусофирга берди. Яна иштонини топиб айтди:

— Мана ол, ман кўраманким, санинг куйлагинг ҳам йўқ. Кийиниб қайси жойни яхши кўрсанг шунда ётғил: ё печь устида, ё бошқа жойда,— деди.

Мусофир камзулни ешиб, кўйлак-иштонни кийиб ётди.

Андин кейин Матрёна чироғни ўчуруб ўз жойига ётди. Матрёна ётиб мусофир хусусида ўйлади. Нонни охирги қолғонини мусофир тамом еб қўйди ва эртага бошқа нон йўқ эканини ва анга кўйлак-иштон берганини эсиға олиб анга хафа бўлалди ва лекин мусофирнинг табассум қилғонини ўйласа они кўнгли хурсанд бўлади. Кўп узоқ вақт Матрёна ухламади. Ва билиб турубдурки, Семен ҳам ухламайдур ва анга айтур:

— Эй Семен,— деди. Ул «лаббай», деди. Матрёна айтди:

— Сиз охирги нонни егансиз. Ва мен хамир қилғоним йўқ ва эртага нечук бўламиз, маң билмайман. Магар қўшни хотундин сўрайман,— деди.

Семен айтди:

— Агар тирик бўлсоқ тўқ бўлурмиз,— деди.

Матрёна бир оз вақт жим туруб айтди:

— Шундоқ бўлса ҳам албатта мусофир яхши одамдир. Лекин нима сабабдин ўз хусусида айтмайдур,— деди.

Семен айтди:

— Албатта, мумкин эмасдур, Матрёна чақирди:

— Эй Семен!

Ул «лаббай» деди. Матрёна айтди:

— Биз бошқа одамларга ўзимизникини берамиз. Лекин бизга ҳечким бермайдур. Сабаб нимадур.

Бул сўзга нечук жавоб беришни Семен билмади ва айтди: — Гаплашмоқ бўлди эмди,— деди.

Бир ёнига бурулиб ухлади.

4

Эртага Семен уйғонди. Болалари ухладилар ва хотунни қўшнига қарз нон олмоқ учун борди ва мусофир эски кўйлак-иштон бирла супа устида ўтуруб юқориға қарайдур ва они юзи кечаги кунға қараганда бу кун ёруғроқдур. Семен ондин сўради:

— Эй жоним, қурсоққа нон керак ва яланғоч баданга кийим керак, қандай касб биласан? — деб.

Мусофир айтди:

— Мен ҳеч нимани билмайман, — деди.

Семен таажжубга қолиб айтди:

— Хоҳласанг билурсан. Одамлар ҳар нимага ўргандилар.

Мусофир айтди:

— Агар одамлар касб қилғон бўлсалар мен ҳам бир касб қилиб тураман,— деди.

— Санинг отинг нимадур? — деди. Ул «Михаил» деди.

Семен айтди:

— Сан ким эканингни айтмайсан. Бул санинг ишингдур, Шундоқ бўлса ҳам таом ва кийим санга керакдур.

Ман нима этганимни ишласанг ман сени тўйдураман,— деди.

Мусофир айтди:

— Худо сақласун сани. Ва мен ўрганиб тураман,— деди.

Шул вақтда Семен ип олиб бармоқлариға ўраб эша-бошлади. Айтди:

— Қарағил, бул иш қийин эмасдур.

Михаил қаради, ўз бармоқлариға ип ўради, тез ўрганиб ипни эшди.

Андин кейин Семен қора мумни сурмоқни ўргатди ва Михаил бир дафъада ўрганди. Семен этикни начук тикишини кўрсатди ва Михаил шул замон ўрганди. Ҳар қандоқ касбни Семен ўргатса, Михаил ҳаммасини бир дафъада ўрганиб бўлди ва икки кундан кийин кўп йил этикчи бўлғондек тика бошлади. Михаил букилиб орқасини тикка қилмасдин ишлади. Иш бўлмаган вақтда жим туруб юқорига қарайдур. Кўчага чиқмайдур, ортуқ сўз сўзламайдур, ҳазиллашмайдур ва кулмайдур. Анинг бир мартаба анга Матрёна аввалғи кечада таом берган вақтда кулганлигинигина кўрдилар.





К

БИР МУСАҲҲАР ҚИЛИНГАН ДАРАХТЗОР

(немис халқ эртаги)

Адимги вақтларда турган немисларни орасида шул тариқа ҳикоя бор эканким, бир замонда ниҳоятчи чиройли ёш шаҳзода ўзларининг навкарлари ва расмий камон отадурган хизматкори бирлаң узоқ вақт бир жойдин бир жойга саёҳат қилиб ўз хоҳишларини яхши фаҳмламай ва мақсудиға етолмай охири бир нотайин иқлимға келубдур ва ўшал иқлимда шаҳзода ўз ҳамроҳлари бирлан ҳар хил кўп сувлари бор дарёдин ва катта саҳролардин ва баланд тоғлардин ўтуб ҳеч бир мавзигда одам турадурғон иморат ва ободонликни кўрмабдур. Ва лекин кўб саёҳат қилғондин сўнгра мазкур шаҳзодани олдида ниҳоятда катта ва васиъ дарахтзор кўрунди. Ва ўшал дарахтзорни бир тарафида бир кичкина иморат бор экан ва мазкур иморатдин бир узун оқсоқоллик қари одам чиқиб шаҳзодага салом берибди.

Шаҳзода ул қари одамни кўруб: — «Сан кимсан?» деб савол қилди.

Ўшал қари одам жавоб берибдурким:

— Ман ювош ва ҳеч нимани хоҳламайдурган зоҳидман, рўза тутуб ва намоз ўқуб ва индамай туруб умр ўткараман, — дебдур.

Ва шаҳзода яна сўрабдур:

— Бизнинг олдимиздағи дарахтзор хусусида нима баён қиласиз, — деб.

Мазкур қари зоҳид жавоб бериб айтубдур:

— Эй жаноб шаҳзода, бул дарахтзор тасҳир қилингандур, — деб.

Ва шаҳзода сўрабдур:

— Ул тасҳир нимадиндур,— деб.

Зоҳид жавоб берибдур:

— Ушал дарахтзорни ичида ҳархил гуллар кўб ва агар бирор гулни узуб олсангиз ул гул чиройли қиз суратида бўладур; — дебдур.

Бул сўзни шаҳзоданинг навкарлари эшитиб кўп хурсанд бўлиб сўрабдирлар:

— Бул жоду кўб яхшидур, албатта. Саң ўзинг бул дарахтзор ичига кўб мартаба боргандурсан,— деб.

Баъзи навкарлар келиб савол қилдилар. Ва навкарларнинг ичидин ёшлари айтдилар:

— Эй шаҳзода, вақтни ўткармак керак эмас! Тезлик илан мазкур дарахтзорни ичига бориб онда ёш ва чиройли ва хушбўй қизларни топиб олурмиз — дебдурлар.

Ва лекин шаҳзода кўп фикру хаёл қилгондин жавоб бермай ва индамай турар экан ва охири айтибдур:

— Аввало дарахтзорни ичига камон отадургон одамларгина борсун,— деб.

Ва муни эшитиб навкарлар ва совут кийиб тургон одамлар хафа бўлуб шаҳзодадин рози бўлмабдур. Ва шаҳзода муни кўруб сўрабдур:

— Маним навкарларим нимадин норози бўлдилар,— деб.

Ул вақтда тезлик илан бир навкар жавоб берди:

— Сиз шаҳзода бу тариқа таажжублик дарахтзорни расмий камончиларнинг қўлларига топшурасиз деб, бизлар ҳайрон бўлдук. Зероки, мазкур расмий камончилар баланд даражада хушбўйлик гулларни узуб олса биз навкарларга яхши гул қолмаса керак. Аммо ўшал расмий камончиларга паст даражадаги гуллар кифоя қилса керак, деб.

Шаҳзода айтибдур:

— Сизлар хафа бўлманг, яхши гуллар яхши одамларга тегадур, — деб.

Андиң кейин камончилар дарахтзорни ичида бирор ёмон ҳодиса бўлмасун, деб камонларини тортиб дарахтзорни ичига киргандин сўнгра уларнинг оёқларини овози эшитилмай қолди.

Ва шаҳзода навкарлари бирлаң кечқурунғача ул камончиларни кутуб турар экан. Камончилар ул вақтғача қайтмабдур. Офтоб ботгандин сўнгра ул дарахтзордин бир камончи югуруб келибдур ва ўшал камончини бўлак камончилар зоҳид деб айтар эдилар. Зероки,

анинг хўраги доимо қуруқ нон бирлан сув экан ва уйқу вақтида тўшаксиз ерга ётар экан. Ва уруш вақтида мазкур камончи анга яқин келган душманни қучоқлаб: «Сен манга биродар» деб ўлдурмай ва ҳеч кимга ўқ отмас экан.

Бу камончи шаҳзодага келиб камонини шаҳзоданинг оёқларига ташлаб ўзи ҳаракат қилмай турди.

Шаҳзода сўради:

— Сенинг бирлан борган ҳамроҳларинг қайда қолди, — деб.

Мазкур камончи жавоб бериб айтди:

— Эй тақсир, манум ҳамроҳларим бари нобуд бўлди. Нечукким, дарахтзорнинг олдидан бир чақирим масофатлик яқин борганда биз кўп қизил ранглик гулларни кўрдук. Мазкур гулларни кўруб манум ҳамроҳларим камонларини ташлаб икки қўллари бирлан ул гулларни узмоққа ҳаракат қилдилар. Ва ҳар хил узулган гул яланғоч ва чиройли қиз сувратида бўлди. Ва ўшал қизлар одамизоддек эмас. Қаҳ-қаҳ илан кулуб мазкур камончиларни ушлаб дарахт ичига тортдилар. Ва ман аларни йиғлаганин эшитдим. Ва лекин ўзум мазкур балодин қутулдум. Зероки, манум камоним қўлумда тайёр эди ва ҳар қаю қиз мани ушламоққа қасд қилғонда ман тезлик ила камонни кўрсатиб ўқ отмоқ бўлдум, бул тариқа илан ман ўзумни холос қилдим ва кўп вақт ул жойда туруб манум ҳамроҳларимни ҳечбир кўролмай қолғонимдин сўнгра ман дарахтзор ичидин қочмоққа қасд қилиб сиз тақсирни олдингизга келдим. Энди шаҳзода, сиз манум ҳамроҳларимга ёрдам беринг. Ушал шайтон қизларни қўлидин ҳамроҳларимни холос қилгайсиз, — деди.

Шаҳзода айтди: — Йўқ, ул камончилар тамом хурсандлиқни ва инъомларни яхши кўрсунлар, — деб.

Ул вақтда навкарлар қаҳ-қаҳ илан кулуб айтдилар:

— Албатта, бул эшонзода ўз аҳволотиға қараб фикр қиладур. Ул албатта, қизларни яхши кўрмайдур ва анинг ҳамроҳлари мазкур чиройли қизлар билан яхши ўйнаб турғон бўлуб ва бўлак ҳодиса бўлмаган бўлса керак ва биз ҳам мазкур жойға тезлик илан борсакмукин? Албатта бизларнинг учун бул тариқа катта дарахтзорни ичида яхшироқ гуллар топилса керак, — дебдилар.

Шаҳзода айтибдур:

— Эй навкарларим, эмди кеч бўлди, сизлар ўзингиз биларсиз, офтоб ботқондин сўнгра тамоми гуллар гунча бўлуб чиройликлигини беркитодур,— деб.

Навкарлар норози бўлуб ўзларини қилич-қалқонларини шаҳзодага қаратиб айтдилар:

— Тақсир, дарахтзор ичида созлиқ жойда гуллар бордур. Мазкур гуллар кундузи ухлагандек турадур, ва ой чиққан вақтда мазкур гуллар қизил ва оқ ва олтун ранглик гулларини кўрсатадур. Эмди осмонга қарангларким, ой баланд жойга кўтарилиб кумуш ранглик дарахтларни намоён қиладур ва биз дарахтзорга борамиз,— дебдурлар.

Шаҳзода айтибдур: — Хуш борасиз,— деб.

Ўзига чодир тикмоққа буюруб, бир оз таом тановул қилиб, ондин кейин намоз ўқуб тинч ва осойишталик илан ухлабдур.

Ва бўлак қолгон шаҳзоданинг яқин ҳамроҳлари ўт ёқиб бир-бирлари бирлан суҳбатлашиб ухламай шаҳзоданинг кутуб туруб сўзлашуб, баъзилари айтдилар:

— «Ман оқ гулни хоҳлайман», ва баъзи айтди: — «Ман қизил гулни хоҳлайман» — ва баъзи айтди: «Би-нафша ранг гулни хоҳлайман», ва баъзиси айтди: «Сунбулни хоҳлайман» — деб.

Шул тариқа ҳисоблаб баъзиларини аччиғи келиб ва қичқиришуб овозлари бойланиб тонг отқунча ухламай ўтурубдурлар.

Тонг отгандан сўнг шаҳзода уйқудин уйғониб чодирдин чиқиб кўрибдурким, тўқайдин уч адад навкар чиқиб оҳиста-оҳиста шаҳзода тарафига яқин келиб найзаларини шаҳзодага таъзим учун паст қилиб тўхтаб турубдур.

Шаҳзода алардин сўради:

— Сизларнинг бўлак ҳамроҳларингиз қайда,— деб.

Мазкур уч навкар хафалик илан жавоб бердиларким,— ўшал бўлак ҳамроҳларим ботқоқсоз жойда вафот тобди. Нечукким тўқайдин бизлар бир неча узоқ жойга кетиб қолдик. Охири бизларни олдимизда қамишзор жой пайдо бўлуб ва ўшал қамишни устида ниҳоятда қалин туман бўлди.

Ўшал ботқоқ отларимизни оёғини остида билқиллаб ва биз юроммай ҳайрон бўлуб тўхтаб қолдук. Дафъатан дарахтларни орасидан ойнинг ёруғи кўрунуб ўшал ботқоқ жойни ёруғ қилди. Ва биз ниҳояти чиройли ва кўб

ҳар хил гулларни кўрдук. Ушал вақтда ҳамроҳларимиз бизнинг илтимосга қарамай ул созлик жойни ўртасига чопдилар. Дафъатан баъзилари отлари бирлан ўшал ботқоқ жойга ботиб кўринмай қолди ва баъзиси отларидин ўшал гулларни қўл билан ушламоқ учун югуруб ҳар қадам босганда лойга ботиб қолди ва ўшал навкарлар қўрқуб ул жойдин қайтиб чиқмоқ бўлуб эди ва лекин лойдин ўзларини тортиб олмоққа қуввати бўлмай тамоми аъзоси то оғзигача ботиб, ўшал бадбўлик лой тўғри оғзига кириб ҳалок бўлдилар. Ва баъзилари муни кўруб, оғир аслаҳаларини ташлаб, калка ётиб қўл бирлан ул гулларни узубдурлар.

Ушал вақтда мазкур гуллар тўғри оқбаданлик ва чиройли юзли қизга мубаддал бўлуб ўшал навкарларни кучоқлаб, тўғри ботқоққа ётиб, ботиб кетдилар. Албатта, бул қиз эмас ва ёмон жин бўлуб хандаи қаҳқаҳа илан кулиб ул навкарлар бирлан кўрунмай қолди. Ва биз бул воқияни кўруб қўрқуб ва хафа бўлуб тезлик илан ул созлик жойнинг атрофидин тўқойдан чиқмоққа ният қилиб сиз жанобга келдук. Эй зоти муноввар шаҳзода, сиз улур даражаликка биз навкарлардин кўб илтимос шулдурким, бул тасхир қилинган дарахтзор ичига бормагайлар,— деб.

Бул сўзни эшитиб шаҳзода ҳузурларида бўлган навкарлар хандаи қаҳ-қаҳ айлаб айтдилар:

— Сиз ёлгон айтасиз ва бизлар сизга ҳеч ишонмаймиз, албатта. Сизлар бизни аддаб бизга тўғри айтмайсиз. Тўқайни ичида қолгон навкарлар ўзлари тамоми гулларни яъни чиройли қизларни олуб ишрат қилмоққа хоҳлайдур, деб гумон қиламиз. Ва агар ўшал навкарлар дарҳақиқат ботқоққа кириб вафот тобсалар ҳам биз нодон эмасмиз. Эмди кундузи ёруқ бор вақтда бизлар батқоқ йўлдин бормай қуруқ тақир йўлдин борамиз,— деб айтдилар.

— Эй шаҳзода, борайлик, — дедилар.

Ва лекин шаҳзода жавоб берди:

— Йўқ, биз бормаймиз ва бизнинг бирлан бул йўлдош ва итоат қилувчи мерган ва бизга эътиқодлик навкарларимиз бирлан бул жойда қоламиз ва тўқойга бормоққа хоҳлаган одамлар ўз ихтиёрлари бирлан борсунлар,— деб.

Андин сўнгра баъзи навкарлар шаҳзодага таъзим айлаб ва телпакларини бошидан олиб салом бериб тезлик

илан отлариға миниб тўқай ичиға жўнадилар. Ва шаҳзода бир кун, икки кун ва уч кун ул навкарларни кутуб туруб тоқат қилмай онинг бирлан қолгон навкарларға от тайёрламоққа буйруқ қилди. Отлар тайёр бўлғонидин сўнгра шаҳзода отга миниб анга эътиқодлик уч навкар юқорида зикр бўлғон итоатлик мерган илан оҳиста-оҳиста ва ҳеч бир овоз қилмай ул тўқай ичиға кирди.

Мазкур тўқай ичида дарахтлари ададдин кўп ва ниҳоят қалин ва тўғри ва яхши устунлардек тўғри кўкориб турар экан. Мазкур дарахтларни шохлари бир-бирига вобаста бўлуб, гўёки томдек бўлуб ва баъзи жойлардагина барг орасидан офтоб ёруғи тушар экан ва ерга дарахтлардин кўп хазон тўкулуб отларнинг оёғи ул хазонга ботор экан. Ва ҳеч ким овоз қилмай, аслаҳаларинигина овози чиқар эди.

Бул тариқа тинчлик ва оҳисталик ва хафалик хаёлат илан хавф қилиб шаҳзода ичкарироқ борибдур. Дафъатан ўшал дарахтлар шаҳзодаға кенг ва восиъ йўл бериб катта саҳн очилибдур ва мазкур саҳнни атрофида кўп қизил гуллик гиёҳлар бор экан. Ва ҳар хил капалак бир гулдан бир гулга учиб ўтуб ва баъзи ҳашаротлар юрар экан. Ва офтобнинг шуъласи яхши иссиғлигини бериб хушбўйлик насим димоғларға тегиб хурсанд бўлдилар. Ушал гиёҳларни ичида бир тор йўл кўрунар эди. Ул йўлни кўруб мазкур итоатлик мерган қўрқунч илан айтибдур:

— Эй шаҳзода, бул гиёҳларни ичида манум ҳамроҳларим аввал мартаба бориб тамом нобуд бўлдилар,— деб.

Шаҳзода ва навкарлар мазкур тор йўл бирлан бир қатор бўлуб оҳисталик илан юруб, хушбўйлик ҳаводин дам ва нафас олмоққа ҳам мушкул бўлуб, олдиға қараб шаҳзода олисдан бир оқ ранглик нимарсани кўрди. Они кўруб шаҳзода (отини) тўхотиб, қиличини қиндин чиқориб дарахт шохларини кўтариб ўз кўзи бирлан кўрубдурким, минг-минг тиконнинг ичида жароҳатлик ва бадбўйлик ўлук ётубдур. Ул ўлук аввал мартаба тўқойга борган беақл мерганларни бадани экан. Шаҳзода мазкур ўлукни ҳамроҳларина кўрсатиб (ди) ва анинг ҳамроҳлари қўрқунчдин титрабдур. Шаҳзода яна илгарироқ бориб янадин кўб қалин дарахтзор жойға кирдилар. Бирнеча чақирим бориб дарахтзор икки тарафга бўлуноб тўғри катта созлиқ ва қамишзор кўрунди. Ва баъзи

жойларда қамишнинг орасида ва чириган барг ва эгри дарахтлар бор экан.

Навкарлар айтдилар:

— Эй шаҳзода, бул созлик жойда бизнинг ҳамроҳларимиз вафот тобдилар,— деб.

Шаҳзода тор йўлни кўруб оҳишта ва ихтиётлик илан бориб, ул жойда отларнинг оёғини остида соз ва юмшоқ ер билқиллаб шаҳзода бешик тебратгандек тебраниб ва бадбўлик ҳаводин боши айланиб ва ташна бўлубдур. Ва ҳар хил ҳашарот мазкур созни устида учуб ингичка овоз қилиб мазкур шаҳзода ва анинг ҳамроҳларини чақмай, аларнинг овози оҳишта нағмагарнинг овозидек эшитилди. Ва атрофларида ҳар хил ранглик гуллар кўрунуб анинг барглари қизил ранг ва тилла ранг ва оқ ва кўк ранг бўдуб ўшал гуллардин кўб хушбўй асал томиб аларнинг кўнгиллариға таъсир қилди ва шаҳзода беихтиёр от жиловини тўхтатиб, эгарни қошини ушлаб отдин тушмоққа ният қилди. Анинг ҳамроҳлари ҳам шундоқ ният қилди.

Лекин шаҳзода қамишни орасида бир номаълум нимарсани кўрди. Ул нимарсага мулоҳаза солиб билибдурким, бул одамни боши экан. Кўп чумоли ва ҳар хил ҳашарот ул бошдин тамоми гўштини еб, баъзи жойларда ҳам гўштдин парча-парча қолиб, икки кўзи ҳам тирик одамнинг кўзидек ўз хонасидин чиқиб ерга осилиб турган экан.

Шаҳзода мазкур ваҳмалик бошни ўз ҳамроҳлариға кўрсатиб, отга қамчи бериб ва оёқларини тепиниб тезлик билан ул жойдин чопиб қочиб ўтубдур. Ва ул вақтда мазкур тасхир қилинган ёмон соз кўброқ тебраниб одамдек «оҳ-воҳ!» деб овоз берди. Ва мазкур созда ёмон моғоллаган сувни устида ёмон шиш пайдо бўлуб поқиллаб ёрилиб ёмон бадбўйлик чиқибдур ва сўна ва бўлак ҳашарот ўшал одамларни ва отларни чақибдур. Шаҳзода ва ҳамроҳлар бошиға дубулға кийиб ва юзлариға дубулға пардасини тушуриб ва отларини уруб тезлик илан ул ёмон жойдин ўтубдурлар.



МУҲДАРИЖА

Фузулий

Ғазаллар	9
Таржиъбанд	72
Таркиббанд мусаддас	73
Мураббаъ	74
Қитъалар	76
Рубойилар	79
Маснавий	81
„Лайли ва Мажнун“ достонидан	84

Махтумқули

Шеърлар	111
-------------------	-----

Сайёдий

„Тоҳир ва Зухра“ достонидан	128
---------------------------------------	-----

Саъқалий

„Баҳром Гулном“ достонидан	158
--------------------------------------	-----

Андалиб

„Лайли ва Мажнун“ достонидан	187
--	-----

Ризоий

„Хуршид ва Маликаи Дилором“ достонидан	205
„Гулфараҳ“ достонидан	219

Адабий таржималар

1. Форс-тожик тилларидан қилинган таржималар ҳақида	229
„Калила ва Димна“ китобидан. <i>Алмаий таржимаси</i>	231
„Тўтином“дан, <i>Худойдод Қодирий таржимаси</i>	248
„Алф лайла ва лайла“дан, <i>Сирожиддин Сидқий таржимаси</i>	261

Фирдавсий

„Шоҳнома“дан. <i>Хомуший таржимаси</i>	275
--	-----

Низомий ганжавий

„Баҳром бирла Дилором“дан. <i>Оғаҳий таржимаси</i>	295
„Чор дарвеш“дан. <i>Сиддиқ таржимаси</i>	300
„Чор дарвеш“дан <i>Хиромийнинг шеърӣ таржимаси</i>	318

Саъдий шерозӣ

„Гулистон“дан. <i>Оғаҳий таржимаси</i>	353
--	-----

Восифий

„Бадойиул-вақоийъ“ дан. <i>Диловархўжа таржимаси</i>	373
Мушук ила сичқон қиссаси. <i>Хислат таржимаси</i>	387
II. Рус адабиётидан қилинган таржималар ҳақида	398

А. С. Пушкин

Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак	403
Боқчасарой фонтани	408
Шоир	411

И. А. Крылов

Маймун билан кўзойнак	415
Арслон овда	416
Тулки билан узум	418

Л. Н. Толстой

Олло биледи, илло айтмайди	421
Одамлар нима бирлан тирик	430
Бир мусафҳар қилинган дарахтзор. (<i>Немис халқ эртаги</i>)	440

На узбекском языке

УЗБЕКСКАЯ ЛИТЕРАТУРА В 4-х ТОМАХ

ТОМ IV

Книга вторая

Гослитиздат УзССР — 1960 — Ташкент

Рассом А. Ошейко

Расмлар редактори Г. Остапенко

Техн. редактор Л. Ильина

Корректорлар: Н. Аҳрарова ва М. Абдуллаева

* * *

Босмахонага берилди 26.IV-1960 й. Босишга рухсат этилди 22.V-1960 й. Формати 84×108^м. Босма л. 14,0 шартнома л. 22,96 нашр. л. 21,98 Индекс к.а. Р01851 Тираж 25000. УзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартн ма 24—58.

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг 3-босмахонаси, Тошкент, Ленинград кўчаси, № 15, 1960 й. Заказ 186. Баҳоси. 8 с. 60 т.